

Ю16821  
39.

УЗБЕК ВА РУС  
ТИЛЛАРИНИНГ  
ЎЎСИЙ ГРАММАТИКАСИ

О. АЗИЗОВ, А. САФАЕВ, Х. ЖАМОЛХОНОВ


# ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКАСИ

(ФОНЕТИҚА, ЛЕКSIҚА,  
МОРФОЛОГИЯ ВА СИНТАКСИС)

Университетлар ва педагогика институтлари  
филология факультетларининг  
студентлари учун ўқув қўлланма


*ЎзССР Маориф ва олий таълим вазирлиги тасдиқлаган*

Тақризчилар: СССР Педагогика фанлари академиясининг  
мухбир аъзosi, филология фанлари доктори,  
профессор М. А. Асқарова, филология фанлари  
доктори А. Маҳмудов ва филология фанлари  
кандидати, доцент М. Р. Усмонова



10

Ю 16821  
394



## СЎЗ БОШИ

Биз ажойиб бир мамлакатда яшаймиз. Бу мамлакат халқлари турли тилларда сўзлашувчи кўп миллатли ягона оила аъзоларидир. Улар Коммунистик партия раҳбарлигида халқ хўжалигининг барча соҳаларида қисқа муддат ичида тарихда мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Совет халқлари елкама-елка туриб, бирга ҳалол меҳнат қилиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида улкан муваффақиятларни қўлга киритиб, инсониятнинг порлоқ келажаги — коммунизм сари дадил қадам босмоқда. Совет Иттифоқи халқларининг бундай улкан социал ютуқларга эришувида улуг рус халқи ва рус тилининг роли бениҳоя каттадир.

Рус тили мамлакатимиздаги барча халқларнинг қудратли алоқа воситаси бўлиши билан бирга, шу халқлар тилларининг давр талабига мос равишда такомиллашиб боришида асосий факторлардан биридир. Буни ўзбек тилининг барча структурал қисмларидаги ўзгаришлар мисолида яққол кўриш мумкин: ҳозирги ўзбек тили лексикасида мавжуд бўлган жуда кўп русча-интернационал сўз ва терминлар, баъзи сўзларнинг семантик структурасида содир бўлаётган ўзгаришлар, нутқ товушлари системасидаги янгиликлар ва ҳоказолар бунинг ёрқин далилидир.

Шунинг учун ҳам ўзбек ва рус тилларини қиёсий аспектда ўрганиш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Қиёсий ўрганиш ҳар икки тилнинг умумий ва хусусий томонларини аниқ тасаввур қилиш, улардан нутқда тўғри фойдаланиш имконини беради. Республикамиз олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида ҳамда ўқитувчиларнинг маънасини ошириш институтлари ва факультетларида қиёсий грамматика курсининг махсус фан сифатида ўтилатилганлиги ҳам ана шундай зарурат ва эҳтиёж туфайлидир.

Маълумки, ўзбек ва рус тилларининг грамматик тузилиши турли тил системаларига мансублиги билан характерланади. Хусусан, ўзбек тили агглютинатив тиллар группасига киради, шунинг учун сўзга ҳар қандай аффикс уланганда ҳам сўзнинг дастлабки шакли сақланади, маъносига путур етмайди, унга кетма-кет уланаётган аффиксал морфемалар бир-биридан осонлик билан ажралади.

Рус тили эса флектив тиллар группасига кириб, унда сўзлар дастлабки шаклида ҳам, маънодор қисмларга ажратилса-да, қисмлар бир бутун бўлгандагина тўлиқ маъноли сўз бўла олади.

Қўлланмада ўзбек тилига хос лексик-семантик ва фонетик ҳодисаларни ҳамда морфологик ва синтактик категорияларнинг муҳим грамматик хусусиятларини рус тилининг лексикасига ҳамда фонетик ва грамматик тузилишига таққослаб очиб беришга ҳаракат қилинди, ўзбек тилига хос бўлган грамматик категорияларнинг маъноларини рус тили грамматик воситалари орқали ифодалаш имкониятлари кўрсатилди.

Дарслик университетлар ва педагогика институтларининг филология факультетлари студентларига мўлжалланган бўлиб, ундан ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва факультетларининг тингловчилари, аспирантлар, илмий ходимлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Китобда баъзи камчилик ва нуқсонларнинг бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шулар ҳақида фикр ва мулоҳазаларини билдирган ўртоқларга муаллифлар ўз миннатдорлигини изҳор қилади.

*Профессор О. Азизов.*

**Фонетика** (гр. *phone* сўзидан) тилшуносликнинг бир бўлими бўлиб, тилнинг товуш томони — нутқ товушлари, урғу, бўғин, интонация ва шулар билан боғлиқ бўлган турли фонетик процесслар ҳақида маълумот беради.

Фонетика нутқ товушларини уч хил нуқтаи назардан — физик, физиологик ва социал жиҳатдан ўрганади. Шунинг учун унинг уч аспекти — акустик, артикуляцион ва функционал аспектлари мавжуд.

1. Акустик аспект. Бунда нутқ товушларининг физик томони — ҳаво оқимининг тўлқинланиши, товушнинг баландлиги, кучи, тембри, чўзиқ-қисқалиги, овоз ва шовқиннинг иштироки ўрганилади.

2. Артикуляцион аспект. Бунда нутқ товушларининг ҳосил бўлишида нутқ органларининг ҳаракати ва ҳолати — артикуляцияси ўрганилади.

3. Функционал (лингвистик) аспект. Бунда нутқ товушларининг ижтимоий (социал) роли — фикр алмашиш процессидаги ўзига хос вазифалари ўрганилади.

Ўзбек ва рус тилларининг фонетик қурилишига қиёсий хarakterистика берилганда фонетиканинг ана шу уч аспекти албатта ҳисобга олинishi керак.

**Фонема** — морфемаларни, сўз ва унинг грамматик формаларини ўзаро фарқлаш хусусиятига эга бўлган товуш тури. Масалан, ўзбек тилида *тиш* ва *қиш* сўзларининг маънолари шу сўзлар таркибидаги *т* ва *қ* товушлари воситасида, рус тилидаги *тол* ва *толь* сўзларининг маънолари эса қаттиқ *л* ва юмшоқ *л'* товушлари — фонемалари воситасида фарқланмоқда. Шунингдек, рус тилидаги *вол* (*хўкиз*) ва *вал* (*уюм*) сўзларининг кўплиги бир хил (*валы*) талаффуз қилинади, ammo ўзақлардаги *о* (*волы*) ва *а* (*валы*) фонемалари уларнинг маъноларини фарқлаш имконини беради. Демак, фонемалар ўз фонетик позициясига қараб турлича талаффуз қилиниши ҳам мумкин, бироқ бунда уларнинг сўз ва сўз формаларини дифференциялаш хусусияти йўқолмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида 31 та фонема бор: *а, б, в, г, д, ж, дж, з, и, й, к, л, м, н, н(нг), о, п, р, с, т, у, ф, х, ц, ч, ш, э, ў, қ, ғ, ҳ*; рус тилида эса уларнинг сони 42 та: *а, б, б', в, в', г, г',*

д, д', ж, з, з', и, й, к, к', л, л', м, м', н, н', о, п, п', р, р', с, с', т, т', у, ф, ф', х, х', ц, ч, ш, щ, ы, э. Демак, ўзбек ва рус тиллари фонемалар миқдори жиҳатидан ўзаро фарқ қилади. Қуйидаги жадвалга қаранг:

Тилнинг номи	Унлилар миқдори	Ундошлар миқдори	Жами
Ўзбек тили	6	25	31
Рус тили	6	36	42

### 1-§. Унлилар системаси (Вокализм)

Ўзбек ва рус тилларининг ҳар иккаласида 6 тадан унли фонема бор. Ўзбек тилида: **и, э, а, у, ў, о**; рус тилида: **и, э, а, у, о, ы**<sup>1</sup>. Бу унлилар ҳар иккала тилда уч томондан классификация қилинади:

1. **Лабларнинг иштирокига кўра (по положению губ).** Бу жиҳатдан унлилар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам икки гурпуага ажратилади:

а) лабланган унлилар (гласные лабиализованные или огубленные). Бунга ўзбек тилида **у, ў, о** унлилари, рус тилида эса **у, о** фонемалари киритилади. Бу унлиларни ҳосил қилишда ҳар иккала тилда лаблар актив иштирок этади;

б) лабланмаган унлилар (гласные нелабиализованные или неогубленные). Бунга ўзбек тилида **и, э, а**, рус тилида эса **и, э, а, ы** фонемалари киритилади. Бу унлиларни ҳосил қилишда лаблар иштирок этмайди.

2. **Тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра (по ряду, т. е. по горизонтальному движению языка).** Бу жиҳатдан унлилар ўзбек тилида иккига, рус тилида эса учга ажратилади:

а) олд қатор унлилар (гласные переднего ряда). Бу типга ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам **и, э, а** унлилари киритилади;

б) орқа қатор унлилар (гласные заднего ряда). Бу типга ўзбек тилида **у, ў, о**, рус тилида эса **у, о** фонемалари киритилади;

в) аралаш қатор унли (гласные смешанного ряда). Бу тип унлига фақат рус тилидаги **ы** фонемаси киритилади. Бу фонеманинг талаффузида икки хил ҳолат бор. Биринчи ҳолатда: тилнинг учи, ўртаси ва ўзаги орқага тортилади. Масалан: *бык, мыло*. Иккинчи ҳолатда: тилнинг учи олдинга силжиб, настки тишларга яқинлашади, аммо тил ўзаги бўғиз томонга тортилади. Масалан: *сыр, тыква*.

Ўзбек тилида **ы** фонемаси йўқ.

<sup>1</sup> Грамматика русского языка. Академ. изд., т. I, М., 1960, с. 49.

3. Тилнинг вертикал ҳаракатига кўра (по степени подъема языка). Бу жиҳатдан унлилар уч гурпуага ажратилади:

а) юқори тор унлилар (гласные высокого подъема). Бунга ўзбек тилида **и, у**, рус тилида эса **и, у ы** фонемалари киритилади;

б) ўрта кенг унлилар (гласные среднего подъема). Бунга ўзбек тилида **э, ў**, рус тилида эса **э, о** унлилари киритилади;

в) қуйи кенг унлилар (гласные низкого подъема). Бунга ўзбек тилида **а, о** унлилари, рус тилида эса фақат **а** унлиси киритилади.

Қуйидаги жадвалга қаранг.

Тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра	олд қатор	орқа қатор	аралаш қатор	Ўзбек тилида рус тилида
	<b>и, э, а</b> <b>и, э, а</b>	<b>у, ў, о</b> <b>у, о</b>	— <b>ы</b>	

Тилнинг вертикал (тик) ҳаракатига кўра	юқори тор	ўрта кенг	қуйи кенг	Ўзбек тилида рус тилида
	<b>и, у</b> <b>и, у, ы</b>	<b>э, ў</b> <b>э, о</b>	<b>а, о</b> <b>а</b>	
Лабларнинг иштирокига кўра	лабланган	лабланмаган		Ўзбек тилида рус тилида
	<b>у, ў, о</b> <b>у, о</b>	<b>и, э, а</b> <b>и, э, а, ы,</b>		

## 2-§. Унли фонемалар характеристикаси (Характеристика гласных фонем)

**и фонемаси.** Бўғин типларига ва позициясига қараб турли оттенкаларга эга бўлади. Хусусан:

1. Тўла очиқ ёки охири ёпиқ бўғин сўз бошида урғусиз келганда **и** ундоши ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам олд қатор, юқори тор унли бўлади, акустик жиҳатдан деярли фарқланмайди:

**Ўзбек тилида**

*ивимоқ*  
*идиш*  
*ишонч*  
*истак*  
*издош*

**Рус тилида**

*Иван*  
*иде́шь*  
*ише́мия*  
*исто́к*  
*издаёшь*

2. Ўзбек тилида **и** унлиси сўз бошида урғули бўғин ҳосил қилмайди. Демак, **и** унлиснинг бундай позицияда урғули бў-



фин ҳосил қилиб келиши фақат рус тилида учрайди. Бундай пайтда рус тилидаги и олд қаторлигича қолади, аммо ўзбек тилидаги и унлисига қараганда бир оз торроқ (юмуқроқ) товуш бўлади, чўзиқроқ ва кучлироқ талаффуз этилади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

Рус тилида

<i>идорá</i>	<i>йдол</i> (бут, икона)
<i>иморáт</i>	<i>йменно</i>
<i>ичимли́к</i>	<i>йчиги</i> (маҳси)
<i>изгирй́н</i>	<i>йзгородь</i>
<i>имло́</i>	<i>ймпульс</i>
<i>индй́н</i>	<i>йндекс</i>

Бундай акустик-артикуляцион тафовутлар рус тилининг ўзида ҳам мавжуд: *именá* — *ймя*, *инёртностъ* — *йней*, *прис* (конфет) — *йрис* (ўсимлик) каби.

3. Сўз бошида ёки ўртасида очиқ (боши ёпиқ) бўғинда қўлланганда:

а) урғусиз бўғинда: ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам олд қатор, юқори тор (урғули бўғиндаги и унлисидан бир оз кенг) унли бўлади, аммо акустик жиҳатдан ўзбек тилидаги и рус тилидаги и унлисидан анча кучсиз (қисқа) талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

Рус тилида

<i>бирóқ</i>	<i>бiryozá</i>
<i>билáн</i>	<i>билéт</i>
<i>сирá</i>	<i>сиротá</i>
<i>бирикмóқ</i>	<i>бирйóчина</i>
<i>синáмóқ</i>	<i>синéтъ</i>

б) урғули бўғинда: ҳар иккала тилда бундай позицияда келган и тил олди, юқори тор унли бўлади ва чўзиқроқ (кучлироқ) талаффуз этилиши билан характерланади, аммо ўзбек тилидаги и унлисининг бундай фонетик позицияда қўлланиши жуда кам (асосан, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларда, шунингдек, баъзи равишлар, юкламалар ва модал сўзлардагина) учрайди. Масалан, ўзбек тилида: *ҳамйша*, *ахйри* (*ахйр* юкламасининг экспрессив-стилистик варианты); рус тилида: *химйческий*, *синонимйческий*, *сказйтель* каби.

4. Сўз охирида урғусиз тўла ёпиқ бўғинда қўлланганда ҳар иккала тилда тил олди, юқори тор унли бўлади. Ўзбек тилида сўзнинг охириги бўғини, асосан, урғули бўлади, шунинг учун охириги бўғиннинг урғусиз қўлланиш ҳоллари маҳсус нутқий-стилистик мақсаддагина юзга келади. Масалан: *Биз студентмйз*. — *Биз студéнтмйз* каби. Кейинги мисолда логик урғу *студент* сўзига тушиб, унинг алоҳида таъкидланишини таъминламоқда, натижада сўз урғуси ҳам сўзнинг охириги бўғинига эмас, ундан олдинги бўғинга тушмоқда. Бундай пайтда ўзбек тилидаги и қисқа ҳамда ур

гули бўғиндаги **и** унлисига қараганда бир оз кенгроқ талаффуз қилинади. Яна мисоллар: *ишчїмиз*, *студентдир*, *колхозчїдир* каби. Рус тилидаги **и** ҳам бундай фонетик позицияда ўзбек тилидаги **и** унлисидан деярли фарқланмайди: *скептик*, *брáтик*, *бублик*, *плáстик*, *плéнник*, *рóсписъ*, *фáзис* каби.

5. Сўз охирида урғули тўла ёпиқ бўғинда келган **и** ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам олд қатор ва юқори тор унли бўлади, урғусиз бўғиндаги **и** унлисидан чўзиқроқ (кучлироқ) ва торроқ талаффуз қилиниши билан фарқланади. Аммо унинг ўзбек ва рус тилларидаги чўзиқлик даражаси бир хил эмас: рус тилидаги **и** ўзбек тилидаги **и** унлисига нисбатан чўзиқроқ ва юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*метїн*  
*олтїн*  
*овсїн*  
*яшїн*

**Рус тилида**

*никотїн* (никоти:н)  
*карантїн* (каранти:н)  
*апельсїн* (апельси:н)  
*крепдешїн* (крепдеши:н)

6. Ўзбек тилида **и** унлиси сўзнинг сўнгги очиқ бўғинида (боши ёпиқ бўғинда) албатта бир оз кенгайиб, юқори тор **и** билан ўрта кенг **э** товушлари орасидаги унли сифатида талаффуз қилинади. Масалан: *кетдик* (кэттік) — *кетди* (кэттё), *бордик* (бэрдік) — *борди* (бэрде) каби. Рус тилида эса у юқори тор унлигича қолади. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*айтди* (эйттё)  
*тепки* (тепкё)  
*маҳси* (мэхсё)  
*шоти* (шэте)

**Рус тилида**

*идтї* (*иттё* эмас)  
*конькї* (*кан'кё* эмас)  
*таксї* (*таксе* эмас)  
*пойтї* (*пайте* эмас)

7. Бир бўғинли сўзларда ўзбек тилидаги **и** рус тилидаги **и** унлисидан қисқароқ ва кенгроқ талаффуз қилинади. Масалан:

**Ўзбек тилида**

*биз* — *біз* («олмош»)  
*бил* — *біл* («билмоқ»)  
*виз* — *віз* («визилламоқ»)  
*дил* — *діл* («юрак»)

**Рус тилида**

*бис* — *бі:с* («бис»га чақирмоқ)  
*бил* — *бі:л* («урди»)  
*визг* — *ві:зг* («шовқин»)  
*вид* — *ві:д* («қиёфа»)

8. Ўзбек тилида **и** унлиси тил ўрта й ундоши билан ёнма-ён келганда чўзиқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: *тил* (тіл) — *тий* (ті:й), *кишт* (кішт) — *кий* (кі:й), *чит* (чіт) — *чий* (чі:й), *бир* (бір) — *бий* (бі:й) каби. Й олдидаги **и** унлисининг чўзиқ талаффуз этилиши кўп бўғинли сўзларнинг урғусиз бўғинида ҳам учрайди. Бу ҳодиса ўзбек ва рус тилларининг иккаласига ҳам хос:

## Ўзбек тилида

тийин  
кийим  
кийик  
чийилламоқ

## Рус тилида

радий  
коллодий  
химический  
гербарий

9. Ўзбек тилида **и** унлиси чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошлари билан ёнма-ён қўлланганда, унинг орқа қатор унлига хос оттенкаси (комбинатор варианты) юзага келади. Қиёс қилинг: *кишт — қиш* (кішт — қыш), *қир — қир* (кір — қыр), *ғир-ғир — ғир-ғир* (гір-гір — ғыр-ғыр), *ҳиммат — хирмон* (ҳиммат — хьрмон) каби. Ўзбек тилидаги **и** унлисининг бундай варианты рус тилидаги аралаш қатор **ы** унлисига яқин (ундан бир оз орқароқда) талаффуз қилинади, аммо рус тилидаги **ы** ўзи билан ёнма-ён турган ундошлар таъсирида юзага келмайди, балки мустақил фонема сифатида қўлланади. Қиёс қилинг: *бель — белый, гусь — гусыня, сударь — сударыня* каби. Фақат қаттиқ **ж, ш** товушлари таъсиридагина рус тилидаги **и** унлисининг орқа қатор унлига хос оттенкаси юзага келиши мумкин, чунки рус тилида **ж, ш** ундошларининг юмшоқ вариантлари йўқ: *жить* (жът'), *шить* (шьт'), *жизнь* (жъзн') каби.

10. Ҳозирги вақтда рус тилидан ўзбек тилига кўплаб русча-интернационал сўзлар ўзлашмоқда. Бу ҳол ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзлар қатламини юзага келтирган, натижада шундай сўзлар таркибида қўлланган **и** фонемасининг ҳар икки тил учун умумий бўлган акустик-артикуляцион белгилари пайдо бўлган: *идеал, ипподром, лингвистика, перспектива, директива, лирика, мимика, пирамида, олимпиада, физика* каби сўзлар таркибидаги **и** ҳар иккала тилда ҳам бир хил талаффуз қилинади.

**э фонемаси.** Сўз бошида ёлғиз ўзи урғусиз тўла очиқ бўғин ҳосил қилганда ёки охири ёпиқ урғусиз бўғинда қўлланганда ҳар иккала тилда олд қатор, ўрта кенг унли ҳисобланади, аммо рус тилидаги **э** унлисининг талаффузида тил билан танглай ўртасидаги оралиқ торроқ бўлгани учун у баъзан юқори тор **и** унлисига яқинроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

## Ўзбек тилида

эман  
эшик  
эмакламоқ  
энага  
эски  
эртақ

## Рус тилида

эмаль (> ималь)  
эшелон (> ишнлон)  
эмоция (> имоция)  
энергия (> инергия)  
эскиз (> искиз)  
эффект (> инфект)

Ўрта кенг **э** унлисининг рус тилидаги бундай артикуляцион хусусияти русча сўзларнинг ўзбек тилида, ўзбекча сўзларнинг эса рус тилида талаффуз қилинишига ҳам таъсир қилади. Хусусан, руслар жонли сўзлашувда ўзбекча *Эркин, Эргаиш* каби

исмларни *Иркин, Иргаш* деб, ўзбеклар эса *энергия, электр* сўзларини *инергия, иликтр* деб талаффуз қилишади.

Сўз бошида ёлғиз ўзи урғули тўла очиқ бўғин ҳосил қилганда ёки охири ёпиқ урғули бўғинда қўлланганда ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам урғусиз бўғиндаги э унлисидан чўзиқ ва кенгроқ (очиқроқ) талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>эндi</i> — <i>энди</i>	<i>эге</i> (ундов сўз) — <i>эдак</i> (равиш)
<i>эски</i> — <i>эски</i>	<i>эксперт</i> — <i>экспорт</i>
<i>эркин</i> — <i>эркин</i>	<i>этан</i> — <i>этика</i>
<i>эзиб</i> — <i>эзиб</i>	<i>эпизод</i> — <i>эпик, эпика</i>

Эслатма: Ўзбек тилида баъзи сўзларнинг маъносини алоҳида таъкидлаш ёки кучайтириш керак бўлганда сўзнинг охириги бўғинидаги урғу олдинги бўғинга олиниши мумкин (юқоридаги мисолларга қаранг). Аммо ўзбек тилида урғу, асосан, сўзнинг охириги бўғинига тушганлиги сабабли биринчи бўғини кўпинча урғусиз бўлади. Бундай пайтларда биринчи бўғини урғули бўлган русча сўзлардаги э ўзбек тилида сўз бошида урғусиз келган э унлисидан бир оз кенг (очиқроқ) ва чўзиқроқ талаффуз қилинади. Масалан:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>этик</i>	<i>этика</i>
<i>эртак</i>	<i>эра</i>
<i>эллик</i>	<i>эллис</i>
<i>экик</i>	<i>экспорт</i>

Рус тилида урғули бўғинда келган э нинг талаффузида тил билан танглай ўртасидаги оралиқ тораймайди, бинобарин, э унлиси и унлисига яқин талаффуз қилинмайди. Масалан, *энергия* сўзини *инергия* дейиш мумкин, аммо *этика, эра* сўзларини *итика, ира* деб бўлмайди, чунки кейинги мисоллардаги э урғули бўғинда қўлланган.

Боши ёпиқ бўғин сўз бошида ёки ўртасида қўлланганда:

а) урғусиз э ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам олд қатор, ўрта кенг, лабламанмаган унли бўлади. Бундай позицияда у қисқа, аммо тўла ёпиқ бўғиндаги э унлисидан кенгроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида		Рус тилида	
очиқ бўғин	ёпиқ бўғин	очиқ бўғин	ёпиқ бўғин
<i>беда</i>	<i>бет</i>	<i>медаль</i>	<i>медведь</i>
<i>кеча</i>	<i>кечмоқ</i>	<i>медовый</i>	<i>медпункт</i>
<i>метин</i>	<i>мерган</i>	<i>медянка</i>	<i>медвуз</i>
<i>текин</i>	<i>теккин</i>	<i>межа</i>	<i>междометие</i>
<i>мезана</i>	<i>мезбон</i>	<i>металл</i>	<i>метнуть</i>

Демак, э унлисининг бундай фонетик позициядаги акустик-артикуляцион хусусиятлари ўзбек ва рус тилларида бир-бирдан

жуда кам фарқ қилади: рус тилидаги *э*, баъзан, бир оз торроқ (и унлисига яқин) талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: ўзб. *кеча* — рус. *течѐт* (тич'ѐт), ўзб. *печак* — рус. *печѐт* (пич'ѐт) каби;

б) урғули *э* рус тилида бир оз кенг ва чўзиқ талаффуз қилинади: *тезис, тема, терем, Лена, сено* каби. Ўзбек тилида бу типдаги урғули бўғин деярли учрамайди.

Тўла ёпиқ бўғинда қўлланган урғусиз *э* унлисининг ўзбек ва рус тилларидаги артикуляцион хусусиятлари ўзаро фарқ қилади: бу товуш, гарчи, ҳар икки тилда ўрта кенг унли бўлса-да, рус тилида у бир оз торроқ, ўзбек тилида эса бир оз кенгроқ бўлади, шунинг учун рус тилидаги *э* бундай вазиятда и унлисига яқин талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*тезотар*  
*тезпишар*  
*бешотар*  
*бешбаттар*

**Рус тилида**

*десна* (> дисна)  
*весна* (> висна)  
*игрек* (> игрик)  
*тренер* (> тренир)

Бўғиннинг бу типи урғули бўлганда *э* фонемаси ҳар иккала тилда олд қатор, ўрта кенг, аммо урғусиз бўғиндагидан чўзиқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*бемѐҳр*  
*безбѐт*  
*пархѐз*  
*дегрѐз*  
*йзбѐк*

**Рус тилида**

*протѐз*  
*обрѐз*  
*музѐй*  
*элѐктр*  
*экспрѐсс*

Бир бўғинли сўзларда икки ундош орасида (тўла ёпиқ бўғинда) бўлган *э* ўзбек тилида бир оз торроқ (юмуқроқ), рус тилида эса кенгроқ (очиқроқ) бўлади. Бундай пайтда ўзбек тилида тилнинг учи бир оз олдинроққа силжийди. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*чек*  
*теп*  
*бек, бег*  
*бел*  
*сел*

**Рус тилида**

*чек*  
*теп*  
*бег*  
*бель*  
*сельдь*

Рус тилида *э* унлиси, асосан, юмшоқ ундошлардан кейин қўлланади: *бег* (б'ѐг), *тень* (т'ѐн'), *лес* (л'ѐс) каби. Аммо у *ш, ж, ц* каби қаттиқ ундошлардан сўнг ҳам қўлланади. Бундай пайтда *э* бир оз орқароқда ҳосил бўлади ва кенгроқ талаффуз этилади: *шест* (таѐқ), *жест* (имо-ишора), *цех, об отце* (шѐст, жѐст, цѐх, об отцѐ) каби. *э* фонемасининг бундай акустик-ар-

тикуляциячон хусусияти рус тилига бошқа тиллардан ўзлашган баъзи чет сўзларда ҳам учрайди. Қийс қилинг:

Русча	Чет сўз
<i>постель</i> ( <i>паст'эль</i> )	<i>пастель</i> ( <i>пастэль</i> — рангли қалам тури)
<i>тунеть</i> ( <i>тун'эт</i> )	<i>куне</i> ( <i>кунэ</i> )
<i>село</i> ( <i>с'ило</i> )	<i>шоссе</i> ( <i>шэссэ</i> )
	<i>кашне</i> ( <i>кашнэ</i> )
<i>зеленеть</i> ( <i>з'илин'эт</i> )	

Ўзбек тилига ўзлашган русча-интернационал сўзлар таркибидаги э, асосан, рус тилидагидек талаффуз қилинади: *экспресс, музей, юбилей, эстакада, энергетика, косметика, протез* каби.

**а унлиси.** Бу товуш ўзбек ва рус тилларининг иккаласида бўғиннинг барча тилларида келади. У турли фонетик позицияда қуйидаги акустик-артикуляциячон хусусиятларга эга бўлади:

1. Тўла очиқ ва охири ёпиқ бўғинларда:

а) урғусиз бўлганда: ҳар иккала тилда ҳам олд қатор, қуйи кенг, қисқа а тарзида талаффуз қилинади, аммо тилнинг учи рус тилида ўзбек тилидагидан бир оз орқароқда бўлади. Шунинг учун рус тилидаги а бундай фонетик позицияда ўзбек тилидаги а унлисидан бир оз қаттиқроқ эшитилади. Қийс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>ака</i>	<i>акант</i>
<i>авайламоқ</i>	<i>авантюра</i>
<i>абдий</i>	<i>абажур</i>
<i>аввал</i>	<i>Аврора</i>
<i>астар</i>	<i>астероид</i>

Таркибида и унлиси бўлган бўғиндан олдинги бўғинда келган а ўзбек ва рус тилларининг иккаласида деярли бир хил талаффуз қилинади:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>асил</i>	<i>асимметрия</i>
<i>аҳил</i>	<i>ахиллесова пята</i>
<i>адиб</i>	<i>азиат</i>
<i>ариза</i>	<i>ариоз о</i>

Чуқур тил орқа ғ, х ундошлари билан тугаган ёпиқ бўғинда а унлиси орқа қатор унлига хос оттенкага эга бўлади. Қийс қилинг: *агар* — *ағдар*, *аҳил* — *ахир* каби. а фонемасининг бу варианты рус тилидаги *абажур, авантюра* каби сўзлар бошида келган а унлисидан ҳам орқароқда ҳосил бўлади ва анча қаттиқ эшитилади;

б) ургули бўғинда: ҳар иккала тилда ҳам олд қатор, қуйи кенг унли тарзида талаффуз қилинади, ўзаро деярли фарқланмайди. Масалан: *асло* (ўзб.) — *а́стра* (рус.), *матбаа́* (ўзб.) — *олимпи́ада* (рус.) каби. Бундай фонетик позициядаги а ҳар иккала тилнинг ургулисиз бўғиндаги а унлисидан чўзиқ ва кучли талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>анча́</i> — <i>анча</i>	<i>астма́тик</i> — <i>а́стма</i>
<i>анда́к</i> — <i>андак</i>	<i>адреса́т</i> — <i>а́дрес</i>
<i>аслида́</i> — <i>аслида</i>	<i>авиация́</i> — <i>а́рия</i>
<i>асло́</i> — <i>асло</i>	<i>алеа́тика</i> — <i>а́рмия</i>

2. Боши ёпиқ бўғин ургулисиз бўлганда ундаги а фонемаси ҳар иккала тилда олд қатор, қуйи кенг, қисқа унли бўлади, ўзаро деярли фарқланмайди. Қиёс қилинг: *дала* (ўзб.) — *далеко* (рус.), *дарахт* (ўзб.) — *дарить* (рус.), *набира* (ўзб.) — *набирать* (рус.), *магиз* (ўзб.) — *магистраль* (рус.) каби. Рус тилидаги а бундай фонетик позицияда ўзбек тилидаги а унлисидан қисқароқ бўлганлиги учун маълум даражада ўз сифатини ўзгартириши ҳам мумкин. Масалан, ўзбек тилида *дарахт* сўзининг ургулисиз бўғинидаги а қисқа ва кучсиз талаффуз этилса-да, ўз сифатини деярли ўзгартирмайди, аммо рус тилида *паровоз* сўзининг ургулисиз бўғинидаги а фонемаси ўзининг акустик-артикуляцияон белгиларини анча ўзгартиради: *пэ́ровоз* каби.

Ўзбек тилида чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошларидан сўнг келган а унлиси орқа қатор оттенкага эга бўлади, унинг бу варианты рус тилидаги тил орқа к, г, х ундошларидан сўнг (ургулисиз бўғинда) келган а унлисидан ҳам қаттиқроқ талаффуз қилинади. Масалан: *кара́ть* (рус.) — *қара* (ўзб.), *га́рем* (рус.) — *ғарам* (ўзб.), *хала́т* (рус.) — *халойиқ* (ўзб.) каби. Аммо бўғиннинг бу типи ургули бўлганда, рус тилидаги а ўзбек тилидаги қ, ғ, х ундошларидан сўнг келган а фонемасидан ҳам орқароқда ҳосил бўлади ҳамда анча чўзиқ ва қаттиқ талаффуз қилинади:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>варақа́</i>	<i>ка́ра</i>
<i>тақа́</i>	<i>ка́шель</i>
<i>болға́</i>	<i>га́вань</i>
<i>нусха́</i>	<i>га́зовый</i>

3. Тўла ёпиқ бўғин ургулисиз бўлганда ундаги а ҳар иккала тилда олд қатор, қуйи кенг унли бўлади, уларнинг акустик хусусиятлари ҳам деярли фарқланмайди. Масалан:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>барлос</i>	<i>баснер</i>
<i>барно</i>	<i>барьер</i>
<i>баттол</i>	<i>батрак</i>
<i>галварс</i>	<i>гальванометр</i>
<i>гардан</i>	<i>гарнир</i>

Бўғиннинг бу типиди ҳам чуқур тил орқа қ, ғ, х товушлари билан ёндош бўлган а унлиси ўзбек тилида орқа қатор оттенкага эга бўлади: *қарши, қашқир, мақтанмоқ, тақдир, халқчил, ғайрат, ғавғо* каби. Рус тилида эса урғусиз бўғиндаги а фақат олд қатор унли сифатидагина сақланади, шунинг учун юмшоқ оттенкали бўлади: *картофель* (рус.)— *қартаймоқ* (ўзб.), *гамбит* (рус.)— *ғамгин* (ўзб.), *тахта* (рус.)— *тахта* (ўзб.) каби.

4. Тўла ёпиқ бўғин урғули бўлганда а ўзбек тилида икки хил акустик-артикуляцион хусусиятга эга бўлади: лаб ундошлари, тил олди, тил ўрта, саёз тил орқа ундошлари ва бўғиз ундоши (ҳ) билан ёндош келганда олд қатор, чўзиқ унли сифатида; чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошлари билан ёндош келганда эса орқа қатор оттенкали, чўзиқ унли сифатида талаффуз қилинади. Қиёс қилинг: *зумрад* (зумрэт)— *хушқад* (хушқат), *варрак* (вэррэк)— *варақ* (варақ), *аблаҳ* (эблэх)— *мазах* (мазах), *гулбарғ* (г'ўлбэрк)— *жағ-жағ* (жағ-жағ) каби. Рус тилида эса урғули бўғиннинг бу типиди а ўзбек тилидаги орқа қатор оттенкали а унлисидан ҳам орқароқда ҳосил бўлади ва анча қаттиқ талаффуз қилинади:

Ўзбек тилида

*равнақ*  
*арақ*  
*шафáқ*  
*серзáвқ*  
*мазáх*

Рус тилида

*таба́к*  
*та́ктика*  
*та́мбур*  
*жа́жда*  
*госстра́х*

5. Бир бўғинли сўзларда а унлиси ўзбек тилида юмшоқроқ ва қисқароқ, рус тилида эса қаттиқроқ ва кенгроқ бўлади: *дам* (ўзб.)— *дам* (рус.), *бас* (ўзб.)— *бас* (рус.) каби.

Ўзбек тилида араб тилидан ўзлашган сўзларда қўлланганидан а унлиснинг орқа қатор чўзиқ варианты ҳам бор, бу товуш рус тилида учрамайди: *аъло, Раъно, маъно, таъсир* каби. Булардан ташқари, а унлиснинг лаб ундошлари билан ёнма-ён қўлланганда кучсиз лабланган о унлисига ўтиш ҳоллари ҳам учрайди: *май байрами*— *мой байрами*, *аввал*— *оввал*, *ғавда*— *говда* каби. Рус тилида эса бундай ҳолат йўқ.

**у фонемаси.** Бу фонема ҳар иккала тилда ҳам орқа қатор, юқори тор, лабланган унлидир. У бўғиннинг барча типларида учрайди.

1. Сўз бошида ёлғиз ўзи тўла очиқ бўғин ҳосил қилганда ёки охири ёпиқ бўғинда келганда у фонемаси:



а) урғусиз бўғинда қисқа талаффуз қилинади. Ўзбек тилида юмшоқроқ, рус тилида қаттиқроқ эшитилади, чунки ўзбек тилида тилнинг учки қисми олдинроқда, рус тилида эса бир оз орқароқда жойлашади, тил билан қаттиқ танглай ўртасидаги оралиқ ҳам рус тилида кенгроқ бўлади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

*увалаш*  
*угра*  
*узум*  
*ухлатмоқ*  
*уста*

Рус тилида

*уважать*  
*угар*  
*узальный*  
*уклад*  
*устать*

б) урғули бўғинда рус тилидаги у ўзбек тилидаги у унлисидан анча орқада ҳосил бўлади ва чўзиқ талаффуз қилинади; тил билан танглай ораси ҳам кенгроқ бўлади. Шунинг учун рус тилидаги у бундай позицияда анча қаттиқ эшитилади:

Ўзбек тилида

*ўззукун*  
*ўй- чи?*  
*ў- чи?*  
*ў- да!*

Рус тилида

*ўзость*  
*ўйма*  
*ўчит*  
*ўдаль*

2. Боши ёпиқ ва тўла ёпиқ бўғинларда қўлланганда:

а) урғусиз бўғинда: ҳар иккала тилда қисқа талаффуз қилинади, аммо ўзбек тилидаги у рус тилидаги у унлисидан ҳам қисқароқ бўлади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

*тушунча* > *т̣шунч̣а*  
*душман* > *д̣шм̣ан*  
*муздай* > *м̣зд̣ай*  
*нусха* > *н̣с̣ха*

Рус тилида

*тушёнка*  
*душа, т̣урбина*  
*музей*  
*нужда*

б) урғули бўғинда: рус тилида ўзбек тилидагидан орқароқда пайдо бўлади, анча чўзиқ ва қаттиқ эшитилади:

Ўзбек тилида

*бў- да*  
*мангў*  
*мавзў*  
*орзў*

Рус тилида

*бўдка*  
*мангуста*  
*медуза*  
*блўза*

в) ундош + унли + ундош типидagi бир бўғинли сўзларда у фонемаси ўзбек тилида юмшоқроқ, қисқа ва торроқ, рус тилида эса қаттиқроқ, чўзиқ ва кенгроқ бўлади:

## Ўзбек тилида

дуд  
дур  
кул  
пул

## Рус тилида

дуб  
дурь, дуст  
куль (кулёк)  
пульс

3. Ҳар иккала тилда ҳам у фонемасининг ёндош товушлар таъсирида турли оттенкали комбинатор вариантлари юзага келади. Хусусан, ўзбек тилида чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда унинг орқа қатор оттенкали варианты, саёз тил орқа ундошлари, бўғиз ундоши ёки тил ўрта й ундоши билан ёнма-ён келганда эса олд қатор оттенкали варианты пайдо бўлади. Қиёс қилинг:

## Олд қатор

кулмоқ  
гулламоқ  
гурилламоқ  
мангу  
Ҳулкар  
юк (йук)  
юксалмоқ (йүксәлмәк)

## Орқа қатор

қуламоқ  
ғувилламоқ  
ғурурланмоқ  
қайғу  
хулқ  
ҳуқуқ  
қувонмоқ

Бу хусусият рус тилига ҳам хосдир. Хусусан, унда қаттиқ ундошлар билан ёндош бўлган у унлисининг орқа қатор комбинатор варианты, юмшоқ ундошлар билан ёндош бўлган у унлисининг эса олд қатор комбинатор варианты ҳосил бўлади. Қиёс қилинг:

## Орқа қатор

лук  
абажур  
ультиматум  
мазут

## Олд қатор

люк (л' ук)  
маникюр (маник' ур)  
костюм (каст' ум)  
салют (сал' ут)

Рус тилида юмшоқ ундошлар таъсирида юзага келган у унлисининг олд қатор комбинатор варианты ўзбек тилидаги олд қатор у унлисидан ҳам юмшоқроқ эшитилади, чунки тилнинг учи бунда ўзбек тилидаги ҳолатдан олдинроқда бўлади. Қиёс қилинг: *гупир-гупир* (ўзб.) — *дебют* (рус.), *гул* (ўзб.) — *тюль* (рус.), *кул* (ўзб.) — *люк* (рус.) каби.

Ў унлиси. Бу фонема ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлиб, асосан, биринчи бўғинда (қўшма сўзларнинг ҳар хил бўғинида) учрайди. Бу унли тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра орқа қатор, тилнинг вертикал ҳаракатига кўра ўрта кенг, лабларнинг иштирокига кўра эса лабланган. Бу товуш ўзининг

артикуляцияцион хусусиятларига кўра рус тилидаги ўрта кенг **о** билан юқори тор **у** унлилари орасидаги товуш сифатида характерланади. Рус тилида бу фонема йўқлиги учун руслар уни кўпинча юқори тор **у** унлиси сифатида талаффуз қилади: *ўрик — урик, ўзбек — узбек, Уктам — Уктам* каби.

Нутқда **ў** унлиснинг саёз тил орқа **к, г** ундошлари, **ҳ** бўғиз ундоши ва тил ўрта **й** ундоши таъсирида олд қатор оттенка билан, чуқур тил орқа **қ, ғ, х** ундошлари таъсирида эса орқа қатор оттенка билан талаффуз қилиш ҳоллари учрайди. Қиёс қилинг: *кўл (кӧл) — қўл (қол), гўзал (гӧзӧл) — ғўза (ғоза), ҳўл (ҳӧл) — ҳўш (хош), йўл (йӧл) — ғўр (ғор)* каби.

**о** унлиси. Ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлиб, ҳар қандай бўғинда учрайди. Бу товуш тилнинг горизонтал (ётиқ) ҳаракатига кўра орқа қатор, тилнинг вертикал (тик) ҳаракатига кўра қуйи кенг, лабларнинг иштирокига кўра эса кучсиз лаблаңган унлидир. Оғизнинг очилиш даражасига кўра **а** унлисига жуда яқин бўлгани учун руслар бу товушни **а** тарзида талаффуз қилади: *ота — ата, она — ана, бозор — базар, Тошкент — Ташкент* каби.

Бу унли тўла очиқ, охири ёпиқ ва боши ёпиқ бўғинларда анча кенг талаффуз қилинади, тўла ёпиқ бўғинда эса бир оз юмуқ бўлади. Қиёс қилинг: *ота — бошла, от — торт, ош — тош, сомон — соз, бола — босма* каби.

Урғули бўғинда кучлироқ ва чўзиқ талаффуз қилинади. Масалан:

Урғули бўғинда

*тергов*  
*ундов*  
*жавоб*  
*савоб*

Урғусиз бўғинда

*товланмоқ*  
*довдирамоқ*  
*бодринг*  
*совун*

**о** унлиснинг бу хусусиятини, айниқса, таркибида бир неча **о** товуши бўлган сўзлар мисолида яққол кўриш мумкин. Масалан: *тарозибон, довон, боғбон, жонбоз, обод* каби сўзларда сўнги (урғули) бўғиндаги **о** олдингиларидан кучли ва чўзиқроқ талаффуз қилинади.

Ўзбек тилидаги бошқа унлиларда бўлганидек, **о** унлиси ҳам турли фонетик позицияларда турли оттенкалар билан талаффуз қилинади. Хусусан, саёз тил орқа **к, г**, тил ўрта **й** ундошлари билан ёнма-ён қўлланганда унинг олд қатор (юмшоқ) оттенкали комбинатор варианты, чуқур тил орқа ундошлари билан ёнма-ён келганда эса унинг орқа қатор (қаттиқ) оттенкали комбинатор варианты ҳосил бўлади. Масалан: *комил — қобил, тергов — мишгов, икков — ялқов, ҳоким — холис, ҳол — хол, ёв (йӧв) — гов, ёд (йӧт) — ғоз* каби.

Эслатма: Ўзбек тилидаги **ё** таркибида ҳам **о** унлиси бор.

Рус тилидаги **о** ўзбек тилидаги **о** (о) унлисидан анча фарқ қилади. Аввало, у рус тилининг ўзигагина хос бўлиб, сўзнинг ҳар қандай бўғинида учрайди: *опера, озимый, озноб, острый, богатство, поле, бодрость, родник* каби. Бу фонема тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра орқа қатор (гласный заднего ряда), тилнинг вертикал ҳаракатига кўра ўрта кенг (гласный среднего подъема), лабларнинг иштирокига кўра эса глабланган (огубленный) ҳисобланади. Унинг ўзига хос артикуляцион хусусиятларига қуйидагилар киради: ўзбек тилидаги **о** унлисидан торроқ, ammo **ў** унлисидан кенгроқ бўлиб, ундан (**ў** унлисидан) орқароқда ҳосил бўлади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>ўн</i>	<i>он</i>
<i>тўн</i>	<i>тон</i>
<i>тўрт</i>	<i>торт</i>
<i>кўн</i>	<i>кон, конь</i>

Рус тилидаги **о**, асосан, урғули бўғинида орқа қатор, ўрта кенг, глабланган, чўзиқ унли сифатида талаффуз қилинади; урғусиз бўғинида эса унинг турли позицион вариантлари юзага келади. Масалан, *трактор > трактър (о > ъ)*, *комсомол > камсамол (о > а)* каби. Бундан ташқари, юмшоқ ундошлар билан ёнма-ён қўлланганда унинг олд қатор комбинатор варианты ҳам пайдо бўлади: *мода — мѳд (м'ѳт), лодка — лѳд (л'ѳт), значок — козырек (казыр'ѳк)* каби. Бундай фонетик позицидаги **о** ўзбек тилидаги **ў** унлисининг саёз тил орқа **к**, **г** ундошлари, **ҳ** бўғиз ундоши ёки тил ўрта **й** ундоши таъсирида юзага келган олд қатор комбинатор вариантга яқин бўлади, ҳатто ундан юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>кўча (кѳчѳ)</i>	<i>самолѳт (самал'ѳт)</i>
<i>гўдак (гѳдѳк)</i>	<i>контролѳр (кантрал'ѳр)</i>
<i>ҳўпламоқ (ҳѳплѳмѳк)</i>	<i>слѳт (сл'ѳт)</i>
<i>йўлак (йѳлѳк)</i>	<i>ларѳк (лар'ѳк)</i>

Ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган русча-интернационал сўзларда **о** фонемасининг акустик-артикуляцион хусусиятлари рус тилидагидек сақланади.

**ы унлиси.** Бу фонема рус тилининг ўзигагина хос бўлиб, тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра аралаш қатор унли<sup>1</sup>, тилнинг вертикал ҳаракатига кўра юқори тор унли, лабларнинг иштирокига кўра эса глабланмаган унли ҳисобланади. Бу товуш ўзбек тилидаги олд қатор **и** фонемасининг **қ**, **ғ**, **х** ундошлари

<sup>1</sup> Матусевич М. И. Современный русский язык: Фонетика. М., 1976, с. 81.

таъсирида юзага келадиган орқа қатор оттенкали вариантга ўхшайди, ammo undan bir oz oldinroqda ҳосил бўлади. Масалан: *қиш* — *был*, *ғишт* — *мышь*, *хирмон* — *крыса* каби.

Рус тилидаги **ы** ўзбек тилига хос бўлмагани учун, ўзбеклар бу товушни кўпинча олд қатор **и** сифатида талаффуз қилади: *рыба* > *риба*, *рычаг* > *ричаг*, *сын* > *син* каби. Айни пайтда, руслар ҳам ўзбек тилидаги *юрғиз*, *қиш*, *қиз* каби сўзларда қўлланган орқа қатор оттенкали **и** унлисини олд қатор **и** унлиси каби талаффуз қилади: *қиз* > *киз*, *юрғиз* > *юрғиз* каби.

Рус тилида **ы** фонемаси сўз бошида деярли учрамайди, урғули бўғинда чўзиқ (кучли) талаффуз қилинади: *быстро*, *дым*, *разрыв*, *обрыв*, *холмы*, *рыба* каби.

### 3- §. Ундошлар системаси

(Консонантизм)

Ундошлар системаси ўзбек адабий тилида 25 та фонемани, рус тилида эса 36 та фонемани ўз ичига олади. Ўзбек тили ундошлари составига **б, в, г, д, ж, дж, з, й, к, л, м, н, ң (нг), п, р, с, т, ф, х, ц, ч, ш, қ, ғ, ҳ** фонемалари; рус тили ундошлари составига эса **б, б', п, п', в, в', ф, ф', д, д', т, т', з, з', с, с', ж, ш, щ, ц, ч, г', к, к', х, х', м, м', н, н', л, л', р, р', й, (j)** фонемалари киради. Демак, ўзбек ва рус тилларининг фонетик қурилиши ундош фонемалар миқдори билан ҳам ўзаро фарқ қилади. Бу тафовут рус тилида қаттиқ ва юмшоқ ундошларнинг борлиги билан белгиланади: *угол* — *уголь*, *бор* — *корь*, *нос* — *ось* каби.

Ундош фонемалар ҳар иккала тилда артикуляция ўрни, артикуляция усули, ун пайчаларининг ҳамда овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра классификация қилинади.

Артикуляция ўрнига кўра ундошлар ўзбек тилида учга — лаб ундошлари, тил ундошлари ва бўғиз ундошига, рус тилида эса иккига — лаб ундошлари ва тил ундошларига бўлинади.

**I. Лаб ундошлари.** Буларга ўзбек тилидаги **п, б, м, ф, в<sup>0</sup>** фонемалари, шунингдек, рус тилидаги **п, п', б, б', м, м', ф, ф', в, в'** фонемалари киради. Лаб ундошлари ўз навбатида икки гурппага — лаб-лаб ва лаб-тиш ундошларига ажралади.

1. Лаб-лаб ундошларига ўзбек тилида **п, б, м, в<sup>0</sup>**; рус тилида эса **п, п', б, б', м, м'** ундошлари киради. Бундай ундошларнинг ўзбек ва рус тиллари учун умумий белгилари қуйидагича:

а) иккала лаб актив қатнашади;

б) товуш икки лаб орасидаги тўсиқда ҳосил бўлади.

Бу типдаги ундошларнинг ўзбек ва рус тилларидаги тафовулларига қуйидагилар киради:

а) рус тилида лаб-лаб **в<sup>0</sup>** ундоши йўқ. Шунинг учун руслар ўзбек тилидаги *овул*, *саксовул* каби сўзларни *аул*, *саксаул* деб талаффуз қилади;

б) ўзбек тилида эса рус тилига хос бўлган юмшоқ *п'*, *б'*, *м'* ундошлари учрамайди. Шунинг учун таркибида бундай ундошлар бўлган русча-интернационал сўзлар ўзбек жонли сўзлашувида баъзан бузиб талаффуз қилинади: *бюрократ* — *буйракрат*, *бюро* — *буйро*, *пять* — *пийат*, *мёд* — *мийўт*, *пьёт* — *пийўт* каби. Аммо ўзбек адабий тилида рус тилидан ўзлашган сўзларни рус тилининг орфоэпик нормалари асосида талаффуз қилиш қабул қилинган. Шунинг учун таркибида юмшоқ ундошлар бўлган сўзлар ўзбек адабий тилида ҳам рус тилидагидек талаффуз қилиниши керак: *пистолет*, *бюрократ*, *Мюнхен*, *мюзик-холл* каби.

2. Лаб-тиш ундошларига **ф** ва **в** фонемалари киради. Бу товушлар ўзбек тилига бошқа тиллардан ўзлашган *фақат*, *футбол*, *вагон*, *автомат*, *қафас*, *фабрика* каби сўзларда учрайди.

Лаб-тиш ундошларининг ўзбек ва рус тилларидаги умумий белгилари қуйидагилар:

а) ҳар иккала тилда қуйи лаб юқори тиш томон ҳаракат қилади;

б) товуш қуйи лаб билан юқори тишлар орасидаги тўсиқда ҳосил бўлади.

Бу тип ундошларининг ўзбек ва рус тилларидаги тафовутли хусусиятлари қуйидагилар:

а) **ф** ундоши ўзбек тилида, юқорида айтиб ўтилганидек, бошқа тиллардан ўзлашган сўзлардагина учрайди. Шунинг учун жонли сўзлашувда у баъзан **п** билан алмаштирилади: *қафас* — *қарас*, *фақат* — *пақат* каби. Рус тилида эса **ф** > **п** ҳодисаси учрамайди;

б) ўзбек тилидаги лаб-лаб **в<sup>0</sup>** сўз охирида жарангсиз **ф** ундоши каби талаффуз қилинмайди: *ов*, *биров*, *бешов* каби. Рус тилидаги лаб-тиш **в** эса сўз охирида жарангсиз **ф** ундоши каби талаффуз қилинади: *пристав* > *пристаф*, *улав* > *улаф*, *актив* > *актиф*, *состав* > *состаф* каби.

**II. Тил ундошлари.** Буларга ўзбек адабий тилидаги **т, д, ж, дж, з, й, к, л, н, н, р, с, х, ц, ч, ш, қ, ғ** фонемалари, шунингдек, рус тилидаги **т, т', д, д', н, н', ц, ч, ш, щ, ж, л, л', р, р', й, к, к', г, г', х, х'** фонемалари киради.

Тилнинг қайси қисми актив иштирок этишига кўра тил ундошлари ўзбек тилида тўртга — тил олди, тил ўрта, саёз тил орқа ва чуқур тил орқа ундошларига, рус тилида эса учга — тил олди, тил ўрта ва тил орқа ундошларига бўлинади.

1. Тил олди ундошлари (согласные переднеязычные)га ўзбек тилида **т, д, ж, дж, з, н, р, с, ц, ч, ш** товушлари, рус тилида эса **т, т', д, д', н, н', ц, ч, ш, щ, ж, л, л', р, р'** ундошлари киради.

Бу ундошларнинг ўзбек ва рус тилларидаги умумий белгилари қуйидагилар:

а) ҳар иккала тилда тилнинг учи юқори тишга ёки милкка бориб тегади ва шу ерда тўсиқ ҳосил қилади;

б) ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ёки сирғалиб ўтади;

в) ҳар иккала тилда ҳам тил олди ундошларининг баъзилари лабланган унлилар билан ёнма-ён келганда, уларда лабланиш (лабиализация) пайдо бўлади. Масалан, з ундошининг ўзбек тилидаги *зумрад* ва *замон*, шунингдек, рус тилидаги *зуб* ва *зал* сўзларида бўладиган артикуляцияси айнан бир хил эмас: *зумрад* ва *зуб* сўзларидаги з ундошини талаффуз қилганда лаблар у товуши таъсирида олдинга чўзилади ва тор оралиқ ҳосил қилади (бинобарин, з товушининг қўшимча бўёғи, оттенкаси пайдо бўлади), *замон* ва *зал* сўзларида эса бундай ҳолатни кўрмаймиз. Лекин, бундан қатъи назар, з товуши юқоридаги сўзларда бошқа-бошқа фонема деб қаралмайди, чунки бу сўзларнинг маънолари з товушининг оттенкасига қараб эмас, балки сўз таркибидаги бошқа фонемалар ҳисобига фарқланмоқда.

Тил олди ундошлари ўзбек ва рус тилларида қуйидаги белгилари билан фарқланади:

а) ўзбек тилида тил олди ундошлари қаттиқлик ва юмшоқлик жиҳатидан ўзаро оппозиция ҳосил қилмайди; рус тилида эса улар қаттиқ ва юмшоқ ундошларга бўлинади: *был* — *быль* (л—ль), *тон* — *тень* (т—ть, н—нь), *вперед* — *впредь* — (д—дь) каби;

б) ўзбек тилининг тил олди ундошларида палатализация (юмшоқланиш) ҳодисаси ҳам йўқ. Рус тилида эса палатализация ҳодисаси мавжуд: з, л, с каби ундошларнинг ҳосил бўлишида тилнинг учи альвеолага (милкка) тегади. Бундай пайтда тилнинг ўртақ қисми қаттиқ танглай томон бир оз кўтарилади, натижада з, л, с ундошлари юмшоқлашади, бинобарин, палатализация содир бўлади: *тол* — *толь* (л—ль), *зал* — *взял* (з—зь), *сад* — *сядь* (с—сь) каби. Бундай пайтда палатализация товушнинг алоҳида-алоҳида турларини — фонемаларни юзага келтиради, чунки бу товушлар ўзаро оппозиция ҳосил қилиб, сўз маъноларини фарқлаш функциясини бажаради. Демак, рус тилидаги палатализация фонологик аҳамиятга эга;

в) рус тилида, баъзан, лабиализация ва палатализация ҳодисалари бир пайтнинг ўзида содир бўлиши ҳам мумкин. Чунинчи, *тюль*, *тюк*, *тюрьма* каби сўзлардаги т тилнинг ўрта қисми танглай томонга кўтарилишидан юмшоқлашмоқда, айни вақтда, бу товуш ўзидан кейинги у унлиси таъсирида лабиализацияга ҳам дуч келмоқда (*т'ул'*, *т'ук*, *т'ур'ма* каби). Бу ҳодиса ҳам ўзбек тилидаги тил олди ундошларига хос эмас. У ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзлардагина учрайди.

2. Тил ўрта ундоши (согласный среднеязычный)га ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам битта й фонемаси киради. Бу ундошнинг ҳосил бўлишида тилнинг ўрта қисми танглай томон кўтарилиб, тил билан танглай ўртасида тор оралиқ юзага келади, ҳаво оқими шу оралиқдан сиқилиб ўтади. Бу ундошнинг ўзбек ва рус тилларидаги акустик-артикуляцион хусусиятлари деярли фарқ қилмайди. Масалан: *байрам* (ўзб.) — *байдарка* (рус.), *пайкал* (ўзб.) — *пайка* (рус.), *шибай* (ўзб.) — *трамвай* (рус.), *жиддий* (ўзб.) — *радий* (рус.) каби.

Рус тилида й сўз бошида анча кам қўлланади, хусусан, у *йод, йог, Йемен* (Яман давлати) каби бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда ёки шулар негизда ясалган *йодный, йеменец, йотирование* каби русча сўзлардагина учрайди. Ўзбек тилида эса у сўзнинг бошида ҳам анча кўп қўлланади: *йўл, йўқ, йил, йигирма, йигит, йилқи* каби. Булардан ташқари, й ундоши ҳар иккала тилда «ё»лашган товушлар таркибида ҳам қўлланади. Бундай ҳолатда у сўз бошида кўп учрайди:

**Ўзбек тилида**

*яхши* (йахши)  
*янги* (йанги)  
*ярим* (йарим)  
*енгил* (йэнгил)  
*ер* (йэр)  
*ёруғ* (йэруғ)  
*ёш* (йэш)  
*юр* (йур)

**Рус тилида**

*яхта* (йахта)  
*янки* (йанки)  
*яркий* (йаркий)  
*егерь* (йегерь)  
*если* (йэсли)  
*ёлка* (йолка)  
*ёж* (йож)  
*юг* (йуг)

3. Тил орқа ундошлари (заднеязычные согласные)га ўзбек тилида **к, г, ң (нг), қ, х, ғ** ундошлари, рус тилида эса **к, г, х** ундошлари киради.

Ўзбек тилида тил орқа ундошлари икки гурпуага ажралади: саёз тил орқа ундошлари (согласные более переднего ряда) ва чуқур тил орқа ундошлари (согласные более заднего ряда). Саёз тил орқа **к, г, ң** ундошлари тил орқа қисмининг олдинги-роқ сатҳида пайдо бўлади. Рус тилида тил орқа (заднеязычные) **к, г, х** ундошлари ҳам артикуляция ўрни жиҳатидан шу гурпуага хос; **қ, ғ, х** фонемалари тилнинг энг орқа (ўзак) қисмида пайдо бўлади, шунинг учун чуқур тил орқа ундошлари дейилади. Бунда тилнинг орқа қисми юмшоқ танглай томон кўтарилиб, тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ёки сирғалиб ўтади. Рус тилида чуқур тил орқа ундошлари йўқ.

**III. Бўғиз ундоши (гортанный звук)га** бўғиздаги ун пайчалари орасида ҳосил бўладиган **ҳ** ундоши киради. У ўзбек тилига араб тилидан ўзлашган бўлиб, рус тилида учрамайди.

Артикуляция усулига кўра ундошлар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам беш гурпуага — портловчилар (смычные взрывные), портловчи-сирғалувчилар (смычные носовые), қоришиқ портловчилар (аффрикаты), сирғалувчилар (шелевые) ва титроқ (дрожашие) товушларга бўлинади.

**1. Портловчилар (смычные взрывные)га** ўзбек тилида **б, г, д, к, п, т, қ** фонемалари, рус тилида эса **п, п', б, б', т, т', д, д', к, к', г, г'** фонемалари киради. Бундай товушлар ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг оғиз бўшлиғидаги тўсиқдан портлаб ўтиши билан характерланади. Масалан, ўзбек ва рус тилларининг иккаласига ҳам хос бўлган **б, п** ундошларининг юзага келишида икки лаб бирлашиб тўсиқ ҳосил қилади, ўпкадан



келаётган ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ўтади; т, д ундошларида эса тилнинг учи билан милк (альвеола) тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ўтади.

2. **Портловчи-сирғалувчилар (смычные носовые).** Буларга ўзбек тилидаги м, н, ң (нг) ва рус тилидаги м, м', н, н' фонемалари киради. Хусусан, м фонемасини ҳосил қилишда икки лаб, н фонемасини ҳосил қилишда тил учи билан милк, ң (нг) фонемасини ҳосил қилишда эса тилнинг орқа қисми билан кичик тил туташиб тўсиқ ҳосил қилади, натижада ҳаво оқимининг бир қисми шу тўсиқдан портлаб, қолган қисми эса бурун бўшлиғидан сирғалиб ўтади. Шу сабабли бу фонемалар бурун товушлари деб ҳам юритилади.

3. **Қоришиқ портловчилар (аффрикаты)га** ўзбек тилида ч, дж, ц, рус тилида эса ч ва ц ундошлари киради. Бундай ундошлар аслида икки товушнинг (портловчи ва сирғалувчи ундошларнинг) тарихан қўшилиб кетишидан таркиб топган: ц=т (портловчи) + с (сирғалувчи), ч=т (портловчи) + ш (сирғалувчи), дж=д (портловчи) + ж (сирғалувчи) каби.

4. **Сирғалувчилар (щелевые)га** ўзбек адабий тилида в, ж, з, й, л, с, ф, х, ш, ғ, ҳ, рус тилида эса в, в', ж, з, з', ш, щ, ф, ф', с, с', х, х', л, л' фонемалари киради. Бундай товушлар ўпкадан келаётган ҳаво оқимининг нутқ органлари ҳосил қилган тўсиқдан сирғалиб ўтиши натижасида юзага келади.

5. **Титроқ товушлар (дрожящие)га** ўзбек тилидаги р, шунингдек, рус тилидаги р (қаттиқ) ва р' (юмшоқ) ундошлари киради. Бу товушларни ҳосил қилишда тилнинг учи милк томон кўтарилиб, ҳаво оқими таъсирида титрайди.

Ун пайчаларининг иштирокига кўра товушлар ўзбек ва рус тилларида иккига — жарангли (звонкие) ва жарангсиз (глухие) ундошларга бўлинади: жарангли ундошларни ҳосил қилишда ун пайчалари таранглашади, натижада ўпкадан келаётган ҳаво оқими бу пайчаларни тебратиб, овозни юзага келтиради, овоз эса, ўз навбатида, оғиз бўшлиғидаги тўсиқда пайдо бўлган шовқинга қўшилиб, уни жарангли ундошга айлантиради. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги б, в, г, д, ж, дж, з, й, л, м, н, р, ғ, ң (нг) фонемалари, рус тилидаги б, б', д, д', г, г', в, в', з, з', ж, м, м', н, н', л, л', й, р, р' товушлари жарангли ундошлардир. Жарангсиз ундошларни ҳосил қилишда бўғиздаги ун пайчалари таранглашмайди ва тебранмайди. Шунинг учун бўғизда овоз ҳосил бўлмайди. Товуш оғиз бўшлиғида юзага келган шовқиннинг ўзидангина таркиб топади. Ҳозирги ўзбек адабий тилида жарангсиз ундошларга п, ф, с, т, ш, ц, ч, к, қ, х, ҳ фонемалари, рус тилида эса п, п', т, т', к, к', ц, ч, т, ф', с, с', ш, щ, х' товушлари киради.

Овоз ва шовқиннинг иштирокига кўра ундошлар ҳар иккала тилда шовқинлилар (шумные) ва сонорлар (сонанты) оппозициясини ҳосил қилади. Бундай оппозиция ундош таркибидаги овоз билан шовқиннинг миқдорига асосла-



нади: овоз миқдори устун бўлган ундошлар сонорлар, шовқин миқдори устун бўлган товушлар эса шовқинлилар деб аталади. Ҳозирги ўзбек адабий тилидаги л, м, н, ң, р, й ундошлари, рус тилидаги л, л', м, м', н, н', р, р', й фонемалари сонор товушлардир.

25-бетдаги қаранг.

#### 4-§. Ундош фонемалар характеристикаси

(Характеристика согласных фонем)

**б** фонемаси — лаб-лаб, портловчи, жарангли, шовқинли ундош. Ўзбек ва рус тилларининг иккаласига хос. Бу фонема сўз ўртасида жарангсиз ундошлар билан ёнма-ён бўлганда ассиляцияга учрайди, натижада унинг жарангсиз **п** ҳолидаги комбинатор варианты юзага келади. Масалан:

Ўзбек тилида  
*ибтидоий* > *иптидоий*  
*обкаш* > *опкаш*  
*Вобкент* > *Вопкент*  
*абхаз* > *апхаз*  
*жабҳа* > *жапҳа*

Рус тилида  
*обтирание* > *оптирание*  
*обций* > *опций*  
*абсцесс* > *апсцесс*  
*абстракция* > *апстракция*  
*обкатка* > *опкатка*

Сўз охирида бўлганда эса унинг жарангсиз **п** тарзида талаффуз қилинувчи позицион варианты юзага келади. Масалан:

Ўзбек тилида  
*газаб* > *газап*  
*мактаб* > *мактап*  
*асаб* > *асап*  
*тартиб* > *тартип*  
*қассоб* > *қассоп*

Рус тилида  
*масштаб* > *масштап*  
*прораб* > *прорап*  
*штаб* > *штап*  
*герб* > *герп*  
*клуб* > *клуп*

Юқоридаги ҳар икки ҳолатда ҳам **б** ёзилади.

**б'** фонемаси — лаб-лаб, портловчи, жарангли, шовқинли ундош. Фақат рус тилига хос. У **б** ундоши билан қаттиқлик-юмшоқлик жиҳатидан оппозиция ҳосил қилади: **б** қаттиқ, **б'** эса юмшоқ талаффуз қилинади, чунки **б'** ундошининг артикуляциясида тилнинг ўрта қисми бир оз кўтарилиб, палатализация ҳодисасини юзага келтиради: *база* — *бязь*, *буравя* — *бюро*, *бок* — *бег* каби.

Юмшоқ **б'** ундоши ҳам сўз охирида жарангсиз **п** ҳолида талаффуз қилинади: *голубь* > *голуп'*, *дробь* > *дроп'* каби. Аммо ёзувда **бь** ёзилади.

**п** фонемаси — лаб-лаб, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Ўзбек ва рус тилларининг иккаласида деярли бир хил акустик-артикуляцион хусусиятга эга. Туркибида **п** ундоши бўлган ўзбекча ва русча сўзларнинг талаффузидаги тафовутлар

кўпроқ **п** билан ёндош бўлган унлиларнинг ўзбек ва рус тилларидаги акустик-артикуляциянон хусусиятларига боғлиқдир. Масалан:

**Ўзбек тилида**

*пахта*  
*полиз*  
*опа*  
*каноп*

**Рус тилида**

*пахать*  
*пальто*  
*опера*  
*окоп*

**п' фонемаси** — лаб-лаб, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Фақат рус тилига хос; **п** ундошидан юмшоқроқ талаффуз қилинади, чунки юмшоқ **п'** ундошининг артикуляциясида тилнинг ўрта қисми бир оз кўтарилади. Рус тилида **п** ва **п'** товушлари ўзаро оппозиция ҳосил қилади: *пальто* — *пистолет*, *клоп* — *сыпь*, *пыль* — *пил*, *пост* — *пёстрый* каби.

**м фонемаси** — лаб-лаб, портловчи-сирғалувчи, жарангли, сонор, бурун товуши. Бу товушни ҳосил қилишда юмшоқ танглайнинг орқа қисми (кичик тил) пастга тушиб, бурун бўшлиғига ҳаво йўли очилади, натижада ҳавонинг бир қисми бурун бўшлиғидан ўтиб қўшимча тонларни ҳосил қилади. Бу товуш ўзбек ва рус тилларида деярли фарқланмайди: **малҳам** (ўзб.) — **маляр** (рус.), **мен** (ўзб.) — **мера** (рус.), **осмон** (ўзб.) — **астма** (рус.) каби.

**м' фонемаси** — лаб-лаб, портловчи-сирғалувчи, жарангли, сонор, бурун товуши. Фақат рус тилига хос. **У м** фонемаси билан қаттиқлик-юмшоқлик жиҳатидан оппозиция ҳосил қилади: **мать** — **мять**, **мыс** — **миска**, **мыл** — **мил** каби.

**в<sup>0</sup> (w) фонемаси** — лаб-лаб, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундош. Бу товуш фақат ўзбек тилига хос бўлиб, рус тилида учрамайди. Унинг артикуляцияси икки лабнинг актив ҳаракати ва шу лаблар орасидан ҳаво оқимининг сирғалиб ўтиши билан характерланади. Бу товуш жарангсиз ундошлар билан ёндош бўлганда ҳам, сўз охирида ҳам жарангсиз **ф** товушига ўтмайди, шу хусусияти билан рус тилидаги лаб-тиш **в** ундошидан фарқ қилади. Қиёс қилинг:

**Ўзбек тилида**

*шавкат*  
*овқат*  
*биров*  
*тўртов*  
*нав*  
*гов*

**Рус тилида**

*травка* > *трафка*  
*фасовка* > *фасофка*  
*актив* > *актиф*  
*пассив* > *пассиф*  
*устав* > *устаф*  
*состав* > *состаф*

Бу товушнинг ҳосил бўлиши икки лабнинг актив ҳаракати билан боғлиқ бўлганлиги учун баъзан ўзидан олдин келган лабланмаган **а** унлисини лабланган **о** га айлантиради: *аввал* — *оввал*, *гавда* — *говда* каби. Рус тилидаги лаб-тиш **в** ундоши бундай хусусиятга эга эмас.

**в—в' фонемалари** — лаб-тиш, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундошлар. Фақат рус тилига хос. Ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзлардагина учрайди. Уларнинг артикуляцияси пастки лабнинг юқори тишлар томон ҳаракат қилиши ва лаб билан тиш орасидан ҳаво оқимининг сирғалиб ўтиши билан характерланади. Рус тилида бу ундошлар қаттиқлик ва юмшоқлик жиҳатидан ўзаро оппозиция ҳосил қилади: *зов — новь, ваза — вязать, ров — бровь* каби.

Юмшоқ **в'** ни талаффуз қилишда тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглай томон бир оз кўтарилади, қаттиқ **в** да эса кўтарилмайди.

**ф—ф'** фонемалари — лаб-тиш, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли ундошлар. Булардан **ф** фонемаси ўзбек ва рус тилларининг иккаласига хос: *фарзанд* (ўзб.) — *фазан* (рус.), *фарқ* (ўзб.) — *фара* (рус.), *афзал* (ўзб.) — *афоризм* (рус.) каби.

**ф** ундоши ўзбек тилида арабча, тожикча, русча-интернационал сўзларда ёки шу сўзлар негизида ясалган ўзбекча сўзлардагина учрайди.

Юмшоқ **ф'** ундоши фақат рус тилига хос бўлиб, у қаттиқ **ф** га нисбатан оппозиция ҳосил қилади, шунинг учун мустақил фонема саналади. Уни ҳосил қилишда тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглай томон бир оз кўтарилади, натижада палатализация (юмшоқланиш) содир бўлади. Қиёс қилинг: *фасон — фигура, форма — фирма, функция — фюзеляж* каби.

**т—т'** фонемалари — тил олди, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундошлар. Бу ундошларни ҳосил қилишда тилнинг учи юқори милкка тегади, ҳаво оқими тил билан милк орасида юзага келган тўсиқдан портлаб ўтади. **т** ундоши ҳар иккала тилга хос бўлиб, акустик-артикуляцион хусусиятлари билан ўзаро фарқланмайди, ammo позиция хусусиятларида баъзи тафовутлар мавжуд (қаранг: *апокопа*).

Юмшоқ **т'** ундоши фақат рус тилининг ўзига хос бўлиб, ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзлардагина учрайди. Бу ундошнинг артикуляциясида тилнинг ўрта қисми танглай томон кўтарилади, натижада палатализация содир бўлади. Юмшоқ **т'** қаттиқ **т** ундошидан ўзининг шу хусусияти билан фарқланиб ўзаро оппозиция ҳосил қилади: *плот — плоть* («ҳосила»), *соллист — область, пост — повесть, ландшафт — нефть, тон — тень, тулуп — тюльпан* каби.

**д—д'** фонемалари — тил олди, портловчи, жарангли, шовқинли ундошлар. Бу товушларни ҳосил қилишда ун пайчалари таранглашиб тебранади, натижада овоз юзага келади. Тилнинг учи эса милкка тегиб, тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ўтиши натижасида юзага келган шовқин овоз билан қўшилиб, жарангли **д—д'** ундошларини ҳосил қилади.

**д** ундоши ўзбек ва рус тилларининг иккаласига хос бўлиб, ўзининг акустик-артикуляцион хусусиятлари билан деярли фарқланмайди. Бу товуш маълум комбинатор-позицион фактор-

лар таъсирида ўзгариб, жарангсиз т товуши сифатида талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида  
*кетди* > *кэттё*  
*сотди* > *сотте*  
*айтди* > *айтте*  
*етди* > *еттё*

Рус тилида  
*идти* > *итти*  
*сладкий* > *слаткий*  
*редкий* > *реткий*  
*едкий* > *еткий*

Юмшоқ д' рус тилига хос бўлиб, ўзбек тилида русча-интернационал сўзлар таркибидагина учрайди. У қаттиқ д ундошидан тилнинг ўрта қисми юқорига кўтарилиши билан фарқ қилади. Қаттиқ ва юмшоқ д — д' ундошлари рус тилида ўзаро оппозиция ҳосил қилади: *парад* — *прядь*, *дать* — *дятел*, *дама* — *дядя*, *дуло* — *дело* каби.

Юмшоқ д' юмшоқ дз' товушига яқин талаффуз қилинади, қаттиқ д ундошида бундай хусусият йўқ.

**с—с'** фонемалари — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли ундошлар. Бу ундошларнинг талаффуз қилинишида ун пайчалари тебранмайди: овоз ҳосил бўлмайди; тилнинг учи юқори милк томон кўтарилиб, ҳаво оқимининг йўлини тўсади, ҳаво тил билан милк орасидаги тўсиқдан сирғалиб ўтади.

с ундоши ўзбек ва рус тилларида кўпчилик фонетик позицияларда деярли фарқланмайди. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида  
*сават*  
*асбоб*  
*ҳавас*  
*нокас*  
*атлас*

Рус тилида  
*сова*  
*асбест*  
*квас*  
*каркас*  
*атлас*

Аммо б, г, д, ж жарангли ундошлари билан ёнма-ён келганда жарангсиз с ундошининг рус тилида жарангли з тарзида талаффуз қилинувчи комбинатор варианты ҳосил бўлади: *сбор* > *збор*, *сберкасса* > *зберкасса*, *сгореть* > *згореть*, *сделать* > *зделать*, *сжечь* > *зжечь* (ёки *жжечь*) каби. Жарангли в ва сонор л, м, н, р, й ундошлари билан ёнма-ён келганда эса с ундоши жарангли з товушига ўтмайди: *светлый*, *слава*, *смотреть*, *смелый*, *снимок*, *среда*, *срыв*. Ўзбек тилида эса с ҳар қандай фонетик позицияда ҳам ўзгармайди.

Юмшоқ с' рус тилига хос бўлиб, унинг артикуляцияси қаттиқ с дан тилнинг ўрта қисми юқорига (қаттиқ танглай томонга) кўтарилиши билан фарқланади, с ва с' қаттиқлик-юмшоқлик жиҳатдан оппозиция ҳосил қилади: *нос* — *лось*, *сад* — *сядь*, *пылесос* — *лосось*, *вес* — *весь* каби.

**з—з'** фонемалари — тил олди, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундошлар. Бу ундошларнинг талаффузида ун пайчалари

тебраниб, овоз ҳосил қилади, тилнинг учи юқори милк томон кўтарилиб, ҳаво оқимининг йўлини тўсади. Ҳавонинг тил билан милк орасидаги тўсиқдан сирғалиб ўтишидан ҳосил бўлган шовқин овоз билан қўшилиб, жарангли **з—з'** ундошларини юзага келтиради.

Ҳар иккала тилга хос бўлган **з** ундошининг акустик-артикуляцион хусусиятлари деярли бир хил. Хусусан, бу товуш ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам унлилар орасида, жарангли ва сонор товушлар ёнида жарангли **з** ҳолида талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>озор</i>	<i>озорний</i>
<i>бозор</i>	<i>базар</i>
<i>бузоқ</i>	<i>бузина</i>
<i>заргар</i>	<i>зарница</i>

Ҳар иккала тилда ҳам жарангли **з** ўзи билан ёндош бўлган жарангсиз ундош таъсирида жарангсиз **с** товуши каби талаффуз қилинади. Бу ўзбек тилида яққолроқ сезилади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>изтироб</i> > <i>истироб</i>	<i>низиший</i> > <i>нисший</i>
<i>мазкур</i> > <i>маскур</i>	<i>мазка</i> > <i>маска</i>
<i>бўзтикан</i> > <i>бўстикан</i>	<i>блўзка</i> > <i>блуска</i>
<i>тезкор</i> > <i>тескор</i>	<i>тёзка</i> > <i>теска</i>

Шунингдек, сўз охирида келган **з** ҳам ҳар иккала тилда қисман жарангсизлашади: **з** билан **с** орасидаги товуш сифатида эшитилади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>саккиз</i> > <i>саккис</i>	<i>гидролиз</i> > <i>гидролис</i>
<i>эсиз</i> > <i>эсис</i>	<i>эскиз</i> > <i>эскис</i>
<i>танноз</i> > <i>таннос</i>	<i>диагноз</i> > <i>диагнос</i>
<i>сарвиноз</i> > <i>сарвинос</i>	<i>прогноз</i> > <i>прогнос</i>

Юмшоқ **з'** фақат рус тилига хос бўлиб, унинг артикуляцияси қаттиқ **з** дан тил ўрта қисмининг юқорига (қаттиқ танглай томонга) кўтарилиши билан фарқланади. **з** ва **з'** ундошлари қаттиқлик ва юмшоқлик жиҳатидан рус тилида ўзаро оппозиция ҳосил қилади: *воз* — *вязь*, *наказ* — *князь*, *зал* — *зять*, *зона* — *Зина* каби.

**ш** фонемаси — тил олди, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Бу фонемани ҳосил қилишда тил қошиқсимон шаклга кириб, юқори милк томон силжийди, шу пайт унинг орқа қисми ҳам юмшоқ танглайнинг олд томонига қараб кўтарилади. Натижада икки жойда — тилнинг учи ва орқа қисмида ҳаво сирғалиб ўтадиган оралиқ пайдо бўлади.

**ш** фонемаси ўзбек тилида рус тилидаги **ш** товушидан юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

*шакл*  
*шавкат*  
*шатак*  
*равиш*  
*нақш*  
*шарт*

Рус тилида

*шалаш*  
*шагать*  
*шатун*  
*клавиш*  
*марш*  
*шар*

Бошқа жиҳатлари билан бу товуш ўзбек ва рус тилларида деярли фарқланмайди. Рус тилида бундан ташқари яна юмшоқ **щ** ундоши ҳам бор. Бу ундош артикуляциясида тилнинг учи кўтарилса ҳам, юқори томонга бурилмайди, тилнинг ўрта қисми кўтарилиб, қаттиқ танглайга яқинлашади: *щавель*, *щепень*, *щука*, *щель* каби.

**дж** фонемаси (ёзувда — **ж**) — тил олди, қоришиқ портловчи, жарангли, шовқинли ундош. Портловчи **д** билан сирғалувчи **ж** ундошларининг тарихан қўшилиб — қоришиб кетишидан ҳосил бўлган. Фақат ўзбек тилнинг ўзига хос. Рус тилида учрамайди. Шунинг учун руслар ўзбек тилидаги *жийда*, *Жўра*, *Жамол*, *мажлис* каби сўзларни *джида*, *Джура*, *Джамал*, *меджлис* деб (**дж** билан) талаффуз қиладилар. Бу товуш сўз охирида ёки баъзи жарангсиз ундошлар олдида билинар-билинмас жарангсизлашиб, **ч** га яқин талаффуз қилинади: *дилхирож* — *дилхироч*, *ланж* — *ланч*; *иложсиз* — *илочсиз*; *хирожсиз* — *хирочсиз* каби. Жарангсиз **т** ундошидан олдин эса жарангсиз, сирғалувчи **ш** тарзида талаффуз қилинади: *ижтимоий* > *иштимоий* каби.

**ж** фонемаси — тил олди, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундош. Унинг артикуляцияси қаттиқ **ш** ундошининг артикуляцияси билан деярли бир хилдир. Фақат ун пайчаларининг тебраниб, овоз ҳосил қилиши билан жарангсиз **ш** ундошидан фарқ қилади: *жизнь*, *бежаты*, *железо*, *жильё* каби. Бу товуш ўзбек тилига хос эмас. Шунинг учун у ўзбек тилида фақат четдан кирган сўзлардагина учрайди: *аждар*, *гижда*, *мужда* (тожик тилидан ўзлашган сўзлар), *пожар*, *журнал*, *монтаж*, *трикотаж* (рус тилидан ўзлашган сўзлар) каби.

Бу товуш фақат қаттиқ **ж** сифатидагина учрайди. Шунинг учун ундан сўнг келган унлиларнинг орқа қатор (қаттиқ) комбинатор варианты юзага келади: *жизнь* (*жызнь*), *жир* (*жыр*), *жаты*, *жабры* каби. Унинг юмшоқ варианты фақат чўзиқ **ж** ҳолидагина учраши мумкин. Шунинг учун у ёзувда иккита **жж** билан берилади: *вожжи*, *дрожжи* каби. Бу фонема сўз охирида жарангсиз **ш** тарзида талаффуз қилинади: *массаж* > *массаи*, *морж* > *морш*, *арбитраж* > *арбитраш* каби.

**ц** фонемаси — тил олди, қоришиқ портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Портловчи **т** билан сирғалувчи **с** ундошлари-



нинг тарихан қўшилиб — қоришиб кетишидан ҳосил бўлган. У тс дан қисқа талаффуз қилинади. Бу товуш ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган бўлиб, ҳозир ўзбек тилида мустақил фонема саналади; кўпроқ рус тилидан ўзлашган сўзларда ёки русча-интернационал сўзлар негизида ясалган ўзбекча сўзларда учрайди: *центнер, юз центнерчи, цирк, абзац, шприц, кварц* каби. Талаффузи рус тилидагидан фарқ қилмайди.

Бу товушнинг юмшоқ варианты йўқ.

**ч фонемаси** — тил олди, қоришиқ портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Портловчи **т** ва сирғалувчи **ш** ундошларининг тарихан қўшилиб — қоришиб кетишидан ҳосил бўлган. Бу товуш ўзбек ва рус тилларининг иккаласига хос. Ҳар иккала тилда ҳам бир оз юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>чайла</i>	<i>чай</i>
<i>чекинмоқ</i>	<i>чекист</i>
<i>чора</i>	<i>чёлка</i>
<i>ҳеч</i>	<i>печь</i>
<i>омоч</i>	<i>ночь</i>

Рус тилида бу товушнинг қаттиқ варианты йўқ.

**л—л'** ундошлари — тил олди, сирғалувчи, жарангли, сонор товушлар. Бу товушларни ҳосил қилишда тилнинг учи милкка бориб тақалади, аммо тилнинг икки ёни очиқ қолиб, ҳаво оқими шу ердан сирғалиб ўтади. Шунинг учун **л—л'** фонемалари ён товушлар деб ҳам аталади.

Ўзбек тилида **л** рус тилидаги қаттиқ **л** билан юмшоқ **л'** ўртасидаги ундош сифатида, яъни қаттиқ **л** товушидан юмшоқроқ, аммо юмшоқ **л'** товушидан қаттиқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Русча юмшоқ л'	Ўзбекча л	Русча қаттиқ л
<i>пароль</i>	<i>жадвал</i>	<i>укол</i>
<i>медаль</i>	<i>сандал</i>	<i>феодал</i>
<i>февраль</i>	<i>судрал</i>	<i>либерал</i>
<i>деталь</i>	<i>йўтал</i>	<i>капитал</i>
<i>кисель</i>	<i>сел</i>	<i>радиоузел</i>
<i>автомобиль</i>	<i>замбил</i>	<i>бил</i>
<i>ликёр</i>	<i>ликилламоқ</i>	<i>лыко</i>
<i>люк</i>	<i>лунж</i>	<i>лук</i>

Рус тилидаги қаттиқ **л** билан юмшоқ **л'**нинг артикуляциясида ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлар бор. Хусусан, уларнинг ҳар иккаласи ҳам тил олди ва сирғалувчи ундошлардир, аммо юмшоқ **л'** да тилнинг учи билан тилнинг елка қисми кўтарилади, қаттиқ **л** да эса тилнинг фақат учи кўтарилади, елка қисми эса кўтарилмайди. Айни пайтда, юмшоқ **л'** да тилнинг орқа қисми кўтарилмайди, қаттиқ **л** да эса тилнинг орқа қисми бир

оз кўтарилган бўлади. Шулар ҳисобига бу икки ундош қаттиқлик ва юмшоқлик хусусиятларига эга бўлиб, ўзаро оппозиция ҳосил қилади.

Рус тилидаги қаттиқ л ва юмшоқ л' ундошлари ўзбек тилида, асосан, русча-интернационал сўзларда қўлланади: *материал — февраль, крахмал — эмаль, адмирал — спираль, цикл — спектакль* каби. Бундай пайтда уларнинг рус тилига хос талаффуз нормалари ҳам сақланади.

**н—н'** фонемалари — тил олди, портловчи-сирғалувчи, жарангли, сонор ундошлар. Бу товушларни ҳосил қилишда тилнинг учи милкка тегиб, тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ўтади, айни пайтда юмшоқ танглайнинг орқа қисми пастга тушиб, ҳаво оқимининг бурун бўшлиғига ўтиши учун йўл очилади. Бурундан ўтган ҳаво оқими қўшимча тонларни ҳосил қилиб, сонор **н—н'** товушларини юзага келтиради. Шунинг учун бу ундошлар бурун товушлари (смычные носовые) деб ҳам аталади.

Ўзбек тилидаги **н** рус тилидаги қаттиқ **н** ундошидан деярли фарқ қилмайди. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

*навбат*  
*қанот*  
*манти*  
*манфаат*  
*довон*  
*олтин*

Рус тилида

*набат*  
*канат*  
*манто*  
*манифест*  
*диван*  
*никотин*

Аmmo ўзбек тилидаги **н** лаб ундошлари билан ёндош бўлганда қисман ассимиляцияга учраб, лаб-лаб **м** ундошига ўтиши ҳам мумкин (қаранг: *ассимиляция*). Рус тилида эса **н** товуши бундай ўзгаришларга учрамайди.

Юмшоқ **н'** фақат рус тилининг ўзига хос бўлиб, ўзбек тилида рус тилидан ўзлашган сўзлардагина учрайди: *гармонь, тюлень, поршень, шонь* каби. Бу товушнинг артикуляцияси қаттиқ **н** ундошининг артикуляциясидан бир оз фарқ қилади. Унда тилнинг елка қисми қаттиқ танглай томон кўтарилиб, **н** товушининг юмшоқланишига (палатализацияга) сабаб бўлади. Қиёс қилинг: *марген — сирень, электрон — бронь, христиан — пристань, кон — конь* каби.

**р—р'** ундошлари — тил олди, титроқ (дрожашие), жарангли, сонор ундошлар. Бу товушларни ҳосил қилишда тилнинг учи титрайди.

Ўзбек тилидаги **р** рус тилидаги қаттиқ **р** билан юмшоқ **р'** товушлари орасидаги ундош сифатида (**р** дан юмшоқроқ, **р'** дан қаттиқроқ) талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Русча юмшоқ **р'**  
*сентябрь*  
*январь*

Ўзбекча **р**  
*сабр*  
*чевар*

Русча қаттиқ **р**  
*собор*  
*повар*

Юмшоқ р' фақат рус тилига хос бўлиб, ўзбек тилида, асосан, рус тилидан ўзлашган сўзлардагина учрайди: *октябрь, календарь, токарь, слесарь, ритм, риторика, реформа* каби.

**й фонемаси** — тил олди, сирғалувчи, жарангли, сонор ундош. Бу товушни ҳосил қилишда тилнинг учи пастки тишларга, тилнинг икки ёни ён тишларга тақалади, тилнинг ўрта қисми эса қаттиқ танглай томон кўтарилади, тилнинг икки қирғоғи орасида тор бўшлиқ қолиб, ҳаво оқими шу бўшлиқдан сирғалиб ўтади. Рус тилидаги **й** ўзбек тилидаги **й** дан бир оз майинроқ (енгилроқ) талаффуз қилинади: *йўқ* (ўзб.) — *йод* (рус.), *байрам* (ўзб.) — *байдарка* (рус.), *ишбай* (ўзб.) — *трамвай* (рус.), *ижодий* (ўзб.) — *радий* (рус.) каби.

Ҳар иккала тилда **й** ундоши ё лашган товушлар таркибида ҳам бўлади:

Ўзбек тилида

*ялла — йәллә*  
*елкан — йәлкән*  
*ёмғир — йәмғьр*  
*юлдуз — йәлдуз*

Рус тилида

*ярмарка — йармарка*  
*ёлка — йолка*  
*ель — йәл'*  
*юг — й'уг*

**к—к' фонемалари** — тил орқа, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундошлар. Бу товушларни ҳосил қилишда тил орқа қисмининг олдингироқ сатҳи қаттиқ танглайнинг орқа қисми билан туташиб, тўсиқ ҳосил қилади, ҳаво оқими шу тўсиқдан портлаб ўтади.

**к** ундоши ўзбек ва рус тилларининг иккаласига хос бўлса ҳам, ўзбек тилида у бир оз юмшоқроқ (рус тилидаги қаттиқ **к** билан юмшоқ **к'** ўртасидаги ундош сифатида) талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Русча юмшоқ к'

*кит*  
*кий*  
*кювет*  
*кисть*

Ўзбекча к

*катак*  
*ковак*  
*кувача*  
*кигиз*

Русча қаттиқ к

*каток*  
*кабак*  
*кувалда*  
*кодекс*

Ўзбек тилида **к** билан тугаган кўп бўғинли сўзларга унли билан бошланган қўшимчалар қўшилганда, ўзак (асос) охиридаги **к** интервокал ҳолатда жарангли **г** ундошига ўтади. Рус тилида бундай интервокал позицияда **к** ундоши жарангли **г** товушига ўтмайди: *терак > тераги, челақ > челаги, катак > катаги, данак > данаги* каби. *Иштирок* сўзи, шунингдек, *ток, нок* каби бир бўғинли сўзлар бундан мустасно.

Юмшоқ **к'** ундоши фақат рус тилига хос. Унинг артикуляцияси қаттиқ **к** товушининг артикуляцисидан тил ўрта қисмининг қаттиқ танглай томон кўтарилиши билан фарқланади.

**г — г’ фонемалари** — тил орқа, портловчи, жарангли, шовкинли ундошлар. Бу товушлар жарангсиз **к—к’** ундошлари билан деярли бир хил артикуляцияга эга. Улардан фақат ун пайчаларининг тебраниб, овоз ҳосил қилиши билан фарқ қилади. Ўзбек тилидаги **г** рус тилидаги юмшоқ **г’** ундошига яқинроқ туради. Қиёс қилинг:

Русча юмшоқ <b>г’</b>	Ўзбекча <b>г</b>	Русча қаттиқ <b>г</b>
<i>гильза</i>	<i>гилам</i>	<i>газета</i>
<i>гейзер</i>	<i>гезармоқ</i>	<i>говорить</i>
<i>бегемот</i>	<i>бегона</i>	<i>багаж</i>
<i>гигиена</i>	<i>бугун</i>	<i>бугорок</i>

Рус тилидаги **г — г’** ундошлари қаттиқлик-юмшоқлик жиҳати билан ўзаро фарқланади: қаттиқ **г** товушида тилнинг яқин орқа қисми, юмшоқ **г’** товушида эса ундан ҳам яқинроқ орқа қисми қаттиқ танглай томон кўтарилади, натижада палатализация (юмшоқланиш) юзага келади: *гиря — гора, генерал — гонорар, снегирь — нога* каби.

**г** фонемаси ўзбек ва рус тилларининг иккаласида сўз охирида ёки жарангсиз ундошлардан олдин келганда билинар-билинимас жарангсизланади: *барг > барк — драматург > драма-турк, таг > так — педагог > педагок, эгган > эккан — отторгший > отторкиший, тугган > туккан — ввергший > вверкиший* каби.

**х—х’ фонемалари** — тил орқа, сирғалувчи, жарангсиз, шовкинли ундошлар. Ўзбек тилидаги **х** билан рус тилидаги **х** ундошларининг артикуляцион хусусиятлари бир-биридан анча фарқ қилади: ўзбек тилидаги **х** товушида тилнинг энг орқа (ўзак) қисми юмшоқ танглай томон кўтарилиб, тўсиқ ҳосил қилади, рус тилидаги **х** товушида эса тилнинг яқин орқа қисми қаттиқ танглай томон кўтарилиб, тўсиқ ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам рус тилидаги **х** тил орқа ундоши, ўзбек тилидаги **х** эса чуқур тил орқа ундоши ҳисобланади. Шу артикулятор факторлар таъсирида ўзбек тилидаги **х** қаттиқроқ, рус тилидаги **х** эса юмшоқроқ талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>халта</i>	<i>халат</i>
<i>харидор</i>	<i>характер</i>
<i>пахта</i>	<i>пахать</i>
<i>пухта</i>	<i>пухнуть</i>
<i>мих</i>	<i>пух</i>

Рус тилидаги қаттиқ **х**, айни пайтда, юмшоқ **х’** товушидан ҳам фарқланади. Хусусан, қаттиқ **х** да тилнинг яқин орқа қисми қаттиқ танглай билан юмшоқ танглайнинг ўртасига қараб кўтарилади, юмшоқ **х’** товушида эса тилнинг ўртароқ қисми танглайга яқинлашади. Юмшоқ **х’** товушидан сўнг фақат олд қатор **и, э** унлилари, қаттиқ **х** ундошидан сўнг эса **а, о, у** унлилари

қўлланади: *хижина, хибара, в страхе; хата, Хабаровск, холод, худой* каби.

**ң (нг) фонемаси** — саёз тил орқа, портловчи-сирғалувчи, жарангли, сонор товуш. Бу ундош фақат ўзбек тилига хос бўлиб, уни ҳосил қилишда тилнинг яқин орқа қисми қаттиқ танглай билан юмшоқ танглай ўртасига томон кўтарилади, кичик тил (юмшоқ танглайнинг орқа қисми) пастга тушиб, бурун бўшлиғига ҳаво йўли очилади. Натижада ҳаво оқимининг бир қисми оғиздаги тўсиқдан портлаб, бир қисми эса бурундан сирғалиб ўтади. Шунинг учун бу товуш бурун товуши деб ҳам аталади: *бодринг, келинг, сингил, мингта* каби. Бу товуш интэрвокал ҳолатда (икки унли орасида) **н** ва **г** товушлари сифатида талаффуз қилиниши ҳам мумкин: *унинг онги, темир занги, қўйнинг юнги, суҳбатдошлар гурунги* каби.

Бу фонема сўз бошида қўлланмайди, рус тилида эса умуман учрамайди, аммо *митинг, тангенс* каби ўзлашган интернационал сўзлардаги **н** ва **г** фонемалари ўзбекча **ң** товушига яқин талаффуз қилинади.

**қ фонемаси** — чуқур тил орқа, портловчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Бу товуш ҳам ўзбек тилига хос бўлиб, уни ҳосил қилишда тилнинг энг орқа қисми — ўзаги юмшоқ танглайнинг орқа қисмига бориб тегади, шу жойда юзага келган тўсиқдан ҳаво оқими портлаб ўтади: *қиш, қизик, тақа, буқа, тўқмоқ, тадқиқ, қозон* каби. Рус тилида бу товуш бўлмаганидан, руслар уни саёз тил орқа **к** сифатида талаффуз қилади: *қиш — киш, қишлоқ — кишлак, йўқ — йок, пичоқ — пичак, балиқ — балык, ариқ — арык* каби.

**ғ фонемаси** — чуқур тил орқа, сирғалувчи, жарангли, шовқинли ундош. Бу товуш фақат ўзбек тилига хос. Уни ҳосил қилишда тилнинг энг орқа (ўзак) қисми юмшоқ танглай томон яқинлашади, тил билан танглай ўртасида пайдо бўлган тор оралиқдан ҳаво оқими сирғалиб ўтади. Бунда юзага келган шовқинга ун пайчалари тебранишидан ҳосил бўлган овоз қўшилади.

Ғ ундоши билан тугаган сўзларга **г** билан бошланган аффикслар қўшилганда, **ғ** ва **г** товушларининг иккаласи ҳам жарангсиз **қ** товушига ўтади: *боғ > боққа, тоғ > тоққа, ёғ > ёққа* каби.

Рус тилида чуқур тил орқа **ғ** ундоши йўқ. Шунинг учун руслар бу товуш ўрнида саёз тил орқа **г** товушини қўллайди: *ғўза-ноя — гузаяя, Ғайрат — Гайрат, ғазал — газель* каби.

**ҳ фонемаси** — бўғиз товуши, сирғалувчи, жарангсиз, шовқинли ундош. Ўзбек тилига араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзларда, шу сўзлар негизда ясалган ўзбекча сўзларда учрайди: *ҳосил, ҳукумат, беҳи, ҳамсуҳбат, ҳамқишлоқ, ҳаво ранг, ҳайратланмоқ* каби.

Бу товуш бўғиздаги ун пайчалари орасидан ҳаво оқимининг сирғалиб ўтишидан ҳосил бўлади. Бунда ун пайчалари тебранимайди.

Кейинги вақтларда ҳ ундошини баъзи фонетик позицияларда, айниқса, юқори тор унлилар билан ёндош келганда русча х товушига яқин талаффуз қилиш кўникмаси ҳам пайдо бўлмоқда. Қиёс қилинг:

Ўзбек тилида

*ҳиммат*  
*ҳижжа*  
*ҳувилламоқ*  
*ҳужра*

Рус тилида

*химия*  
*хижина*  
*худеть*  
*худший*

Шунинг учун ҳам руслар таркибида ҳ ундоши бўлган ўзбекча сўзларни саёз тил орқа х билан талаффуз қилади: *ҳужра* — *худжра*, *ҳурмо* — *хурма*, *ҳофиз* — *хафиз*, *баҳор* — *бахор* каби.

## 5-§. Фонетик ҳодисалар

Нутқ оқимида содир бўладиган фонетик ҳодисалар дастлаб уч турга — фонемаларнинг адаптацияси, фонемаларнинг позиция ва синтагматик факторлар таъсирида ўзгариши ҳамда фонемаларнинг алмашилиши (кўчиши)га бўлинади.

**1. Фонемалар адаптацияси (адаптация фонем).** Бунда бир фонеманинг маълум фонетик қуршовга мослашган варианты пайдо бўлади. Адаптацияда фонеманинг бошқа тури юзага келмайди, балки мавжуд фонеманинг оттенкаси ўзгаради. Бундай оттенкалар фонеманинг комбинатор вариантларини юзага келтиради.

Адаптация (мослашув) ҳодисаси икки хил бўлади:

**1. Аккомодация** — турли категориядаги товушларнинг, масалан, унли билан ундош ёки ундош билан унлининг ўзаро таъсири туфайли юзага келадиган адаптация. Бу ҳодиса ўзбек ва рус тилларининг иккаласида учрайди. Масалан: ўзбек тилида олд қатор и унлисининг чуқур тил орқа қ, ғ, х ундошлари таъсирида орқа қатор комбинатор варианты ҳосил бўлади. Қиёс қилинг: *кишт* — *қиш* (*кiшт* — *қьш*), *тиш* — *ғишт* (*tiш* — *ғьшт*), *тил* — *хил* (*tiл* — *хьл*) каби. Орқа қатор у, ў, о унлиларининг эса саёз тил орқа к, г ундошлари таъсирида олд қатор комбинатор вариантлари пайдо бўлади. Қиёс қилинг: *қул* — *кул* (*қул* — *кул*), *қўл* — *кўл* (*қол* — *кõл*) каби. Шунингдек, рус тилидаги орқа қатор унлилар тил орқа ундошлари билан ёндош келганда, тил яна ҳам орқароққа тортилади, натижада бундай унлилар янада қаттиқроқ талаффуз қилинади: *тол* — *кол*, *ноль* — *гол* каби.

Баъзан ундош товушнинг унлига мослашиши ҳам содир бўлади. Чунончи, лаб-тиш ф ундоши лабланган у унлиси билан ёнма-ён қўлланганда лаб-лаб ф тарзида талаффуз қилинади. Қиёс қилинг:

фақат — нуфуз  
 қафас — фусункор  
 афт — уфқ  
 саф — туф

сафлор (ўсимлик) — суфлёр  
 тариф — туфля  
 фары — фурункул  
 шарф — шурф

Аккомодация товушларнинг кучли ва кучсиз позицияда бўлишига қараб икки турга — прогрессив ва регрессив аккомодацияга бўлинади: прогрессив аккомодацияда олдинги товуш кейинги товушга (Ўзб. қирқ, кул; рус. кот, ком каби), регрессив аккомодацияда эса кейинги товуш олдинги товушга таъсир қилади (Ўзб. тўк — тўқ; рус. фаза — фузия каби).

2. **Ассимиляция** — бир хил категориядаги товушларнинг, масалан, ундош билан ундошнинг ёки унли билан унлининг ўзаро таъсири натижасида юзага келадиган адаптация. Бундай адаптацияда, одатда, кучли ва кучсиз позициядаги товушларнинг акустик-артикуляцион хусусиятлари ўзаро тўлиқ ёки қисман мослашади: *сунбул* > *сумбул*, *тўнка* > *тўққа* каби. Бу мисолларнинг биринчисида тил олди **н** ундоши лаб ундошига (**нб** > **мб**), иккинчисида эса саёз тил орқа ундошига (**нк** > **нқ**) артикуляция ўрни жиҳатидан мослашмоқда. Ассимиляциянинг бундай тури рус тилида ҳам кенг тарқалган. Чунончи, рус тилидаги тил орқа **к, г, х** ундошлари артикуляция ўрни жиҳатидан тил олди **л** ундошига мослашади: *клад*, *уклад*, *глаза*, *глюкоза*, *хлеб* каби. Бундай сўзлардаги **к, г, х** товушларини талаффуз қилишда тилнинг орқа қисми билан бирга уч қисми ҳам юқорига кўтарилмоқда, чунки **к, г, х** ундошларидан кейин келган тил олди **л** товушини талаффуз қилишда тилнинг учи кўтарилиши шарт.

Рус тилида тилнинг ўрта қисми ҳаракатига қараб ундош товушларнинг ўзаро мослашиш ҳоллари ҳам учрайди. Маълумки, тилнинг ўрта қисми қаттиқ танглай томон кўтарилганда палатализация ҳодисаси содир бўлади, натижада ундош товушларнинг юмшоқ турлари юзага келади: **н—н'**, **л—л'**, **т—т'**, **д—д'** каби. Юмшоқ ундош эса ўзидан олдин келган қаттиқ ундошга таъсир қилиб, уни ҳам ўзи сингари юмшоқ ундошга айлантиради. Чунончи, *винтовка* сўзидаги **н** ва **т** қаттиқ ундошлардир, ammo *винтить* сўзидаги **т** юмшоқ ундош бўлганидан, ундан олдинги қаттиқ **н** ҳам юмшоқ **н'** товушига ўтади. Бунга юмшоқ **т'** таъсирида тил ўрта қисмининг қаттиқ танглай томон кўтарилиши сабаб бўлади.

Ўзбек тилида ундошлар қаттиқлик ва юмшоқлик жиҳатдан оппозиция ҳосил қилмайди, шунинг учун унда ассимиляциянинг бу тури ҳам кам учрайди. Айни пайтда, рус тилида унли билан унли ўртасида содир бўладиган ассимиляция йўқ, ўзбек тилида эса лаб гармонияси ва тил гармонияси тарзида юзага келадиган сингармонизмда унлиларнинг ўзаро мослашиш ҳоллари мавжуд. Масалан: *келди* сўзидаги **и** олд қатор, ammo *қолди* сўзидаги **и** эса орқа қатор унли оттенкасига эга, чунки у биринчи бўғиндаги орқа қатор **о** товушига мослашган. Бу ҳодиса, айниқ-

са, ўзбек тилининг баъзи шеваларида кўп учрайди. Қиёс қилинг: *ўғлим* (адаб.) — *улум* (шевада), *олма* (адаб.) — *алма* (шевада), *тезроқ* (адаб.) — *тезрак* (шевада), *бодринг* (адаб.) — *бодринг* (шевада) каби.

Адаптациянинг яна бир тури ун пайчалари иштирокига кўра содир бўлади. Бунда жарангли ва жарангсиз ундошларнинг ўзаро мослашиши назарда тутилади. Масалан, жарангли д ундоши ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам жарангсиз т билан ёндош қўлланганда унга мослашиб, жарангсиз т тарзида талаффуз қилинади: *кетди* > *кетте*, *идти* > *итти* каби. Баъзан жарангсиз ундош жарангли ундошга мослашади: *тераказор* > *терагзор*, *помочь бы* > *помод'ж' бы* каби. Бунда ўзбек ва рус тилларидаги ўзаро зид ҳодисани ҳам кўриш мумкин. Чунинчи, жарангсиз ц билан тугаган сўзга жарангли г билан бошланган аффикс ёки сўз қўшилганда ўзбек ва рус тилларида икки хил ҳодиса содир бўлади: ўзбек тилида жарангли г жарангсиз ц таъсирида жарангсиз к товушига ўтади (*абзацга* > *абзацка* — *цг* > *цк*; *шприцга* > *шприцка* — *цг* > *цк* каби). Рус тилида эса, аксинча, жарангли г таъсирида жарангсиз ц жарангли дз товушига ўтади: *конец года* > *конедз года* каби.

Ҳар иккала тилда ассимиляция процесси товушларнинг ўзаро мослашиш даражаси ва позицияга кўра бир хил типларга — тўлиқ, тўлиқсиз, прогрессив ва регрессив ассимиляцияларга бўлинади:

а) тўлиқ ассимиляцияда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига айнан мослашади. Улар (товушлар) ўртасида акустик-артикуляция тафовутлар қолмайди: *новвой* > *новвой* (*нв* > *вв*), *теракга* > *теракка* (*кг* > *кк*), *расширить* > *раширить* (*сш* > *шш*), *идти* > *итти* (*дт* > *тт*) каби;

б) тўлиқсиз ассимиляцияда кучли ва кучсиз позициядаги товушлар бир-бирига қисман мослашади: *танбур* > *тамбур* (*нб* > *мб*), *когти* > *кохти* (*гт* > *хт*) каби. Бу мисолларнинг биринчисида тил олди н ундоши б ундошига фақат артикуляция ўрни жиҳатидан, иккинчи мисолда эса жарангли г ундоши жарангсиз т ундошига фақат ун пайчалари иштироки жиҳатидангина мослашган;

в) прогрессив ассимиляцияда олдинги товуш кейинги товушни ўзига мослаштиради: (*ўсди* > *ўсти* (*сд* > *ст*), *тошдан* > *тоштан* (*шд* > *шт*), *экан* > *экан* (*кг* > *кк*), *қишлоқга* > *қишлоққа* (*кг* > *ққ*) каби. Рус тилида бунга *бинокль*, *цикл*, *Пётр*, *психиатр* каби сўзлар охиридаги сонор товушларнинг жарангсиз к ва т ундошлари таъсирида жарангсизланиши мисол бўлади;

г) регрессив ассимиляцияда кейинги товуш олдинги товушни ўзига мослаштиради:

#### Ўзбек тилида

*мазкур* > *маскур* (*зк* > *ск*)  
*бирга* > *битта* (*рт* > *тт*)  
*шамба* > *шамба* (*нб* > *мб*)  
*тузсиз* > *туссиз* (*зс* > *сс*)

#### Рус тилида

*везти* > *вести* (*зт* > *ст*)  
*расшатать* > *рашшатать* (*сш* > *шш*)  
*мягкий* > *мяхкий* (*гк* > *хк*)  
*тяжкий* > *тяшкий* (*жк* > *шк*)



Регрессив ассимиляция ўзбек ва рус тилларининг иккаласида ҳам кенг тарқалган. Прогрессив ассимиляция эса ўзбек тилида кўпроқ, рус тилида камроқ учрайди.

Аккомодация ва ассимиляция процесслари одатда фонемаларнинг комбинатор вариантларини юзага келтиради.

**II. Фонемаларнинг позиция ва синтагматик факторлар таъсирида ўзгариши.** Бундай ўзгаришлар, бир томондан, товушнинг сўз таркибидаги ўрнига (позициясига), иккинчи томондан эса, товушларнинг синтагматик хусусиятларига (бошқа товушлар билан ёнма-ён кела олишига) боғлиқ равишда содир бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги умумтуркий сўзларнинг бошида **р, л, в** товушлари қўлланмайди, сўз бошида бир неча ундош қатор (ёнма-ён) келмайди. Рус тилида эса, аксинча, бир неча ундош сўз бошида қаторлашиб келади, **р, л, в** ундошларининг сўз бошида қўлланиши қонуний ҳодиса ҳисобланади. Бу ҳол бир тилдан иккинчи тилга ўтган сўзларнинг фонетик структурасида баъзи ўзгаришларнинг — товушларнинг тушиб қолиши ёки ортирилиши кабиларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Позицион ва синтагматик ўзгаришларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

**1. Редукция** — урғусиз бўғиндаги унлининг кучсизланиши. Бу ҳодиса ўзбек ва рус тилларининг иккаласида учрайди. Аммо рус тилида у фонеманинг сифатига кўпроқ таъсир қилади. Хусусан, ўзбек тилидаги унли товуш урғусиз бўғинда фақат кучсизроқ ва қисқароқ талаффуз қилиниши билан характерланади: *билан* > *бълән*, *бироқ* > *бърқ*, *қишлоқ* > *қъшлққ* каби. Рус тилидаги унли эса бундай позицияда кучсизланибгина қолмай, ўзининг артикуляцион белгиларини ҳам ўзгартиради. Қиёс қилинг: *комсомол* > *камсамол* (*о* > *а*), *редактор* > *редактър* (*о* > *ѳ*), *трактор* > *трактър* (*о* > *ѳ*), *к сожалению* > *к сажылению* (*а* > *ы*), *часы* > *чисы* (*а* > *и*) каби. Бундай фонетик ўзгаришлар маълум даражада унлиларнинг ҳаммасида учрайди, аммо юмшоқ ундошлардан сўнг қўлланган унлиларда сезиларлироқ бўлади.

**2. Сўз охирида жарангли ундошларнинг жарангсизланиши.** Бу ҳодиса ҳам ўзбек ва рус тилларининг иккаласида учрайди. Хусусан, жарангли **б, д, з, г, ж, дж**, шунингдек, лаб-тиш **в** ундошлари сўз охирида тўла ёки қисман жарангсизлашади («Ундош фонемалар характеристикаси» бўлимига қаранг).

**3. Сўз охиридаги портловчи ундошларнинг сирғалувчи ундошга ўтиши.** Бу ҳодиса ўзбек тилидаги қ ундошининг кўм бўғинли сўзлар охирида **ғ** тарзида талаффуз қилинишида кўринади: *ўртоқ* > *ўртоғ*, *балиқ* > *балиғ*, *тароқ* > *тароғ* каби.

Рус тилида позициян ўзгаришнинг бу типи учрамайди.

**4. Товуш тушиш ҳодисасининг қуйидаги турлари бор:**

а) *прокба* — сўз бошидаги товушнинг тушиб қолиши: *йироқ* > *ироқ*, *йигна* > *игна*, *йағоч* > *ағоч* каби. Бундай сўзларда й товушининг тушиши, асосан, тарихий (диахроник) ҳодиса бўлиб, ҳозирги ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам деярли учрамайди;

б) *синкба* — сўз ўртасидаги товушнинг тушиб қолиши.

Ўзбек тилида кўпроқ урғусиз бўғидаги унли товуш тушиб қолади: *бироқ* > *броқ*, *хина* > *хна*, *қўнғироқ* > *қоңғроқ*. Бундай позицияда унли товушнинг тушиб қолиши, айниқса, ўзак морфемага аффикс морфемалар қўшилганда кўпроқ юз беради: *ўғил* > *ўғлим*, *бурун* > *бурни*, *оғиз* > *оғзи*, *сингил* > *синглиси*, *болалар* > *боллар*, *икки* > *икков*, *олти* > *олтов* каби.

Рус тилида ҳам урғусиз бўғидаги унли тушиб қолиши мумкин, ammo бу ҳодиса рус тилида ўзбек тилидагига қараганда камроқ учрайди: *инициатива* > *инциатива*, *инициалы* > *инциалы* каби.

Сўз ўртасида унли товушнинг тушиб қолиши баъзан тарихий планда юзага келган бўлиб, ҳозир сезилмаслиги ҳам мумкин: *олича* > *олча*, *келаяпти* > *келяпти* (ўзбек тилида), *только* > *только* (рус тилида) каби.

Рус тилида синкопанинг бу тури — унли товушларнинг тушиб қолиши жуда кам учрайди, ammo ундош товушларнинг тушиши анча кенг тарқалган. Хусусан, сўз ўртасида қатор келган *сти*, *здн*, *стл*, *нтск*, *ндск*, *вств* каби ундошлардан биттаси албатта тушиб қолади: *грустный* > *грусный*, *поздно* > *позно*, *счастливый* > *счасливый*, *ташкентский* > *ташкенский*, *голландский* > *голланский*, *здравствуйте* > *здравствуйте* каби. Булардан ташқари, икки *сс* ёки икки *лл* ундошидан таркиб топган геминаталарда ҳам бир *с* ёки бир *л* деярли талаффуз қилинмайди: (*режиссёр* > *режисёр*, *комиссар* > *комисар*, *ассистент* > *асисент*, *миллион* > *милион*, *миллиард* > *милиард* каби.

Ўзбек тилида ундош товушлар синкопаси кам учрайди: *пастқам* > *пасқам*, *пастда* > *пасда* каби. Уларнинг баъзи турлари тарихий пландагина қаралиши мумкин: *эрди* > *эди*, *бирлан* > *билан* каби;

в) а п ó к о п а — сўз охирида товуш ёки товушлар комплексининг тушиши ҳам ўзбек ва рус тилларининг иккаласида учрайди. Ammo ўзбек тилида асосан ёндош келган икки ундошдан бири (сўнггиси), рус тилида эса кўпроқ сўз охиридаги унли тушиб қолади. Масалан:

Ўзбек тилида	Рус тилида
<i>баланд</i> > <i>балан</i>	<i>чтобы</i> > <i>чтоб</i>
<i>хурсанд</i> > <i>хурсан</i>	<i>уже</i> > <i>уж</i>
<i>ғишт</i> > <i>ғиш</i>	<i>или</i> > <i>иль</i>
<i>ғйшт</i> > <i>ғйш</i>	<i>коли</i> > <i>коль</i>

Рус тилида апокопа ҳодисасининг сўз ясалишига олиб келувчи махсус тури ҳам бўлиб, унда икки ёки ундан ортиқ компонентли сўзларнинг сўнгги қисми тушиб қолади: *метрополи-тен* > *метро*, *килограмм* > *кило*, *таксомотор* > *такси* каби;

г) э л и з и я — икки сўз туташган жойда бир ёки бир неча товушнинг тушиб қолиши тилда ихчамликка интилиш (эллипсис) натижасида юзага келади. Элизия ҳодисаси диахрон (та-

рихий) ва синхрон (ҳозирги) планда бўлиши мумкин. Диахрон планда содир бўлган элизия баъзи сўзларнинг ёки сўз формаларининг юзага келишига сабаб бўлган: *Дили ором* > *Дилором*, *ҳар нима* > *ҳарна*, *қайин она* > *қайнана*, *Шоҳ Пўлат* > *Шопўлат*, *айтган эди* > *айтганди*, *борар эди* > *борарди* каби. Диахрон пландаги элизия сўз бирикмалари ёки аналитик формаларнинг ҳозирги тилда махсус грамматик ёки модал маъноларни ифода-лашга хосланган ёхуд махсус стилистик мақсадларга мослашган формаларини юзага келтирган: *айтган эмиш* > *айтганмиш*, *борар экан* > *бораркан*, *нима қилсин* > *на қилсин*, *нима қилгай* > *на қилгай* каби.

Синхрон пландаги элизия сўз бирикмалари ёки аналитик формаларнинг ҳозирги кундаги қисқаришидир: *мана шу* > *ман-шу*, *бора олди* > *боролди*, *ёза олди* > *ёзолди*, *олиб борди* > *оборди* каби. Бу ҳодиса рус тилида жуда кам учрайди.

### 5. Товуш орттирилишининг қуйидаги турлари бор:

а) протéза — сўз бошида товуш орттирилиши ўзбек тилининг жонли сўзлашув нутқида (асосан, бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар талаффузида) кўпроқ учрайди: *рўмол* > *ўрамол*, *рус* > *ўрус*, *шкаф* > *ишкоп*, *стакан* > *истакон* каби. Рус тилида эса бу ҳодиса фақат тарихий планда юзага келган бўлиб, ҳозир учрамайди: *восемь* > *осемь* каби;

б) э п е н т é з а — сўз ўртасида товуш орттирилиши ҳам асосан сўзлашув нутқида хосдир: *план* > *пилон*, *трактор* > *тирактёр*, *трамвай* > *тирамвай* (ўзбек тилида); *нрав* > *ндрав*, *срам* > *страм*, *метр* > *метёр*, *литр* > *литёр* (рус тилида) каби;

в) э п и т é з а — сўз охирида товуш орттирилиши: *отпуск* > *отпуска*, *киоск* > *киоска*, *танк* > *танка* каби. Рус тилида эпитеза ҳодисаси ҳозир деярли учрамайди.

III. Товуш алмашиниши (чередование фонем) — бир фонеманинг бошқа фонемага ўтиши рус тилида анча кенг тарқалган бўлиб, бир қатор фонетик қонуниятлар билан белгиланади. Хусусан, товуш алмашиниши албатта бир морфема таркибида бўлади. Масалан, *искать* — *ищу* (с > ш), *писать* — *пишу* (с > ш), *угроза* — *угрожать* (з > ж), *пеку* — *печешь* (к > ч), *берегу* — *бережешь* (г > ж) каби. Ўзбек тилида бу ҳодиса жуда кам учрайди, у асосан товушларнинг тарихий ўзгариши натижасида юзага келган бўлади ёки айрим ундошларнинг артикуляциясидаги ўзига хос хусусиятлардан келиб чиқади: *шоҳи* > *шойи* (ҳ > й), *Раҳим* > *Райим* (ҳ > й), *кейин* > *кегин* (й > г) каби.

Товуш алмашиниши диссимляция натижасида юзага келиши ҳам мумкин. Бунда сўз таркибидаги иккита бир хил фонемадан бири бошқа фонемага кўчади:

#### Ўзбек тилида

*бирорта* > *биронта*  
*зарур* > *зарил*  
*мақтанмоқ* > *махтанмоқ*  
*кисса* > *киста*  
*учта* > *ушта*

#### Рус тилида

*мягкий* > *мяхкий*  
*лёгкий* > *лэхкий*  
*ногти* > *нохти*  
*когти* > *кохти*  
*коридор* > *колидор*

Диссимилияция ҳодисаси йўналишига қараб икки хил бўлади:  
а) прогрессив диссимилияция. Бунда кейинги товуш ўзгаради: *бирорта* > *биронта*, *зарур* > *зарил* каби. Диссимилияциянинг бу тури рус тилида деярли учрамайди;

б) регрессив диссимилияция. Бунда олдинги товуш ўзгаради: *мақтанмоқ* > *махтанмоқ* (ўзбек тилида), *мягкий* > *мяхкий* (рус тилида) каби.

Товушларнинг акустик-артикуляцион хусусиятларига қараб диссимилияция яна иккига бўлинади:

а) тўлиқ диссимилияция. Бунда иккита бир хил товушдан бири ноўхшаш товушга ўтади: *кисса* > *киста* (ўзбек тилида), *коридор* > *колидор* (рус тилида) каби;

б) қисман диссимилияция. Бунда артикуляцион хусусиятлардан фақат баъзиларигина ўзгаради. Масалан, ўзбек тилидаги *учта* > *ушта*, рус тилидаги *когти* > *кохти* сўзларида қўлланган **ч-т** ва **г-т** ундошлари айнан бир хил товушлар эмас, аммо уларнинг артикуляция усули бир хил: ҳар иккаласи ҳам портловчи ундошлардир. Диссимилияция процессида шулардан бири сирғалувчи ундошга айланмоқда: **ч** > **ш**, **г** > **х** каби.

Товушлар ўртасидаги масофа жиҳатидан ҳам диссимилияция икки хил бўлади:

а) контакт диссимилияция. Бунда ёнма-ён турган товушлардан бири ўзгаради: *кисса* > *киста* (ўзбек тилида), *лёгкий* > *лэхкий* (рус тилида) каби;

б) дистант диссимилияция. Бунда диссимилияцияга учраётган товушлар бир-биридан узоқроқда жойлашган бўлади. Масалан: *бирорта* > *биронта* (ўзбек тилида), *коридор* > *колидор* (рус тилида) каби. Дистант диссимилияция рус тилида жуда кам учрайди.

**Метатеза** — сўз таркибида товушларнинг ўзаро ўрин алмашилиши ўзбек тилида, асосан, жонли сўзлашувга хос бўлиб, адабий тилда кам учрайди; рус тилида эса кўпроқ тарихий пландаги ҳодиса сифатида маълум бўлиб, ҳозир кўпчилик ҳолларда адабий тил бирлигига айланган сўзларни юзага келтирган:

#### Ўзбек тилида

*тупроқ* > *турпоқ*  
*тебратмоқ* > *терватмоқ*  
*дарё* > *дайро*  
*тўғрамоқ* > *тўрғамоқ*

#### Рус тилида

*Фрол* <лат. *Флорус*  
*тарелка* <*талерка*  
*ладонь* <*долонь*  
*мрамор* <*мармар*

Диссимилияцияда бўлганидек, метатезада ҳам контакт ва дистант ҳолатлар бор: ўзбек тилидаги *тупроқ* > *турпоқ* (**пр** > **рп**), рус тилидаги *мрамор* < *мармар* (**ра** < **ар**) сўзларида ўзаро ўрин алмашинаётган товушлар ёнма-ён жойлашгандир. Бу ҳодиса контакт метатеза деб аталади. Ўзбек тилидаги *айланайин* > *айналайин* (**л-н** > **н-л**), рус тилидаги *тарелка* < *талерка* (**р-л** < **л-р**) сўзларида эса ўрин алмашаётган товушлар ёнма-ён жойлашган эмас. Метатезанинг бу тури дистант метатеза деб юригилади.

**Спирантизация** — портловчи ундошнинг сиргалувчи ундошга ўтиши: *қишлоқ > қишлоғимиз (қ > ғ), юбормоқ > ювормоқ (б > в), кабоб > кавоб (б > в), мана бу > манаву (б > в)* каби. Спирантизация ҳодисасида позицион ва комбинатор факторлар биргаликда қатнашади. Бу ҳодиса рус тилида учрамайди.

## 6-§. Бўгин (Слог)

Бўгин бир ҳаво зарби билан айтиладиган товуш ёки товушлар комплексидир. Масалан: *она (о-на), ука (у-ка)* каби. Бўгиннинг ўзбек ва рус тилларидаги умумий (универсал) белгилари қуйидагилар:

1. Бўгин бир ҳаво зарби билан айтилади.

2. Унилар бўгин ҳосил қилувчи асосий товуш ҳисобланади. У ундошларни ўзига «тортиб», битта яхлит фонетик комплексни юзага келтиради.

3. Ҳар иккала тилда тўла очиқ ва боши ёпиқ бўгинлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан: *а-на, да-ла, та-на, ма-на* (ўзбек тилида); *о-тец, бе-рѐ-за, бла-го-по-лу-чие, во-ля, по-го-да* (рус тилида) каби.

4. Ҳар иккала тилда ҳам бўгин сўзнинг семантикаси билан боғланмайди. Бинобарин, сўзнинг лексик маъноси ва морфемик состави бўгин билан белгиланмайди. Масалан, ўзбек тилидаги *деҳқончилик* сўзи икки морфемага (*деҳқон + чилик*), рус тилидаги *крестьянство* сўзи ҳам икки морфемага (*крестьян + ство*) бўлинади. Бу морфемаларнинг ҳар бири маълум маънога эга. Аммо уларнинг таркибидаги *деҳқон-чи-лик, крестьян-ство* бўгинларининг ҳар бири алоҳида маъно бермайди.

5. Ҳар икки тилда ҳам бўгиннинг қуйидаги типлари учрайди<sup>1</sup>:

а) тўла очиқ бўгин. У фақат бир унлидан иборат бўлади: *о-та, о-на* (ўзбек тилида); *а-кант* (дарахт тури), *а-но-ма-ли-я* (рус тилида) каби;

б) тўла ёпиқ бўгин. Бундай бўгин ундош билан бошланиб, ундош билан тугайди: *тар-тиб, мак-таб, тар-вуз* (ўзбек тилида); *боль-шой, мет-кий, чут-кий* (рус тилида) каби;

в) боши ёпиқ бўгин. Бундай бўгин ундош билан бошланиб, унли билан тугайди: *бо-ла, та-на* (ўзбек тилида); *кни-га, до-ро-га* (рус тилида) каби;

г) охири ёпиқ бўгин. Бундай бўгин унли билан бошланиб, ундош билан тугайди: *ор-тиқ, ўр-та* (ўзбек тилида); *ав-то-мат, ар-тист* (рус тилида) каби;

д) урғули бўгин: *дарахт, пахта* сўзларидаги иккинчи, *драма, школа* сўзларидаги биринчи бўгинлар урғулидир. Бу бўгинлар таркибидаги унлилар бошқа бўгинлардаги унлиларга нисбатан чўзиқроқ ва кучлироқ талаффуз қилинади;

<sup>1</sup> Бўгин типларини номлашда филология фанлари доктори Аҳмаджон Маҳмудовнинг «Ўзбек адабий тилида сўзларнинг фонетик структураси» мақоласига асосланди. Қаранг: Ўзбек тили ва адабиёти, журнал, 1984, 2-сон.

е) урғусиз бўғин. Бундай бўғин таркибидаги унли қисқа ва кучсиз талаффуз қилинади: *дарахт, пахта* сўзларининг биринчи бўғини, *школа, драма* сўзларининг эса иккинчи бўғини урғусиздир.

Сўзларнинг урғули ва урғусиз бўғинларидаги унлилар ҳар иккала тилда ҳам ўзаро фарқ қилади.

Ўзбек ва рус тилларидаги бўғиннинг фарқли томонлари, асосан, уларнинг фонетик структураси билан белгиланади. Хусусан:

а) ўзбек тилида (умумтуркий сўзларда) бўғин бошида бир неча ундош қатор келмайди, рус тилида эса бир неча ундош қатор келиши мумкин: *ста+кан, стрел+ка, трам+вай* каби. Шунинг учун ҳам ўзбек тилининг жонли сўзлашувида рус тилидан ўзлашган бундай сўзларни бузиб талаффуз қилиш ҳоллари учрайди: *справка — испирапка, стакан — истакон, шкаф — ишкюп* каби;

б) ўзбек тилида охири ёпиқ ва тўла очиқ бўғинлар фақат сўз бошида учрайди: *ол+ма, ў+рик, ик+ки* каби. Рус тилида эса у сўзнинг ҳар қандай қисмида кела олади: *пи-о-нер, а-орта, ор-ден, от-тиск, ин-же-нер* каби. Ўзбек тилида бундай бўғиннинг сўз ўртасида ёки охирида қўлланиши ўзлашган сўзлардагина ёхуд шу сўзлар негизда ясалган ўзбекча сўзлардагина учрайди: *са-о-дат, о-и-ла, мат-ба-а, му-то-ла-а, мат-ба-а-чи, би-о-лог* каби.

## 7- §. Урғу (Ударение)

Урғу тилнинг суперсегмент элементларидан бўлиб объектига кўра икки турга бўлинади:

1. Сўз урғуси (лексик урғу — ударение словесное). Бунда сўз таркибидаги бўғинлардан бири чўзиқроқ ва кучлироқ талаффуз қилинади ёхуд алоҳида тонга эга бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *кўча, шаҳар* сўзларининг иккинчи бўғини, рус тилидаги *профессор* сўзининг иккинчи, *медаль* сўзининг эса охириги бўғини кучлироқ ва чўзиқроқ талаффуз қилинади.

2. Гап урғуси (логик урғу — ударение логическое). Бунда гап бўлақларидан бири ёки бир нечаси алоҳида таъкидланиб талаффуз қилинади. Масалан: *Мен институтда ўқийман* (н и м а қ и л а м а н?). *Мен институтда* (қ а е р д а?) *ўқийман. Мен* (к и м?) *институтда ўқийман. Я учусь* (ч то делаю?) *в институте. Я учусь в институте* (г д е?). *Я* (к т о?) *учусь в институте* каби.

Сўз урғуси (словесное ударение). Сўз урғуси артикуляция кучига кўра *динамик урғу* (кучли урғу), талаффузнинг чўзилишига кўра *квантитатив урғу* (чўзиқ урғу), тоннинг ҳаракатига (кўтарилиши ва пасайишига) кўра *музикал урғу* (тоник урғу) каби турларга бўлинади. Ўзбек ва рус тилларидаги лексик урғу *динамик-квантитатив урғу* саналади, чунки уларнинг ҳар иккаласида урғули бўғин кучли ва чўзиқ талаффуз қилинади. Аммо рус тилида бундай бўғиндаги унлининг чўзилиш даражаси ўз-

бек тилидагига қараганда кўпроқ бўлади. Қиёс қилинг: *тарвўз* — *арбўз*, *занжўр* — *зажўм*, *бáлки* — *бáлка* каби.

Ўрнига кўра урғу эркин ва турғун бўлади. Ўзбек тилида урғу, асосан, турғундир, чунки у кўпроқ сўзнинг охириги бўғинига тушади: *шаҳар*, *узумчилик*, *ўқйиш*, *ишлаш*, *Тошкент*, *Чирчиқ* каби. Булардан баъзи олмошлар (*бáри*, *бáрча*, *жáми*, *ҳáмма*, *бáъзи* кабилар), модал сўзлар (*албáтта*, *модóмики*, *афсўски* кабилар), равишлар (*я́нги*, *ҳóзир*, *э́нди* кабилар), аффикс юклама олган айрим сўзлар (*мён-ку*, *мён-да*, *бóр-да* ва ҳоказо) мустаснодир.

Рус тилида эса урғу эркин, чунки у сўзнинг ҳар қандай бўғинига туша олади: *абажўр* (охирги бўғинда), *авантёрá* (охирдан битта олдинги бўғинда), *лучи́стый* (ўртадаги бўғинда), *свёточ* (биринчи бўғинда) каби.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам урғу бир бўғиндан бошқа бўғинга кўчиши мумкин, аммо уларнинг кўчишида маълум тафовутлар бор: ўзбек тилидаги урғуда сўзнинг охириги бўғинига қараб кўчиш устун туради: *теми́р* — *темирчи́* — *темирчилик* каби. Охириги бўғиндан олдинги бўғинга кўчиш фақат сифатлардан фонетик йўл билан равиш ясалганда (*я́нги костюм*: *я́нги келди* каби) ёки баъзи сўзларнинг маъносига модал оттенкалар қўшилгандагина (*олтовí* ҳам *келди*; *олтови* ҳам *келмади* каби) учрайди. Рус тилидаги урғунинг кўчиши эса ҳар хил йўналишда бўлиши мумкин: *загна́ть* — *загна́н* — *загона́ть*; *зада́ть* — *задал* — *задала́*, *ра́на* — *ранёние* каби.

Рус тилидаги урғунинг турли ўринда кела олиши, ҳатто, бир сўзнинг ўзида ҳам учрайди: *до́красна́* — *до́красна*, *зали́тый* — *за́литый*, *казаки́* — *каза́ки*, *и́на́че* — *и́наче*, *заги́б* — *заги́б* каби. Бу ҳол ўзбек тилида йўқ.

Қўшма ва жуфт сўзларда урғу иккита бўлиши ҳам мумкин: *калта́кеса́к*, *теми́рбетон*, *гултожи́ хўро́з*, *ака́-ука́*, *қозон-говдо́к*, (ўзбек тилида); *железобетон*, *самóпроизво́льность*, *темно́-синий*, *промы́шленно-агра́рный* (рус тилида) каби.

Ўзбек тилидаги урғу, асосан, сўзнинг тўғри талаффуз нормасини белгилайди, аммо у баъзан сўз маъносини фарқлаш функциясини ҳам бажаради: *я́нги* (сифат) — *я́нги* (равиш), *атлас* (маго) — *атлас* (географик атлас) каби. Урғунинг сўз маъноларини фарқлаш функцияси рус тилида ҳам бор: *па́рить* (буғламақ) — *пари́ть* (парвоз қилмоқ), *замо́к* (қулф) — *замо́к* (қаср) каби. Бундан ташқари, урғу рус тилида сўзнинг грамматик формаларини (омоформаларни) ҳам фарқлайди; *до́ма* (род. келишиқдаги от, бирлик форма) — *дома́* (имен. келишиқдаги отнинг кўплик формаси), *го́ры* (имен. келишиқдаги отнинг кўплик формаси) — *горы́* (род. келишиқдаги отнинг бирлик формаси) каби. Ўзбек тилида эса урғунинг бу хусусияти жуда кам учрайди: у асосан от ёки от ўрнидаги сўзларнинг ўрин-шайт келишиқдаги формаси билан *-да* таажжуб юкламасини олган модал формаларни фарқлайди, холос: *шаҳарда́* — *шаҳар-да*, *менда́* — *мён-да*, *сенда́* — *сён-да* каби.

**1- §. Ўзбек ва рус тиллари лексикасига қийсий характеристика**

(Сопоставительная характеристика лексики узбекского и русского языков)

Ўзбек ва рус тиллари лексикаси, энг аввало, бу тилларнинг турли оилага мансублиги билан фарқланади. Хусусан:

а) ўзбек тили генеалогик жиҳатдан туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, унинг асосий лексик фондини **умумтуркий** ва **ўзбекча сўзлар** ташкил қилади;

б) рус тили ҳинд-европа тиллари оиласининг славян тиллари группасига киради, шунинг учун унинг асосий лексик фондини **умумславян сўзлари** ва шулар асосида юзага келган **қадимги рус сўзлари** ташкил қилади.

Ҳар икки тил лексикасининг тарихан таркиб топиб, шаклланиб бориши жамият тараққиётини белгиловчи турли факторлар таъсирида содир бўлганлиги учун уларда юзага келган лексик қатламлар ҳам ҳар хилдир. Чунончи:

а) ўзбек тили **умумтуркий сўзлар**, **ўзбекча сўзлар**, **тожикча сўзлар**, **арабча сўзлар** ва рус тилидан ўзлашган сўзлар каби лексик қатламлардан таркиб топган<sup>1</sup>;

б) рус тилида **умумславян сўзлари** (общеславянские слова), **шарқий славян ёки қадимги рус сўзлари** (восточнославянские или древнерусские слова), **асл русча сўзлар** (собственно русские слова) ва **бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар** (иноязычные слова) каби лексик қатламлар шаклланган<sup>2</sup>.

Қуйидаги мисолларни чоғиштиринг:

**Ўзбек тилининг лексик қатламлари**

- а) **умумтуркий сўзлар**: *бош, тоғ, олтин, мен, сен, бир, икки, ота, бола, она, тиш*;  
 б) **ўзбекча сўзлар**: *ишчи, бош-ла, оқла, ёшлик, узумчилик, тугун, ёгингарчилик, маданиятли, жангчи, самоварчи*;

**Рус тилининг лексик қатламлари**

- а) **умумславян сўзлари**: *дом, город, голова, горло, мать, отец, брат, день*;  
 б) **шарқий славян ёки қадимги рус сўзлари**: *галка, тут, снеговпад, добреть, потолок, жаворонок, пузырь*;

<sup>1</sup> Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тўртинчи наشري, Тошкент, «Ўқитувчи» наشريёти, 1978, 32—36-бетлар.

<sup>2</sup> Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка. Издание второе. М., Просвещение, 1972, с. 70—115.



в) тожикча-форсча сўзлар: *дастрўмол, фарзанд, сартарош, офтоб, барг, дарахт, озода, астойдил, тилла, дотор;*

г) арабча сўзлар: *ахборот, мактаб, оила, ҳукумат, иншоот, маданият, адабиёт, ҳақиқат, аъзо, дарс;*

д) русча ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар: *самовар, колхоз, совхоз, обком, райком, коммунизм, социализм, партия, революция, экономика, съезд, космос, роман, повесть, сюжет, композиция, метафора, генетика, автобус, троллейбус.*

в) асл русча сўзлар: *зарплата, раздевалка, кассирша, каменщик, бетонщик, зажигалка, листовка, общность, разбег, огнетушитель;*

г) бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар: *мудрость, время* (эски славян тилидан), *кофта, булка* (поляк тилидан), *арбуз, казна* (туркий тиллардан), *грамота, лавр* (грек тилидан), *комната, ангина* (латин тилидан), *слесарь, балетмейстер* (немис тилидан), *портфель, компют* (француз тилидан), *вокзал, трамвай* (инглиз тилидан), *опера, дуэт* (итальян тилидан), *матрос, шлюпка* (голланд тилидан).

Ўзбек тилига рус тилидан (ёки у орқали бошқа тиллардан) ўзлашган сўзларнинг аксарият қисми ижтимоий-сиёсий ҳаётга онд номлар ва илм-фан, транспорт, маориф, адабиёт, санъат каби соҳаларга онд терминлардир: *партия, конституция, комсомол, пленум, конференция, институт, техникум, лекция, троллейбус, автобус, поезд, опера, драма, спектакль, ток, амперметр, кульминация, гамета, спора, хлорофилл, станок* каби.

Бундай сўзларнинг ўзбек тилидаги фонетик-орфоэпик хусусиятлари қуйидагича:

а) кўпчилик сўзлар рус тилидаги фонетик структураси ва талаффуз нормаларини айнан сақлаган (юқоридаги мисоллар);

б) баъзи сўзларда (айниқса XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ўзлашган сўзларда) маълум ўзгаришлар содир бўлган: *чўтка* (<щётка), *чўт* (<счёты), *қулупнай* (<клубника), *ром* (<рамы), *патнис* (<поднос), *каравот* (<кровать), *черков* (<церковь), *чоризм* (<царизм), *сутка* (<сутки) каби.

Эслатма: Рус тилидан ўзлашган сўзларнинг юқорида келтирилган кўринишлари (фонетик структураси, талаффузи) ҳозирги ўзбек адабий тили учун нормадир. Аммо ўзбек тилида рус тили орқали ўзлашган сўзларнинг *пирасан* (<процент), *ишкоч* (<шкаф), *испиратка* (<справка), *истакан* (<стакан) *ишгарош* (<штраф), *пилон* (<план), *шўпир* (шофёр) деб талаффуз этилиш ҳоллари ҳам борки, буни ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма деб бўлмайди. Бу ҳол, асосан, ўзбек тилининг жонли сўзлашув услубига хос.

в) рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар негизда янги (ўзбекча) сўзлар ҳам ясалган: *самоварчи, курсдош, газлаштириш, спортчи, батареячи, костюмбон, шарсимон* каби.

Рус тили лексикасининг бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар қатламида туркий тиллардан (шу жумладан, ўзбек тилидан) ўтган луғавий бирликлар ҳам бор. Улар кўпроқ маҳаллий халқ-

нинг иқтисоди, хўжалиги, ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари (масалан, *гузапая, курак, кишлак, арба, арык, кетмень, джайляу, казан*), миллий таомлар (*плов, манты, шурпа, лагман, халва, казы, кумыс*), миллий чолғу асбоблари (*карнай, дойра, дутар, рубаб, чанг*), маҳаллий ўсимликлар ва мевалар (*инжир, урюк, хандаляк, тут, чинар*), миллий спорт турлари (*кураш, човган, кызкувмак, аламан пайга* кабилар) билан боғлиқ сўзлардир. Бундай сўзларнинг рус тилидаги қўлланиш доираси, фонетик-орфоэпик хусусиятлари қуйидагича:

а) *карнай, дойра, дувал, гузапая, саман, ганч, курак, казы* каби сўзлар фақат Урта Осиёда яшовчи маҳаллий руслар нутқида қўлланади;

б) *алыча, арык, базар, урюк, арбуз, плов, арба* каби сўзлар эса умумиттифоқ миқёсида қўлланади;


в) фонетик жиҳатдан: *кишмиш* (кишмиш), *атлас* (атлас), *барс* (барс), *батрак* (батрак), *бек* (бек, бег) каби сўзлар деярли ўзгаришсиз қабул қилинган, аммо *арык* (арик), *амбар* (омбор), *аксакал* (оқсоқол), *акын* (оқин), *алтын* (олтин), *бай* (бой), *басмач* (босмачи), *бешбармак* (бесбармак, бешбармоқ) каби сўзларда маълум фонетик-орфоэпик ўзгаришлар содир бўлган;

г) туркий тиллардан (шу жумладан, ўзбек тилидан) ўзлашган сўзлар ҳозирги вақтда сўз ясовчи аффикслар билан қўшилиб, янги (русча) сўзлар ҳосил қилиш хусусиятига ҳам эга бўлмоқда: *кишлачный, базарком, базарить, бахчевые, саксаульник, лагманная, рубабисты, дутаристы* каби.


## 2- §. Ўзбек ва рус тилларида лексик маъно тараққийети (Развитие лексического значения в узбекском и русском языках)

Лексик маъно тараққийети — маънонинг кўчиши, кенгайиши ёки торайиши ўзбек ва рус тилларининг иккаласига ҳам хос. Бу ҳодиса ҳар икки тилда бир хил қонуниятлар асосида — лексик маънонинг метафора, функциядошлик, метонимия ва синекдоха йўллари билан кўчиши ёки лексик маъно ҳажмининг кенгайиши ва торайиши орқали содир бўлади.


Масалан:




Бу мисолларда *қулоқ* сўзи метафора йўли билан (шу сўз орқали ифодаланаётган ҳодисалар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида) бошқа предметларни ифода этмоқда.



Бу мисолларда *коса* сўзининг маъноси метонимия йўли билан (*коса* ва овқат ўртасидаги боғланиш асосида) кўчган.




Бунда *тиш* сўзининг маъноси функциядошлик йўли билан (*одам тиши* билан *арра тиши* бажарадиган вазифалар ўртасидаги нисбий ўхшашлик асосида) кўчган.



Бунда *олма* сўзининг маъноси синекдоха йўли билан кўчган: қисмнинг (*меванинг*) номи билан бутун (*кўчат, дарахт*) аталган.




Бу мисолда маъно кўчиш ҳодисаси йўқ, чунки барчаси бир тушунчани — отиш процессини ифодалайди. Бунда фақат маъно ҳажми кенгайган, яъни дастлаб отишнинг бир тури назарда тутилган бўлса, ҳозир бу сўз орқали отишнинг барча турлари ифодаланади.




Бунда *ош* сўзининг маъно ҳажми торайганлигини (*фақат — «палов»* тушунчасинигина ифода эта бошлаганлигини) кўрамай.


#### Рус тилида



Бунда *гнездо* сўзининг маъноси метафора йўли билан («жой», «ўрин» тушунчалари орасидаги нисбий ўхшашлик асосида) кўчган.



Бунда *бумага* сўзининг маъноси метонимия йўли билан (*қоғоз* билан *ҳужжат* ўртасидаги боғланиш, алоқадорлик асосида) кўчган.



Бунда *перо* сўзининг маъноси функциядошлик асосида (*ғознинг пати* билан *ручканинг пероси* бир хил вазифани бажарганлиги — ёзиш учун қўлланганлиги туфайли) кўчган.

*голова* — *голова человека* («часть тела»: тўғри маънода)  
 — *десять голов* («единица счёта скота»: кўчма маънода)

Бунда *голова* сўзининг маъноси синекдоха йўли билан (қисмининг номи билан бутунни аташ орқали) кўчган.

*стрелять* — *выпустить стрелы из лука*  
 — *производить выстрелы*

Бунда *стрелять* сўзининг маъно ҳажми кенгайган (аммо кўчмаган).

*квас* — кенг маънода: ачитилган барча нарса (ҳозир бу маъноси архаиклашган)  
 — тор маънода: ичимликнинг бир тури

Бунда *квас* сўзининг маъно ҳажми ҳозирги пайтга келиб тораётганлигини кўраемиз.

Лексик маъно тараққиёти, хусусан, маъно кўчиши ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам кўп маъноли сўзларнинг (полисемантизмларнинг юзага келишига сабаб бўлган: шу йўл билан ўзбек тилида *бурун* (одамининг бурни, чойнакнинг бурни), *оёқ* (одамининг оёғи, сўрининг оёғи) каби, рус тилида эса *нос* (нос человека, нос корабля), *ножки* (ножки ребёнка, ножки стола) каби кўп маъноли сўзлар пайдо бўлган.

Кўп маъноли сўзларнинг аксарият қисми рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам энг қадимги лексик қатламларга мансубдир, чунки бундай қатламлардаги сўзлар (масалан, ўзбек тилидаги *бош, қулоқ, тиш, кўз* каби умумтуркий сўзлар; рус тилидаги *дом, братъ, глухой, земля* каби қадимги рус сўзлари) тилда узоқ давр яшаганлигидан лексик маъно тараққиётига кўпроқ дуч келган.

Ўзбек ва рус тилларидаги кўп маъноли сўзлар (полисемантизмлар) қиёсий аспектда текширилганда қуйидаги ҳолатларни кўриш мумкин:

1. Ўзбек тилидаги кўп маъноли сўзнинг тўғри ва кўчма маънолари шу тушунчанинг рус тилидаги номи ифода этган тўғри ва кўчма маъноларга мос келади:

Ўзбек тилида

Рус тилида

**Қанот:** *Қушнинг қаноти* (тўғри маънода)

**Крыло:** *Крыло птицы* (тўғри маънода)

**Самолётнинг қаноти** (кўчма маънода)

**Крыло самолёта** (кўчма маънода)

**Олтин:** *Олтин соат* (тўғри маънода)

**Золото:** *Золотые часы* (тўғри маънода)

**Олтин кўз** (кўчма маънода)

**Золотая осень** (кўчма маънода)

2. Бир-бирига яқин тушунчаларнинг ўзбек ва рус тилларидаги номлари ифода этган тўғри ва кўчма маънолар ўзаро яқин бўлади:

**Ўзбек тилида**

**Коса:** Бир коса овқат емоқ (тўғри маънода)

Бир коса емоқ (кўчма маънода)

**Қалам:** У хат ёзиш мақсадида қўлига қалам олди (тўғри маънода)

Бу асар унинг қаламига мансубдир (кўчма маънода)

**Рус тилида**

**Чашка:** Съесть чашку супа (тўғри маънода)

Съесть целую чашку (кўчма маънода)

**Перо:** Он заменил перо авторучки (иккиламчи тўғри маънода)

Это произведение принадлежит его перу (кўчма маънода)

3. Рус тилидан ўзбек тилига ўтиб ўзлашиб қолган баъзи русча-интернационал сўзларнинг рус тилидаги тўғри ва кўчма маънолари ўзбек тилига ҳам айнан ўтган бўлади. Масалан:

**Ўзбек тилида**

**Стакан:**

Бир стакан чой ичмоқ (тўғри маънода)

Бир стакан ичмоқ (кўчма маънода)

**Тарелка:**

Бир тарелка овқат емоқ (тўғри маънода)

Бир тарелка емоқ (кўчма маънода)

**Рус тилида**

**Стакан:**

Выпить стакан чая (тўғри маънода)

Выпить один стакан (кўчма маънода)

**Тарелка:**

Съесть целую тарелку супа (тўғри маънода)

Съесть целую тарелку (кўчма маънода)

4. Ўзбек тилидан (ёки бошқа туркий тиллардан) рус тилига ўтиб ўзлашиб қолган баъзи ўзбекча сўзларнинг тўғри ва кўчма маънолари рус тилида ҳам айнан сақланган бўлади:

**Ўзбек тилида**

**Қопқон:**

Бўри қопқонга тушди (тўғри маънода)

У айёр одамнинг қопқонига илинди (кўчма маънода)

**Рус тилида**

**Капкан:**

Волк попался в капкан (тўғри маънода)

Доверчивые люди нередко попадают в капкан хитрых, расчётливых лиц (кўчма маънода)

Юқоридаги тўрт ҳолат ҳам рус тилидан ўзбек тилига ёки ўзбек тилидан рус тилига таржима қилишда жиддий қийинчиликларни ва лексик-семантик чалкашликларни юзага келтирмайди.

5. Баъзан рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзларнинг маъноси ўзбек тилининг ўзида кўчиши, кенгайиши ёки торайиши мумкин. Бу ҳол муайян русча сўзларнинг ўзбек тилигагина хос бўлган (рус тилида учрамайдиган) янги лексик маъноларини ёки янгича қўлланишларини юзага келтиради. Масалан, рус тилидан ўзлашган *участка* (<участок) сўзи рус ва ўзбек тилларининг ҳар иккаласи учун хос бўлган бир қатор маънолардан (*пришкольный участок — мактаб участкаси, избирательный участок — сайлов участкаси, участок третьей бригады — учинчи бригада участкаси* каби) ташқари, фақат ўзбек тилининг ўзигагина хос бўлган янги лексик маънони — «шахсий ҳовли-жой», «шахсий уй» маъносини ҳам ифодалай бошлаган: *участка қурмоқ, участкада яшамоқ* каби. Бундай ҳодисани рус тилидан ўзбек тилига ўтган *дом, комсомол, самовар, доска* каби қатор сўзларнинг лексик маъноларида ёки уларнинг семантик-стилистик хусусиятларида юз берган ўзгаришларда ҳам кўрамиз. Қуйидаги жадвалга қаранг:

#### Ўзбек тилида

#### Рус тилида

##### **Комсомол:**

- а) Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи;  
 б) комсомол аъзоси (русча «комсомолец» маъносида)

##### **Дом:**

ЖЭҚка қарашли кўп қаватли уй (домда яшамоқ, домга кўчиб чиқмоқ каби). *Дом* сўзининг ўзбек тилидаги бундай қўлланиши (тор маъно ифода этиши) ҳозирча фақат жонли сўзлашувга хос бўлиб, у давлат (ЖЭҚ) уйларини шахсий участкалардан фарқлаш мақсадида ишлатилади.

##### **Самовар:**

- а) чой қайнатадиган мослама (самоварда чой қайнатмоқ);  
 б) чойхона (самоварга чиқиб чой ичмоқ)

##### **Доска:**

Синф доскаси

##### **Комсомол:**

Ленинчи Коммунистик Ешлар Союзи

##### **Дом:**

Уй (умуман одам яшайдиган бино). Бу тушунча «шахсий уй» ва «давлат уйлари» маъноларини ўзида бирлаштиради.

##### **Самовар:**

Чой қайнатадиган мослама

##### **Доска:**

- а) тахта;  
 б) синф доскаси

Демак, баъзи русча сўзларнинг ўзбек тилида янги лексик маънолари ёки янгича лексик қўлланишлари юзага келганки,

рус тилида гапирётган ўзбеклар бу ҳолатни албатта ҳисобга олишлари керак, акс ҳолда улар юқоридаги каби сўзларни рус тилида ҳам ўзбек тилидаги янги маъноларида қўллаб, жиддий хатоликларга йўл қўйишлари мумкин.

6. Юқоридаги каби ҳодисалар рус тилига ўзбек тилидан (ёки бошқа туркий тиллардан) ўзлашган сўзлар маъносида ҳам учрайди. Чунончи, *кишмиш* сўзи ўзбек тилида узумнинг «оқ кишмиш», «қора кишмиш» («шивирғони»), «пушти кишмиш» каби майизбоп навларини бирлаштирган тур номи сифатида маълум. Рус тилига эса бу сўз асосан «майиз» маъносида ўзлашган. Шунингдек, *изюм* (узум) сўзи ҳам рус тилида кўпроқ тор маънода — «қуритилган узум» («майиз») маъносида қўлланади.

7. Бир тушунчанинг ўзбек ва рус тилларидаги номларига хос бош лексик маънолари бир хил бўлгани ҳолда, уларнинг кўчма маънолари бир-бирига тўғри келмайди (ёки бундай ясама маънолар бирида бўлгани ҳолда, иккинчисиде бўлмайди). Масалан, ўзбекча *бел*, *этак*, *кўз*, *қулоқ* сўзлари билан русча *поясница*, *подол*, *глаза*, *уши* сўзлари ифода этган бош лексик маънолар ўзаро тенгдир, чунки бу маънолар аслида бир хил тушунчаларга асосланади (*одамнинг бели* — *поясница человека*, *кўйлакнинг этаги* — *подол платья*, *одамнинг кўзи* — *глаза человека*, *одамнинг қулоғи* — *уши человека* каби), аммо ўзбек тилидаги *бел*, *этак*, *кўз*, *қулоқ* сўзларининг ўзига хос кўчма маънолари (*тоғнинг бели*, *дарёнинг этаги*, *узукнинг кўзи*, *ариқнинг қулоғи* кабилар) ҳам борки, бу маънолар русча *поясница*, *подол*, *глаза*, *уши* сўзларига хос эмас.

8. Баъзан бир ёки бир-бирига яқин тушунчаларнинг ўзбекча ва русча номлари ифода этган лексик маънолар, уларнинг семантик-стилистик хусусиятлари ҳам ҳар хил бўлади. Чунончи, ўзбекча *тишламоқ* сўзи билан русча *укусить* сўзи аслида бир тушунчани ифодалайди. Айни пайтда *укусить* сўзи «қопмоқ», «чақмоқ» каби маъноларни ҳам англатадики, бу маънолар ўзбек тилидаги *тишламоқ* сўзига хос эмас. Шунинг учун рус ўқувчилари ўзбекча жумла тузганда русча *Змея укусила ёки Скорпион укусил* каби гапларни *Илон чақди ёки Чаён чақди* дейиш ўрнига *Илон тишлади ёки Чаён тишлади* деб нотўғри таржима қилишади. Шунга ўхшаш ҳодисалар ўзбек ўқувчилари нутқида ҳам учраб туради. Чунончи, русча *пить* ва ўзбекча *ичмоқ* сўзларининг лексик маънолари бир тушунчага асосланганлигига таяниб, ўзбек ўқувчилари *шўрва ичмоқ* бирикмасини рус тилига кўпинча *пить суп* деб таржима қилишади. Аслида эса рус тилида *пить суп* эмас, *есть суп* бўлади. Бу ҳол юқоридаги сўзларнинг ҳар бир тилдаги ўзига хос стилистик хусусиятларидан келиб чиқади. Бундай ҳодисалар ҳар икки тил сўзларининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятларига жиддий эътибор бериш лозимлигини кўрсатади, уларнинг қўлланишидаги ўзига хосликни ўқувчиларга алоҳида тушунтириб боришни талаб қилади.

### 3-§. Ўзбек ва рус тилларида омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари

(Омонимы, синонимы, антонимы в узбекском и русском языках)

**Омонимлар** шакли бир хил, маънолари ҳар хил бўлган сўзлардир. Масалан, ўзбек тилида: *от* («исм») — *от* («ҳайвон»), *ўт* «Майса») — *ўт* («олов»); рус тилида; *рак* («ҳайвон») — *рак* («касаллик»), *брак* («никоҳ») — *брак* («сифатсиз маҳсулот») каби.

Ҳар икки тилда ҳам лексик омонимлардан ташқари, омоформалар, омофон ва омографлар каби тил бирликлари мавжуд.

1. **Омоформалар** (омоформы) шакли бир хил, маънолари ҳар хил бўлган грамматик формалар:

Ўзбек тилида

*Олма* — от туркумидаги сўзнинг бош келишиқдаги грамматик формаси; *олма* — буйруқ майлидаги феълнинг иккинчи шахс бирликдаги бўлишсизлик формаси.

Рус тилида

*Печь* — от туркумидаги сўзнинг бош келишиқ (именительный падеж)даги грамматик формаси; *печь* — феълнинг ноаниқлик формаси (неопределённая форма глагола).

2. **Омофонлар** (омофоны) талаффузи бир хил, ёзилиши ҳар хил бўлган сўзлар:

Ўзбек тилида

*Тўрт* («сон») — *торт* («кондитер маҳсулоти»).  
*Тўн* («кийим») — *тон* («товуш тон»).

Рус тилида

*Плод* («мева», «ҳосил») — *плот* («сол»).  
*Луг* («майсазор», «ўтзор») — *лук* («пиёз»).

3. **Омографлар** (омографы) ёзилиши бир хил, талаффузи ҳар хил бўлган сўзлар:

Ўзбек тилида

*Май* («ичимлик») — *май* («календарь ойларидан бири»).  
*Тол* («дарахт») — *тол* («портловчи модда»).

Рус тилида

*Замок* («қулф») — *замок* («қаср», «сарой»).  
*Мука* («ун») — *мука* («азобуқубат»).

Омонимларнинг ўзбек ва рус тилларидаги лексик, стилистик ва грамматик хусусиятлари ўзаро ўхшашдир. Чунинчи:

а) ҳар икки тилда ҳам лексик омонимлар бир сўз туркумига мансуб бўлади. Мисоллар:



Ўзбек тилида

*Занг* (от туркуми: «темир оксиди» маъносида) — *занг* (от туркуми: «занг», «звонок»).  
*Тортмоқ* (фезл туркуми: «судрамоқ») — *тортмоқ* (фезл туркуми: «ўлчамоқ»).

Рус тилида

*Лук* (существительное — от: «пиёз») — *лук* (существительное — от: «камон», «ёй»).  
*Заставить* (глагол — фезл: «мажбур қилмоқ») — *заставить* (глагол — фезл: «тўсмоқ», «ёпмоқ»).

Бу типдаги омонимларнинг турланган ёки тусланган формалари ҳам шаклий тенглигини сақлаши мумкин:

Ўзбек тилида

*Занг* (I): *зангни, зангинг, зангга, зангда, зангдан* — *занг* (II): *зангни, зангинг, зангга, зангда, зангдан*.  
*Тортмоқ* (I): *тортай, тортдим, тортаман...* — *тортмоқ* (II): *тортай, тортдим, тортаман...*

Рус тилида

*Лук* (I): *лука, луку, луком, о луке* — *лук* (II): *лука, луку, луком, о луке*.  
*Засыпать* (I): *засыпаю, засыпаешь...* — *засыпать* (II): *засыпаю, засыпаешь...*

б) ҳар икки тилда ҳам омонимик муносабатда бўлган грамматик формалар (омоформалар) турли сўз туркумларига мансуб бўлиши мумкин:

Ўзбек тилида

*Ўт* (отнинг бош келишиқдаги формаси: «майсазор») — *ўт* (фезлнинг иккинчи шахс, бирликдаги буйруқ майли формаси).  
*Ёз* (фезлнинг иккинчи шахс, бирликдаги буйруқ майли формаси) — *ёз* (отнинг бош келишиқдаги формаси).

Рус тилида

*Стих* (существительное в именительном падеже — отнинг бош келишиқдаги формаси: «шеър») — *стих* (глагол прошедшего времени — фезлнинг ўтган замон формаси: «тинди», «тинчланди», «тўхтади» маъноларида).  
*Печь* (существительное в именительном падеже — отнинг бош келишиқдаги формаси: «печка») — *печь* (неопределённая форма глагола — фезлнинг ноаниқлик формаси: «пиширмоқ»).

в) ўзбек тилида омонимлардан туюқ, аския жанрларида муҳим бадиний восита сифатида фойдаланилади:

*Уйимда кундузи вақт эрди чоқ туш,  
Етиб уйқумда кўрдим бир ажиб туш.  
Қўпол дўқ қилди бир мансабга мағрур,  
Дедим: ўпкангни бос, бир парда наст туш!* (Ҳабибий.)

*Ер, қогозга тушса бас пешана тер,  
Иккисидан сўнгра сен дурдона тер. (В. Саъдулла.)*

г) рус тилида омонимлардан кўпроқ масал жанрида ва сўз ўйини (острословие)да фойдаланилади. Чунончи, К. Прутковнинг қуйидаги масалида *нестись* («тез чопмоқ») ва *нестись* («тухум қўймоқ») омонимларидан жуда ўринли фойдаланганини кўраимиз:

*Он всё бежал, но вот  
Вдруг слышит голос из ворот:  
«Чиновник, окажи мне дружбу.  
Скажи, куда несёшься ты?»—«На службу!»  
...Чиновник, курицу узревши эдак,  
Сидящую в лукошке, как в дому,  
Ей отвечал: «Тебя увидя,  
Завидовать тебе не стану я никак:  
Несусь я,— точно так!  
Но двигаюсь вперед, а ты — несёшься сидя».*

Рус тилидан сўз ўзлаштириш процесси ўзбек тилида омограф, омофон ва омоформалар доирасини анча кенгайтирди.

**Синонимлар** бирлаштирувчи маъноси бир хил, шакли ва маъно оттенкалари ҳар хил бўлган сўзлар ёки сўз формаларидир. Ўзбек ва рус тилларида синонимларнинг қуйидаги турлари бор:

1. **Лексик синонимлар** (лексические синонимы)— ўзаро синонимик муносабатда бўлган сўзлар: *безак, зийнат, ҳашам* (ўзбек тилида); *надоедливый, докучный, назойливый, навязчивый, неотвязный* (рус тилида) каби.

2. **Идеографик синонимлар** (идеографические синонимы) — ўзаро маъно қирралари билан фарқланадиган синонимлар. Масалан, ўзбек тилидаги *аччиқланмоқ* ва *ғазабланмоқ* сўзлари «ғазабга келмоқ» маъноси билан бир синонимик қаторга бирлашади, аммо *ғазабланмоқ* сўзи бу маънони кучлироқ даражада ифодалаши билан *аччиқланмоқ* сўзидан фарқ қилади. Шу каби фарқларни русча *есть* ва *закусывать* синонимларида ҳам кўраимиз: *есть* сўзи умуман «емоқ» маъносини ифодаласа, *закусывать* сўзи «тамадди қилиб олиш»нигина ифодалайди.

3. **Экспрессив-стилистик синонимлар** (экспрессивно-стилистические синонимы) — лексик маънога орттирилган стилистик бўёғи билан ўзаро фарқ қиладиган синонимлар. Масалан, ўзбек тилидаги *жилмаймоқ* — *илжаймоқ* — *иржаймоқ* — *ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* синонимлари битта лексик маънони — «овоз чиқармай мийиғида кулиш» ҳодисасини билдирадиган, аммо шу ҳодиса *жилмаймоқ* сўзидан нисбатан бетараф, *илжаймоқ* сўзидан эса бир оз салбий оттенка (стилистик бўёқ) билан бирга ифодаланган, *иржаймоқ*, *тиржаймоқ*, *ишшаймоқ* ва *иршаймоқ* сўзларида бундай салбий оттенкаларнинг (стилистик бўёқнинг) янада кучай-

ганини кўрамиз. Бундай ҳодиса рус тилидаги *лицо — рожа, лоб — чело, беседовать — гуторить* каби синонимларга ҳам хос.

**4. Контекстуал синонимлар** (контекстуальные синонимы) — бирор контекст ичидаги маъноси билан тилдаги маълум сўзларга синоним бўлиб, контекстдан ташқарида синонимик хусусиятини йўқотадиган сўзлардир. Ўзбек тилидаги *чинни* ва *коса* сўзлари адабий тилда синоним эмас, аммо Фарғона группа шеваларида *чинни* сўзи «коса» маъносида ҳам қўлланади, бинобарин, шу шевага хос контекст ичида *коса* сўзининг контекстуал синонимига айланади. Шунингдек, русча *душная* ва *гнетущая, суровый* ва *упрямый* сўзлари ўзаро синоним бўлмагани ҳолда, бирор контекст ичида синонимик муносабатга киришиши (контекстуал синонимлар ҳосил қилиши) мумкин; *душная темнота — гнетущая темнота, суровый старик — упрямый старик* каби.

**5. Абсолют синонимлар** (абсолютные синонимы) — лексик маъносининг ҳажми, стилистик бўёғи ва нутқда ишлатилиши жиҳатидан ўзаро тенг бўлган (бирор қирраси билан фарқ қилмайдиган) синонимлар: *сурат — расм, хабар — дарак* (ўзбек тилида), *языкознание — языковедение, макроспора — мегаспора* (рус тилида) каби. Синонимларнинг бу тури баъзан лексик **дублетлар** деб ҳам аталади.

Синонимларнинг ўзбек ва рус тилларидаги лексик, стилистик ва грамматик хусусиятлари қуйидагилар:

а) битта қаторга кирган синонимларнинг барчаси албатта бир сўз туркумига мансуб бўлади. Масалан:

**Ўзбек тилида:** *кечирим, узр, афв* (от); *калта, қиска* (сифат); *кам, оз* (равиш); *гангимоқ, довдирамоқ, эсанкирамоқ* (фёъл).

**Рус тилида:** *наказание, кара, казнь, возмездие* (от — сущест- вительное); *молчаливый, безмолвный, безгласный* (сифат — прилагательное); *внезапно, скоропостижно* (равиш — наречие); *истратить, израсходовать, расточить* (фёъл — глагол);

б) ҳар икки тилда ҳам синонимларнинг грамматик хусусиятлари уларнинг қайси туркумга мансублиги билан белгиланади;

в) ҳар икки тилда ҳам синонимлардан нутқнинг раvon ва таъсирчанлигини, фикрнинг аниқ ифодаланишини таъминловчи восита сифатида фойдаланилади.

**Антонимлар** ўзаро зид маъно ифодаловчи луғавий бирликлардир. Ўзбек ва рус тилларида антонимларнинг қуйидаги турлари бор:

**1. Лексик антонимлар** (лексические антонимы) — антоним сўзлар: *оқ* ва *қора, яхши* ва *ёмон* (ўзбек тилида); *белое* ва *чёрное, добро* ва *зло* (рус тилида) каби.

**2. Контекстуал антонимлар** (контекстуальные антонимы) — ўзаро зид маъно ифода этмаган сўзларнинг бирор контекст талабига кўра зид маъноли сўзларга айланишидан ҳосил бўладиган антонимлар. Масалан:

**Ўзбек тилида**

*Ушоқ қанд оқ тузга монанд эрур,*

*Ва лекин бири туз, бири қанд эрур. (А. Навоий.)*

*Айтур сўзни айт,  
Айтмас сўздан қайт! (А. Навоий.)*

Бу мисолларда қўлланган *қанд* ва *туз*, *айт* ва *қайт* сўзлари аслида антонимлар эмас, аммо биринчи мисолнинг иккинчи мисрасида *туз* ва *қанд* сўзлари авторнинг лексик қўллаши натижасида «аччиқ» ва «ширин» («яхши» ва «ёмон») маъноларини, иккинчи мисолдаги *айт* ва *қайт* сўзлари эса «айт» ва «айтма» деган зид маъноларни ифода этиб, контекстуал антонимия ҳосил қилган.

**Рус тилида:** *тесный* ва *свободный* сўзлари аслида антонимлар эмас (*тесный* сўзининг антоними *просторный* сўзидир), аммо *тесная обувь* ва *свободная обувь* каби бирикмалар таркибида (контекстда) бу икки сўз бир-бирига зид маъно ифода этиб, контекстуал антоним ҳосил қилади.

**3. Шаклош (ўзакдош) антонимлар** (антонимы однокорневые) — бир ўзакдан ясалган антонимлар: *унумли* — *унумсиз*, *вафоли* — *вафосиз* (ўзбек тилида); *спокойный* — *беспокойный*, *плохо* — *неплохо* (рус тилида) каби.

**4. Ношаклош антонимлар** (антонимы разнокорневые) — шакли ҳар хил сўзлардан иборат бўлган ёки турли ўзакдан ясалган антонимлар: *кеча* — *кундуз*, *қуллик* — *озодлик* (ўзбек тилида); *чёрствый* — *свежий*, *жизнь* — *смерть* (рус тилида) каби.

Антонимларнинг ўзбек ва рус тилларидаги лексик, грамматик ва стилистик хусусиятлари қуйидагилар:

а) ҳар икки тилда ҳам антонимлар бир сўз туркумига (кўпроқ сифат ва равишларга, баъзан феъл ва отларга) мансуб бўлади: *қаттиқ* — *юмшоқ* (сифат), *тун* — *кун* (от), *кўп* — *оз* (равиш), *ёнмоқ* — *ўчмоқ* (феъл); *твёрдый* — *мягкий* (сифат), *день* — *ночь* (от), *много* — *мало* (равиш), *открыть* — *закрыть* (феъл) каби;

б) ҳар икки тилда ҳам сон ва олмош туркумига оид сўзлар доирасида антонимлар учрамайди. Бундай сўзлар фақат контекст талаби билан контекстуал антонимлар ҳосил қилиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *беш* ва *икки* ҳамда рус тилидаги *пять* ва *два* сўзлари қарама-қарши маъно ифодаламасда «аъло баҳо» ва «ёмон баҳо» маъноларида контекстуал антонимия ҳосил қилади;

в) ҳар икки тилда ҳам антонимик муносабатда бўлган сўзларнинг грамматик хусусиятлари (турланиши, тусланиши, даража категорияларига эга бўлиши ва ҳоказолар) уларнинг қайси сўз туркумига мансублиги билан белгиланади;

г) иккала тилда ҳам антонимлардан кўпроқ мақол ва масалларда фойдаланилади. Мисоллар:

Ўзбек тилида

*Гапни кам сўзла,  
Ишни кўп кўзла.*

*Кўз — қўрқоқ, қўл — ботир.*

*Кўп гандан оз бўлса ҳам иш яхши.*

*Меҳнатдан дўст ортар,*

*Гийбатдан — душман.*

Рус тилида

*От холодной войны до горячей — один шаг.*

*Мнениями высок, да делами низок.*

Ҳар икки тилда ҳам кўп маъноли сўзлар ўзининг бош маъносида бир сўз билан, ясама маъносида эса бошқа сўз билан антонимик муносабатга киришади. Масалан, ўзбекча *тирик — ўлик (тирик табиат — ўлик табиат), тирик — ланж (тирик ош — ланж ош)*; русча *твёрдый — мягкий (твёрдый как камень — мягкий как воск), твёрдый — жидкий (твёрдое тело — жидкое тело), твёрдый — неуверенный (твёрдым шагом — неуверенным шагом)* каби.

#### 4-§. Ўзбек ва рус тиллари лексикасининг ижтимоий - диалектал состави

(Социально - диалектная характеристика лексики узбекского и русского языков)

Ўзбек ва рус тиллари лексикасининг ижтимоий-диалектал составида қуйидаги қатламлар бор: 1) умумхалқ лексикаси; 2) диалектал лексика; 3) касб-ҳунар лексикаси ёки терминологик лексика; 4) арготизмлар.

1. **Умумхалқ лексикаси** (общенародная лексика) муайян тилда, масалан, ўзбек ёки рус тилида сўзлашувчиларнинг барчаси учун умумий бўлган, ҳаммага тушунарли ва ҳамманинг нутқида бир хил қўлланадиган сўзлар ҳамда иборалар йиғиндиси. Ўзбек тилида бундай сўзлар қатламига *мен, сен, у* каби олмошлар, *бош, қўл, кўз* каби отлар, *бир, икки, уч* каби сонлар, *бормоқ, келмоқ, ишламоқ* каби феъллар қиради.

Рус тилида ҳам юқоридаги каби олмошлар, барча учун тушунарли бўлган отлар, сон ва феъллар умумхалқ лексикаси қатламини ҳосил қилади.

Умумхалқ лексикаси ҳар икки тилда ҳам адабий тил луғат составининг асосини ташкил қилади.

2. **Диалектал лексика** (диалектная лексика) — бирор диалект ёки шевага хос сўзлар ва иборалар йиғиндиси. Бу қатламга онд луғавий бирликлар **диалектизмлар** дейилади.

Ўзбек ва рус тилларида диалектизмларнинг қуйидаги турлари бор:

а) **диалектизм-сўз** (собственно лексические диалектизмы). Бунда сўзнинг ўзи бирор диалектга хос бўлиб, адабий тилда

учрамайди. Масалан, ўзбек тилида: *сулув* (ад. *гўзал*), *сас* (ад. *товуш*), *гашир* (ад. *сабзи*); рус тилида: *вечерять* (ад. *ужинать*), *шигать* (ад. *прыгать*), *серники* (ад. *спички*), *гляделки* (ад. *глаза*) каби;

б) **диалектизм-маъно** (диалектизмы лексико-семантические). Бунда адабий тилдаги бирорта сўзнинг маълум шевага хос диалектал маъноси назарда тутилади. Масалан, ўзбек адабий тилидаги *чопқи* (гўшт қиймалайдиган асбоб), *лаган* (ош сузиладиган идиш), *чинни* (форфор) каби сўзларнинг маълум шеваларга хос (адабий тилда қўлланмайдиган) маънолари бор. Хусусан, *чопқи* сўзи Самарқанд ва Қарши шеваларида буклаб ёпиладиган кичкина пичоқча («қаламтарош») маъносида, *лаган* сўзи Самарқандда «тоғора» маъносида, *чинни* сўзи Фарғона гурупа шеваларида «коса» маъносида қўлланади. Бу маънолар фақат шевага хос бўлганлигидан диалектизм-маъно саналади. Шунингдек, русча *улица* сўзи адабий тилда «кўча», шевада «сайр» («гулянье»), *дорога* сўзи адабий тилда «йўл», шевада «кўча» («улица»), *оплот* сўзи эса адабий тилда «таянч», шевада «девор» («забор») маъносини ифодалайди, улар шу иккинчи маъноларида диалектизм ҳисобланади.

Диалектизм ҳодисаси фақат лексик бирликлар доирасидагина эмас, балки фонетик ва грамматик бирликлар доирасида ҳам мавжуд, шунга қўра улар лексик-фонетик ва грамматик диалектизмлар каби турларга ажратилади. Чунончи:

а) **лексик-фонетик диалектизмлар** (диалектизмы лексико-фонетические) деганда маълум сўзлар таркибидаги товушлардан айримларининг бирор шевага хос (адабий тилдагидан ўзгача) бўлиши назарда тутилади. Ўзбек адабий тилидаги *йилқи*, *йўл* сўзлари қипчоқ диалектида *джилқи*, *джўл* деб (қоришиқ портловчи *дж* билан), адабий тилдаги *кўз*, *кел* сўзлари эса ўғиз диалектида *гўз*, *гел* деб (**к** ва **э** ўрнида **г** ва **е** товушлари билан) қўлланади; рус тилидаги портловчи **г** ўрнида эса баъзи шеваларда сирғалувчи **ғ** (*говорит* — *говорит*, *шпагат* — *шпағат* каби), **э** (**е**) унлиси ўрнида **я** (*несу* — *нясу*, *мешок* — *мяшок* каби) қўлланади;

б) **грамматик диалектизмлар** (диалектизмы грамматические) — бирор шеванинг ўзигагина хос (адабий тилда учрамайдиган) грамматик формалар. Ўзбек адабий тилидаги **-миз** шахс-сон қўшимчаси ўрнида Тошкент шевасида **-вуз** аффиксининг (*борамиз* — *боровуз* каби), **-да** (ўрин-пайт келишиги), **-япти** (ҳозирги замон давом феъли) қўшимчалари ўрнида Самарқанд шевасида **-га**, **-опти** аффиксларининг (*магазинда сотяпти* — *магазинга сотопти* каби) қўлланишини; рус тилидаги грамматик диалектизмларга эса адабий тилдаги **-ц**, **-овь**, **-ша** аффикслари ўрнида шеваларда **-ка**, **-жа**, **-аш** аффиксларининг (*блюдце* — *блюдка*, *любовь* — *любжа*, *левша* — *леваш* каби) қўлланишини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Иккала тилда ҳам диалектизмларнинг қўлланиши территория жиҳатидан чегараланган бўлади. Улардан бадий адабиётда образ тилини индивидуаллаштиришда фойдаланилади.

3. **Касб-хунар лексикаси ёки терминологик лексика** (профессиональная или терминологическая лексика) — ижтимоий меҳнатнинг у ёки бу соҳасига оид тушунча номлари. Чунончи, ўзбек тилида *дегрес* (чўян, пўлат асбоблар қуювчи), *кўра* (бронза, мис эритишда қўлланадиган ўчоқ), *андава* (сувоқчиликда қўлланадиган асбоб) кабилар; рус тилида эса *кок* (кема ошпази), *камбуз* (кема ошхонаси), *шапка* (полиграфияда бир неча мақоланинг умумий сарлавҳаси) кабилар касб-хунар лексикаси ёки профессионализмлар ҳисобланади.

Профессионализмларнинг ҳозирги илм-фан, техника, санъат ва адабиёт каби соҳаларда қўлланадиган, эскилик ёки янгилик бўёғига эга бўлмаган турлари **терминлар** деб, уларнинг йиғиндиси эса **терминологик лексика** деб аталади. Масалан, ўзбек тилида *чангчи*, *уруғчи*, *гултож* (ботаникада), *эга*, *кесим*, *ҳол* (тилшуносликда), рус тилида эса *тычинка*, *пестик*, *лепесток*, *гамета*, *спора* (ботаникада), *фонема*, *морфема*, *сказуемое* (тилшуносликда), *тангенс*, *синус*, *теорема* (математикада) кабилар термин саналади.

Ҳар икки тилда ҳам терминлар структураси жиҳатидан содда, қўшма, жуфт ва бирикмали бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилида: *тўлдирувчи*, *аниқловчи* (содда); *гултож*, *тожбарг* (қўшма); *жағ-жағ* (ўсимлик), *шоҳ-шабба* (жуфт); *квадрат уялаб экиш* (бирикмали). Рус тилида: *скальпель*, *префикс* (содда); *корнеплод*, *азотобактерин* (қўшма); *киловатт-час*, *норд-ост* (жуфт); *квадратно-гнездовой посев* (бирикмали).

Баъзи терминлар, масалан, *трактор*, *комбайн*, *светофор* (ҳар икки тилда), *муқова* (ўзбек тилида), *обложка* (рус тилида) кабилар давр ўтиши билан маълум касб-хунарга ёки соҳага оидлик белгисини йўқотиб, умумлашиб кетган. Шу сабабли уларни ҳозир умумхалқ лексикаси бирлиги сифатида ҳам қараш мумкин.

Профессионал ёки терминологик лексиканинг қўлланиши ҳар икки тилда ҳам касб-хунарга кўра чегараланган бўлади, ammo улардан бадий адабиётда стилистик восита сифатида фойдаланилади.

4. **Арготизмлар** (арготизмы) — бирор аргога — савдогарлар, безорилар, ўғрилар ёки ўтмишдаги сарой мансабдорлари, дин аҳллари, қаландарлар каби социал гуруҳларнинг «яширин тили»га хос жаргонлар. Масалан, ўзбек тилида: *лой*, *якан* («пул»), *салласини олмоқ*, *дўпписини олмоқ* («бошини олмоқ», «ўлдирмоқ»), *офтоби олам* («подшо»), *дум* («икки», «ёмон баҳо»); рус тилида: *кол* («бир», «жуда ёмон»), *легавый* («сотқин»), *бычки* («папирос қолдиғи»), *корешок* («ҳамроҳ», «дўст») кабилар ана шундай яширин маъноли сўз ва иборалардир.

Арготизмлардан ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам бадий асар тилини типиклаштириш воситаси сифатида фойдаланилади

## 5- §. Экспрессив - стилистик жиҳатдан ўзбек ва рус тиллари лексикаси (Экспрессивно-стилистическая лексика узбекского и русского языков)

Экспрессив-стилистик жиҳатдан ўзбек ва рус тиллари лексикаси деярли бир хил қатламларга ажратилади. Чунончи:

1. **Стилистик-нейтрал қатлам** (стилистически нейтральная лексика) — стилистик бўёғи бўлмаган, нутқда экспрессивлик ҳосил қилмайдиган сўзлар йиғиндиси: *шаҳар, кўча, уй, иш, бормоқ, келмоқ, беш, ўн, мен, сен* (ўзбек тилида); *дом, город, работать, отдыхать* (рус тилида) кабилар. Бундай сўзлар нутқнинг барча кўринишларида бир хил даражада қўлланганлиги учун умумнутқ қатлам ёки умумистеъмолдаги сўзлар деб ҳам аталади.

2. **Стилистик чегараланган қатлам** (стилистически ограниченная лексика) — стилистик бўёғи бўлган ёки нутқнинг фақат айрим турларига хосланиб қолган сўзлардан ташкил топади. Бундай сўзларнинг ўзи ҳам бир неча турга бўлинади:

а) **экспрессив лексика** (экспрессивная лексика): *табассум, башара, турқ, чеҳра* (ўзбек тилида); *роза, лгать, голубка, златокудрий, простофиля* (рус тилида) каби. Бундай сўзлар сўзловчининг тингловчига ёки нутқ объектига нисбатан бўлган субъектив муносабатини (мақташ, юқори баҳолаш ёки, аксинча, менсимаслик, камситиш, киноя, жеркиш кабиларни) ифода этганлиги учун нутқнинг фақат айрим турларида (кўпроқ экспрессив-эмоционалликни ифодаловчи нутқда) қўлланади;

б) **жонли сўзлашувга хос сўзлар** (разговорно-бытовая лексика) — адабий нутқ нормалари талабига жавоб бера олмаганидан фақат сўзлашув нутқида қўлланадиган сўзлар. Буларга *қиттай, кетворган* (ўзбек тилида); *грознуть, злющий* (рус тилида) каби сўзлар; *сатил, хова, опоқи* (ўзбек тилида), *вострый, пинжак* (рус тилида) каби диалектизмлар; *сурбет, муттаҳам, аҳмоқ* (ўзбек тилида), *трепач, балда, жрать* (рус тилида) каби вульгаризмлар киради;

в) **расмий муносабатларда, ҳужжатларда қўлланадиган сўзлар** (официально-деловая лексика). Буларга *шахсан, биноан, расман, план, мажбурият, фармон, буйруқ* (ўзбек тилида), *иск, ответчик, препроводить, уведомление, посему* (рус тилида) каби сўзлар киради;

г) **китобий сўзлар** (книжные слова). Буларга кўпроқ бадний, публицистик ҳамда илмий асарларда қўлланадиган маҳсул сўзлар ва терминлар киради: *модда, капитал, электрон, протоплазма, сюжет, символизм, метафора*;

д) **поэтик сўзлар** (поэтическая лексика) — кўпроқ шеърятда (баъзан бадний прозада ҳам) турли лирик ҳолатларни ёки руҳий кечинмаларни ифода этишда қўлланадиган сўзлар; со-



кин, майин, мовий, бағир (ўзбек тилида); *уповать, забвенный, божественно, пламенный* (рус тилида).

Рус ва ўзбек тилларидаги сўзларнинг стилистик хусусиятлари қиёсий аспектда олиб қаралганда, бундай хусусиятлар ҳар бир миллий тилнинг табиатидан келиб чиқиши яққол кўзга ташланади. (Бу ҳақда «Ўзбек ва рус тилларида лексик маъно тараққиёти» ҳамда «Ўзбек ва рус тилларида омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари» темаларида маълумот берилган.)

## 6-§. Актив ва пасив лексика (Активная и пассивная лексика)

**Актив лексика** (активная лексика) — кундалик ҳаётда тез-тез ишлатиладиган, қўлланиши одат тусига кириб қолган, эскилик ёки янгилик оттенкалари бўлмаган сўзлар: *биз, сиз, бир, икки, яхши, ёмон, уй, иш* (ўзбек тилида): *я, ты, он, раз, два, учёба, обед* (рус тилида) кабилар.

**Пассив лексика** (пассивная лексика) — ҳозир тилда кам қўлланидиган сўзлар. Уларнинг қуйидаги турлари бор:

1. **Историзмлар** (историзмы) — маъноси ҳам, ўзи ҳам эскирган сўзлар. Ўзбек тилидаги *юзбоши, мингбоши, қози, чўри*; рус тилидаги *боярин, ямщик* (ўтмишда почта отларини ҳайдовчи кучер), *помещик, кольчуга* (сим тўрдан ясалган совут), *пицаль* (оғзидан ўқланадиган узун милтиқ) кабилар. Улардан фақат тарихий романларда ёки илмий асарларда тарихий воқеа-ҳодисаларни, тарихий фактларни ўз даврига хос номлар билан аташ мақсадидагина фойдаланилади.

Ўзбек ва рус тилларидаги историзмларни қиёсий аспектда қарайдиган бўлсак, уларни қуйидаги уч қатламга ажратиш мумкин:

а) ўзбек тилининг ўзига хос (рус тилига алоқадор бўлмаган) историзмлар: *ботмон, чақирим, қадоқ, пайса* (ўлчов бирликлари), *қўш, омоч* каби;

б) рус тилининг ўзига хос (ўзбек тилига алоқадор бўлмаган) историзмлар: *урядник* (чор Россиясида уезд полицияси хизматидаги энг кичик унвон), *единорог, самопал* (ўтмишда қўлланган замбарак турларидан айримларининг номлари), *фегрязь* (кийим тури) ҳоказо;

в) ўзбек ва рус тилларининг иккаласи учун умумий бўлган историзмлар: *пристав, бўлис (волостной), губернатор, губком, НЭП, конка* (от қўшиб юритиладиган вагонлар) каби. Бундай сўзлар ўз вақтида рус тилидан ўзбек тилига ўзлашган бўлиб, сўнг ҳар иккала тилда эскирган.

2. **Архаизмлар** (архаизмы) — товуш томони эскириб, маъноси сақланган ёки, аксинча, маъноси эскириб, товуш томони сақланган сўзлар. Бундай сўзларнинг икки тури ўзаро фарқланади:

а) **архаизм-сўз** (собственнолексический архаизм). Бунда сўзнинг ўзи эскириб, маъноси сақланган бўлади: *инқилоб*, *тафтиш*, *муҳр* (ўзбек тилида), *вояж*, *кои*, *чело*, *сей*, *перст* (рус тилида) каби. Бундай архаизмларнинг ҳозирги тилда албатта синоними мавжуд бўлади: *инқилоб* — *революция*, *тафтиш* — *ревизия*, *муҳр* — *печать* (ўзбек тилида); *вояж* — *путешествие*, *кои* — *котормы*, *чело* — *лоб*, *сей* — *этот*, *перст* — *палец* (рус тилида) каби;

б) **архаизм-маъно** (семантический архаизм). Бунда сўзнинг ўзи эскирмайди, аммо у ифода этган маънолардан бири эскирган бўлади. Масалан, ўзбек тилидаги *ёғоч* сўзи илгари «таёқ», «қурилиш материали», «дарахт» маъноларини, рус тилидаги *светоч* сўзи эса «катта шам» ва «машъал» маъноларини ифода этган. Ҳозир *ёғоч* сўзи ўзбек тилида «таёқ», «қурилиш материали» маъноларини, *светоч* сўзи эса рус тилида «машъал» маъносинигина ифодалаб, «дарахт» ва «катта шам» маъноларида қўлланмайди, чунки бу сўзларнинг шу маънолари эскириб, архаизм-маънога айланган.

Баъзан сўз яхлит ҳолда эмас, балки шу сўз таркибидаги товушлардан айримларигина эскирган бўлади. Масалан: *буқун* (арх.) — *бугун* (ҳозирги), *чароғ* (арх.) — *чирақ* (ҳозирги); *пишт* (арх.) — *поэт* (ҳозирги), *зерцало* (арх.) — *зеркало* (ҳозирги). Бу типдаги эскиришлар **лексик-фонетик архаизмлар** (лексикофонетические архаизмы) ҳисобланади.

Ўзбек ва рус тилларидаги архаизмларни ўзаро қиёслаб, қуйидаги уч қатламга ажратиш мумкин:

а) ўзбек тилининг ўзига хос (рус тилидан сўз ўзлаштиришга алоқадор бўлмаган) архаизмлар: *битик* («хат»), *дудоқ* («лаб»), *ўмиз* («кўкрак»), *сас* («товуш») каби;

б) рус тилидан ўзлашган сўзларнинг ўзбек тилида активлашишидан юзага келган архаизмлар: *котиб* (арх.) — *секретарь* (ҳозирги), *шўро* (арх.) — *совет* (ҳозирги), *жумҳурият* (арх.) — *республика* (ҳозирги), *наср* (арх.) — *проза* (ҳозирги), *назм* (арх.) — *поэзия* (ҳозирги);

в) рус тилининг ўзига хос (ўзбек тилига алоқадор бўлмаган) архаизмлар: *зело* («очень»), *буде* («если»), *лоно* («грудь»), *ветрило* («парус»), *лицедей* («актёр») кабилар.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам архаизмлардан ўтмишдаги тарихий воқеаларни, тарихий фактларни реал ифодаловчи восита сифатида фойдаланилади.

3. **Неологизмлар** (неологизмы) — ҳаётда пайдо бўлаётган янги тушунчаларни ифода этган, ўзининг янгилик бўёғини ҳали йўқотмаган сўзлар. Буларга ўзбек тилидаги *фазогир* («космонавт»), *қўриқхона* («заповедник»), рус тилидаги *прилуниться* («ойга қўниш»), *универсам* сўзлари мисол бўлади.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам неологизмларнинг икки тури ўзаро фарқланади:

а) **неологизм-сўз** (собственно лексический неологизм). Бун-

да сўзнинг ўзи янги бўлиб, актив қатламга сингиб кетмаган бўлади (юқоридаги мисоллар);

б) **неологизм-маъно** (семантический неологизм). Бунда актив қатламдаги сўзлардан баъзиларида пайдо бўлган янги лексик маъно назарда тугилади. Чунончи, ўзбек тилидаги *қўриқчи* ва рус тилидаги *миллионер* сўзлари ўзларининг «чегара-чи», «посбон» ва «бой» маъноларида неологизм эмас, аммо кейинги вақтларда *қўриқчи* сўзининг «қўриқ ер очувчи» («целинник») маъноси, *миллионер* сўзининг эса «миллионер учувчи» («лётчик-миллионер») каби маъноси ҳам пайдо бўлдики, бу маънолар ўта янги бўлганлиги, янгиллик бўёғини ҳали йўқотмаганлиги учун неологизм-маъно саналади.

Ўзбек ва рус тилларидаги неологизмларни қиёсий нуқтан назардан қуйидаги беш турга бўлиш мумкин:

а) ўзбек тилининг ўзига хос (рус тилидан ўзлаштирилмаган) неологизмлар: *тупкочи*, *телефонлашмоқ*, *қўриқхона* («заповедник» маъносида), *коржом* каби;

б) рус тилидан калька йўли билан сўз ўзлаштириш натижасида ўзбек тилида пайдо бўлган неологизмлар: *мактаб-магазин* (школа-магазин), *кинолениннома* (киноленинина), *микрорўғит* (микроудобрение), *пуркагич* (опылитель) каби;

в) ўзбек ва рус тилларининг иккаласи учун умумий бўлган неологизмлар: *лавсан*, *фломастер*, *луноход*, *мини-юбка*, *видео-телефон*, *семема*, *универсам* каби;

г) рус тилида неологизмлик хусусиятини йўқотиб, актив қатламга ўтган, ўзбек тилида эса янгиллик бўёғини ҳали йўқотмасдан неологизмлигича қолиб келаётган сўзлар: *визит*, *новатор*, *капрон*, *электричка*, *эскалатор*, *робот* каби;

д) фақат рус тилининг ўзига хос (ўзбек тилига алоқадор бўлмаган) неологизмлар: *космовидение*, *лунография*, *прилуниться*, *линник*, *программист*, *кофеварка*, *катапультирование* каби.

## 7-§. Фразеология

Барча тилларда бўлганидек, ўзбек ва рус тиллари луғат составида ҳам иборалар бор. Ўзбек ва рус тилларидаги ибораларнинг структураси, луғавий мундарижаси (фразеологик маъноси), лексик, грамматик материали, манбалари ва қўлланиши ўзаро қиёсланганда, уларда қуйидаги ҳолатлар борлиги маълум бўлади:

1. Структура жиҳатидан ҳар икки тилда иборалар:

а) икки ёки ундан ортиқ сўзнинг бирикувидан таркиб топади:

Ўзбек тилида

Рус тилида

*Жони чиқди* (икки сўз), *кўз қирини ташламоқ* (уч сўз);

*Попасть впросак* (икки сўз), *нечистая сила несёт* (уч сўз);

б) сўз бирикмаси ёки гапга тенг келади. Масалан:

Ўзбек тилида

*Бош қўшмоқ* (бирикмага тенг), *юрак-бағри қон бўлмақ* (гапга тенг).

Рус тилида

*Сесть в лужу* (бирикмага тенг), *душа не на месте* (гапга тенг).

2. Семантик структураси кўпинча фразеологик маъно (луғавий мундарижа) + стилистик бўёқдан иборат бўлади:

Ўзбек тилида

*Бўлди, бўлди, кўп кекирдагингизни чўзманг.* (М. Исмоилӣ.) Бу гапдаги *кекирдакни чўзмоқ* иборасининг семантик структурасида «шовқин солмоқ»ни ифодаловчи фразеологик маъно (луғавий мундарижа) билан воқеликка салбий муносабат (субъектив баҳо) ифодаловчи стилистик бўёқ мужассамлашган.

Рус тилида

*Исповедь твоя мне нужна как собаке пятая нога.* (М. Шолохов.) Бу гапдаги *как собаке пятая нога* иборасининг семантик структурасида «керак эмас» деган фразеологик маъно (луғавий мундарижа) билан салбий муносабат (субъектив баҳо) ифодаловчи стилистик бўёқ мужассамлашган.

3. Ҳар икки тилда ҳам ибора таркибидаги сўзларни кўпинча ўзгартириб бўлмайди. Ўзбек тилидаги *боши кўкка етмоқ* ва *боши осмонга етмоқ* ёки рус тилидаги *беречь как зеницу ока* ва *хранить как зеницу ока* каби фразеологик вариациялар булардан мустасно.

4. Ҳар икки тилда ҳам ибора бир бутун луғавий бирлик сифатида яшайди, ибора таркибидаги сўзлар нутқдан ташқарида алоҳида луғавий бирликларга ажралиб кетмайди.

5. Грамматик жиҳатдан ҳар икки тилда иборалар:

а) сўзларнинг маълум грамматик муносабати асосида шакланган бўлади:

Ўзбек тилида

*Думи хуржунда* (предиктив муносабат), *уч пул* (битишув);

Рус тилида

*Ахиллесова пята* (мослашув), *играть глазами* (бошқарув) каби;

б) гапда яхлит ҳолда битта синтактик вазифани бажаради:

Ўзбек тилида

*Анорхон, сўзимга бирпас қулоқ осасизми?* (Ойбек.) Бу

Рус тилида

*Прошло затяжное бабье лето с седой паутиной на сухой*

гапда қулоқ осасизми? ибораси кесим бўлиб келган.

*Қизиқ, туппа-тузук йигит, у йўқ-бу йўқ, томдан тарашиа тушгандай қилиб бирдан совчи юборгани қанақаси (О. Ёқубов.)* гапида томдан тарашиа тушгандай қилиб — ҳол бўлиб келган.

*Ҳай, менга қара, агар мен ҳукумат бўлсам, сендақа аммамнинг бузоғи раиснинг орқасига бир тепиб... (С. Аҳмад.)* гапида аммамнинг бузоғи — аниқловчи вазифасида ишлатилган.

*стерне... (В. Тендряков.)* Бу гапда бабье лето ибораси эга вазифасида қўлланган.

*Стал он дня через два спрашивать про содержание книги, а я — ни в зуб ногой. (М. Шолохов.)* Бу гапда ни в зуб ногой ибораси кесим бўлиб келган.

*Кто видел, чтобы сбоку припеку можно что-нибудь путное сделать. (Н. Островский.)* Бу гапда сбоку припеку ибораси ҳол вазифасида қўлланган.

6. Ўзбек ва рус тилларидаги ибораларнинг фразеологик маънолари қиёсланганда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш керак:

а) ҳар икки тилда ҳам бирикма таркибидаги сўзлардан бири (баъзан бир нечтаси) шу бирикманинг тузилишига асос бўлган предмет ёки тушунчани — объектни ифодалайди<sup>1</sup>. Чунончи, ўзбекча бировнинг ноғорасига ўйнамоқ иборасининг объекти «ноғора» бўлса, русча плясать под чужую дудку иборасининг объекти «дудка» бўлади. Ўзбек ва рус тилларидаги ибораларга хос фразеологик маъноларнинг ўзаро мос келиш-келмаслиги кўпинча шу объектлар мутаносиблигига боғлиқ. Масалан, ўзбекча пашшага озор бермайди ва русча мухи не обидит ибораларининг объектлари «пашша» ва «муха»дир. Бу икки сўз аслида бир объектни ифода этганлигидан, юқорида келтирилган ўзбекча ва русча ибораларнинг фразеологик маънолари ҳам ўзаро мосдир: шамдай эримоқ (ўзб.) — таять как свечка (рус.); етти ўлчаб, бир кес (ўзб.) — семь раз отмерь, один раз отрежь (рус.); қўз қорачиғидек асрамоқ (ўзб.) — беречь как зеницу ока (рус.); ўзини қўлга олмоқ (ўзб.) — взять себя в руки (рус.); қўлни қўлга бериб (ўзб.) — рука в руку (рус.) каби иборалар ҳам шулар жумласидан. Бундай иборалардаги объектларнинг ўзаро мослиги уларни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни осонлаштиради;

б) ўзбек ва рус тилларидаги баъзи ибораларнинг фразеологик маънолари бир хил бўлса-да, шу иборалар таркибидаги сўзлар воситасида ифодаланган объектлар ўзаро фарқ қилади. Масалан: боши оққан томонга (ўзб.) — куда глаза глядят (рус.), буларда объектлар — бош ва глаза; оёғи куйган товуқ-

<sup>1</sup> Қаранг: Саломов Ф. Тил ва таржима, ЎзССР «ФАН» нашриёти, Тошкент — 1966, 287-бет.

дай (ўзб.)— как угорелая кошка (рус.), объектлар — *товуқ* ва *кошка*; *шайтон йиғи* (ўзб.)— *крокодиловы слёзы* (рус.), объектлар — *крокодил* ва *шайтон*; *оёқни қўлга олиб югурмоқ* (ўзб.)— *бежать сломя голову* (рус.), объектлар — *оёқ* ва *голова*, *қонга-қон, жонга-жон* (ўзб.)— *око за око, зуб за зуб* (рус.), объектлар — *қон, жон, око* ва *зуб* каби. Бу типдаги ибораларни бемалол таржима қилиш мумкин, чунки уларнинг яхлит фразеологик маънолари таржима қилинган тилга ғализлик — бегона тилга хос миллий бўёқ киритмайди;

в) ҳар икки тил ибораларининг фразеологик маънолари бир хил бўлгани ҳолда, шу иборалардаги объектлар ва улардан англашилиб турган маҳаллий ёки миллий бўёқлар ҳар хил бўлади. Бундай пайтларда иборалардан бирини иккинчиси билан таржима қилиш, гарчи улар айтилиши бир фразеологик маънога асосланган бўлса-да, таржиммага ғализлик киритади. Масалан, русча *плясать под чужую дудку* ёки *плясать под балалайку* ибораларини ўзбекча *бировнинг ноғорасига ўйнамоқ* ёки *дўмбирасига ўйнамоқ* иборалари билан таржима қилиш тўғри бўлмайди, чунки «ноғора», «дўмбира» каби асбоблар ўзбек миллий асбоблари бўлиб, улар рус воқелигига хос эмас, бинобарин, таржимада бундай ибораларнинг қўлланиши рус халқига хос миллий колоритнинг йўқолишига сабаб бўлади.

Ҳар икки тилда ҳам фразеологик полисемия, омонимия, синонимия ва антонимия ҳодисалари учрайди.

1. Фразеологик полисемия (полисемия фразеологическая) — иборалардаги кўп маънолилиқ ҳодисаси:

#### Ўзбек тилида

*Бош кўтармоқ* — а) қарамоқ;  
 б) қилиб турган ишини тўхтатмоқ;  
 в) соғаймоқ;  
 г) курашга чоғланмоқ;  
 д) униб чиқмоқ.

#### Рус тилида

*Валять дурака* — а) ножўя иш қилмоқ;  
 б) ўзини нодонликка, билмасликка солиш;  
 в) вақтни чўзиш;  
 г) бекор юрмоқ.

2. Фразеологик омонимлар (омонимы фразеологические) — шакли бир хил, маънолари ҳар хил бўлган иборалар:

#### Ўзбек тилида

а) *гап тегди* — «гапиришга имкон тегди»;  
 б) *гап тегди* — «танбеҳ эшитди».

### Рус тилида

- а) *выворачивать душу* — «қаттиқ изтиробга солмоқ»;  
б) *выворачивать душу* — «ўзи ҳақида барча нарсани гап-риб бермоқ».

3. Фразеологик синонимлар (синонимы фразеологические) — бирлаштирувчи маънолари бир хил, шакли ва оттенкалари ҳар хил бўлган иборалар:

### Ўзбек тилида

*Мум тишламоқ* — *оғзига толқон солмоқ* — *оғзида қатиқ ивитмоқ*.

*Кўзи қиймади* — *кўнгли бўлмади* — \**кўнгли бормади*.

### Рус тилида

*Молоть ерунду* — *плести ахинею* — *пороть чушь* — *нести галиматью* — *вздор городить*.

*Одним миром мазаны* — *два сапога пара* — *одного поля ягода*.

Ҳар икки тилда иборалар баъзан сўзлар билан синонимик муносабатга киришиб, лексик-фразеологик синонимлар ҳосил қилади:

### Ўзбек тилида

*Айёр* (сўз) — *муғамбир* (сўз) — *пихини ёрган* (ибора) — *илоннинг ёғини ялаган* (ибора).

*Тингламоқ* (сўз) — *қулоқ солмоқ* (ибора).

*Сахий* (сўз) — *қўли очиқ* (ибора).

*Чарчамоқ* (сўз) — *тинкаси қуримоқ* (ибора).

### Рус тилида

*Опрометью* (сўз) — *сломя голову* (ибора).

*Близко* (сўз) — *в двух шагах* (ибора).

*Мало* (сўз) — *капля в море* (ибора).

*Быстро* (сўз) — *на всех парах* (ибора).

4. Фразеологик антонимлар (антонимы фразеологические) — қарама-қарши маъноли иборалар:

### Ўзбек тилида

*Ошиғи олчи* — *иши ўнғидан келмаслик*.

*Тили узун* — *тили қисқа*.

*Юзи ёруғ бўлмоқ* — *юзи шувут бўлмоқ*.

*Кўнгли ёришди* — *кўнгли хира бўлди*.

### Рус тилида

*Тяжел на подъем* — *легок на подъем*.

*Наставлять на путь* — *сбивать с пути*.

*Бить баклуши — трудиться в поте лица.  
Кот заплакал — куры не клюют.*

Синонимларда бўлганидек, антонимларнинг ҳам лексик-фразеологик тури бор:

#### Ўзбек тилида

*Зиқна (сўз) — феъли кенг (ибора).  
Танти (сўз) — феъли тор (ибора).  
Қизғанчиқ (сўз) — қўли очиқ (ибора).  
Тингламоқ (сўз) — қулоқ солмаслик (ибора).*

#### Рус тилида

*Богатый (сўз) — гол как сокол (ибора).  
Умный (сўз) — без царя в голове (ибора).  
Бездельничать (сўз) — трудиться в поте лица (ибора).  
Мало (сўз) — куры не клюют (ибора).*

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам иборалардан турли экспрессив-стилистик мақсадларда фойдаланилади.



## 1-§. Сўз таркиби (Состав слова)

Сўз таркиби ўзбек тилига нисбатан рус тилида анча мураккаб. Рус тилида мустақил сўзларнинг кўпчилиги гапда бир-бири билан боғланганда уларнинг охири ўзгариб туради. Шунинг учун ҳам мустақил сўзлар дастлабки шаклидан бошлаб ўзгармайдиган ва ўзгарадиган икки қисмга ажратилади. Сўзнинг турланганда ёки тусланганда ўзгармайдиган ва ўз маъносини сақлайдиган қисми негиз (основа) деб аталади. Гапда мустақил сўзларнинг ўзаро муносабатини ифодалаб, уларнинг шаклини ўзгартирадиган қисм эса тугалма (окончание) саналади. Масалан: *В этом году открывается новая школа. Здание новой школы красивое. Дети любят свою школу. Они учатся в новой школе* гапларида *школа* сўзнининг ўзгармайдиган қисми (*школ*) негиз саналади, охириги қисми эса сўзнинг гаптаги грамматик функциясига қараб *школа, школы, школу, школе* тарзда ўзгариб боради. Ўзбек тилида бундай грамматик ҳодиса йўқ. Шунинг учун ҳам русча **окончание** тушунчаси ўзбек тилида турлича аталиб келинмоқда: **тугаллик, тугалланма** каби. Бундай хилма-хилликка барҳам бериш мақсадида уни ўзбек тилида **тугалма** (окончание) деб аташ лозим. Шундай қилинганда **тугаллик, тугалланма** терминларининг феъллардаги **тугалланган тур** (совершенный вид) ва **тугалланмаган тур** (несовершенный вид) тушунчаларига нисбатан қўлланадиган сўзлар билан қориштирилишига барҳам берилади.

Рус тилида **тугалма** (окончание) якка ўзи (негизсиз) ҳамда сўз бирикмасидан ташқарида ҳеч қандай грамматик тушунча билдирмайди. Унинг грамматик функцияси сўз бирикмаси составида шунингдек, негиз билан биргаликда реаллашади. Масалан: *Редактор газеты. В киоске продаются газеты. Мы каждый день читаем газеты.* Бу мисолларда *газета* сўзи *газеты* формасида (яъни **-ы** тугалмаси билан) шаклланган, аммо биринчи мисолда **ы** тугалмаси шу сўзнинг қаратқич келишик (родительный падеж)даги бирлик формасини (*редактор газеты*), иккинчи мисолда бош келишикдаги кўплик формасини (*продаются газеты*), учинчи мисолда эса тушум келишик (винительный падеж)нинг кўплик формасини (*читаем газеты*) ифодалаган, шунинг учун унинг гаптаги синтактик функцияси ҳам ҳар хил: эга (иккинчи мисолда), воситасиз тўлдирувчи (учинчи мисолда) каби.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, негизнинг маъносини тугалмасиз аниқлаш, айниқса, ўзбек ўқувчилари учун баъзан жуда қийин бўлади. Масалан: *доля, мука, уxo, пишу, едут, едят, берёт* каби сўзларнинг *дол, мук, ух, пиш, ед, бер* негизларидан сўзларнинг асосий маъноларини билиш анча мушкул.

Мустақил маъноли рус сўзлари таркибида махсус қараладиган маъноли қисмлардан яна бири «корень» бўлиб, у ўзбек тилида ўзак деб олинган. Рус тили дарсликларида бу морфемага «маъно жиҳатдан бир-бирига яқин сўзларнинг умумий қисми» деб таъриф берилади. Корень (ўзак) рус тилида жуда мураккаб ҳодиса. Баъзи сўзларнинг ўзагидан сўзнинг асосий маъносини англашилиб турса, баъзи сўзлар ўзагидан маъно англашилмайди. Масалан: *столИК, столовая, настольная* (книга), *застольный* (тост) сўзларининг умумий қисми предметни, яъни *стол* тушунчасини англатади. *Выдача, раздавать, передача, предатель, издательство* каби сўзларнинг умумий қисми — *-да-* ўзаги эса аффиксал морфемаларсиз ҳеч нарсани билдирмайди.

Бундан ташқари, мустақил сўзларнинг тугалмаси ўзгариши билан негизда баъзи фонетик ўзгаришлар ҳам содир бўлиши мумкин. Масалан:

Негиз (основа)	Тугалма (окончание)	Негиз (основ)	Тугалма (окончание)
<i>ух</i>	о	<i>уш</i>	и
<i>друг</i>	Ø	<i>другь</i>	я
<i>пис-а-</i>	ть	<i>пиш</i>	у
<i>люб-и-</i>	ть	<i>любл</i>	ю
<i>потолок</i>	Ø	<i>потолк</i>	а
<i>ребёнок</i>	Ø	<i>ребят</i>	а

Рус тилида аффиксал морфемалар ўзакдан олдин ёки кейин қўшилишига қараб уч гурппага бўлинади:

1. Шакл ўзгартувчи морфемалар — *из школ-ы, в школ-у, в школ-е.*
2. Сўз ясовчи морфемалар — *по-куп-а-тель, раз-вед-чик, пионер-к-а.*
3. Шакл ясовчи морфемалар — *писа-ть, на-писал, нес-ти, реш-и-ть.*

1. Шакл ўзгартувчи морфема (окончание) одатда мустақил сўзларнинг охирида келиб, янги сўз ҳосил қилмайди, балки шу сўзнинг грамматик маъносини реаллаштирувчи восита сифатида қатнашади. Унинг грамматик маъноси сўз бирикмаси таркибида ёки гапда аниқланади. Масалан: *Девушк-а стоял-а у озер-а.* Бу гапда учта мустақил сўз мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири *-а* морфемаси билан тугаган, бу морфемаларнинг грамматик маъноси гапда ҳар бир сўз функциясидан келиб чиқиб аниқланади. Чунончи, гапда эга вазифасида келган *девушк-а* сўзидаги *-а* морфемаси шу отнинг бирликда, бош келишиқда, женский

роддалигини; кесим вазифасида келган *стоял-а* феълдаги *-а* морфемаси шу феълнинг бирликда, женский родда ва III шахсдалигини; ўрни ҳоли вазифасида келган *у озер-а* сўзидаги *-а* морфемаси эса шу сўзнинг бирликда, средний родда, қаратқич келишикдалигини ифодалаган.

**2. Сўз ясовчи морфемалар** (словообразующие морфемы) аффиксларнинг сўз ясалишида қатнашадиган турларидир: *пис-атель, лёт-чик, колхоз-ник, селекци-онер, трактор-ист, стар-ик, рас-сказ, под-ход, при-ходить, -пре-дать* каби. Бу ерда *-тель, -чик, -ник, -онер, -ик, рас-, под-, -ист* морфемалари от ясовчилар сифатида; *при-, пре-* морфемалари эса феъл ясовчилар сифатида қатнашган.

**3. Шакл ясовчи морфемалар** (формообразующие морфемы) сўзнинг турланмайдиган ва тусланмайдиган формасини ҳосил қилувчи аффикслар: *чита-ть, пис-ать, люб-ить, най-ти, нест-и; чита-л, писа-л, люби-л, нашё-л*. Бу мисолларда *-ть, -ать, -ить, -ти* феълнинг тусланмайдиган инфинитив шаклини ҳосил қилган; *-л* морфемаси эса феълнинг ўтган замон, мужской род шаклини ясаган, бу шакл бирлик ва кўпликдаги I, II ва III шахсларда ўзгармайди. Масалан:

#### Бирлик

*Я читал. — Мен ўқидим.  
Ты читал. — Сен ўқидинг.  
Он читал. — У ўқиди.*

#### Кўплик

*Мы читал-и. — Биз ўқидик.  
Вы читал-и. — Сиз ўқидингиз.  
Они читал-и. — Улар ўқидилар.*

Рус тилидаги сўзлар билан ўзбек тилидаги сўзларнинг таркибий қисмлари ўзаро солиштирилганда, улар ўртасида катта тафовутлар борлиги маълум бўлади. Хусусан, ўзбек тилида ҳар қандай туб ёки ясама сўз бирликда, бош келишикда икки қисмга, яъни негиз (основа) ва тугалма (окончание)га ажратилмайди.

Ўзбек тилида ҳар қандай от ёки отлашган сўз бош келишикда, феълнинг дастлабки шакли эса иккинчи шахснинг буйруқ майли бирлик формасида шакланган бўлиб, маълум маънони аниқ билдиради: *темир, дала, бош, кел, кет, ишла, ёрдамчи* каби. Бундай сўзлар турланганда ҳам, тусланганда ҳам ўзларининг дастлабки шаклини ўзгартирмас сақлайди (баъзи ҳолатлар бундан мустасно). Қиёслаб кўринг:

#### Турланиш системаси

**Б. к.** *дала — пол-е*  
**Т. к.** *дала-ни — пол-е*  
**Ж. к.** *дала-га — пол-ю*

**Қ. к.** *даланинг — пол-я*  
**Ў.п. к.** *дала-да — на пол-е*  
**Ч. к.** *дала-дан — с пол-я*

#### Тусланиш системаси

##### Бирлик

**I ш.** *уч-а-ман — леч-у*  
**II ш.** *уч-а-сан — лет-ишь*  
**III ш.** *уч-а-ди — лет-ит*

##### Кўплик

*уч-а-миз — лет-им*  
*уч-а-сиз — лет-ите*  
*уч-а-дилар — лет-ят*

Одатда, ўзбек тилига рус тилидан ўзлашган сўзлар ҳам ўзбек тили табиатига мослашиб, негиз ва тугалмага бўлинмайдиган бўлиб қолади. Масалан:

*Китобни партага қўй.*— *Ставь книгу на парту.*

*Китоб партада.*— *Книга лежит на парте.*

*Партани суринг.*— *Подвиньте парту.*

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида *парта* сўзига **-га**, **-да**, **-ни** аффикслари қўшилганда, унинг шакли ўзгармаяпти, рус тилида эса шу сўз ўзгариб, турли формага кирмоқда. Демак, рус тилига хос бўлган негиз ва тугалма ўзбек тилига тўғри келмайди.

Ўзбек тилида аффиксал морфемалар туб сўзга кетма-кет уланиб боради. Масалан: *Дўстларингиздангинами?* Бу мисолда: **-лар** кўплик аффикси, **-ингиз** эгаликнинг II шахс кўплик кўрсаткичи, **-дан** чиқиш келишик аффикси, **-гина** чегаралов юкласи, **-ми** сўроқ юкласидир.

Ўзбек тилида ҳам сўзлар негиз ва аффиксларга ажратилади деб қаровчилар йўқ эмас. Аммо уларнинг фикрича **-лар** аффикси негиз таркибига кирмайди. Шундай бўлса, отларнинг **-лар** аффикси билан келган кўплик формаси турланганда турланишга асос бўлган қисмнинг ўзгармаслигини қандай тушуниш керак. Масалан:

Б. к. *дўстлар*

Қ. к. *дўстлар-нинг*

Т. к. *дўстлар-ни*

Ж. к. *дўстлар-га*

У. п. к. *дўстлар-да*

Ч. к. *дўстлар-дан*

*дўстларимиз*

*дўстларимиз-нинг*

*дўстларимиз-ни*

*дўстларимиз-га*

*дўстларимиз-да*

*дўстларимиз-дан*

Бу мисолларда **-лар**, **-имиз** аффикслари отнинг барча келишик формаларида сақланиб қолган. Рус тилидаги таърифга кўра **-лар** ва **-имиз** морфемалари негиз таркибига кириши керак, аммо ўзбек тилида, юқорда айтиб ўтилганидек, негиз йўқ, бинобарин, негиз терминини ишлатмай, туб сўз ва ясама сўз терминларини қўллаш ўзбек тили табиатига кўпроқ мос келиши мумкин: *олма, бош, қовун, қўз, нок, стол, парта, ручка* (туб сўзлар); *ишчи, колхозчи, касбдош, тинчлик* (ясама сўзлар) каби. Туб ва ясама сўзларга форма ясовчилар қўшилиб, шу сўзларнинг у ёки бу грамматик формалари ҳосил қилинади.

Рус тилида ўзгарувчан мустақил сўзларни негиз (аснова) ва тугалма (окончание)га ажратиш анча мураккаб. Буни рус ва ўзбек тилларидаги сўз туркумларини ўзаро қиёслаганда яққол кўриш мумкин. Чунончи: рус тилида отлар сўз таркибига қараб уч группага бўлинади.

Биринчи группага бирликда ва бош келишикда тугалмаси бўлмаган, **ноль** (Ø) кўрсаткичли отлар киради. Бундай отлар-

нинг ўзи шаклан негизга тенг бўлиб, бош келишикдан бошқа келишикларда турланганда негизнинг шакли ўзгармайди. Масалан:

### Бирликда

И. п. <i>дом</i>	<i>конь</i>	<i>тетрадь</i>
Р. п. <i>дома</i>	<i>коня</i>	<i>тетради</i>
Д. п. <i>дому</i>	<i>коню</i>	<i>тетради</i>
В. п. <i>дом</i>	<i>коня</i>	<i>тетрадь</i>
Т. п. <i>домом</i>	<i>конём</i>	<i>тетрадью</i>
П. п. <i>(о) доме</i>	<i>(о) коне</i>	<i>(о) тетради</i>

### Кўпликда

И. п. <i>дома</i>	<i>кони</i>	<i>тетради</i>
Р. п. <i>домов</i>	<i>коней</i>	<i>тетрадей</i>
Д. п. <i>домам</i>	<i>коням</i>	<i>тетрадам</i>
В. п. <i>дома</i>	<i>коней</i>	<i>тетради</i>
Т. п. <i>домами</i>	<i>конями</i>	<i>тетрадами</i>
П. п. <i>(о) домах</i>	<i>(о) конях</i>	<i>(о) тетрадах</i>

Турланиш процессида баъзи сўзларнинг негизида турли фонетик ўзгаришлар — товушларнинг тушиб қолиши (*потолок* — *потолка*, *потолку*; *камень*, *камня*, *камню* каби), товуш алмашиниши (*ребёнок* — *ребята*, *волчонок* — *волчата*, *друг* — *друзья*, *ухо* — *уши* кабилар) ҳам рўй бериши мумкин.

Иккинчи гурпуага бирликда ва бош келишикда негиз билан тугалмага ажратиш мумкин бўлган отлар киради: *парт-а*, *земл-я*, *пол-е*, *слов-о*, *здани-е* каби. Бундай сўзларнинг негизи, одатда, барча келишикларда ўзгармайди, уларда товуш тушиб қолиши ёки товуш алмашиниши каби ҳодисалар ҳам учрамайди. Фақат баъзи отларнинг қаратқич келишикдаги кўплик формасида (родительный падеж мн. числа) *о* ёки *е* унлиси пайдо бўлади: *земли* — *много земель*, *сестры* — *сестёр*, *вишни* — *вишен*, *окна* — *окон* каби. Шунингдек, бош келишикда охири *-мя* билан тугаган ўнта сўз бошқа келишикларда *-ен* билан, *мать*, *дочь* сўзлари *ер* билан, *небо*, *чудо* сўзлари эса *-ес* билан қўлланади: *время* — *времени*, *знамя* — *знаменем*, *мать* — *матери*, *чудо* — *чудеса* каби. Бу қондадан тушум келишикдаги отнинг бирлик шакли мустаснодир.

Учинчи гурпуага негиз ва тугалмага ажратилмайдиган сўзлар киради: *пальто*, *кино*, *метро*, *кафе*, *такси*, *купе*, *рагу* каби. Бундай сўзларнинг бирлик ва кўплик формалари фарқланмайди, улар келишикларда ҳам турланмайди.

Рус тилида отларнинг ҳар бир келишиги род, сон категорияларига қараб бир нечтадан тугалмага эга бўлиши мумкин. Масалан, дательный (жўналиш) келишикнинг ўзида *-у*, *-ю*, *-е*, *-и* (бирликда) ва *-ам*, *-ям* (кўпликда) каби тугалмалар бор:

Привет	{	отц-у
		учител-ю
		сестр-е
		матер-и
		сестр-ам
	}	учител-ям

Ўзбек тилида эса жўналиш келишик биргина **-га** аффикси билан берилади:

отам	}	га салом
ўқитувчим		
синглим		
онам		
ўқитувчиларим		
сингилларим	}	

Ўзбек тилида келишик аффиксларини уларга асос бўлган сўздан ажратиш қийин эмас, ҳар бир келишик формаси нутқда кўпинча биргина грамматик маънони, масалан, **-да** аффикси ўрин ёки пайт маъносини (*Москвада — в Москве, Италияда — в Италии, мажлисда — на собрании, январда — в январе, соат бешда — в пять часов*) ифода этади.

Рус тилида тугалманинг грамматик функцияларини фақат сўз таркибида аниқлаш мумкин: *в Италии, в Москве* каби сўз формаларида ўрин ҳоли маъносининг **-и, -е** тугалмалари ҳисобига реаллашаётгани фақат шу сўзлар таркибида намоён бўлади.

Ўзбек тилида *ўқитувчиларга* сўз формасида қўлланган **-лар** ва **-га** аффикслари алоҳида-алоҳида грамматик маъноларни (кўплик ва жўналиш келишик маъноларини) ифода этган бўлса, рус тилидаги *учителем* сўз формасида қўлланган **-ям** аффикси шу иккала грамматик маънони бир ўзи ифода этмоқда. Бу ҳол ўзбек тилидаги аффиксларнинг кўпроқ монофункционал характерда, рус тилидаги аффиксларнинг эса полифункционал характерда бўлишидан далолат беради.

Ҳар икки тилдаги сифатлар сўз таркиби нуқтаи назаридан таққосланганда, уларда жиддий тафовутлар борлиги маълум бўлади. Хусусан, рус тилида сифатлар, гарчи ўз тугалмаларига эга бўлса-да, отларга тобе бўлиб, род, сон, келишик билан турланганда отларнинг шу формаларига мослашади:

*Красн-ый карандаш*

*Красн-ая лента*


*Красн-ое озеро*

Рус тилида сифатлар қаттиқ негизли ва юмшоқ негизли бўлади. Масалан, *чёрн-ый* (костюм), *молод-ой* (человек), *красн-ая* (бумага), *больш-ое* (озеро) — қаттиқ негизли;

*син-ий* (костюм), *син-яя* (бумага), *син-ее* (озеро) — юмшоқ негизли каби. Демак, қаттиқ негизли сифатларнинг тугалмалари **-ий, -ой** (мужской родда), **-ая** (женский родда), **-ое** (средний родда), юмшоқ негизли сифатларнинг тугалмалари эса **-ий** (мужской родда), **-яя** (женский родда), **-ее** (средний родда) бўлади.

Ўзбек тилида кўпгина аслий сифатлар лексик маъноси билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради. Масалан: *оқ* (сифат) — *чироқ* (от), *қора* (сифат) — *яра* (от), *қизил* (сифат) — *ҳазил* (от), *кўк* (сифат) — *юк* (от), *сарик* (сифат) — *тариқ* (от), *яхши* (сифат) — *бахши* (от) каби кўпгина сўзларнинг формал томони уларнинг қайси сўз туркумига мансублигини кўрсата олмайди, аммо шу сўзларнинг лексик маъносига қараб уларнинг қайси бири сифат-у, қайси бири отлигини осонгина ажратиш мумкин. Баъзи сифатлар отларга **-ли, -ий, -дор, -ки (-ғи, -ғи, -қи)** суффиксларини қўшиш билан ясалади: *ақлли, кучли, қишки, ёзги, кечки, марказий, ҳосилдор* каби. Бундай пайтларда сифатлар бошқа сўзлардан фақат лексик маъноси билангина эмас, балки ўзларининг аффиксал морфемалари билан ҳам ажралиб туради.

Аслий ёки нисбий сифатлар аниқловчи вазифасини бажариб келганда, одатда, от билан битишув (примыкание) орқали боғланади, шунинг учун сон ёки келишик кўшимчаларини олмайди. Рус тилида эса бундай муносабат мослашув (согласование) орқали бўлади. Қиёс қилинг:



Рус тилида сўроқ, нисбий, кўрсатиш, белгилаш, бўлишсизлик олмошларининг келишиклардаги тугалмалари сифат тугалмаларига ўхшаса-да, бу олмошлар негиз ва тугалмаларга ажратилмайди. Улар турланганда бош келишикдаги шакли ўзгаради: *кто — кого — кому — кем — (о) ком; что — чего — чему — чем; та — ту — тех* каби.

Ўзбек тилида бундай олмошлар келишик аффиксларини олганда ўзгармайди: *ким — кимдан — кимга; нима — нимага — нимадан* каби.

Қишилик олмошларининг учинчи шахс бирлик формаси (**у**) турланганда сўз таркибида бир **н** ортирилади: *у-н-да, у-н-га, у-н-дан* каби. Бу ҳодиса *у, бу, шу, ўша* типдаги кўрсатиш олмошлари отлашганда ҳам содир бўлади: *у одамда — унда, бу*

одамда — бунда, шу одамда — шунда, ўша одамда — ўшанда каби.

Рус тилида кишилик олмошлари қисмларга (негиз ва тугалмага) ажратилмайди, аммо турланганда уларнинг шакли бутунлай ўзгариб кетади. Масалан:

И. п. я	ты	он	она
Р. п. меня	тебя	его	ее
Д. п. мне	тебе	ему	ей
В. п. меня	тебя	его	ее
Т. п. мной	тобой	им	ею
П. п. (обо) мне	(о) тебе	(о) нём	(о) ней

Ўзбек тилида эса кишилик олмошлари турланганда уларнинг турланишга асос бўлган қисми ўзгармайди, аммо *мен, сен* олмошлари қаратқич ва тушум келишиқда турланганда сўз таркибидаги иккита *н* дан бири тушиб қолади, *у* олмошининг жўналиш, ўрин-пайт ва чиқиш келишиқларидаги формасида эса, юқорида айтиб ўтилганидек, бир *н* орттирилади. Масалан:

Б. к. мен	сен ]	у
Қ. к. менинг	сенинг	унинг
Т. к. мени	сени	уни
Ж. к. менга	сенга	унга
Ў. п. к. менда	сенда	унда
Ч. к. мендан	сендан	ундан

Рус тилида ҳам олмошларнинг III шахси (*он, она, они*) олд кўмакчилар (предлоги) билан бирикиб келганда воситали келишиқларда бир *н* товуши пайдо бўлади: *его — от него (её — от неё), ему — к нему (ей — к ней), им — перед ним (перед ней), о нём (о ней)* каби.

Ўзбек тилида сонлар отлар билан битишув орқали боғланиб, ҳеч қандай қўшимча олмайди: *бир киши, ўн киши, бешта китоб, олтига қалам* каби. Рус тилида сонларни қисмларга (негиз ва тугалмага) ажратиш анча мураккаб: *чунончи, один* сўзи сифатга ўхшаб отлар билан мослашади, бошқа сонларнинг таркиби эса отга яқин бўлгани учун улар отга ўхшаб турланади: *одна книга, один ученик, одному ученику; два студента, от двух студентов, о пяти работниках* каби.

Ўзбек тилида сонлар отлашгандагина келишиқ аффикслари билан турланиши мумкин: *бешга бешни қўшинг — к пяти прибавьте пять* каби.

Рус тилида феъл таркиби жиҳатдан жуда мураккаб. Биринчидан, рус тилидаги феълларда икки негиз бор: а) феълнинг ноаниқ шаклига (инфинитивга) хос негиз: *чита-ть, писа-ть, работа-ть* каби. Бу негизга *-л* морфемаси қўшиш билан феълнинг ўтган замон формаси ясалади: *чита-л, писа-л, работа-л* каби; б) тугалланмаган (несовершенный вид) феълнинг ҳозирги замон формасига ёки тугалланган турнинг (совершенный вид) содда келаси замон формасига хос негиз: *работа-ю, чи-*



*та-ю, пиш-у, молч-у, говор-ю, реш-у, реш-ишь, получ-у, получи-иш* каби. Шу билан бирга, феълнинг ҳозирги ёки келаси замони тусланганда негизда товуш алмашиниши, товуш тушиб қолиши, янги товуш пайдо бўлиши каби турли ўзгаришлар рўй беради. Бундай ўзгаришлар дастлабки негизнинг қиёфасини анча ўзгартиради: *рисовать — рису-ю, летать — лет-у, спать — спл-ю, брать — бер-у, искать — ищ-у, давать — да-ю, писать — пиш-у, вести — вед-у, мести — мет-у* каби.

Ўзбек тилида феълларнинг дастлабки шакли туб ёки ясама бўлишидан қатъи назар таркибий қисмларга ажратилмайди. Феълнинг дастлабки шакли буйруқ майлининг II шахс бирлик формасида бўлади. У тусланганда феълнинг дастлабки шаклида ҳеч қандай фонетик ўзгариш рўй бермайди. Шундай қилиб, рус тилидаги кўпчилик мустақил сўзларнинг дастлабки шакли (масалан, отларнинг бирликдаги бош келишик шакли) икки қисмга — негиз (основа) ва тугалмага (окончание) бўлинади. Негиз сўзнинг асосий лексик маъносини ифодаласа, тугалма сўзни грамматик жиҳатдан тўлиқ шакллантиради ва кўпинча бир неча грамматик маънони ифода этади. Ўзбек тилида эса мустақил сўзлар негиз ва тугалмага бўлинмайди. Сўз таркибий қисмларга ажратилмагандан кейин негиз тушунчаси ўз-ўзидан йўққа чиқади. Демак, ўзбек тилида негиз эмас, туб ёки ясама сўзлар бор; бундай сўзлар эгалик, келишик ёки шахс-сон аффиксларини олиб турланиши ёхуд тусланиши мумкин.

Рус тилида яна бир группа отлар борки, улар таркибий қисмларга бўлинмайди, яъни негиз ва тугалмага ажратилмайди: *кино, пальто, дело, рагу, кашне, кофе* кабилар. Бундай сўзларнинг гапдаги грамматик функцияси контекстда аниқланади. Ўзбек тилида эса келишик аффиксларини олмайдиган отлар йўқ. Солиштириб кўринг: *У этого пальто воротник был из дорожного меха (пальто — род. п., ед. ч.) — Бу пальтонинг ёқаси қимматбаҳо мўйнадан экан (пальтонинг — қаратқич кел., бирлик). Вчера дети были в кино (в кино — пред. п.) — Кеча болалар кинода бўлишди (кинода — ўрин-пайт к.). Они вернулись из кино рано (из кино — род. п., ед. ч.) — Улар кинодан эрта қайтишди (кинодан — чиқиш к.).*

**Ўзак, приставка, суффикс.** Рус тилида сўзларнинг ясалишида ўзак (корень) ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ўзак сўзнинг асосий маъносини ифодалайди. Сўз биргина ўзакнинг ўзидан (*книг-а, стол, голов-а, сад*), ўзак ва префиксдан (*при-ход, выпуск, раз-дел, под-пись*), ўзак ва суффиксдан (*камен-щик, рыб-ак, лет-чик, вод-ник*), ўзак ва префикс ҳамда суффиксдан (*пере-да-ча, раз-вед-чик, за-говор-чик, про-информ-ирова-ть*) иборат бўлиши мумкин. Баъзи ўзақлар, масалан, *стол, дом, дерево, студент, конь, дождь* кабилар сўзнинг шаклини тўлиқ акс эттиради, аммо шундай ўзақлар ҳам борки, улар тугалма билангина сўз формасини тўлиқ шакллантиради: *книг-а, школ-а, земл-я, арми-я, станци-я* каби. Баъзи ўзақларнинг маъносини тугалмасиз англаш қийин: *эхо, дно, сода, тля,*

змея, тема, соя, (я) дам, (ты) дашь, вино, вина каби сўзларда фақат ўзакнинг ўзидан (эх-, дн-, сод-, зме-, тл-, тем-, со-, да-, вин- каби қисмлардан) сўз маъносини аниқлаб бўлмайди. Бундай ўзак(негиз)ларга керакли тугалмалар улангандан кейингина уларнинг маъноси англашилади.

Демак, юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўзбек тилида рус тилига хос бўлган ўзак (корень), негиз (основа) ва тугалма (окончание) тушунчаларини қўллашга асос йўқ.

## 2- §. Сўз туркумлари (Части речи)

Ҳар бир тилда сўзлар лексик-семантик хусусиятлари, морфологик белгилари ва синтактик функцияларига таянган ҳолда айрим группаларга — сўз туркумларига ажратилади.

Ўзбек тилида сўзларни туркумларга ажратиш рус тилидагига нисбатан қийинроқ, чунки кўпчилик ўзбек сўзларининг дастлабки шаклларида уларни бир-биридан фарқ қилиш учун асос бўладиган формал белгилар (морфологик кўрсаткичлар) яққол кўринмайди. Масалан: *иш, тоғ, олма, тош, нок, тахта, тамаки* каби отларнинг *оқ, қора, қизил, катта, кичик, зўр, яхши, гўзал* каби сифатлардан ёки *ол, тур, ёз, кет, яша, чоп, ич* каби феъллардан фарқ қиладиган морфологик кўрсаткичлари йўқ. Шунинг учун ҳам ўзбек тилида сўзларни туркумларга ажратишда, уларнинг, асосан, семантик ва функционал (синтактик) белгилари кўзда тутилади.

Рус тилида сўзларни туркумларга ажратишда семантик ва функционал (синтактик) белгилар билан бир қаторда морфологик белгилар ҳам катта аҳамиятга эга, чунончи, *парта, стол, поле, армия, баня* каби отлар *большой, большая, большое, большие, синий, синяя, синее, синие* каби сифатлардан ёки *работать, играть, найти, любить* каби феъллардан морфологик белгилари билан ҳам фарқланади.

Рус тили грамматик анъаналарида сўзлар, асосан, ўн та туркумга бўлинади: существительное (от), прилагательное (сифат), числительное (сон), местоимение-существительное (олмош-от), глагол (феъл), наречие (равиш), предлог (олд қўшимча), союз (боғловчи), частица (юклама), междометия (ундов). Шу традицияга таянган ҳолда ҳозирги ўзбек тилида ҳам сўзлар 10 та туркумга ажратилади: от, сифат, сон, олмош, феъл, raviш, кўмакчи, боғловчи, юклама, ундовлар. Ўзбек тилида олд кўмакчилар йўқ. Кейинги йилларда ўзбек тилида модал ва тақлидий сўзлар алоҳида сўз туркумлари сифатида қаралмоқда. Модал сўзларни алоҳида сўз туркуми деб қараш ҳоллари рус тилшунослигида ҳам учрайди.

Ҳар икки тилдаги сўз туркумларининг фарқи шу туркумга онд сўзларнинг морфологик шаклланишида, сўз бирикмаларида қўлланишида, гапдаги сўз тартибиде кўринади: *Мен Қаримдан*

кейин... — Я после Карима... Бу мисолларда сўзларнинг жойла-  
шиш тартиби (*Каримдан кейин — после Карима*) ва морфоло-  
гик хусусиятлари (*Каримдан — чиқиш келишик, Карима — қа-  
ратқич келишик*) ўзаро фарқ қилади. *Онализга олтин соат*  
*тақдим этдик.* — *Мы подарили маме золотые часы.* Бу гапларда  
сўз тартиби ҳамда сўзлар ўртасидаги ўзаро муносабатда фарқ  
бор: *олтин соат* — битишув; *золотые часы* — мослашув каби.

Ўзбек ва рус тилларидаги сўз туркумларининг энг асосий  
фарқларидан бири ўзбек тилида олд кўмакчиларнинг (пред-  
лог), рус тилида эса орт кўмакчининг (послелог) йўқлигидадир.  
Ўзбек тилида кўмакчилар ўзи билан боғланиб келган сўзга  
ёндашиш йўли билан бирикиб, ундан кейин келади ва баъзан  
ўзи бирикиб келган сўзнинг бирор келишикда шаклланишини  
талаб қилмайди. Рус тилида олд кўмакчилар (предлог) ўзи  
билан боғланиб келган отдан олдин келиб, унинг муайян кели-  
шикда бўлишини талаб қилади, масалан: *от, из, до, для* каби  
олд кўмакчилар фақат родительный келишикдаги от билан би-  
рикади.

### 3-§. От

(Имя существительное)

Ҳар икки тилда от предмет номини билдиради: *қалам — ка-  
рандаш, китоб — книга, қоғоз — бумага* (буюм-нарсa номлари);  
*қиз — девушка, раис — председатель, уста — мастер, йўқувчи —  
ученик, ёзувчи — писатель* (шахс номлари); *қўй — баран, си-  
гир — корова, бўри — волк, қуён — заяц* (ҳайвон номлари);  
*тошқин — наводнение, zilзила — землетрясение, суҳбат — бесе-  
да* (воқеа-ҳодиса номлари); *ғоя — идея, муҳаббат — любовь,  
кураш — борьба, яхшилик — доброта, хурсандлик — радость,  
қайғу — горе* (предмет сифатида тасаввур қилинадиган абст-  
ракт тушунчалар номи) каби.

Ўзбек тилида отларга келишик, эгалик, сон, рус тилида эса  
род, сон, келишик грамматик категориялари хос. Бундан таш-  
қари, рус тилида отлар жонли ва жонсиз предметларни ифода-  
ловчи отларга ажратилади.

Ўзбек тилига хос эгалик категорияси рус тилида йўқ; рус  
тилидаги отларга хос род категорияси ҳамда жонли ва жонсиз  
предметларни фарқлаш хусусияти эса, ўзбек тилида учрамайди.

Рус тилида шахс отлари ва ҳайвон номлари жонли предмет  
номлари группасига киради: *студент, мальчик, девушка, орёл,  
соловей, муха, собака* каби. Бундай отларга нисбатан к т о?  
сўроғи ишлатилади. Қолган барча отлар жонсиз предмет ва  
ҳодисалар номи саналади: *книга, карандаш, город, село, ка-  
мень, язык, стол, идея, любовь, горе* каби. Бундай отларга  
ч т о? сўроғи берилади.

Отларнинг жонли ва жонсиз предмет номларига бўлиниши-  
нинг қуйидагича грамматик сабаби бор: улар турланганда  
(айрим келишикларда) бир-биридан фарқ қилади. Бу фарқ

фақат бирликда мужской роддаги отларнинг тушум келишигида, кўпликда эса барча отларнинг тушум келишигида рўй беради: жонли предмет номи бўлган отларнинг тушум келишигидаги (вин. падеж) шакли уларнинг қаратқич келишик (род. падеж) шакли билан, жонсиз предмет номи бўлган отларнинг тушум келишигидаги шакли эса уларнинг бош келишикдаги шакли билан бир хил бўлади. Қисс қилинг:

### Жонли предмет номлари

### Жонсиз предмет номлари

мужской род, ед. число мужской род, ед. число

**И. п.** *ученик здесь*

*журнал на столе*

**Р. п.** *книга ученика*

*обложка журнала*

**В. п.** *встретил ученика*

*читаю журнал*

### Множ. число

**И. п.** *Мальчики и девушки здесь. Книги и журналы на столе.*

**Р. п.** *Там нет мальчиков и де- На парте нет книг и журналов.*  
*вушек.*

**В. п.** *Я вижу мальчиков и де- Все читают книги и журналы.*  
*вушек.*

Жонли предмет номларининг женский роддаги бирлиги бу қондага тўғри келмайди:

**И. п.** *Книга, тетрадь, ручка на столе* (жонсиз предметлар).  
*Мать и бабушка смотрят телевизор* (жонли предметлар).

**Р. п.** *На столе нет книги, тетради, ручки.*  
*Во дворе нет матери и бабушки.*

**В. п.** *Я купил книгу, тетрадь и ручку.*  
*Мы любим мать и бабушку.*

Рус тилидаги отларнинг қуйидаги келишик формалари бир хил бўлади:

а) женский роддаги *мать, тетрадь* каби отларнинг бирликдаги бош ва тушум келишик формалари: **б. к. (и. п., ед. ч.)** — *мать* (кто?), *тетрадь* (что?); **т. к. (в. п., ед. ч.)** — *мать* (кого?), *тетрадь* (что?) каби;

жонли предмет номларининг кўпликдаги тушум ва қаратқич келишик формалари: **т. к. (в. п., мн. ч.)** — *кошка ловит мышей* (кого?); **қ. к. (род. п., мн. ч.)** — *в подвале много мышей* (кого?) каби;

б) жонсиз предмет номларининг кўпликдаги бош ва тушум келишик формалари: **б. к. (и. п., мн. ч.)** — *ваши вещи* (что?) *в шкафу*; **т. к. (в. п., мн. ч.)** — *он принес ваши вещи* (что?) каби.

Ўзбек тилида отларни жонли ва жонсиз предмет номларига ажратишга ҳеч қандай грамматик асос йўқ. Қишиларга нисба-

тан ким? сўроғи, қолган барча жонли ва жонсиз предметларга нима? сўроғи ишлатилади:

- *Кимни кўрдинг?*
- *Шарифни.*
- *Нимани кўрдинг?*
- *Бургутни.*

#### 4-§. Эгалик категорияси (Категория принадлежности)

Ўзбек тилида ҳам бошқа туркий тиллардаги каби эгалик категорияси мавжуд. Бу категория бир предметнинг маълум шахсга ёки иккинчи бир предметга қарашли эканлигини ёхуд муносабатини кўрсатади. Бундай грамматик маъно сўзга махсус эгалик аффиксларини қўшиш билан ифодаланади:

Шахс	Бирлик	Кўплик
I ш.	-м(-им): <i>отам, мактабим</i>	-миз(-имиз): <i>отамиз, мактабимиз</i>
II ш.	-нг(-инг): <i>отанг, мактабинг</i>	-нгиз(-ингиз): <i>отангиз, мактабингиз</i>
III ш.	-и(-си): <i>отаси, мактаби</i>	-и(-си, -лари): <i>отаси, мактаби (лар)и</i>

Рус тилида эгалик категорияси йўқ. Эгалик маъноси рус тилида эгалик олмошлари (притяжательные местоимения) орқали ифодаланади. Ўзбек тилида эса эгалик олмошлари йўқ. Рус тилида эгалик олмошлари бошқа сўзлар билан грамматик муносабатга киришганда улар билан род, сон ва келишикда мослашади:

- I ш. *мой отец — отам, моя школа — мактабим, мое письмо — хатим*
- II ш. *твой отец — отанг, твоя школа — мактабинг, твое письмо — хатинг*
- III ш. *его (ее) отец — отаси, его (ее) школа — мактаби, его (ее) письмо — хати*

Предмет ва у билан бўлган муносабат ҳам шу тарзда ифодаланади. Бундай ҳолларда рус тилида қаратқич келишик (род. п.) қўлланади: *Зарифнинг кулиши — смех Зарифа, самолётнинг учуши — полёт самолёта, касалнинг тузалиши — выздоровление больного* каби.

Рус тилида III шахс эгалик олмошлари бўлмагани учун эгалик маъноси кишилик олмошининг III шахс формаси (*его, ее, их*) орқали ифодаланади. *Его, ее, их* формалари аниқланмиш билан род, сон ва келишикда мослашмайди: *его книга (ее книга) — унинг китоби; их книга — уларнинг китоби; его журнал*

(*ее журнал*) — унинг журнали; *его ружьё* (*ее ружьё*) — унинг милтиғи; *его дети* (*ее дети*) — унинг болалари; *их дети* — уларнинг болалари. Я разговаривал с его братом и сестрой. (Мен унинг акаси ва опаси билан гаплашдим). Передайте также привет их детям. (Уларнинг болаларига ҳам салом айтинг.)

Ўзбек тилида эгалик аффиксини олган сўз қаратқич келишикдаги кишилик олмоши билан бирикиб келиши мумкин: *менинг китобим, сенинг қаламинг, бизнинг даламиз* каби. Бундай бирикмаларда баъзан эгалик маъноси эгалик аффиксиз ҳам ифодаланади: *бизнинг мактаб, сизнинг звено* каби.

Рус тилида ҳар иккала ҳолда ҳам эгалик олмошлари аниқланмиш билан род, сон ва келишикда мослашади: *моя книга* (менинг китобим), *твой карандаш* (сенинг қаламинг), *наше поле* (бизнинг даламиз), *наша школа* (бизнинг мактаб), *ваше звено* (сизнинг звено), *наша бригада* (бригадамиз), *вашим друзьям* (дўстларингизга) каби.

Ўзбек тилида икки от қаратқич қаралмиш муносабатда бўлиб келганда биринчи от маълум шарт-шароит талабига кўра белгили қаратқич шаклида (*колхознинг ери, шаҳарнинг кўчалари, онанинг меҳри*) ёки белгисиз қаратқич шаклида (*колхоз ери, шаҳар кўчалари, она меҳри, звено пахтаси* каби) бўлиши мумкин.

Белгили қаратқич келишикдаги от иштирокида шаклланган сўз бирикмаси рус тилида, асосан, қаратқич келишик (родительный падеж) билан берилади: *колхознинг ери — земля колхоза, шаҳарнинг боғи — парк (сад) города, мактабнинг директори — директор школы*.

Белгисиз қаратқич келишикдаги от билан ясалган бирикма рус тилида сифат + от бирикмаси орқали ифодаланади: *колхоз ери — колхозная земля, шаҳар боғи — городской парк (сад)* каби.

## 5-§. Род категорияси (Категория рода)

Рус тилида род категорияси отларнинг энг характерли морфологик белгисидир. Бу белги ҳатто бош келишикдаги тугалмалардан ҳам кўриниб туради. Бош келишикдаги ана шу морфологик белгига қараб отлар уч родга бўлинади:

1. Бирлик, бош келишикда **-а** ёки **-я** билан тугаган отлар женский родга киради: *школа, книга, земля, вишня, станция, линия* каби.

2. Бирлик, бош келишикда қаттиқ ундош ёки тил ўрта **-й** ундоши билан тугаган барча отлар, шунингдек, юмшоқ ундош билан тугаган баъзи отлар мужской родга киради: *труд, журнал, студент, врач, шалаш, герой, конь, дождь, комсомолец, товарищ* каби.

3. Бирлик, бош келишикда **-о** ёки **-е(ё)** билан тугаган отлар средний родга киради: *слово, дело, государство, поле, море, платье, собрание, ружьё* каби.

Охири -мя билан тугаган қуйидаги 10 та от ҳам *средний* родга киради: *время, бремя, имя, знамя, племя, пламя, семья, темя, стремя, вымя.*

Чет тиллардан кирган *кино, депо, пенсне, жури, пальто, какао* каби сўзлар ҳам *средний* родга киради. Аммо *кофе* сўзи мужской родга киради.

Рус тилида баъзи отларнинг қайси родга мансублигини аниқлашда шу сўзларнинг морфологик белгиларидан ташқари, лексик маънолари ҳам ҳисобга олинади: *мальчик — девочка, брат — сестра, учитель — учительница, пионер — пионерка, бык — корова, петух — курица, козёл — коза* каби. Аммо шундай отлар ҳам борки, уларнинг қайси родга тааллуқлиги фақат морфологик белгиларга, яъни шу сўзнинг бирликдаги бош келишик формасига хос тугалмаларга ҳамда турланиш типларига қараб аниқланади. Масалан:

**Б. к.** *бумага, земля, армия, физика, биология, газета*

Бирлик, бош келишик, тугалмалари -а ва -я — женский род кўрсаткичи.

**Б. к.** *стель, тетрадь, лошадь, молодёжь, тень*

Бирлик, бош келишикда тугалмаси йўқ, шунинг учун бундай отларнинг родини аниқлаш қийин, аммо уларнинг женский родга мансублигини бошқа келишикдаги тугалмалари ёрдамида аниқлаш мумкин: *нет лошади, говорили о молодёжи* каби.

**Б. к.** *дом, студент, колхоз, институт, мастер, завод, карандаш*

Бирлик, бош келишикда, охири қаттиқ ундош билан тугаган, мужской род.

**Б. к.** *конь, дождь, секретарь, день, парень, учитель, председатель*

Бирлик, бош келишикда тугалмаси йўқ. Бундай отларнинг родини аниқлаш қийин, аммо уларнинг бошқа келишиклардаги тугалмалари ёрдамида мужской родга мансублигини аниқлаш мумкин: *около дома, от колхоза, работа мастера, к институту, пишу карандашом* каби.

Бундан ташқари, шундай отлар ҳам борки, улар шаклан женский роддаги отларга ўхшаса ҳам, мазмунан эркак жинсига мансуб шахсларни ифодалайди, шу сабабли мужской родга киради: *папа, дядя, дедушка* каби. Шунинг учун бундай отлар билан бирикиб келган аниқловчи сўзлар мужской род шаклини олади: *Мой папа работает в колхозе. Ваш дядя жил в нашем городе.*

Рус тилида умумий род тушунчаси ҳам бор. Бу родга *плакса, сирота, обжора, неряха* каби отлар киради. Бундай отларнинг қайси родга мансублиги шу сўзларнинг кимга нисбатан қўлланиши билан белгиланади: агар улар эркак кишига нисбатан қўлланса мужской родга, аёл кишига нисбатан қўлланса женский родга киради. Масалан:

#### Мужской род

*Карим круглый сирота.  
Этот мальчик — плакса.*

#### Женский род

*Карима круглая сирота.  
Эта девочка — плакса.*

### 6- §. Сон категорияси (Категория числа)

Сон категорияси ўзбек тилига ҳам, рус тилига ҳам хос: *от — отлар (конь — кони), колхоз — колхозлар (колхоз — колхозы), машина — машиналар (машина — машины), дафтар — дафтарлар (тетрадь — тетради)* каби.

Ўзбек тилида отларнинг бирлигини ифодаловчи махсус кўрсаткич йўқ. Кўплик эса уч хил йўл билан ифодаланади:

1. **Аффиксация усули билан.** Бунда бирликдаги отга **-лар** аффикси қўшилиб, кўплик ифодаланади: *мактаблар, китоблар, шаҳарлар, дарёлар.*

2. **Синтактик усул билан.** Бунда бирликдаги отдан олдин миқдор тушунчасини ифодаловчи сўзлар (кўпинча сон ёки миқдор равишлари) келтирилади: *беш киши, ўнта китоб, бир неча студент, кўп одам.*

3. **Лексик-семантик усул билан.** Бунда формал жиҳатдан бирликда бўлса ҳам, маъно жиҳатдан жамлиқни билдирувчи отлар орқали кўплик ифодаланади: *халқ, армия, қўшин, полк, оломон, тўда* каби.

Баъзан грамматик бирликда бўлган отлар ситуатив ҳолатдан келиб чиқиб кўплиқни билдириши ҳам мумкин. Масалан, *Колхоз бозорида олма, ўрик, нок, қовун сотилмоқда* гапида бирликдаги *олма, ўрик, нок, қовун* сўзлари кўплиқ маъносини ифодалайди. Демак, грамматик сон билан логик сон баъзан (ситуация ёки контекст тақозоси билан) ўзаро мос бўлмаслиги ҳам мумкин.

Ўзбек тилида кўплиқни ифодаловчи **-лар** аффиксининг бир қатор хусусиятлари бор:

а) кўплиқдаги от турланганда **-лар** аффикси барча келишкларда ўзгармай сақланиб қолади: *мактаблар, мактабларга, мактаблардан, мактабларни, мактабларда;*

б) маънони кучайтириш ёки таъкидлаш учун модал форма сифатида хизмат қилади: *туҳматга қолмоқ — туҳматларга қолмоқ, балога қолмоқ — балоларга қолмоқ, тилинг кесилсин — тилларинг кесилсин;*

в) қариндошлиқни билдирувчи номларга қўшилиб ҳурматни ифодалайди: *Дадамлар Москвадан келдилар. Акамлар ўқишга кетганлар;*



г) кесатиқ, киноя, мазах каби модал маъно оттенкаларини ифодалайди: *Ўзлари хон, кўланкалари майдон. Ўзларидан сўрасак* каби.

Ўзбек тилида фақат кўплик шаклига эга бўлган (бирлик шакли бўлмаган) отлар йўқ.

Мавҳум тушунча, иш-ҳаракат, белги-сифат номлари бўлган отлар, асосан, бирликда қўлланади: *муҳаббат, тинчлик, хурсандлик, тозалик, кўнгил, виждон* каби.

Рус тилида отларнинг сон категорияси анча мураккаб лексик-грамматик ҳодисадир. Рус тилида ҳам кўпчилик отлар бирлик ва кўпликда ишлатилади: *стол — столы, завод — заводы, студент — студенты, карандаш — карандаши* каби. Рус тилида фақат бирликда ёки фақат кўпликда ишлатиладиган отлар ҳам бор.

Қуйидаги отлар фақат бирлик шаклда ишлатилади: а) жамловчи отлар: *студенчество, молодёжь, родня*. Ўзбек тилида бундай отлар, асосан, кўплик шаклида (-лар қўшимчаси билан) берилади: *студенчество — студентлар, молодёжь — ёшлар, беднота — камбағаллар*; б) абстракт отлар: *героизм (қаҳрамонлик), молодость (ёшлик), белизна (оқлик), бегство (қочиш)* каби. Бундай отлар ўзбек тилида ҳам асосан бирлик шаклда қўлланади; в) доналаб санаб бўлмайдиган предметларнинг номлари: *хлопок, керосин, железо, молоко, мука* кабилар. Бу хилдаги отлар ўзбек тилида бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланиши мумкин: *пахта — пахталар (хлопок), темир — темирлар (железо), сут — сутлар (молоко), ун — унлар (мука)*.

Қуйидаги отлар фақат кўпликда қўлланади: а) жуфт предметларнинг номлари: *ножницы, очки, весы, ворота, брюки*; б) тўда, тўп маъносини ифодаловчи отлар: *всходы, деньги, кудри, выборы, хлопоты*; в) вақтни ёки табиат ҳодисаларини атовчи баъзи отлар: *сутки, сумерки, каникулы, заморозки*; г) баъзи ўйин ва урф-одаатларнинг номлари: *прятки, шахматы, именины, похороны* каби.

Ўзбек тилида бу типдаги отлар бирликда ҳам, кўпликда ҳам қўлланиши мумкин: *қайчи — қайчилар (ножницы), сайлов — сайловлар (выборы), шим — шимлар (брюки), каникул — каникуллар (каникулы)* каби.

Рус тилида отларнинг бош келишидаги кўплик формаси негизга **-ы, -и, -а, -я, -е** тугалмаларидан бирини қўшиш билан ясалади:

а) **-ы** тугалмаси негизи қаттиқ ундош билан тугаган отларга қўшилади: *журнал — журналы, школа — школы*;

б) **-и** тугалмаси негизи юмшоқ ундош билан тугаган отларга қўшилади: *земля — земл-и, тетрадь — тетрад-и, конь — кон-и, герой — геро-и*;

в) мужской рода негизи қаттиқ ундош билан тугаган баъзи отларга **-а** тугалмаси, юмшоқ ундош билан тугаган отларга эса **-я** тугалмаси қўшилади: *лес — лесá, мастер — мастерá, учитель — учителя, край — крайá*;


г) *брат, друг, колос, стул* каби бир неча сўзга кўпликда **-ья** тугалмаси қўшилади: *брат — братья, друг — друзья, колос — колосья, стул — стулья*;

д) *средний* роддаги отларнинг кўплиги қаттиқ негизга **-а** тугалмасини, юмшоқ негизга эса **-я** тугалмасини қўшиш билан ясалади: *место — места, слово — слова, дело — дела, море — моря, поле — поля, собрание — собрания*;

е) *яблоко, ухо, плечо, колено* каби бир неча сўзнинг кўплиги **-и** тугалмаси билан ҳосил қилинади: *яблоко — яблоки, ухо — уши, плечо — плечи, колено — колени*;

ж) *дерево, перо, звено, крыло, полено* каби бир неча сўзга кўпликда **-ья** тугалмаси қўшилади: *дерево — деревья, перо — перья, крыло — крылья, полено — поленья* каби.

Мужской роддаги баъзи отларнинг кўплиги фақат формал жиҳатдангина эмас, маъно жиҳатдан ҳам фарқланади:



Шундай қилиб, рус тилидаги сон категорияси ўзбек тилидаги сон категориясига нисбатан анча мураккаб бўлиб, ҳам шаклан, ҳам ишлатилиш доираси билан ундан фарқ қилади.

## 7- §. Отларнинг турланиши (Склонение имён существительных)

Ҳар иккала тилдаги отларнинг турланиши бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек тилида барча отлар бирликда ҳам, кўпликда ҳам бир хил турланади, фақат **-лар** аффикси келишик аффиксларидан олдин қўшилади. Рус тилида отларнинг бирликдаги бош келишик тугалмаларига ҳамда грамматик родига қараб, отлар уч типда турланади:

I тип турланишга бирликда, бош келишикда **-а** ёки **-я** билан тугаган женский роддаги отлар (*школа, девочка, женщина, парта, земля, партия*) ҳамда мужской роддаги бир неча от (*папа, дедушка, дядя, Ваня*) киради.

II тип турланишга негизи қаттиқ ёки юмшоқ ундош билан тугаган мужской роддаги отлар (*город, студент, конь, герой, край*) ҳамда **-о, -е(-ё)** билан тугаган *средний* роддаги отлар (*озеро, дело, море, поле, ружьё*) киради.

**Склонения имён существительных в единственном числе**  
(Отгларинг бирликда турланиш)

I склонение (I турланиш)	II склонение (II турланиш)			III склонение (III турланиш)
	Твёрдое склонение (Қаттиқ турланиш)	Мягкое склонение (Юмшоқ турланиш)	Мягкое склонение (Юмшоқ турланиш)	
Падежи (Келишклар)	Твёрдое склонение (Қаттиқ турланиш)	Мягкое склонение (Юмшоқ турланиш)	Твёрдое склонение (Қаттиқ турланиш)	Мягкое склонение (Юмшоқ турланиш)
	Женский род	Женский род	Мужской род	Средний род
И. п. (Б. к.)	стран-а	зем-я	стол, студент	пол-е
Р. п. (Қ. к.)	стран-ы	зем-и	стол-а, студент-а	пол-я
Д. п. (Ж. к.)	стран-е	зем-е	стол-у, студент-у	пол-ю
В. п. (Т. к.)	стран-у	зем-ю	стол, студент-а	пол-е
Тв. п. (—)	стран-ой	зем-ей	стол-ом, студент-ом	пол-ем
Пр. п. (—)	(о) стран-е	(о) зем-е	(о) стол-е, (о) студент-е	(о) пол-е
			дождь, конь	область, мать
			дожд-я	област-и, матер-и
			кон-я	матер-и
			дожд-ю, кон-ю	област-и, матер-и
			дождь, кон-я	область, мать
			дожд-ём, кон-ём	область-ю, матерь-ю
			(о) кон-е, (о) дожд-е	(об) област-и, (о) матер-и

III тип турланишга негизи юмшоқ ундош билан тугаган женский роддаги отлар (*тетрадь, площадь, степь, ночь, область*) киради.

Турланиш типларининг бир-биридан катта фарқ қилишини 90-бетдаги жадвалда кўриш мумкин.

-мя билан тугаган средний роддаги отлар (*имя, время*) бир жиҳати билан III турланишга ўхшаса (**Р. п.** — *имени*, **Д. п.** — *имени*, **В. п.** — *имя*, **П. п.** — *об имени* каби), иккинчи жиҳати билан улардан фарқ қилади (**Т. п.** — *именем*, II турланиш каби). Шунинг учун бу типдаги 10 та от турланишида махсус гурпани ташкил қилади.

Эслатма: Мужской роддаги *путь* сўзи III турланишга ўхшайди, ammo творительный келишкнинг бирлигида *путём* шакли билан ундан фарқ қилади.

**Склонения имён существительных во множественном числе**  
(Отларнинг кўпликда турланиши)

Падежи (Келишклар)	Твердое склонение (Қаттиқ турланиш)	Мягкое склонение (Юмшоқ турланиш)
<b>И. п.</b> (Б. к.)	<i>школы, коровы, заводы,</i>	<i>земли, песни, линии, пи-</i>
<b>Р. п.</b> (Қ. к.)	<i>студенты, леса, места</i>	<i>сателя моря дожди, ма-</i>
<b>Д. п.</b> (Ж. к.)	<i>школ, коров, заводов, сту-</i>	<i>тери</i>
<b>В. п.</b> (Т. к.)	<i>дентов, лесов, мест</i>	<i>земель, песен линий, пи-</i>
<b>Тв. п.</b> (—)	<i>школам, коросам, заводам,</i>	<i>сателям, морей, дождей,</i>
<b>Пр. п.</b> (—)	<i>студентам, лесам, мест-</i>	<i>матерей</i>
	<i>там</i>	<i>земляч, песням, линиям,</i>
	<i>школы, коров, заводы, сту-</i>	<i>писателям, морям, дож-</i>
	<i>дентов, леса, места</i>	<i>дям, матерям</i>
		<i>земли, песни, линии, пи-</i>
	<i>школами, коровами, заво-</i>	<i>сателей, моря, дожди,</i>
	<i>дами, студентами, леса-</i>	<i>матерей</i>
	<i>ми, местами</i>	<i>землями, песнями, лини-</i>
	<i>(о) школах, коровах, за-</i>	<i>ями, писателями, морями,</i>
	<i>водах, студентах, лесах,</i>	<i>дождями, матерями</i>
	<i>местах</i>	<i>(о) землях, песнях, лини-</i>
		<i>ях, писателях, морях,</i>
		<i>дождях, матерях</i>

**Склонения имён существительных среднего рода на -мя**  
(-мя билан тугаган средний роддаги отларнинг турланиши)

Падежи (Келишклар)	Единственное число (Бирлик)	Множественное число (Кўplik)
<b>И. п.</b> (Б. к.)	<i>имя, время</i>	<i>имена, времена</i>
<b>Р. п.</b> (Қ. к.)	<i>имени, времени</i>	<i>имён, времён</i>
<b>Д. п.</b> (Ж. к.)	<i>имени, времени</i>	<i>именам, временам</i>
<b>В. п.</b> (Т. к.)	<i>имя, время</i>	<i>имена, времена</i>
<b>Тв. п.</b> (—)	<i>именем, времением</i>	<i>именами, временами</i>
<b>Пр. п.</b> (—)	<i>(об) имени, времени</i>	<i>(об) именах, временах</i>

Эслатма: *пламя, вымя, бремя, темя* сўзлари кўплик сонда қўлланмайди.

## 8- §. Қелишиқ формаларининг маънолари (Значение падежных форм)

### Бош келишиқ (Именительный падеж)

Ҳар икки тилда сўзларнинг бирлик, бош келишиқ шакли дастлабки шакл бўлиб, отлар лугатга шу шаклда киритилади.

Бош келишиқдаги от ҳар икки тилда ҳам эга вазифасини бажариб келади: *Профессор лекция ўқияпти.— Профессор читаёт лекцию. Машина тўхтади.— Машина остановилась.*

Бош келишиқдаги от кесим вазифасида ҳам келади: *Пушкин — улуг рус шоири.— Пушкин — великий русский поэт.*

Ўзбек тилида отларнинг бош келишиқдаги шакли сифатловчи-аниқловчи (*олгин соат, кумуш қошиқ*), изоҳловчи (*профессор А. Сулаймонов*) ва ҳатто, атов гап (*Баҳор. Далалар кўм-кўк...*) каби синтактик функцияларда ҳам келади.

Бош келишиқдаги отларнинг изоҳловчи ёки атов гап бўлиб келиши рус тилига ҳам хос, аммо сифатловчи аниқловчи вазифасини рус тилида кўпинча шу сўзлардан ясалган сифатлар бажаради: *ёғоч кўприк — деревянный мост, пўлат пичоқ — стальной нож, чой идиш — чайная посуда* каби.

Ўзбек тилида от+от типига атрибутив бирикмаларда аниқловчи аниқланмишдан доимо олдин келади: *аълочи студент, космонавт аёл, қаҳрамон шахар* каби. Рус тилида эса предмет ёки шахснинг белгисини билдирган отлар кўпинча шу предмет ёки шахс номидан кейин келади: *студент-отличник, женщина-космонавт, город-герой* каби. Баъзан *старуха-мать, чудо-дерево* каби ҳолатлар ҳам учрайди.

### Қаратқич келишиқ (Родительный падеж)

Ўзбек тилида қаратқич келишиқ белгили ва белгисиз бўлади: а) белгили қаратқич келишиқдаги от **-нинг** билан шаклланган бўлиб, қаралмиш ифодалаган предметнинг ўзига қарашли эканини ёки икки предметнинг бир-бирига муносабатини аниқ ифодалайди. Бунда аниқланмиш эгаллик аффикси билан қўлланади: *акамнинг уйи, гулнинг ҳиди*; б) белгисиз қаратқич келишиқдаги от **-нинг** аффиксиз қўлланади, аммо аниқланмиш бундай пайтда ҳам эгаллик аффиксини олади: *мактаб биноси, студентлар ётоқхонаси, китоб магазини, олма дарахти, мактаб директори* каби.

Ўзбек тилида қаратқичнинг белгили ёки белгисиз қўлланиши маълум лексик-семантик, стилистик ва грамматик талаблар билан боғлиқ. Хусусан: а) қаратқич билан ифодаланган отни алоҳида таъкидлаш лозим бўлганда, у белгили бўлади; бундай таъкидлаш шарт бўлмаганда белгисиз қўлланади: *колхознинг боғи — колхоз боғи, мактабнинг биноси — мактаб биноси* каби;

б) шахс отлари, бутуннинг қисмини ифода этган отлар, қаралмиш орқали ифодаланган предмет ёки шахс билан генетик алоқада бўлган предмет ёки шахсни ифодалаган отлар кўпроқ белгили шаклланади: *Алишернинг ёшлиги, Юсуфнинг қариндоши, амакимнинг ўғли* каби. Бундай бирикмаларни *Алишер ёшлиги, Юсуф қариндоши, амаким ўғли* типда қўллаб бўлмайди; в) қаратқич абстракт отлар билан (*дил орзуси, ҳижрон азоби* каби), қаралмиш пайт маъносидаги сўзлар билан ифодаланганда (*ёз пайти, қиш вақти, танаффус чоғи* каби), қаратқич бошқа бир предметнинг белгисини билдирганда (*Ватан уруши, меҳнат семестри* каби) қаратқич белгисиз қўлланади. Шунингдек, *шаҳарнинг А. С. Пушкин номидаги кўчаси, районнинг Навоий номидаги мактаби* каби бирикмаларнинг эллиптик қўлланишидан юзага келган *Пушкин кўчаси, Навоий мактаби* каби конструкцияларда ҳам **-нинг** аффикси қўлланмайди.

Ўзбек тилидаги қаратқичли аниқловчи рус тилида ҳам қаратқич келишикдаги (род. падеж) от билан ифодаланади, бироқ ундан сўз тартиби билан фарқ қилади: *шаҳар корхоналари — предприятия города, колхоз парки — парк колхоза, завод кутубхонаси — библиотека завода, мактаб биноси — здание школы, Пушкин кўчаси — улица Пушкина* каби. Аммо рус тилида аниқловчи вазифасида келган қаратқич келишикдаги от ўрнида шу отдан ясалган сифат ҳам қўлланиши мумкин: *шаҳар корхоналари — городские предприятия, колхоз боғи — колхозный сад, завод кутубхонаси — заводская библиотека, Пушкин кўчаси — Пушкинская улица.*

Икки предметнинг бир-бирига бўлган муносабатини ифодаловчи конструкциялар ҳам ҳар икки тилда қаратқич келишикда шаклланади: *мактаб директори — директор школы, сайлов кунини — день выборов, Украина шаҳарлари — города Украины, пахта терими — сбор хлопка.*

Ўзбек тилида пайт маъносидаги қаратқичли конструкциялар ўрнида рус тилида фақат фасл, пайт номларининг ўзи қўлланади: *шанба кунини — суббота, январь ойини — январь.* Баъзан рус тилида ҳам қаратқич қаралмиш муносабати сақланиши мумкин: *тушлик пайтининг — время обеда, сабзавотларнинг йиғим-терим мавсумининг — сезон уборки овощей.*

Рус тилида число ва ой номлари ўзаро бирикиб қаратқич қаралмиш муносабатини ҳосил қилади. Бунда ҳар иккала сўз қаратқич келишикда ишлатилади: *пятнадцатого мая, первого сентября.* Бундай конструкциялар ўзбек тилида тартиб соннинг ўрин-пайт келишикдаги от (ой номи) билан бирикиши орқали берилади: *ўн бешинчи майда, биринчи сентябрда* каби.

Рус тилида қаратқич келишикнинг қўлланиш доираси ўзбек тилидагига қараганда анча кенг. Рус тилида қаратқич келишикдаги от предлог билан ва предлогсиз қўлланиши мумкин. Қуйидаги ҳолатларда предлогсиз қўлланади:

1. Бир предметнинг бошқа бир предметга қарашлилиги ифодаланганда. Бу маъно ўзбек тилида ҳам қаратқич келишикдаги

от билан берилади: *дом моего отца — отамнинг уйи, портфель учителя — ўқитувчининг портфели.*

2. От белги маъносини англатганда. Бундай муносабат ҳам ўзбек тилида қаратқич келишикдаги от билан ифодаланади: *вкус яблока — олманинг мазаси, глубина озера — кўлнинг чуқурлиги.*

3. Предметларнинг ўзаро муносабати билдирилганда. Ўзбек тилида бундай маъно, одатда, белгисиз қаратқич келишик билан ифодаланади: *директор школы — мактаб директори, председатель колхоза — колхоз раиси, предприятия города — шаҳар корхоналари.*

4. Ҳаракат предметнинг бир қисмигагина ўтганлиги ифодаланганда: ўзбек тилида бундай маъно кўпроқ отнинг чиқиш келишигидаги формаси билан берилади: *выпейте молока — сутдан ичинг, он поел хлеба — у нондан еди.*

5. Қаратқич келишикдаги от *нет* сўзи билан бирикиб келганда. Рус тилидаги бундай конструкциялар ўрнида ўзбек тилида отнинг бош келишикдаги формаси ва *йўқ* сўзи қатнашади: *На столе нет книги. — Стол устида китоб йўқ. У меня нет времени пойти в театр. — Театрга боришга вақтим йўқ. Во дворе нет детей. — Ҳовлида болалар йўқ.*

6. Феълнинг бўлишсиз формаси ўзига боғланган отнинг предлогсиз қаратқич келишикда бўлишини талаб қилганда. Ўзбек тилида эса феълнинг бўлишсиз шакли отнинг келишигига таъсир қилмайди ёки отнинг қайси келишикда бўлиши унинг синтактик функциясига ва грамматик позициясига боғлиқ бўлади: *В классе не было Хакима. — Синфда Ҳаким йўқ эди. Я давно не получал писем от родных. — Мен анчадан бери қариндошлардан хат олганим йўқ.*

7. Қаратқич келишикдаги от икки ва ундан ортиқ миқдорни англатувчи саноқ сонлар билан ёки *много, мало, столько, несколько* каби сўзлар билан бирикиб келганда. Ўзбек тилида эса сон билан отнинг бирикиб келиши отнинг келишик формасига таъсир қилмайди: *два стола — иккита стол, два окна — иккита дераза, две книги — иккита китоб, две тетради — иккита дафтар, три студента — уч студент, двадцать восемь книг — йигирма саккизта китоб, много времени — кўп вақт, несколько студентов — бир неча студент каби.*

Қолган барча ҳолатларда рус тилидаги қаратқич келишик *от, для, без, с, до, у, из-за, из-под, ради, кроме, после, среди, около, возле* каби предлоглар билан бирикиб келади. Ўзбек тилида олд кўмакчилар йўқ. Шунинг учун рус тилидаги предлогли конструкциялар ўзбек тилида турли келишиклар ёки бошқа грамматик воситалар ёрдамида берилади. Масалан, рус тилида маъно жиҳатидан бир оз бўлса-да фарқ қиладиган *от, из, с* предлоглари билан келган қаратқич келишикдаги отлар ўзбек тилида, асосан, отнинг чиқиш келишигидаги формаси билан ифодаланади: *Получил письмо от брата. — Акамдан хат олдим. Поезд отошёл от станции. — Поезд станциядан узоқлаш-*

ди. Дети вернулись из пионерского лагеря.— Болалар пионер лагеридан қайтиб келишди. Стол из красного дерева.— Қизил ёғочдан ясалган стол. Комиссия состоит из пяти человек.— Комиссия беш кишидан иборат. Птицы прилетели с юга.— Қушлар жанубдан учиб келишди. Альпинисты спустились с горы.— Альпинистлар тоғдан тушиб келишди каби.

Рус тилидаги до предлоги билан бирикиб келган отнинг қаратқич келишик шакли ўрнида ўзбек тилида **-гача** аффикси билан шаклланган от ёки жўналиш келишикдаги от билан қадар кўмакчиси қўлланади: *До следующей станции осталось 15 км.— Кейинги станциягача 15 км қолди. Сборщики хлопка работали до 6 часов вечера.— Теримчилар кеч соат олтигача ишлашди. До революции мой отец был неграмотным.— Революцияга қадар отам саводсиз эди.*

Рус тилида у предлоги билан бирикиб келган қаратқич келишикнинг маъноси анча кенг. Шунинг учун ўзбек тилида бу маъно қаратқич, чиқиш, ўрин-пайт келишиклари ёки кўмакчилар ёрдамида берилади: *У брата есть хорошая библиотека.— Акамнинг яхши кутубхонаси бор. У друга есть ружьё.— Дўстимда милтиқ бор. Машина остановилась у ворот.— Машина дарвоза олдида тўхтади. Я эти книги взял у друга.— Мен бу китобларни дўстимдан олдим.*

Рус тилида для, ради предлоглари билан қўлланган қаратқич келишикдаги от ўрнида ўзбек тилида бош келишикдаги отнинг учун кўмакчиси билан келган формаси ишлатилади: *Наши отцы боролись ради мира на земле.— Оталаримиз дунёда тинчлик учун курашди.*

Кроме, после предлоглари билан қўлланган қаратқич келишикдаги от ўрнида ўзбек тилида ташқари, бошқа, кейин кўмакчилари билан келган чиқиш келишикдаги от ишлатилади: *Экзамен сдали все кроме Карима.— Каримдан бошқа (ташқари) ҳамма имтиҳонни топширди. После лекции было задано много вопросов.— Лекциядан кейин кўп саволлар берилди.*

Около, возле, среди предлоглари билан қўлланган қаратқич келишикдаги от ўзбек тилида ёнида, олдида, рўпарасида, орқасида, ўртасида каби кўмакчилар билан келган белгисиз қаратқич келишикдаги от орқали ифодаланади: *Около школы есть большой книжный магазин.— Мактаб ёнида катта китоб магазини бор. Кто стоял возле учителя? — Уқитувчи олдида (ёнида) ким турган эди? Среди учащихся много отличников.— Уқувчилар орасида аълочилар кўп эди.*

Из-под предлоги билан қўлланган қаратқич келишикдаги от ўрнида ўзбек тилида белгисиз қаратқич келишикдаги отнинг остидан, тагидан кўмакчилари билан келган формаси қўлланилади: *Уголь добывают из-под земли.— Кўмир ер остидан қазиб олинади. Возьми из-под стола корзину.— Стол остидан саватчани ол.*

Қаратқич келишикдаги отнинг из-под предлоги билан қўл-



ланган ҳолати рус тилида баъзан аниқловчи бўлиб келади. Ўзбек тилида у белгисиз қаратқич келишикдаги от билан ифодаланади: *Бутылка из-под масла. — Мой шихаси.*

Рус тилида *из-за* предлоги билан қўлланган қаратқич келишикдаги от ўзбек тилида белгисиз қаратқич келишикдаги отдан сўнг *ортидан, орасидан, нариги томонидан* кўмакчиларини ёки тушум келишикдаги отдан сўнг *деб* сўзини, ёхуд бош келишикдаги отдан сўнг *учун* кўмакчисини келтириш билан берилади: *Из-за горы показались лучи солнца — Тоғ ортидан қуёш нурлари кўринди. Луна выглянула из-за туч. — Булутлар орасидан ой кўринди. Из-за болезни он не пришёл на занятия. — Қасаллиги учун дарсга келмади. Из-за тебя он опоздал на урок. — Сени деб у дарсга кечикди* каби.

### Жўналиш келишик (Дательный падеж)

Жўналиш келишик ҳар икки тилда ҳам ҳаракатнинг бирор шахс ёки предмет томон йўналганини ифодалайди: *Колхоз правлениеси энг яхши теримчига мукофот берди. — Правление колхоза выдало премию лучшему сборщику. Озодлик курашчиларига алангали салом! — Горячий привет борцам за свободу! Меҳнатга шон-шарафлар! — Слава труду!*

Рус тилида жўналиш келишикдаги от шахссиз феъл ёки предикатив характердаги равиш билан бирикиб келса, шахссиз гап ҳосил бўлади. Ўзбек тилида эса жўналиш келишикдаги от бундай хусусиятга эга эмас. Шунинг учун рус тилидаги шахссиз гаплар ўзбек тилининг ўз ички қонуниятлари асосида таржима қилинади: *Старухе не спится. — Кампирнинг уйқуси келмаяпти (Кампир ухлай олмаяпти). Мальчику нездоровится. — Боланинг тоби қочиб турибди. Детям здесь весело. — Бу ерда болалар шоду хуррам. Варьке хочется спать. — Варькани уйқу босаяпти* каби.

Рус тилида жўналиш келишикдаги от *к*, *по* предлоглари билан ҳам ишлатилади. *К* предлоги билан келган от ўзбек тилида ҳам, асосан, жўналиш келишикда бўлади: *Поезд приближался к станции. — Поезд станцияга яқинлашмоқда эди. Ученик обратился к учителю. — Уқувчи муаллимга мурожаат қилди. К вечеру ветер утих. — Кечга яқин шамол тўхтади. Пригласите сотрудников к 10 часам утра. — Хизматчиларни соат 10 га таклиф қилинг.*

*К* предлоги билан қўлланган от жўналиш келишикда ўринни билдириб келса (айниқса шахсга қарашли ўринни билдирса), ўзбек тилидаги отга **-ники** ва **-га** морфемалари қўшилади: *Сегодня пойду к своему другу. — Бугун дўстимникига бораман. К сестре пришли гости. — Опамникига меҳмонлар келишди.*

*По* предлоги билан қўлланган отнинг жўналиш келишигидаги формаси ҳаракат содир бўладиган ўринни, бирор предмет ёки соҳа устида қилинаётган ҳаракатни, сабаб, пайт ва ҳолат-

ни ифодалайди. Ўзбек тилида бундай конструкцияларнинг маъноси чиқиш, ўрин-пайт келишикларидаги от билан, шунингдек, юзасидан, билан, орқали, бўйича кўмакчиларининг отга бирикиб келиши билан берилади: *Колхозники ехали по большой дороге.*— *Колхозчилар катта йўлдан борарди. Они прошли по деревянному мосту.*— *Улар ёғоч кўприкдан ўттишди. Дети гуляли по полю.*— *Болалар далада сайр қилишди. Институт ведёт большие исследования по физике.*— *Институт физика бўйича катта тадқиқот ишлари олиб бормоқда. По этому вопросу есть постановление общего собрания.*— *Бу масала юзасидан умумий мажлисининг қарори бор. Книги отправлены по почте.*— *Китоблар почта орқали (почта билан) юборилди. Он большой специалист по химии.*— *У химия бўйича йирик мутахассис.*

### Тушум келишик (Винительный падеж)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам тушум келишикнинг воситали ва воситасиз турлари мавжуд. Ўзбек тилида воситасиз тушум келишик белгили ва белгисиз бўлади. Белгили бўлганда тушум келишикдаги от **-ни** аффикси билан шаклланиб, ўтимли феълдан олдин келади. Рус тилида воситасиз тушум келишикдаги от, одатда, ўтимли феълдан кейин келади ҳамда отнинг родига, сонига, жонли ёки жонсиз предметларни ифодалашига қараб турли тугалмаларни олади: *Биз ўз Ватанимизни севамиз.*— *Мы любим свою Родину. Студентлар профессорнинг лекциясини диққат билан эшитдилар.*— *Студенты внимательно слушали лекцию профессора. Онам бу қизни яхши билади.*— *Мама хорошо знает эту девушку. Мен бу костюмни сотиб олдим.*— *Я купил этот костюм. Деразаларни очинг.*— *Откройте окна.*

Ўзбек тилида воситасиз тушум келишикдаги от **-ни** аффиксиз ҳам қўлланади: *Киоскадан газета сотиб олдим. Ёрдамга келган студентлар бугун колхоз боғида мева теришди* каби.

Воситали тушум келишикдаги от рус тилида турли тугалмаларга эга бўлиб, *в, на, за, под, о (об), через, про* предлоғлари билан қўлланади.

*В ёки на* предлоғи билан қўлланган тушум келишикдаги от ўзбек тилида, асосан, жўналиш келишик формасида берилади: *Горожане выехали в колхоз на помощь.*— *Шаҳарликлар ёрдамга колхозга жўнаб кетишди. В этом году сестра едет учиться в Москву, а я — в Ленинград.*— *Бу йил синглим Москвага, мен эса Ленинградга ўқишга борамиз. Начальник на месяц уехал в командировку.*— *Бошлиқ бир ойга командировкага кетди.* Ўзбек тилида вақтни билдирувчи сўзлар баъзан аффиксиз қўлланади: *В нашей стране трудящиеся в субботу отдыхают.*— *Бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашлар шанба кунни дам олади* каби.

За предлоги билан келган тушум келишикдаги от феъл билан бирикканда юзага келадиган конструкциялар ўзбек тилида маъносига қараб *учун, ўрнига, ичида, орқасига, атрофига* кўмакчилари билан келган от ёки жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишикларига от формалари билан ифодаланади. Масалан: *Будем бороться за мир. — Тинчлик учун курашамиз. Они сражались за Родину. — Улар Ватан учун жанг қилишди. Все сели за стол. — Ҳамма стол атрофига ўтирди. Колхоз выполнил план за месяц. — Колхоз планни бир ойда бажарди. За два дня много сделано. — Икки кун ичида кўп иш қилинди. Моему отцу за 50 лет. — Отамнинг ёши 50 дан ошган. В эти дни жара перевалила за 40 градусов. — Шу кунларда иссиқ қирқ градусдан ошиб кетди.*

Под предлоги билан қўлланган тушум келишикдаги от феъл билан бирикканда юзага келадиган конструкциялар ўзбек тилида отнинг *остига, тагига, яқинига* кўмакчилари ёки жўналиш келишикда қўлланган формалари орқали ёхуд бошқа грамматик воситалар билан берилади: *Эти бумаги ставьте под стекло. — Бу қоғозларни ойна остига қўйинг. Пловец спустился под воду. — Сузувчи сув остига тушиди. Преступник отдан под суд. — Жиноятчи судга берилди. Держите больного под руку. — Касални қўлтиғидан ушланг. Берите ребёнка под свою защиту. — Болани ўз ҳимоянгизга олинг. Он сдал вещи под залог. — У нарсаларини гаровга қўйди. Дети попали под дождь. — Болалар ёмғирда қолишди. Больной заснул под утро. — Касал саҳарга яқин ухлади.*

Через предлоги + тушум келишикдаги от ҳамда феълдан ясалган конструкциялар ўзбек тилида феъл маъносига қараб отнинг чиқиш келишигидаги формаси ёки от + орқали (*оралаб*) типигада аналитик формалар ёхуд бошқа грамматик воситалар ёрдамида берилади: *Мальчик быстро перешёл через дорогу. — Бола тезгина йўлдан ўтиб олди. Мальчик прыгнул через арык. — Бола ариқдан сакраб ўтди. Ваши книги отправлены через почту. — Китобларингиз почта орқали юборилди. Через неделю начинается учёба в школе. — Бир ҳафтадан кейин мактабда ўқиш бошланади. Сын через день ходит на тренировку. — Ўғлим кун оралаб тренировкага қатнайди.*

О (об) предлоги тушум келишикдаги от функцияси ўзбек тилида жўналиш келишикдаги от орқали ифодаланади: *Старик споткнулся о камень. — Чол тошга қоқилиб кетди. Она ударила голову о стену. — У бошини деворга уриб олди каби.*

Про предлоги тушум келишик билан о (об) предлоги предложный келишикдаги от бажарган функциялар ўзаро ўхшашлиги учун ўзбек тилида улар бош келишик + ҳақида, *тўғрисида* кўмакчилари орқали берилади: *Учитель рассказал про поездку (о поездке) Фурката в Индию. — Уқитувчи Фурқатнинг Ҳиндистонга боргани ҳақида гапириб берди. При встрече говорили про друзей (При встрече говорили о друзьях). — Учрашганимизда дўстлар тўғрисида гаплашдик.*

## Урин-пайт келишик (Местный падеж)

Урин-пайт келишик ўзбек тилига хос бўлиб, рус тилида бунга ўхшаш келишик йўқ. Шунинг учун унинг грамматик функциялари рус тилида бошқа келишиклар ёки турли грамматик воситалар билан берилади. Хусусан:

1. *в ёки на* предлоги + отнинг предложный келишикдаги формаси орқали. Бундай конструкциялар иш-ҳаракат ёки предметнинг ўрнини билдириб келади: *Мен институтда ўқийман, опам фабрикада ишлайди, акам эса армияда хизмат қилади.— Я учусь в институте, сестра работает на фабрике, а брат служит в армии. Колхозчилар далада пахта теряпти.— Колхозники на поле собирают хлопок. Китобларингиз столда, костюмингиз шкафта.— Ваши книги на столе, а костюм в шкафу.*

2. Пайт равиши ёки винительный, творительный, предложный келишиклар ҳамда предлоглар ёрдамида: бундай пайтда иш-ҳаракатнинг вақти ифодаланади: *Область пахта топшириш планини бир ойда бажарди.— Область план сдачи хлопка выполнил за месяц. Учрашувда уруш ветеранлари ҳам бор эди.— На встрече присутствовали также ветераны войны. Кузда пахта йиғим-терими бошланади.— Осенью начинается сбор хлопка. Езда мактаб болалари дам олишади.— Летом школьники отдыхают. Бу қизиқ китобни уч кунда ўқиб чиқдим.— Эту интересную книгу я прочитал за три дня. Кечки овқат вақтида Умар ўз планлари ҳақида сўзлаб берди.— За ужином Умар рассказал о своих планах.*

3. Урин-пайт келишикдаги отнинг бошқа грамматик маънолари рус тилида *у, около, возле* предлоглари ҳамда отнинг қаратқич келишигидаги формаси орқали берилади: *Азаматда яхши китоблар кўп.— У Азамата много хороших книг. Қимда бугунги газета бор?— У кого есть сегодняшняя газета? Мактаб ёнида стадион бор.— Около школы есть стадион. Дўстингиз магазин олдида кутяпти.— Ваш друг ждёт вас возле магазина.*

## Чиқиш келишик (Исходный падеж)

Ўзбек тилида чиқиш келишикдаги от -дан аффикси билан шаклланади ҳамда воқеа-ҳодисаларнинг, предмет ва иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, манбани, вақтини, сабабини ифодалайди. Рус тилида бундай келишик йўқ. Шунинг учун ўзбек тилидаги чиқиш келишик ифодалаган грамматик маънолар рус тилида отларнинг турли келишикдаги шакли ҳамда бошқа грамматик воситалар билан берилади. Чунончи:

1. Ўзбек тилида чиқиш келишикдаги от ёки отлашган сўз иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, вақтини билдирганда, рус тилида *из, с, от* предлогларидан бири ҳамда қаратқич кели-

шиқдаги от қатнашади: *Болалар уйдан чиқди.— Дети вышли из дома. Ҳиндистондан туристлар келди.— Из Индии приехали туристы. Экспедиция Помирдан қайтди.— Экспедиция вернулась с Памира. Студентлар практикадан октябрда қайтади.— Студенты вернутся с практики в октябре. Онамдан кеча хат олдим.— Вчера получил письмо от матери. Биринчи сентябрдан ўқиш бошланади.— С первого сентября начнётся учёба.*

2. Ўзбек тилида чиқиш келишиқдаги от предметнинг нимадан ишланганлигини, нимадан иборатлигини, составини билдирганда, рус тилида ўз предлоги ва қаратқич келишиқдаги от қўлланади: *Раҳима йўзига атласдан кўйлак тикди.— Рахима сшила себе платёе из атласа. Бу стол қаттиқ ёғочдан ясалган.— Этот стол сделан из крепкого дерева. Роман беш қисмдан иборат.— Роман состоит из пяти частей. Бригадамиз ўн беш колхозчидан иборат.— Наша бригада состоит из пятнадцати колхозников.*

3. Ўзбек тилида чиқиш келишиқдаги от феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг предметга қисман ўтганлигини ифодалаши ёки шу предметнинг бир қисмини билдириши мумкин. Бундай конструкцияларнинг маъноси рус тилида предлогсиз ёки предлогли қаратқич келишиқдаги от ёрдамида берилади: *Сутдан ичдим.— Я выпил молока. Нондан беринг.— Дайте хлеба. Меҳмонлардан бири колхозчиларни табриқлади.— Один из гостей поздравил колхозников.*

4. Ўзбек тилида ўзаро қиёсланаётган икки предметни (шахсни, воқеа-ҳодисани) ифода этган бош келишиқ+чиқиш келишиқ ёки чиқиш келишиқ+бош келишиқ типдаги конструкциялар ўрнида рус тилида шунга мос сўзнинг қаратқич келишиқдаги шакли ёки бош келишиқдаги отнинг *чем* сўзи билан тузилган конструкцияси қўлланади: *Тошкент Самарқанддан катта (ёки Самарқанддан Тошкент катта)— Ташкент больше чем Самарканд (ёки: Ташкент больше Самарканд) каби.*

5. Ўзбек тилида чиқиш келишиқдаги от (ёки отлашган сўз) иш-ҳаракатнинг ўрнини, объектини ёки восита, сабаб, тақсим сон каби маъноларни билдирганда, рус тилида жўналиш келишиқ ёки тушум келишиқдаги отнинг *по* предлогли конструкцияси қўлланади: *Туристлар катта йўлдан борар эди.— Туристы ехали по большой дороге. Машина тор кўприқдан ўтди.— Машина прошла по узкому мосту. Физикадан катта тадқиқотлар олиб борилмоқда.— Ведутся большие исследования по физике. Касаллигидан (касаллиги учун) ишга чиқолмади.— По болезни не смог выйти на работу. Улар ота томондан қариндош.— Они родственники по отцу. Радиодан хабар қилишди.— Сообщили по радио. Болаларга биттадан китоб беришди.— Детям дали по одной книге. Бригада аъзолари икки юз сўмдан мукофот олишди.— Члены бригады получили премию по двести рублей.*

6. Ўзбек тилида чиқиш келишиқдаги отнинг яна бир қатор маънолари бўлиб, улар рус тилида отнинг творительный ро-

дительный ва предложный келишик формалари билан берилади. *Ҳамма ўқитувчидан хурсанд.— Все довольны учителем* (твор. п.). *Ишчилар инженердан хафа.— Рабочие недовольны инженером* (твор. п.). *Қолхозчиларимиз ишдан кейин клубга боришади.— Наши колхозники после работы ходят в клуб* (род. п. с предложом после). *Институтни битиргандан кейин қишлоқда ишлайман.— По окончании института буду работать в кишлаке* (пред. п. с предложом по).

### Творительный падеж

Ўзбек тилида творительный келишик йўқ. Рус тилида творительный келишик предлогсиз ёки предлоги қўлланиши мумкин. Бу келишикдаги от предлогсиз қўлланганда қуйидаги маъноларни ифода этади:

1. Ҳаракат воситаси ёки меҳнат қуролини. Ўзбек тилида бундай грамматик маъно отнинг бош келишикдаги формаси + билан қўмакчиси орқали ифодаланади: *Павлушка мешал кашу ложкой. (А. П. Чехов.)— Павлушка бўтқани қошиқ билан ковлар эди. Хлеб режьте ножом.— Нонни пичоқ билан кесинг.*

2. Мажхулликни. Ўзбек тилида бундай маънони ифодаловчи конструкция бош келишикдаги от + томонидан қўмакчиси орқали берилади: *Эта картина написана известным художником.— Бу расм машҳур рассом томонидан солинган. Бригадой досрочно выполнен государственный план.— Давлат плани бригада томонидан муддатдан илгари бажарилди.*

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, ўзбек тилида мажхулликни ифодаловчи конструкциялар кам ишлатилади. Уларнинг ўрнида кўпинча аниқ конструкция қўлланади: *Бу расми машҳур рассом солган. Бригада давлат планини муддатдан илгари бажарган каби.*

3. Рус тилида феъллар ва улардан ясалган отлар творительный келишикни талаб қилади. Бундай ҳолларда ўзбек тилида отнинг чиқиш келишик, тушум келишик, жўналиш келишик формалари ёки бош келишик + билан қўмакчиси ёхуд бошқа грамматик воситалар қўлланади: *Туристы любовались мавзолеем Тимура.— Туристлар Темура мақбарасини завқ билан томоша қилишарди. Мы гордимся успехами нашей молодёжи.— Ешларимизнинг ютуқлари билан фахрланамиз. Мать довольна учёбой своих детей.— Она болаларининг ўқишидан хурсанд. Дети интересовались музыкой.— Болалар музыкага қизиқишди. Бригадой руководит Герой Социалистического Труда.— Бригадага Социалистик Меҳнат Қаҳрамони раҳбарлик қилади. Пользуйтесь словарём.— Лугатдан фойдаланинг. Мы должны хорошо владеть русским языком.— Биз рус тилини яхши эгаллашимиз керак. Каждый должен заниматься спортом.— Ҳар бир киши спорт билан шуғулланиши керак.*

4. Рус тилида творительный келишикдаги от *быть, стать, работать, назначать* каби феъллар билан бирикиб, ҳаракатнинг

объектнини, касб, лавозим, меҳнат фаолияти кабиларнинг номини ифодалаб келиши мумкин. Ўзбек тилида бундай маънолар бош келишидаги от+бўлмоқ, қилмоқ феъллари ёки от+эмоқ тўлиқсиз феъл билан ифодаланади: *Чехов был врачом.—Чехов врач эди. Мой брат стал лётчиком.—Акам учувчи бўлди. Мой отец работает председателем колхоза.—Отам колхоз раиси бўлиб ишлайди. Учитель математики назначен директором школы.—Математика ўқитувчиси мактаб директори қилиб тайинланди. Никто не родится героем.—Ҳеч ким қаҳрамон бўлиб туғилмайди. Этот товарищ оказался начальником участка.—Бу ўртоқ участка бошлиғи бўлиб чиқди. Давайте, будем друзьями.—Келинг, дўст бўлайлик.*

5. Отлар творительный келишида ўрин-пайтни ёки ҳаракат-ҳолатни билдириб келиши мумкин. Бундай конструкциялар ифода этган маънолар ўзбек тилида ўрин-пайт келишидаги от билан ёки бош келишик+орқали, билан, бўйлаб кўмакчиларни воситасида ёхуд бошқа грамматик воситалар орқали берилди: *Партизаны шли лесом.—Партизанлар ўрмон орқали (ўрмон билан) боришарди. Пионеры уехали на экскурсию ранним утром.—Пионерлар экскурсияга эрта тонгда жўнаб кетишди. Артист пел громким голосом.—Артист баланд овоз билан ашула айтарди. Мы пойдём берегом озера.—Биз кўл қирғоғи бўйлаб борамиз.*

6. Творительный келишидаги от *перед, над, под, за, с, между* предлоғлари билан келиши ҳам мумкин. У *перед, над, под, между* предлоғлари билан бирикиб келганда творительный келишидаги от, асосан, ўрин-пайтни ёки воситали объектни билдиради. Ўзбек тилида творительный келишининг бу функцияси бош келишик+олдидан, олдидан, томонида, томонидан, остида, яқинида, устида, устидан, орасида, ўртасида кўмакчиларни билан ёки ўрин-пайт, чиқиш келишикларидаги от билан ифодаланади: *Перед законом все равны.—Қонун олдида ҳамма барабар. Перед школой растут высокие деревья.—Мактаб олдида баланд дарахтлар ўсмоқда. Перед закрытием декады был дан большой концерт.—Декада ёпилиши олдидан (ёпилишидан олдин) катта концерт берилди. Над озером кружился коршун.—Кўл устида калхат айланарди. Над деревней пролетел самолёт.—Қишлоқ устидан самолёт учиб ўтди. Все человечество преклоняется перед талантом Л. Н. Толстого.—Бутун инсоният Л. Н. Толстойнинг таланти олдида бош эгади. Мойте руки перед едой.—Овқат олдидан қўлингизни ювинг. Шахтёры работают под землей.—Шахтёрлар ер остида ишлайди. Летом мы жили под Москвой.—Езда биз Москва яқинида яшадик. Трудно работать под дождём.—Ёмғирда ишлаш қийин. Между Чимганскими горами расположен прекрасный дом отдыха.—Чимён тоғлари орасида ажойиб дам олиш уйи жойлашган. Между Москвой и Ташкентом ходит специальный поезд «Узбекистан».—Москва билан Тошкент ўртасида махсус «Ўзбекистон» поёзди қатнайди.*

Творительный келишикдаги от за предлоги билан келганда воситали объект ёки ўрин-пайт маъноси ифодаланеди. Ўзбек тилида бундай маънолар отнинг ўрин-пайт келишигидаги шакли билан, бош келишик+кейин, орқасида, орқасидан, нариги томонида, вақтида, пайтида, учун, атрофида каби кўмакчи сўзлар воситасида, жўналиш, қаратқич келишикларидеги от орқали ҳамда тегишли кўмакчилар воситасида ифодаланеди: *Спокойно сидите за столом.— Стол атрофида жимгина ўтиринг. Женица стояла в очереди за молодым человеком.— Аёл ёш йигитдан кейин навбатда турган эди. За обедом гости познакомились друг с другом.— Тушки овқат пайтида меҳмонлар бир-бирлари билан танишиб олишди. Следите за детьми.— Болаларга қараб туринг. За домом есть хороший сад.— Уй орқасида яхши боғ бор. Ученик ушёл в библиотеку за книгами.— Уқувчи кутубхонага китоб олиб келиш учун кетди. За жаркими днями наступила прохлада.— Иссиқ кунлардан кейин салқин тушди.*

Творительный келишикдаги отнинг с предлоги билан қўлланган шакли иш-ҳаракатнинг биргаликда бажарилишини, бир-бирига боғлиқ бўлишини, сабабини, пайтини билдиради. Ўзбек тилида бу маънолар асосан бош келишикдаги от+кўмакчи билан, баъзан эса отнинг бош, чиқиш ёки тушум келишигидаги формалари, шунингдек бошқа воситалар билан ҳам ифодаланеди: *Отец с сыном работают в колхозе.— Ота ўғли билан колхозда ишлайди. Свяжите эту тему с другой.— Бу темани бошқа бир тема билан боғлаб кўринг. Хозяйка испекла пирог с капустой.— Уй бекаси карам пирог пиширди (ёки уй бекаси карамли пирог пиширди); студент с талантом — талантлив студент. Она отвечала с улыбкой.— У кулиб жавоб берди. Я с трудом нашла ваш адрес.— Мен адресингизни қийинчилик билан топдим. Он не справился с работой.— У ишни эплай олмади. У старика плохо стало с сердцем.— Чолнинг юраги ёмон бўлиб қолди.*

### Предложный падеж

Предложный келишик фақат рус тилига хос бўлиб, у доим о (об, обо), в (во), на, при, по предлоғлари билан бирикиб келади. Ўзбек тилида бундай келишик йўқ.

Отларнинг предложный келишиги:

а) о (об, обо) предлоги билан келганда, бирор шахс ёки предмет ҳақидаги фикр-мулоҳазани билдиради. Ўзбек тилида бу маъно бош келишикдаги от+ҳақида, тўғрисида сўзлари билан ифодаланеди: *Студенты слушали лекцию о творчестве великого русского поэта А. С. Пушкина.— Студентлар улуғ рус шоири А. С. Пушкин ижоди ҳақида лекция эшитдилар. В газете писали об успехах нашего колхоза.— Газетада сизнинг колхозингиз ютуқлари ҳақида (тўғрисида) ёзишибди;*



б) *в*, на предлоглари билан келганда ўринни, вақтни ифодалайди. Бу функциялар ўзбек тилида отнинг ўрин-пайт, чиқиш келишикларидаги формаси билан берилади: *Мои родители работают в колхозе, старший брат служит в армии, младшая сестра учится в школе, а старшая сестра работает на фабрике.— Ота-онам колхозда ишлайди, акам армияда хизмат қилади, синглим мактабда ўқийди, опам эса фабрикада ишлайди. Гости сидят в большой комнате.— Меҳмонлар катта хонада ўтиришибди. В сентябре начинается учёба во всех учебных заведениях.— Сентябрьда барча ўқув юртларида ўқиш бошланади. Эту книгу можно найти в школьной библиотеке.— Бу китобни мактаб кутубхонасидан топиш мумкин. Пальто он купил в магазине.— Пальтони у магазиндан сотиб олди;*

в) *при* предлоги билан келганда вақтни, ҳолатни ифодалайди. Ўзбек тилида бу маънони ифодалаш учун отнинг ўрин-пайт келишигидаги формаси ёки бош келишикдаги от+олдида, вақтида, билан кўмакчилари қўлланади: *Чуден Днепр при тихой погоде. (Н. Гоголь.)— Ҳаво сокин кунларда Днепр ажойибдир. Я это сказал при товарищах.— Мен буни ўртоқларим олдида айтдим. Трудно работать при сильном ветре.— Қаттиқ шамолда (шамол вақтида) ишлаш қийин. При его знаниях он может выполнить любое поручение.— У ўз билими билан ҳар қандай топишириқни бажаришга қодир.*

Отларнинг предложный падежи *при* предлоги билан келганда, баъзан шу сўз билан ифодаланган предметга бошқа бир предметнинг қарашли эканлиги англашилади. Бу маъно ўзбек тилида отларнинг қошида, қарамоғида, ҳузурида каби кўмакчи сўзлар билан бирга қўлланиши орқали ифодаланади: *При заводе есть большая столовая.— Завод қошида катта ошхона бор. При дирекции завода создан совет по изобретательству.— Завод дирекцияси ҳузурида ихтирочилар совети тузилган;*

г) *по* предлоги предложный келишикдаги ҳаракат номи (имя действия) билан бирга келганда бирор воқеадан сўнг содир бўлган ҳаракатни ифодалайди. Ўзбек тилида бундай маъно кўпинча отлашган сифатдошнинг чиқиш келишигидаги формасига кейин кўмакчисини ёки ҳаракат номига билан кўмакчисини бириктириш орқали берилади: *По окончании школы я буду работать.— Мен мактабни битирганимдан кейин ишлайман. По выздоровлении он тут же принялся за дело.— У тuzалиши билан ишга киришиди.*

## 9- §. Отларнинг ясалиши (Образование имён существительных)

Ҳар икки тилда ҳам отлар аффиксация, композиция, аббревиация, субстантивация усуллари ва синтактик-лексик усуллар билан ясалади.

Аффиксация усули билан сўз яшаш ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам энг маҳсулдор ҳисобланади.

Ўзбек тилида шахс отлари, одатда, от, отлашган феъл, сифат туркумидаги сўзларга **-чи** аффиксини қўшиш билан, рус тилида эса **-тель, -ник, -щик, -ак (-як), -ец, -ист** каби суффиксларни қўшиш билан ясалади: *ёзув + чи — писа + тель, колхоз + чи — колхоз + ник, қурув + чи — строи + тель, балиқ + чи — рыба + к, денгиз + чи — мор + як, мичурин + чи — мичурин + ец, учув + чи — лёт + щик, трактор + чи — трактор + ист, табел + чи — табель + щик, аъло + чи — отлич + ник, терим + чи — сбор + щик, ҳаммом + чи — бан + щик* каби.

Шахснинг бирор миллат ёки халққа, туғилган ёки турар жойига бўлган муносабатини ифодаловчи отлар ўзбек тилида, асосан, **-лик** аффикси билан, рус тилида эса **-ец, -анец (-янец), -як, -ик, -ич, -анин (-янин), -чанин** каби суффикслар билан ясалади. Бундай пайтда рус тилидаги сўз негизида баъзи фонетик ўзгаришлар ҳам содир бўлади; ўзбек тилида эса миллат вакили номининг махсус қўшимчасиз ифодаланиш ҳоллари ҳам учрайди: *грузин, арман, озарбайжон* каби.



Эслатма: Келтирилган мисолларда рус тилидаги сўзларнинг мужской родга оид турлари кўрсатилган. Уларнинг женский родга оид шакллари

-ниц-а, -к-а, -анк-а, -янк-а, -енк-а суффикслари билан ясалади: *сибир+янк-а, харьков+чанк-а, япон+к-а, кита+янк-а, англи+чанк-а, францу+женк-а.*

Ўзбек тилида род категорияси йўқ, шунинг учун шахс, касб номлари жинсга муносабат билдириш зарур бўлганда изоҳловчи сўзлар билан бирга қўлланади: *колхозчи аёл, тракторчи қиз, ёрдамчи қиз, америкалик аёл* каби.

Булардан ташқари, ўзбек тилида шахс оти, касб, нарс-қурол, асбоб номлари ясовчи аффикслар ҳам бор, улар ўрнида рус тилида **-ник, тель, -вед, -вод, -раб, -щик** каби суффикслар қўлланади. Қуйидаги жадвалга қаранг:

Ўзбек тилида		Рус тилида	
Ясовчилар	Ясалма	Ясовчилар	Ясалма
-дош	<i>йўлдош</i>	-ник	<i>спутник</i>
-кор	<i>пахтакор</i> <i>бинокор</i> <i>еҷноҳкор</i>	-роб	<i>хлопкороб</i>
-дор	<i>чорвадор</i> <i>ҳукмдор</i>	-тель	<i>строитель</i>
-гар	<i>кимёгар</i>	-ник	<i>виновник</i>
-шунос	<i>тилшунос</i> <i>ҳуқуқшунос</i>	-вод	<i>скотовод</i>
-бо н	<i>боғбон</i>	-тель	<i>правитель</i>
-соз	<i>кемасоз</i> <i>соатсоз</i>	-ик	<i>умик</i>
-хон	<i>китобхон</i>	-вед	<i>языковед</i>
-кич ( -ғич, -кич, -қич)	<i>пуркакич</i> <i>очқич</i> <i>сузғич</i>	-вод	<i>правове д</i> <i>садвод</i>
-ма	<i>бостирма</i> <i>туғма</i> <i>босма</i>	-тель	<i>кораблестроитель</i>
-дон	<i>йўқлама</i> <i>суддон</i> <i>шамдон</i>	-щик	<i>часовщик</i>
		-тель	<i>читатель</i>
		-к-а	<i>опрыскиватель</i>
		на-	<i>открыватель</i>
		-иҷ-а	<i>цедилка</i>
		-ни-е	<i>навес</i>
		пере-, -ка	<i>пуговица</i>
		-ниҷ-а	<i>печатание</i>
		-к-а	<i>перекличка</i>
		-под, -ник	<i>чернильница</i>
			<i>поилка</i>
			<i>подсветник</i>

Рус тилида префикс типидagi ясовчи морфемалар ҳам мавжуд бўлиб, улар сўз ясалишида актив қатнашади: **в-ход, пере-ход, вос-ход, под-ход, с-ход, у-ход, при-ход** каби; ўзбек тилида эса префикслар асосан чет тиллардан ўзлашган сўзларда учрайди, ўзбек тилининг ўзида эса сўз ясада кам қатнашади: *бе-бош, бе-ғам, бе-ғараз, ҳам-касб, ҳам-суҳбат, но-тин-ч, но-ўрин, сер-унум, сер-ҳосил* каби.

Рус тилида биргина негиздан турли префикслар ёрдамида янги-янги сўзлар ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида бундай сўзларнинг маънолари, асосан, лексик йўл билан ифодаланади:



	<b>ход-ить</b>	
в	} ход {	кириш
вы		чиқиш
за		ботиш
при		келиш
про		ўтиш
об		айланиб ўтиш
до		фойда
ис		натижас
пере		ўтиш жойи
у		кетиш

Ўзбек тилида сўз ясовчилар сўзга тўғридан-тўғри қўшилиб, сўз таркибига таъсир этмайди, рус тилида эса ўзак ёки негизга сўз ясовчилар қўшилганда сўзнинг фонетик структурасида баъзан турли ўзгаришлар (товуш тушиши, товуш алмашиниши, янги товуш пайдо бўлиши кабилар) содир бўлади: *химия* — *химик*, *знать* — *зна-ние*, *уродить* — *урожай*, *Москва* — *москвич*, *чернила* — *чернильница*, *ходить* — *хождение*, *читать* — *читатель* — *читальня*, *машина* — *машинист* каби.

Рус тилида аффиксация йўли билан сўз ясалишида префикс ва суффиксларнинг параллель қўлланиш ҳолатлари ҳам тез-тез учраб туради: *по-дорож-ник*, *об-гон-щик*, *от-верт-к-а*, *по-воз-к-а*, *вы-куп-щик*, *с-пут-ник*, *раз-лив-щик*, *рас-пре-дел-итель* каби.

Ўзбек тилида эса сўз ясалишининг бу усули жуда кам учрайди: *ҳам-дард-лик*, *бе-сўра-қ* > *бе-сўро-қ* каби.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам от ясовчи суффиксларнинг баъзилари полнсемантик характерда бўлади: Масалан:



Рус тилида *-изм*, *-аци-я*, *-ур-а* суффикслари билан ясалган отларнинг кўпчилиги ўзбек тилига айнан ўзлаштирилган бўлиб, улар ўзбек тили табиатига кўра ясама сўз ҳисобланмайди: *социализм*, *коммунизм*, *оптимизм*, *авиация*, *ирригация*, *цивилизация*, *профессура*, *агентура* каби.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сўз ясовчи аффикслардан ташқари, турли модал маъноларни ифода этиш учун қўлланадиган форма ясовчи суффикслар ҳам бор. Хусусан, кичрайтиш, эркалаш маънолари ўзбек тилида **-ча, -чоқ, -чак, -лоқ** аффикслари ёрдамида, рус тилида эса **-ик, -ок (ёк, -ек), -чик, -к-а, -очк-и (-ечк-а), -ушк-а (-юшк-а)** суффикслари ёрдамида ифодаланади. Мисоллар: *уйча — домик, боғча — садик, столча — столик, шублача — огонёк, ёнғоқча — орешек, кучукча — собачка, китобча — книжка, тайёқча — палочка, булоқча — родничок, чамадонча — чемоданчик, стулча — стулчик, пиёлача — чашечка, қошиқча — ложечка* каби.

Ўзбек тилида яқинлик, ҳурмат, ялиниш маъноларини ифода этиш учун хизмат қиладиган **-жон, -хон** аффикслари ҳам бор. Улар рус тилида **-ушка, -енька (-онька)** каби суффикслар билан ифодаланади: *онажон — маменька, бобожон — дедушка, холажон — тётушка, Поляжон — Полюшка, Надяхон — Наденька* каби.

Рус тилида камситиш маъно оттенкалари **-ишко, -ишка, -онка (-енка)** суффикслари билан берилади. Ўзбек тилида бу суффикслар ўрнини боса оладиган махсус аффикслар кам, шунинг учун рус тилида шу суффикслар билан ясалган модал формалар ўзбек тилида, асосан, синтактик конструкциялар (сўз бирикмалари) билан ёки семантик усул (махсус сўзлар) билан берилади: *домишко — кулбача, городишка — кўримсиз шаҳарча, хвастунишка — мақтанчоқ, шубёнка — одмигина пўстин.*

Рус тилида предметнинг ўта катталигини ифодаловчи **-ище, -ина** суффикслари ҳам бор. Ўзбек тилида буларга мос келадиган махсус суффикслар йўқ, шунинг учун бундай маънолар предмет номи олдида *катта, каттакон, бесўнақай* сўзларини келтириш билан ифодаланади: *арбузище — каттакон (бахайбат) тарвуз, домина — жуда катта уй, ручище — бесўнақай кўл.*

Ҳар икки тилда икки ва ундан ортиқ сўзлардан қўшма отлар ясаш анча ривож топган. Ўзбек тилида қўшма отлар композиция усули (*қирқоёқ, ойболта, карнайгул*) ва синтактик-лексик усул билан (*отбоқар, кўзойнак, аччиқтош, тоққайчи*) ясалади.

Қўшма отларнинг баъзилари қўшиб (*ойболта, Қорасув, меҳнатсевар*) ва баъзилари ажратиб (*ишлаб чиқариш, қўл ёзма, сўз боши*) ёзилади. Булардан ташқари, чизиқча билан ёзиладиган жуфт отлар ҳам мавжуд: *ака-ука, қавм-қариндош, хотин-қиз, ер-сув, бола-чақа, озиқ-овқат* каби.

Рус тилида қўшма отлар **-о** ёки **-е** уловчи унлилари ёрдамида икки ва ундан ортиқ негиздан ясалади: *пар-о-воз, пул-е-мёт, сам-о-лёт, птиц-е-фабрика, хлеб-о-завод, желез-о-бетон, сам-о-критика, сам-о-лет-о-строение* каби. Аммо рус тилида ҳам икки сўзнинг тўғридан-тўғри қўшилишидан (уловчи **-о** ёки **-е** унлиларисиз) қўшма отлар ясалиши ҳоллари учрайди: *Ленинград, Белгород, киноартист, радиолобитель* каби.

Кейинги вақтларда рус тилининг таъсирида ўзбек тилида сўз ясалишининг янги усули — аббревиация пайдо бўлди. Бу усул билан *БМТ, ТошДУ, райишроком* каби қисқартма отлар ясалган. Аббревиация усули билан рус тилида ҳам жуда кўп қисқартма отлар ҳосил қилинган: *КПСС, СССР, УзССР, РСФСР, ГЭС, ООН, США, ВЛКСМ, колхоз, райком, филфак, диамат, группорг, партбилет драмтеатр, мединститут, госуниверситет, медсестра*. Бундай сўзларнинг кўпчилиги ўзбек тилига тўғридан-тўғри кириб келган.

## 10- §. Сифат (Имя прилагательное)

Сифат ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам предметнинг белгисини билдирувчи сўз туркумидир: *илгор колхоз — передовой колхоз, қизил олма — красное яблоко, чиройли қиз — красивая девушка*.

Ўзбек тилида туб сифатларнинг бошқа сўз туркумларидан ажратиб турадиган морфологик кўрсаткичлари йўқ: *ёмон* (сифат) — *сомон* (от), *қир* (сифат) — *қир* (от). Бу мисолларда *ёмон, қир* сўзларининг сифат туркумига, *сомон, қир* сўзларининг эса от туркумига мансублиги уларнинг маъносига қараб фарқланади. Рус тилида эса сифатларнинг ўзига хос морфологик кўрсаткичлари бор, улар шу кўрсаткичи билан бошқа сўз туркумларидан ажралиб туради: *бел-ый, зелён-ый, син-ий* каби.

Ўзбек тилида сифатлар асосан аниқловчи функциясида келиб, от билан битишув муносабатида бўлади:

чиройли	{	<i>костюм</i>
		<i>кийим</i>
		<i>кўйлак</i>
		<i>гуллар</i>
		<i>қизлар</i>

Рус тилида ҳам сифатлар гапда, асосан, аниқловчи бўлиб келади, ammo ўзбек тилидагидан фарқи шундаки, улар от билан род, сон ва келишикда мослашади:

красив	{	-ый — <i>красивый костюм</i>
		-ая — <i>красивая одежда</i>
		-ое — <i>красивое платье</i>
		-ые — <i>красивые цветы</i>
		-ой — <i>красивой девушке</i>
		-ым — <i>красивым девушкам</i>

Рус тилида сифатларнинг бирликда ва бош келишикда қуйидаги тугалмалари бор: мужской родда: *ый, -ий, -ой* (*белый халат, зимний день, молодой человек*); женский родда: *-ая, -яя*

(белая рубашка, синяя бумага); средний родда: -ое, -ее (белое полотно, синее небо).

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сифатлар белги ифода этишига кўра равишларга ўхшайди, аммо ҳар икки тилда ҳам равишлар ҳаракатнинг белгисини, сифатлар предметнинг белгисини ифода этиши билан ўзаро фарқланади. Айни пайтда, рус тилида сифатларнинг равишдан фарқ қилувчи белги-хусусиятлари ҳам бор: сифат, юқорида айтиб ўтилганидек, отга мослашади, равиш эса ўзини бошқарган феълга битишув йўли билан боғланади: сифат+от: *интересный рассказ, интересная книга, интересное произведение*; равиш+феъл: *интересно говорили, интересно говорила, интересно говорили каби*.

Ўзбек тилида аниқловчи вазифасидаги сифатларнинг отдан олдин туриши шарт. Рус тилида эса сифатлар от билан бирикканда ундан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин: *Солнце, жгучее и ослепительное, заливаает радостным блеском водную холмистую поверхность океана*. Бу гапта *жгучее* ва *ослепительное* аниқловчилари отдан кейин келган, улар отдан олдин келиши ҳам мумкин (*жгучее, ослепительное солнце* каби).

Ҳар икки тилда сифатлар маъно хусусиятларига кўра аслий сифатлар (качественные прилагательные) ва нисбий сифатларга (относительные прилагательные) бўлинади. Рус тилида яна эталик сифатлари — притяжательные прилагательные ҳам бор.

Аслий сифатлар предметнинг белгисини бевосита ифодалаб, бу белгининг даражасини ҳам (кўп ёки оз бўлишини) кўрсатади: *чиройли манзара — красивый пейзаж, чиройлироқ манзара — более красивый пейзаж, жуда чиройли манзара — красивейший пейзаж*.

Ўзбек тилида аслий сифатларнинг кўпчилиги туб сўз шаклида (*оқ, қора, яхши, ёмон*) бўлади, ясама сўз шаклидаги аслий сифатлар (*чиройли, кучли*) жуда кам учрайди. Аслий сифатларда даража категорияси бор: *яхши, чиройли* (оддий даража), *яхшироқ, чиройлироқ* (қиёсий даража), *энг яхши, энг чиройли* (орттирма даража) каби. Нисбий сифатларда эса даража категорияси йўқ: *кузги, баҳорги, оилавий, кумушсимон* кабиларни *кузгироқ, энг кузги, энг баҳорги, оилавиyroқ, жуда кумушсимон* деб қўллаб бўлмайди.

Рус тилида аслий сифатларнинг кўпчилиги махсус суффикслар ёрдамида ясалади. Уларда ҳам қиёсий даража (сравнительная степень) ва орттирма даража (превосходная степень) формалари мавжуд: *красивее, красивейший, самый красивый* каби.

Ўзбек тилида қиёсий даража -роқ аффикси билан, орттирма даража сўз бирикмалари билан ифодаланади. Рус тилида қиёсий даража -ее, -е суффикси билан, орттирма даража -ейш, -айш, -ш суффикслари билан ҳамда наи- олд қўшимчаси билан ясалади. Масалан.

Оддий даража	Қиёсий даража	Орттирма даража
кенг кўча — широкая улица кучли футболчи — сильный футболист кучли команда — сильная команда	бу кўча кенгроқ — это улица шире бу футболчи кучлироқ — этот футболист сильнее бу команда кучлироқ — это команда сильнее	энг кенг кўча — широчайшая улица энг кучли футболчи — сильнейший футболист жуда ҳам кучли команда — наисильнейшая команда

Ўзбек тилида сифатларнинг қиёсий даражаси **-роқ** аффикси воситасида ёки жўналиш келишикдаги отга қараганда, нисбатан кўмакчиларини ёхуд чиқиш келишикдаги отга аслий сифатларни боғлаш, баъзан улар ёнида кўра кўмакчисини келтириш билан ифодаланади: *Тошкент Самарқандга қараганда (кўра, нисбатан) катта. Пўлат темирга нисбатан (кўра, қараганда) қаттиқ. Пўлат темирдан мустаҳкам* каби.

Рус тилида қиёсий даража *чем* сўзи ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин: *Ташкент больше, чем Самарканд. Сталь твёрже, чем железо* каби.

Ўзбек ва рус тилларида сифатларнинг қиёсий даража формалари яна қуйидаги хусусиятлари билан ҳам ўзаро фарқ қилади: Ўзбек тилида сифат чиқиш келишикдаги отга бирикиб, ундан кейин келади, рус тилида эса сифатнинг қиёсий даража шакли отдан олдин келиб, отнинг қаратқич келишикда бўлишини талаб қилади: *қордан оқ — белее снега, Каримдан катта(роқ) — старше Карима. Керализ бетондан энгилроқ. — Керализ легче бетона.*

Рус тилида қиёсий даража *более ёки менее* ёрдамчи сўзлари билан ҳам ифодаланади: *Шариф более приветлив, чем его брат. Яблоко менее сочно, чем груша.*

Рус тилидаги аслий сифатларнинг яна бир фарқли хусусияти шундаки, уларнинг қиёсий даража формалари ясалганда сўз таркибида товушлар алмашилиши ёки тушиб қоллиши каби ҳодисалар ҳам юз беради:

- д — ж: *гладкий — глаже* (силлиқ — силлиқроқ)
  - т — ч: *короткий — короче* (қисқа — қисқароқ)
  - з — ж: *низкий — ниже* (паст — пастроқ)
  - с — ш: *высокий — выше* (баланд — баландроқ)
  - к — ч: *громкий — громче* (қаттиқ — қаттиқроқ)
- крепкий — крепче* (мустаҳкам — мустаҳкамроқ)

Ўзбек тилида сифатларнинг ортторма даражаси соф морфологик (синтетик) форма билан ифодаланмайди, улар, асосан, аналитик ёки синтетик-аналитик (аралаш) форма ёхуд сўз бирикмалари билан ифодаланади: *энг катта, жуда катта, ғоят катта, ҳаммадан катта, барчасидан катта.*



Рус тилида эса сифатларнинг орттирма даражаси қуйидагича ясалади: а) **-ейш (-айш)** суффикси воситасида; б) сифат олдидан ёки баъзи сифатларнинг қиёсий даража шакли олдидан *наиболее, наименее, самый* сўзларини келтириш билан; в) қиёсий даража формаси билан *всех ёки всего* сўзларидан бирини бирга келтириш орқали. Масалан: *высочайшая гора, самая высокая гора (энг баланд тоғ), интереснейший роман, самый интересный роман (энг қизиқ роман), красивейшая местность, самая красивая местность (энг гўзал жой) самый сильный боксёр (ҳаммадан кучли (энг кучли) боксёр), самая необходимая вещь (ҳаммадан керакли буюм), девушка красивее всех (ҳаммадан чиройли қиз), сильнейшая команда (ҳаммадан зўр команда), чистейшая ложь (ўтакетган ёлгон), честнейший работник (жуда ҳалол хизматчи).*

Рус тилида қиёсий даражада бўлганидек, орттирма даража формаларининг ясалишида ҳам товушлар алмашиниши ёки тушиб қолиши ҳодисаси мавжуд: *крепкий — крепчайший, великий — величайший, строгий — строжайший; тихий — тишайший, близкий — ближайший, дорогой — дражайший, короткий — кратчайший.*

Ўзбек тилида сифатнинг интенсив шакли ҳам бор: *оппоқ, қип-қизил, қоп-қора, теп-текис.* Рус тилида бундай грамматик ҳодиса йўқ, ammo сифатга **пре-** аффиксини қўшиш билан ва бошқа грамматик воситалар орқали бундай грамматик ҳодисани бериш имконияти бор: *оппоқ қор — белый-пребелый снег; қип-қизил олма — красное-прекрасное яблоко, ярко красное яблоко; топ-тоза хона — чистая-пречистая комната.*

Ўзбек тилида предмет рангининг кучсизлиги сифатга **-имтир (-мтир), -иш (-ш)** аффиксларини қўшиш билан, рус тилида эса сифатга **-еват (-оват)** суффиксини қўшиш ёки сифат олдидан *чуть-чуть* сўзини келтириш билан ифодаланади: *кўкимтир (кўкиш) осмон — синеватое небо, сарғимтир девор — желтоватая стена, чуть-чуть жёлтая стена каби.*

Ўзбек тилида аслий сифатлар биргина шаклга эга бўлиб, ҳеч ўзгармайди. У отдан олдин келса аниқловчи, эгадан кейин келса кесим вазифасини бажаради: *қизиқ асар — Асар қизиқ; гўзал шаҳар — Шаҳар гўзал.*

Рус тилида аслий сифатлар турли аффикслар воситасида ясалиб, шакли ўзгариб туради.

Рус тилида сифатларнинг икки хил шакли бор: тўлиқ сифатлар (полные прилагательные) ва қисқа сифатлар (краткие прилагательные).

Сифатларнинг тўлиқ шакли род, сон ва келишида ўзгаради; гапда эса, асосан, аниқловчи вазифасини бажариб, отдан олдин келади: Масалан:

**Мужской род:** *интересный роман, интересного романа, интересные романы.*

**Женский род:** *интересная повесть, интересной повести, об интересных повестях.*

**Средний род:** *интересное произведение, интересного произведения, интересными произведениями.*

Қисқа сифатлар келишикларда турланмайди, шунинг учун уларнинг шакли ўзгармайди, бирликда мужской, женский ва средний род кўрсаткичлари ҳамда кўплик формаси бор, гапда кесим вазифасини бажариб, асосан, эгадан кейин келади:

**Мужской род:** *Рассказ интересен.*

**Женский род:** *Сказка интересна.*

**Средний род:** *Предание интересно.*

**Кўпликада** — *Рассказы и сказки интересны.*

Ҳар икки тилда нисбий сифатлар доимий белгини билдириб келса-да, шаклланиш жиҳатдан бир-биридан фарқ қилади.

Ўзбек тилида нисбий сифатлар қуйидаги усуллар билан ифодаланади:

а) изофа йўли билан: *шаҳар кўчалари, колхоз боғи, бригада даласи, давлат мулки*; б) икки отнинг бирикиб келиши билан: *темир каравот, кумуш соат, тош девор, ёғоч кўприк, чарм этик*; в) турли аффикслар билан: *билимли одам, беш йиллик план, илмий иш, кечки овқат, кундузги норма* каби.

Рус тилида нисбий сифатлар фақат суффикслар ёрдами билан от ва бошқа сўз туркумларидан ясалади.

Ўзбек тилида изофа йўли билан ифодаланувчи сифатлар кўп учрайди, бундай сифатлар рус тилида, одатда, **-н, -ок, -ческ, -ов, -ев, -енн** каби суффикслар билан ясалган сифатлар орқали берилади: *ҳаво йўли — воздушный путь, кўча ҳаракати — уличное движение, колхоз боғи — колхозный сад, комсомол билети — комсомольский билет, пионерлар лагери — пионерский лагерь, таржима ишлари — переводческие работы, ўрик мураббоси — абрикосовое варенье, сурп кўйлак — бязевая рубашка, давлат чегараси — государственная граница.*

Ўзбек тилида предметнинг нимадан, қайси материалдан ишланганлигини билдирувчи отлар гапда сифатга ҳос синтактик вазифани бажариб, аниқланмиш билан ҳеч қандай морфологик воситасиз бирикади. Рус тилида эса бундай аниқловчилар **-н, -ени-, -ан-, -ян-, -анн-, -яни-, -ов-** каби суффикслар билан ясалган сифатлар орқали берилади: *темир қозиқ — железный кол, тош уй — каменный дом, сомон тўшак — соломенная подстилка, чарм этик — кожаные сапоги, кумуш қошиқ — серебряная ложка, шиша идиш — стеклянная посуда, пар ёстиқ — пуховая подушка.*

Ўзбек тилида **-ли, -лик, -чи, -ки, -қи, -ий, -вий, -чан, -қир** каби аффикслар билан ясалган сифатлар рус тилида, асосан, **-н-, -лив-, -чив-, -ист-, -ат-, -альн-, -ональн-, -ов-, -енн-** каби суффикслар билан ясалган нисбий сифатларга тўғри келади: *мазали шўрва — вкусный суп, талантли артист — талантливый*

артист, қишлоқ кийим — зимняя одежда, ойлик план — месячный план, ўзгарувчан характер — изменчивый характер, топқир бола — находчивый мальчик, марказий комитет — центральный комитет, илмий асар — научный труд, тарбиявий тадбирлар — воспитательные мероприятия, кузги ишлар — осенние работы, кечки овқат — вечерняя пища (еда), қишки каникул — зимние каникулы, шохли ҳайвон — рогатый скот, соқолли чол — бородатый старик, миллий тиллар — национальные языки, ҳужжатли фильм — документальный фильм, сунъий тола — искусственное волокно.

Ўзбек тилида **но-**, **бе-** олд қўшимчалари ҳамда **-сиз** аффикси ёрдамида антонимик характердаги сифатлар ясаллади. Рус тилида бундай тушунча сифатларга **не-**, **без-** (**бес-**) олд қўшимчаларини қўшиш билан бериллади. Масалан: маълум — номаълум (известный — неизвестный), тўғри — нотўғри (правильный — неправильный), ёқимли — ёқимсиз (приятный — неприятный), кучли — кучсиз (сильный — несильный), маъноли — бемаъни (осмысленный — бессмысленный).

Рус тилида яна **анти-** олд кўмакчиси воситасида ҳам қарши маъно англатилиши мумкин: антирелигиозная пропаганда — динга қарши пропаганда, антивоенное выступление — урушга қарши чиқиш. Рус тилида бундай сифатларнинг баъзилари тугалмасиз (ноль кўрсаткичли ҳолда) ўзбек тилига ўзлашган: антисанитарный — антисанитар, антисоциальный — антисоциал каби.

Турли белгиларни ифодалашда ҳар қайси тил ўзининг бор имкониятидан фойдаланади. Бундай имкониятлар озми-кўпми бир-биридан фарқ қилади. Ўзбек тилида белгини кучайтириб, орттириб кўрсатиш зарур бўлганда сифат олдиндан *ўткир*, *катта*, *қалин* каби сўзлар келтирилади. Бундай бирикмалар рус тилида **-аст**, **-ист** суффикслари ёрдамида ясалган сифатлар орқали бериллади: *ўткир тишли* — зубастый, *катта (шаҳло) кўзли* — глазастый, *ўткир овозли* — горластый, *қалин лабли* — губастый, *кенг пешана(ли)* — лобистый, *қалин сояли* — тенистый.

Сифатлар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам, асосан, аниқловчи функциясини бажаради, аммо отлашганда отга хос синтактик вазифа бажаради: *Шариф* — жуда мақтанчоқ (аниқловчи) *йигит*. — *Шариф* очень хвастливый (определение) *джигит*. *Мақтанчоқ* (эга) — бекорчига *ўйинчоқ*. — *Хвастливый* (подлежащее) — *потеха для бездельника* каби.

Баъзан ўзбек тилида отлашган сифат бажарган синтактик функция рус тилида отлашган сифат билан эмас, отнинг ўзи билан берилиши ҳам мумкин: *Хвастун* — *потеха для бездельника* каби.

Ўзбек тилида *оғзаки*, *эркин*, *эпчил*, *кескин* каби бир қатор сифатлар предметнинг белгисини ҳам, ҳаракат-ҳолатнинг белгисини ҳам билдириши, бинобарин, аниқловчи ва ҳол вазифаларида қўлланиши мумкин. Рус тилида эса бундай сўзлар

аниқловчи бўлганда сифат шаклида, ҳол бўлганда равиш шаклида келади: *оғзаки буйруқ — устный приказ, оғзаки жавоб беринг — отвечайте устно, кескин кураш — решительная борьба, кескин рад этди — решительно отказал, нотўғри ҳаракат — неправильное действие (движение), нотўғри гапирди — неправильно говорил каби.*

Рус тилида қўшма сифатлар ҳам борки, улар икки сўзнинг **-о-** ёки **-е-** уловчи унлилар ёрдамида бирикиши орқали ясалади. Уловчи унлилар биринчи сифат негизига қўшилади. Бундай сифатлар ўзбек тилида от, ҳаракат номи, сифат, сифатдошларнинг бирикиши билан берилади: *хлопковый + очистительный > хлопкоочистительный (завод) — пахта тозалаш (завод), сельский + хозяйственный > сельскохозяйственный (институт) — қишлоқ хўжалик (институти). Темно-красный — тўқ-қизил, бледно-синий — оч-қўқ каби.*

### 11-§. Сон (Имя числительное)

Ҳар икки тилда сонлар предметнинг миқдорини, саногини билдириб, маъно хусусиятлари ва грамматик белгиларига кўра қуйидаги группаларга бўлинади: 1. Санок сонлар (количественные числительные): *бир — один, уч — три, беш — пять, ўн — десять, ўн етти — семнадцать, ўттиз — тридцать, қирқ — сорок.* 2. Тартиб сонлар (порядковые числительные): *биринчи — первый, еттинчи — седьмой, олтишинчи — шестидесятый.* 3. Жамловчи сонлар (собирательные числительные): *икков, иккала — двое, учов, учала — трое, еттов — семеро.* 4. Дона сонлар (штучные числительные): *битта (бир дона) — одна штука, бешта (беш дона) — пять штук.* 5. Чама сонлар (неопределённые числительные): *бештача — около пяти штук (штук пять), ўн бештача — штук пятнадцать, ўнлаб — десятки, юзлаб — сотни.* 6. Тақсим сонлар (разделительные числительные): *учтадан — по три, олтитадан — по шесть, юзтадан — по сто.* 7. Қаср сонлар (дробные числительные): *ўндан уч — три десятых, бешдан тўрт — четыре пятых.*

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам сонлар гапта эга, кесим, тўлдирувчи, аниқловчи каби синтактик функцияларда келади: *Ўн саккиз олтига бўлинади (эга). — Восемнадцать делится на шесть (подлежащее). Бир килограмм гўшт сотиб олинг (аниқловчи) — Купите один килограмм мяса (опред.). Уттиздан ўн учни олинг (тўлдирувчи). — Отнимите от тридцати тринадцать (доп.). Уч карра уч — тўққиз (кесим). — Трижды три — девять (сказ.).*

Аммо отлар билан бирикиб келиш хусусиятлари, қўлланиши, шакли жиҳатидан сонлар ҳар икки тилда бир-биридан жиддий фарқ қилади.

Ўзбек тилида *бир* сони от билан бирикиб келганда шаклини ўзгартирмай предмет миқдорини билдиради. Рус тилидаги *один* сўзи эса предметнинг миқдорини билдириш билан бирга отга грамматик жиҳатдан боғланиб, унинг род, сон ва келишик шаклларига мослашади:

Бир  $\begin{cases} \text{ўқувчи} — \text{один ученик} \\ \text{китоб} — \text{одна книга} \\ \text{дарахт} — \text{одно дерево} \end{cases}$

Бир ўқувчини учратдим.— Встретил одного ученика. Бир дугонамга хат ёздим.— Написала письмо одной подруге.

Рус тилида **один** сўзи кўпликда ҳам қўлланиб, **фақат** юк-ламаси функциясини бажаради: В классе сидят **одни** девушки.— Сınıfда **фақат** қизлар ўтирибди. Председатель беседовал с **одними** членами бригады.— Раис **фақат** бригада аъзолари билан суҳбатлашди.

Бундан ташқари, **одни** сўзи фақат кўпликда қўлланилган отлар билан бирикиб келиши мумкин: Больной спал **одни** сутки.— Касал **бир** сутка ухлади; **одни** буюк — **битта** шим, **одни** очки — **бир** кўзойнак.

Ўзбек тилидаги **бир** сўзнинг қўлланиш доираси рус тилидаги **один** сўзига нисбатан кенг. У қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) предмет миқдорини. Унинг бу маъноси рус тилидаги **один** сўзи маъносига тўғри келади: **бир** уй — **один** дом, **бир** қоп гуруч — **один** мешок риса;

б) ноаниқлик, номаълумлик маъносини. Рус тилида бу маъно **кто-то**, **что-то**, **какой-то**, **незнакомый**, **неизвестный** каби сўзлар орқали ифодаланади: Сизни телефонда **бир** одам сўрапти.— Вас **кто-то** по телефону спрашивает. Онам менга **бир** нима деган эди, унутибман.— Мама мне **что-то** говорила, я забыл;

в) қанча, мунча, талай, қатор каби сўзлар билан бирикиб ноаниқ миқдорни билдиради. Рус тилида бу маънолар **несколько**, **немного**, **некоторое время** каби сўзлар ва бирикмалар билан ифодаланади: **Бир қанча** студент имтиҳонни аъло баҳога топширди.— **Несколько** студентов сдали экзамен на отлично. Касал ўзини бирмунча яхши ҳис қила бошлади.— **Больной** чувствует себя **немного** (несколько) лучше;

г) маънони кучайтиради. Бу маъно рус тилида **очень хорошо**, **так хорошо**, **хорошенько** каби кучайтирувчи сўзлар воситасида ифодаланади: Қизим **тўйда бир ўйнади-ки**, ҳамма ҳайратда қолди.— Моя дочь на свадьбе так **хорошо** танцевала, что всех удивила. Бу масала юзасидан **бир ўйлаб кўринг**.— **Хорошенько** подумайте над этим вопросом.

Рус тилидаги **два** сўзи бош келишида икки шаклда: **бирлик** мужской ва **средний** роддаги отлар билан бирикиб келганда **два** шаклида (**два студента**, **два журнала**, **два письма**, **два здания** каби), **женский** роддаги отлар билан бирикиб келганда эса **две** шаклида (**две ученицы**, **две книги**, **две тетради** каби) қўлланади. Миқдорни билдирувчи **оба**, **полтора** сўзлари ҳам мужской ва **средний** роддаги отлар билан бирикканда **оба**, **полтора** шаклида (**оба ученика** — **иккала ўқувчи**, **оба звена** — **иккала звено**, **полтора часа** — **бир ярим соат**, **полтора ведра** — **бир ярим челақ** каби), **женский** роддаги отлар билан бирик-

канда эса обе, полторы шакллариди (обе колхозницы — иккала колхозчи аёл, полторы чашки — бир ярим коса каби) қўлланади. Қолган сонларнинг (три, четыре, пять, семь, пятнадцать, сорок ва бошқаларнинг) шакли фақат турланганда ўзгаради, аммо бундай ўзгариш уларнинг келишик шаклларидagina содир бўлади, чулки уларда род ва сон шакллари йўқ. Бош келишикда два (две), три, четыре сонларидан кейин бирликдаги отларнинг қаратқич келишигида (родительный падеж) бўлиши шарт. Беш ва ундан ортиқ миқдорни ифодаловчи сонлардан кейин эса отлар кўпликда ва қаратқич келишикда бўлади: два стола, два кресла, две лампы, три стола, четыре кресла, три лампы, пять столов, семь кресел, десять ламп каби. Составли сонлар билан келган отлар ҳам шу қонда асосида бирикади: двадцать два колхозника, тридцать четыре тонны, тысяча пятьсот сорок три килограмма, пятьдесят восемь столов, пятнадцать тысяч семьсот шесть тонн каби.

Рус тилида санок сонларнинг турланиши ҳам жуда мураккаб. Масалан, один сони сифатга ўхшаб, отнинг грамматик белгиларига — бирлик ва кўплик ҳамда келишик шаклларига мослашиб келади:

#### Бирликда

Келишиклар	Мужской род	Средний род	Женский род
<b>И. п.</b>	<i>один работник, один журнал</i>	<i>одно дело</i>	<i>одна школа</i>
<b>Р. п.</b>	<i>одного работника, одного журнала</i>	<i>одного дела</i>	<i>одной школы</i>
<b>Д. п.</b>	<i>одному работнику, одному журналу</i>	<i>одному делу</i>	<i>одной школе</i>
<b>В. п.</b>	<i>одного работника, один журнал</i>	<i>одно дело</i>	<i>одну школу</i>
<b>Т. п.</b>	<i>одним работником, одним журналом</i>	<i>одним делом</i>	<i>одной школой</i>
<b>П. п.</b>	<i>об одном работнике, об одном журнале</i>	<i>об одном деле</i>	<i>об одной школе</i>

#### Два, две, три, четыре сонларнинг турланиши

Келишиклар	Два мужской род	Две женский род	Три	Четыре
<b>И. п.</b>	<i>два студента</i>	<i>две девушки</i>	<i>три рубля</i>	<i>четыре трактора</i>
<b>Р. п.</b>	<i>двух студентов</i>	<i>двух девушек</i>	<i>трёх рублей</i>	<i>четырёх тракторов</i>
<b>Д. п.</b>	<i>двум студентам</i>	<i>двум девушкам</i>	<i>трём рублям</i>	<i>четырёх тракторам</i>
<b>В. п.</b>	<i>двух студентов</i>	<i>двух девушек</i>	<i>три рубля</i>	<i>четыре трактора</i>
<b>Т. п.</b>	<i>двумя студентами</i>	<i>двумя девушками</i>	<i>тремя рублями</i>	<i>четырьмя тракторами</i>
<b>П. п.</b>	<i>о двух студентах</i>	<i>о двух девушках</i>	<i>о трёх рублях</i>	<i>о четырёх тракторах</i>

**Пять, восемь, пятьдесят, двести, триста, пятьсот, сорок, девяносто, сто** каби сонларнинг турланиши

Келишниклар	<i>Пять, восемь, пятнадцать, двадцать</i>	<i>Пятьдесят, восемьсот, пятьсот, семьсот</i>
И. п.	<i>пять, шестнадцать</i>	<i>пятьдесят, восемьсот</i>
Р. п.	<i>пяти, шестнадцати</i>	<i>пятидесяти, восьмисот</i>
Д. п.	<i>пяти, шестнадцати</i>	<i>пятидесяти, восьмистам</i>
В. п.	<i>пять, шестнадцать</i>	<i>пятьдесят, восемьсот</i>
Т. п.	<i>пятью, шестнадцатью</i>	<i>пятьюдесятью, восемьюстами</i>
П. п.	<i>о пяти, о шестнадцати</i>	<i>о пятидесяти, о восьмистам</i>
	<b><i>Двести, триста</i></b>	<b><i>Сорок, девяносто, сто</i></b>
И. п.	<i>двести, триста</i>	<i>сорок, девяносто</i>
Р. п.	<i>двухсот, трёхсот</i>	<i>сорока, девяноста</i>
Д. п.	<i>двумстам, трёхстам</i>	<i>сорока, девяноста</i>
В. п.	<i>двести, триста</i>	<i>сорок, девяносто</i>
Т. п.	<i>двумястами, тремястами</i>	<i>сорока, девяноста</i>
П. п.	<i>о двухстах, о трёхстах</i>	<i>о сорока, о девяноста</i>

Рус тилида составли сонлар таркибидаги ҳар қайси компонент турланади, ўзбек тилида фақат кейинги компонент турланади:

Келишниклар	Ўзбек тилида
Б. к.	<i>икки минг тўққиз юз қирқ бир</i>
Ч. к.	<i>икки минг тўққиз юз қирқ бирдан</i>
Ж. к.	<i>икки минг тўққиз юз қирқ бирга</i>
	Рус тилида
И. п.	<i>две тысячи девятьсот сорок один</i>
Р. п.	<i>от двух тысяч девятистот сорока одного</i>
Т. п.	<i>к двум тысячам девятистам сорока одному</i> каби.

Келтирилган фактлар шуни кўрсатадики, рус тилида санок сонларнинг турланиши жуда мураккаб грамматик ҳодиса бўлиб, ўзбек тилидаги санок сонларнинг турланишига сира ўхшамайди.

**Жамловчи сонлар (собирательные числительные).** Ўзбек тилидаги жамловчи сонлар (*икков, учов, бешов, олтов, еттов, иккала, учала, тўртала* кабилар рус тилидаги *оба, обе, двое, трое, четверо* каби жамловчи сонлардан анча фарқ қилади. Биринчидан, ўзбек тилида рус тилидаги *оба, обе* сўзларига мос лек-

сик эквивалентлар йўқ. Шунинг учун бундай жамловчи сонларнинг маънолари *икков*, *иккала* сўзлари билан берилади: *Оба студента выполнили задание.—Студентларнинг иккови ҳам топшириқни бажарди. Обе бригады работают хорошо.—Иккала бригада ҳам яхши ишляпти.*

Ўзбек тилида *икков*, *учов*, *тўртов*, *бешов*, *олтов*, *еттов* каби жамловчи сонлар от билан бирикиб келмайди (улар *икков бола*, *бешов студент* каби бирикма ҳосил қилмайди, фақат қаратқич келишиқдаги отдан сўнггина қўлланиши мумкин; *болаларнинг иккови* каби). *Иккала*, *учала*, *тўртала*, *бешала* жамловчи сонлари эса отлар билан бирикиб келиши мумкин. Рус тилида *двое*, *трое*, *четверо*, *пятеро* жамловчи сонлари фақат шахсни ифодаловчи мужской роддаги отлар билан бирикиб кела олади, бундай пайтда отнинг кўплиқда, қаратқич келишиқда (родит. п. мн. ч.) бўлиши шарт: *двое колхозников*, *трое друзей*, *четверо детей* каби. Аммо жамловчи сонлар *человек*, *люди*, сўзлари билан, шунингдек, жонсиз предметларни ифодаловчи отлар билан бирикиб келмайди, шунинг учун ҳам рус тилида *двое девушек*, *трое быков*, *четверо коней*, *трое бригад*, *четверо человек*, *двое озера* каби сўз бирикмалари ясалмайди. Улар *две девушки*, *три быка*, *четыре коня*, *пять бригад*, *два озера*, *четыре человека* каби бўлади.

Фақат кўплиқда қўлланадиган *очки*, *сутки*, *сани* каби отларнинг жамловчи сонлар билан бирикиб келиши бундан мустасно: *двое очков*, *четверо суток*, *трое саней* каби.

Ўзбек тилида жамловчи сонлар, одатда, эгалик аффиксларининг I, II ва III шахс кўплигида қўлланади.

Рус тилида эса бундай ҳолларда кишилиқ олмошлари жамловчи сонлардан ясалган равишлар (*вдвоём*, *всемером* каби сўзлар) билан бирикиб келади: *Тўртовингиз яхши ишлядингиз.—Вы вчетвером работали хорошо. Учовимиз эртага дам оламиз.—Мы втроём завтра отдыхаем. Икковлари совхозда туришади.—Они вдвоём живут в совхозе. (Они оба живут в совхозе.)*

**Дона** сонлар (**штучные числительные**). Ўзбек тилида *дона* сонлар (*битта*, *иккита*, *ўнта*, *ўттизта*, *бешта* ва *ҳоказо*) кенг қўлланади. Улар ҳатто шахс отлари билан бирикиб ҳам кела олади. Рус тилида *доналик* маъносини *штука* сўзи ифодалайди, аммо бу сўз тилда кам қўлланади ва, одатда, сон билан бирикиб келмайди: *иккита қовун — две (штуки) дыни*, *бешта олма — пять (штук) яблук*, *йигирмата колхозчи — двадцать колхозников*, *олти юз саксон еттита студент — шестьсот восемьдесят семь студентов*, *бир минг олти юз саксон тўққизта бригада — тысяча шестьсот восемьдесят девять бригад* каби.

**Тақсим** сонлар (**разделительные числительные**). Ўзбек тилида тақсим сонлар *дона* сонларнинг чиқиш келишигидаги формаси билан ифодаланади: *бештадан*, *ўнтадан*, *юзтадан*. Рус тилида тақсим сонлар сон олдидан *по* олд кўмакчисини келтириш билан ясалади: *по пять*, *по шесть* каби. *Два*, *три*, *четыре*,



сорок, девяносто, сто двести, триста, четирист саноқ сонлари по олд кўмакчиси билан бирикиб келганда, уларнинг шакли ўзгармайди, қолган саноқ сонлар эса жўналиш келишида (дателный падежда) по олд кўмакчиси билан бирикиб келади: *иккитадан — по два, тўрттадан — по четыре, қирқтадан — по сорок, юзтадан — по сто, уч юзтадан — по триста; аммо бештадан — по пяти, йигирма тўққизтадан — по двадцати девяти, олти юз эллик еттитадан — по шестисот пятидесяти семи каби.*

**Чама сонлар (неопределённые числительные).** Ўзбек тилидаги *бештача, ўн саккизтача, йигирматача, ўнлаб, минглаб, юзларча* каби чама сонларнинг маънолари рус тилида *около* олд кўмакчисининг саноқ сон билан бирикиб келиши ёки саноқ соннинг аниқловчи от билан ўрин алмашилиши орқали, ёхуд *десятки, сотни* шаклидаги сўзлар билан берилади: *Эликтача одам бор эди.— Было около пятидесяти человек. Ҳашарга юзлаб колхозчилар келди.— На хашар пришло сотни колхозников. Беш килограммча келар.— Будет килограммов пять.*

Ўзбек тилида саноқ сонга **-лар** аффиксидан сўнг ўрин-пайт ёки жўналиш келиши қўшимчасини қўшиш билан ҳам чама маъноси ифодаланади: *Соат тўртларга келинг.— Приходите к четырёх часам. Мажлис соат ўн бирларда бўлади.— Собрание состоится часов в одиннадцать.*

**Тартиб сон (порядковое числительное).** Ўзбек тилида тартиб сонлар саноқ сонларга **-инчи (-нчи)** аффиксларини қўшиш билан ясалади. Рус тилида тартиб сонларнинг ясалиши анча мураккаб. Биринчидан, *один* ва *два (две)* сонларининг тартиб шакли бошқа ўзаклардан ясалади: *один — первый, два (две) — второй* каби. Булардан ташқари, тартиб соннинг қуйидаги турлари ҳам бор: *три — третий, четыре — четвёртый, сорок — сороковой, сто — сотый, двести — двухсотый, триста — трёхсотый, четирист — четырёхсотый, пятьсот — пятисотый* каби. Қолган барча тартиб сонлар саноқ сонларнинг негизига **-ий, -ой** тугалмаларини қўшиш билан ясалади: *пять — пятый, десять — десятый, пятьдесят — пятидесятый, шесть — шестой, семь — седьмой, восемь — восьмой.*

Рус тилида тартиб сонлар сифат каби ўз шаклини *отга* мослаштиради: *первый курс, первая бригада, первое звено, седьмой день, седьмая ночь, седьмое утро; пятидесятый год, пятидесятая неделя, пятидесятое предупреждение.*

Составли сонлардан тартиб сонлар ясалганда ҳар иккала тилда ясовчи аффикслар энг сўнги компонентга қўшилиб келади: *бир минг тўққиз юз саксон бешинчи — тысяча девятьсот восемьдесят пятый каби.*

Ўзбек тилида составли сонларнинг компонентлари ўзаро бирор воситасиз бирикади ва ажратиб ёзилади: *ўн бир, ўн саккиз, йигирма бир, қирқ беш, уч юз олтинчи тўққиз каби.*

Рус тилида эса қўшма сонлар (сложные числительные) *ик-*

ки содда сон негизининг қўшилишидан ҳосил бўлади, бунда негизда баъзи ўзгаришлар ҳам рўй беради: *один+десять* > *одиннадцать* (*ўн бир*), *два (две)+десять* > *двенадцать* (*ўн икки*), *два (две)+сто* > *двести* (*икки юз*), *пять+сто* > *пятьсот* (*беш юз*) каби.

Составли сонлар тузилиши эса рус ва ўзбек тилларида ўз-ара ўхшаш: *двадцать пять* — *йигирма беш*, *сто шестьдесят восемь* — *бир юз олтиш саккиз*, *тысяча семьсот восемьдесят три* — *бир минг етти юз саксон уч* каби. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, ўзбек тилида *юз*, *минг*, *миллион*, *миллиард* сўзлари олдида *бир* сўзи ишлатилади. Рус тилида эса *один* сўзи жуда кам қўлланади: *бир юз тўқсон икки* — *сто девяноста два*, *бир минг йигирма тўрт* — *тысяча двадцать четыре* каби.

## 12-§. Олмош (Местоимение)

Олмош ҳар икки тилда ҳам мустақил сўз туркуми бўлиб, от, сифат, сон ўрнида ишлатилади. Олмошларнинг маъноси умумлашган бўлиб, улар предмет, белги ва миқдорни кўрсатиш учун хизмат қилади. Олмошнинг конкрет маъноси нутқда, контекстда аниқланади:

### Ўзбек тилида

1. *Карим — студент, у институтга бу йил кирган.*
2. *Ленин номи колхознинг серҳосил ерлари кўп, бундай ерлар район колхозларида тобора кўпаймоқда.*
3. *Адабиёт кабинетида бир ярим мингта китоб бор, тил кабинетида ҳам шунча китоб мавжуд.*

### Рус тилида

1. *Карим студент, он поступил в институт в этом году.*
2. *В колхозе имени Ленина много плодородных земель, такие земли в колхозах района всё возрастают.*
3. *В кабинете литературы есть полторы тысячи книг, столько же имеется и в кабинете языка.*

Олмошлар маъно хусусиятларига кўра ўзбек тили грамматикасида саккиз турга, рус тили грамматикасида эса тўққиз турга бўлинади:

### Ўзбек тилида

1. Кишилик олмошлари
2. Ҳзлик олмоши
3. Кўрсатиш олмошлари
4. Сўроқ олмошлари
5. Нисбий олмошлар
6. Белгилаш олмошлари

### Рус тилида

1. Личные местоимения
2. Возвратное местоимение
3. Указательные местоимения
4. Вопросительные местоимения
5. Относительные местоимения
6. Определительные местоимения

7. Бўлишсизлик олмошлари  
8. Гумон олмошлари

7. Отрицательные местоимения  
8. Неопределённые местоимения  
9. Притяжательные местоимения

Ўзбек ва рус тилларидаги олмошлар шакли, турланиши ва бошқа сўзлар билан бирикиб келиши жиҳатдан бир-бирдан жиддий фарқ қилса-да, бажарадиган вазифалари жиҳатидан ўзаро ўхшаш.

Кишилик олмошлари (личные местоимения)— *мен, сен, у, биз, сиз, у(лар); я, ты, он (она, оно), мы, вы, они*. Рус тилида кишилик олмошлари турланганда, уларнинг бошланғич шакли бутунлай ўзгариб кетади. Ўзбек тилида эса кишилик олмошлари турланганда ҳам ўз шаклини, асосан, сақлаб қолади. Қиёс қилинг:

### I шахс

Бирлик		Кўплик	Бирлик		Кўплик
Б.к.	<i>мен</i>	<i>биз</i>	И.п.	<i>я</i>	<i>мы</i>
Қ.к.	<i>менинг</i>	<i>бизнинг</i>	Р.п.	<i>меня</i>	<i>нас</i>
Ж.к.	<i>менга</i>	<i>бизга</i>	Д.п.	<i>мне</i>	<i>нам</i>
Т.к.	<i>мени</i>	<i>бизни</i>	В.п.	<i>меня</i>	<i>нас</i>
Ў.п.к.	<i>менда</i>	<i>бизда</i>	Т.п.	<i>мной</i>	<i>нами</i>
Ч.к.	<i>мендан</i>	<i>биздан</i>	П.п.	<i>обо мне</i>	<i>о нас</i>

### II шахс

Б.к.	<i>сен</i>	<i>сиз</i>	И.п.	<i>ты</i>	<i>вы</i>
Қ.к.	<i>сенинг</i>	<i>сизнинг</i>	Р.п.	<i>тебя</i>	<i>вас</i>
Ж.к.	<i>сенга</i>	<i>сизга</i>	Д.п.	<i>тебе</i>	<i>вам</i>
Т.к.	<i>сени</i>	<i>сизни</i>	В.п.	<i>тебя</i>	<i>вас</i>
Ў.п.к.	<i>сенда</i>	<i>сизда</i>	Т.п.	<i>тобой</i>	<i>вами</i>
Ч.к.	<i>сендан</i>	<i>сиздан</i>	П.п.	<i>(о) тебе</i>	<i>(о) вас</i>

### III шахс

Б.к.	<i>у</i>	<i>улар</i>	И.п.	<i>он, она, оно</i>	<i>они</i>
Қ.к.	<i>унинг</i>	<i>уларнинг</i>	Р.п.	<i>его, её</i>	<i>их</i>
Ж.к.	<i>унга</i>	<i>уларга</i>	Д.п.	<i>ему, ей</i>	<i>им</i>
Т.к.	<i>уни</i>	<i>уларни</i>	В.п.	<i>его, её</i>	<i>их</i>
Ў.п.к.	<i>унда</i>	<i>уларда</i>	Т.п.	<i>им, ей (ею)</i>	<i>ими</i>
Ч.к.	<i>ундан</i>	<i>улардан</i>	П.п.	<i>(о)нем, (о)ней</i>	<i>(о) них</i>

Ўзбек тилида кишилик олмошларининг I ва II шахс бирлик шакли қаратқич ва тушум келишикларида турланганда сўз таркибидаги икки н дан бири тушиб қолади, III шахс кишилик олмошининг бирликдаги шаклида эса бош келишикдан бошқа барча келишикларда н товуши орттирилади (юқоридаги жадвалга қаранг). Рус тилида кишилик олмошлари турланганда уларнинг шакли ўзгаради, аини пайтда III шахс бир-

лик ва кўпликда олд кўмакчилар (предлоглар) билан бирикиб келганда сўз таркибида қўшимча битта и пайдо бўлади: *для него, для неё, к нему, к ней, перед ним, перед ней, над нами, от них, к ним* каби.

Ўзбек тилида *сен* олмоши стилистик мақсадда -лар аффикси билан қўлланиши ҳам мумкин. Бундай пайтда, асосан, менсимаслик, истеҳзо маънолари англашилади. Рус тилидаги *ты* эса бундай хусусиятга эга эмас.

Рус тилида III шахс олмоши бирликда родга қараб уч шаклга эга бўлади: *он* (мужской род), *она* (женский род), *оно* (средний род). Бу олмошларнинг роди отга қараб белгиланади: *Наступила весна. Она принесла много радости. Вчера был вечер молодёжи. Он прошёл очень интересно. Звено досрочно выполнило задание. За это оно получило премию* каби.

Рус тилида кишилик олмошларининг предлогсиз қаратқич келишик шакли, асосан, шахсиз гапда қўлланади: *Вчера вас не было на собрании.— Кеча мажлисда сиз йўқ эдингиз. Завтра его не будет на работе.— У эртага ишда бўлмайди.*

**Ўзлик олмоши (возвратное местоимение)**— *ўз* (ўзбек тилида), *себя* (рус тилида). Ўзбек тилидаги *ўз* отлар билан бирикиб келганда (баъзан қаратқич келишикда) рус тилидаги *свой* олмошига мос келади: *ўз (ўзимнинг) уйим — свой дом, ўз қизим — своя дочь, ўз звеноси — свое звено.*

Ўзбек тилида эгалик аффикси билан қўлланган ўзлик олмоши рус тилида *сам* белгилаш олмошига (определятельное местоимение) тўғри келади. Рус тилидаги *сам* род, сон ва келишикларда ўзгаради: *Мен ўзим ишлайман.— Я сам буду работать. У қиз ёш бўлса-да, ҳамма топшириқни ўзи бажаради.— Эта девушка хотя ещё молодая, но все поручения выполняет сама. Сен ўзинг колхозга борасан.— Ты сам поедешь в колхоз. Китоб ўзингизга керакми?— Книга вам самому нужна?*

Рус тилида *ўзлик (себя)* олмошининг бош келишик шакли йўқ, у *ўзи* билан бирикиб келган отнинг родига мослашмайди, келишикларда ўзгарса ҳам, бирлик ва кўплик шакли бир хил бўлади. Ўзбек тилида бунинг маъноси *ўз* олмошига эгалик ва келишик қўшимчаларини қўшиш билан ёки кўмакчилар билан келган *ўз* олмошига эгалик қўшимчасини қўшиш билан ифодаланади: *Я для себя купил новый костюм.— Мен ўзим учун (ўзимга) янги костюм сотиб олдим. Он ничего не говорил о себе.— У ўзи ҳақида ҳеч нарса демади. Сын мой, береги себя.— Уғлим, ўзингни эҳтиёт қил.*

Баъзан рус тилида *ўзлик* олмоши эгалик тушунчасини ҳам ифодалаш мумкин: *Нана пригласила гостей к себе.— Нина меҳмонларни ўз уйига таклиф қилди.*

**Кўрсатиш олмошлари (указательные местоимения)**— *у, бу, шу, ўша, мана бу, мана шу, ушбу, бундай, шундай, шунақа, шунча* (ўзбек тилида); *это, тот, тот, такой* (рус тилида).

Бундай олмошларнинг маънолари ўзбек ва рус тилларида бир-бирига мос келса ҳам, келишик шакллари, бошқа сўзлар-

га бирикиши ўзаро фарқ қилади: ўзбек тилида *у, бу, шу, ўша, ушбу, бундай, шундай, шунақа, шунча, шу қадар* кўрсатиш олмошлари от билан бирикиб келганда ўз шаклини ўзгартирмайди. Рус тилидаги *этот, тот, такой* кўрсатиш олмошлари эса ўзлари билан бириккан отнинг род, сон ва келишикларига мослашиб, шаклини ўзгартиради. Қийёсланг:

	Ўзбек тилида	Рус тилида
Бу	колхоз	этот колхоз
	бригада	эта бригада
	звено	это звено
	ўқувчилар	эти ученики

Масалан: *Биз бу (шу) уйда турамыз.— Мы живём в этом доме. Ана у бинода студентлар яшайди.— В том здании живут студенты. У китобни менга беринг.— Дайте мне ту книгу. Шундай китобларнинг харидори кўп.— Покупателей таких книг много.*

Рус тилида фақат *столько (шунча)* олмоши отнинг родига мослашмайди, яъни шаклини ўзгартирмайди, фақат кўплик шаклидагина келишикда турланади:

*Мне нужно столько книг.— Менга шунча китоб керак. Бригада работала столькими людьми.— Бригада шунча одам билан ишлади. Стольким членам звена объявлена благодарность.— Шунча звено аъзоларига ташаккур билдирилди.*

**Сўроқ олмошлари (вопросительные местоимения)**— *ким, нима, қайси, қанақа, неча, нечанчи, нечта, қаер* (ўзбек тилида); *кто, что, где, чей, какой, который* (рус тилида).

Сўроқ олмошлари маъно жиҳатидан ўзбек ва рус тилларида бир-бирига мос келса ҳам, шакли ва нутқда қўлланишига кўра ўзаро фарқ қилади.

Ўзбек тилида *ким, нима, қаер, қачон, неча, қайси, қандай, қанақа, неча* сўроқ олмошларидан баъзилари кўпликда ҳам қўлланади: *ким — кимлар, нима — нималар, қаер — қаерлар* каби. Масалан: *Сизникига ким келди?— Кто пришёл к Вам? Сизникига кимлар келди?— Кто пришёл к Вам? Магазинда нима бор?— В магазине что есть? Магазинда нималар бор?— В магазине что есть?*

Рус тилида *кто, что* сўроқ олмошлари фақат бирлик шаклида қўлланилади. Ўтган замон феъли *кто* олмоши билан бирикиб келганда бу олмош фақат мужской родда ишлатилади (жавобдаги эганинг род, сон шаклидан қатъи назар):

Кто пришёл?	Ученик пришёл.
	Ученица пришла.
	Ученики пришли.

Феълнинг ўтган замони *что* олмоши билан бирикиб келганда фақат *средний* родда қўлланилади (жавобда эганинг род, сон шаклидан қатъи назар):

Что упало? — Карандаш упал.  
 — Ручка упала.  
 — Перо упало.  
 — Карандаши упали.

Рус тилида *кто, что* олмошлари турланганда ўз шаклини ўзгартиради:

<b>И. п.</b> <i>кто?, что?</i>	<b>Б. к.</b> <i>ким?, нима?</i>
<b>Р. п.</b> <i>кого?, чего?</i>	<b>Қ. к.</b> <i>кимнинг, ниманинг?</i>
<b>Д. п.</b> <i>кому?, чему?</i>	<b>Ж. к.</b> <i>кимга?, нимага?</i>
<b>В. п.</b> <i>кого?, что?</i>	<b>Т. к.</b> <i>кимни?, нимани?</i>
<b>Т. п.</b> <i>кем?, чем?</i>	<b>У. п. к.</b> <i>кимда?, нимада?</i>
<b>П. п.</b> <i>(о) ком?, (о) чем?</i>	<b>Ч. к.</b> <i>кимдан?, нимадан?</i>

Ўзбек тилидаги ўрин-пайтни ифодаловчи *қаерда, қаерга, қаердан* сўроқ олмошлари рус тилида *где, куда, откуда* сўзлари билан ифодаланади:

*Китобларим қаерда?— Где мои книги?*

*Езда қаерга борасиз?— Летом куда поедете?*

*Меҳмонлар қаердан келишди?— Гости откуда приехали?*

Рус тилида *какой, который* сўроқ олмошлари отнинг род, сон ва келишик шаклларига мослашади: ўзбек тилида эса улар ўзаро мослашмайди:

#### Рус тилида

*Какой журнал?*  
*Какая книга?*  
*Какое произведение?*  
*Какие газеты?*  
*Какую книгу?*  
*Какой книгой?*

#### Ўзбек тилида

*Қандай журнал?*  
*Қандай китоб?*  
*Қандай асар?*  
*Қандай газеталар?*  
*Қайси китобни?*  
*Қайси китоб билан?*

*Чей* сўроқ олмоши ҳам отга род, сон ва келишикда мослашади. Ўзбек тилида бу кишилик олмошининг қаратқич келишик шакли (*кимнинг*) билан ёки кишилик олмошига *-ники* аффиксини қўшиш орқали ифодаланади:

*Чей костюм?— Кимнинг костюми? Костюм кимники?*

*Чья рубашка?— Кимнинг кўйлаги? Кўйлак кимники?*

*Чьё дело?— Кимнинг иши? Иш кимники?*

*С чьей помощью вы выполнили это задание?— Кимнинг ёрдами билан бу топшириқни бажардингиз?*

Рус тилида *сколько* сўроқ олмоши от билан род ва сонда мослашмайди, фақат кўпликда турланади, бундай пайтда бош келишикдаги от қаратқич келишик (родительний падеж)нинг кўплик шаклида бўлади:

**И. п.** *Сколько студентов?— Қанча студент?*

**Р. п.** *Скольких студентов?— Қанча студентнинг?*

Д. п. *Скольким студентам?*— Қанча студентга?

В. п. *Скольких студентов?*— Қанча студентни?

Т. п. *Сколькими студентами?*— Қанча студент билан?

П. п. (о) *скольких студентах?*— Қанча студент ҳақида?

Рус тилида *кто, что, который, чей* сўроқ олмошлари баъзан сўроқ маъносини йўқотиб нисбий олмошга (относительные местоименияга) айланади. Ўзбек тилида ҳам, рус тилида бўлганидек, сўроқ олмошлари нисбий олмошларга кўчиши мумкин: *Кто не работает, тот не ест.*— *Ким ишламаса, у тишламайди. (Ишламаган — тишламас.) Что посеешь, то пожнёшь.*— *Нима эксанг, шуни ўрасан. (Экканингни ўрасан.) Кому поручено, тот и отвечает.*— *Кимга топширилган бўлса, шу жавоб берсин.*

Рус тилида *кто, что, который, какой, чей* нисбий олмошлари қўшма гап компонентларини боғлайди — бош гапга эргаш гапни бириктиради: *На выставку поедут те, кто выполнил план. Вы знаете, что случилось в этом доме. Пионеры встретились с героями, которые построили БАМ.*

Ўзбек тилида ҳам нисбий олмошлар қўшма гап компонентларини боғловчи нисбий сўзлар бўлиб кела олади: *Ким меҳнат қилса, у обрўй топади. Қаерда интизом бўлса, ўша ерда меҳнат унуми ҳам яхши бўлади.*

Белгилаш олмошлари (определятельные местоимения)— *ҳар бир, ҳар қандай, ҳар қайси, ҳамма, барча, бутун, жами, бари, баъзи, баъзи бир* (ўзбек тилида); *каждый, всякий, весь, сам* (рус тилида).

Ўзбек тилидаги белгилаш олмошлари отга боғланганда ўз шаклини ўзгартирмайди. Рус тилидаги белгилаш олмошлари эса отга тобе бўлиб ўз шаклини отнинг род, сон ва келишик шаклига мослаштиради: Масалан:

ҳар бир } ҳар қайси }	}	колхоз — <i>каждый колхоз</i>
		бригада — <i>каждая бригада</i>
		звено — <i>каждое звено</i>

*Вся школа, весь коллектив, все предприятие, все коллективы (школы, предприятия). Ҳар бир бригадага кўчма қизил байроқ топширилди.—Каждой бригаде вручено переходящее Красное знамя. Барча коллективларда қуролланиш пойгасига қарши митинглар бўлиб ўтди.—Во всех коллективах прошли митинги против гонки вооружения.*

Ўзбек тилида *ҳамма, барча* олмошларига эгаллик қўшимчаларини қўшиш билан ифодаланган маънолар рус тилида кўпликдаги кишилик олмошларининг кўпликдаги *весь* олмоши билан бирикиши орқали берилади: *ҳаммамиз — мы все, ҳаммангиз — вы все; ҳаммалари — они все; Ҳаммамиз келдик.— Мы все приехали. Ҳаммангизга салом.— Всем Вам привет. Ҳаммалари яхши ишламоқда.— Все они работают хорошо.*

Рус тилида *каждый* олмоши фақат кўпликда қўлланадиган отлар билан бирикиб келганда ёки сон+от типидagi бирикма-

лар билан боғланганда кўплик шаклида ишлатилади: *каждые сутки, каждые часы, каждые проводы, каждые три дня, каждые две бригады. Всякий олмоши ҳар хил, хилма-хил каби маъноларни билдириб келиши мумкин: Наш друг рассказал всякие интересные случаи.— Дўстимиз ҳар хил қизиқ воқеалар ҳақида сўзлаб берди. В магазине есть всякие игрушки.— Магазанда хилма-хил ўйинчоқлар бор.*

*Всякий олмоши баъзан «ҳеч қандай» деган маънони ҳам ифодалайди: Комсомольцы колхоза построили стадион без всякой помощи.— Колхоз комсомоллари стадионни ҳеч қандай ёрдамсиз қурдилар.*

*Сам, самый олмошлари отнинг род, сон ва келишик формаларига ўз шаклини мослаштиради. У ўзбек тилида эгаллик аффиксини олган ўз олмоши билан берилади: Сам учитель рассказал интересную историю.— Уқитувчининг ўзи қизиқ воқеани айтиб берди. К нам пришла сама учительница.— Бизникига муаллиманинг ўзи келди. Мама обратилась к самому учителю.— Онам ўқитувчининг ўзига мурожаат қилди.*

*Сам олмоши I, II ва III шахсларда кишилик олмошлари (личные местоимения) билан бирикиб, уларнинг родига мослашади: эркак киши: я сам — мен ўзим; ты сам — сен ўзинг; он сам — у ўзи; аёл киши: я сама — мен ўзим; ты сама — сен ўзинг; она сама — у ўзи. Кўпликда бир хил шаклда бўлади: мы сами — биз ўзимиз; вы сами — сиз ўзингиз; они сами — улар ўзлари.*

*Рус тилидаги самый олмоши кучайтириш маъносига эга. Шунинг учун у ўзбек тилида жуда, энг, ғоят каби сўзлар орқали берилади: самый красивый вид — жуда гўзал манзара; самая красивая река — энг гўзал дарё; самое красивое место — энг гўзал жой; Здесь много самых красивых цветов.— Бу ерда жуда чиройли гуллар кўп.*

*Бўлишсизлик олмошлари (отрицательные местоимения)— ҳеч ким, ҳеч нима, ҳеч қайси, ҳеч қачон, ҳеч қандай, ҳеч қанча, ҳеч бир (ўзбек тилида); никто, ничто, никакой, ничей, некого, нечего (рус тилида).*

*Ўзбек тилида бўлишсизлик олмошлари сўроқ олмошларига ҳеч инкор сўзини бириктириш билан, рус тилида эса сўроқ олмошларига ни- ва не- инкор юкламаларини қўшиш билан ҳосил қилинади: ҳеч ким — никто, ҳеч нима — ничто, ҳеч кимники — ничей, ҳеч қандай — никакой каби. Рус тилида никто, ничто, ничей олмошлари кто, что, чей олмошлари каби турланади: Никто не приходил.— Ҳеч ким келмади. Я никого не видел.— Мен ҳеч кимни кўрмадим. Мама ничего не сказала.— Онам ҳеч нима дегани йўқ. Эти вещи ничьи.— Бу нарсалар ҳеч кимники эмас.*

*Рус тилида бўлишсизлик олмошлари нет сўзи ёки феълнинг инкор шакли (отрицательные формы глагола) билан бирикиб келганда қаратқич келишик формасида қўлланади: Идорада ҳеч ким йўқ эди.— В конторе никого не было. Синф-*



да ҳеч ким йўқ.— В классе никого нет. Уйда ҳеч нима йўқ.— В доме ничего нет.

Бўлишсизлик олмошлари предлоглар (олд кўмакчилар) билан қўлланганда, олмош таркибидаги ни- юкламаси айрим ёзилади: Карим ни с кем не встречался.— Карим ҳеч ким билан учрашмади. Он ни от чего не отказался.— У ҳеч нимадан воз кечмади.

Никакой олмоши эса отга боғланиб, унинг род, сон ва келишик формаларига мослашади: никакой дом — ҳеч қандай уй; никакая комната — ҳеч қандай хона; никакое здание — ҳеч қандай бино; никакие просьбы — ҳеч қандай илтимослар.

Масалан: Не задавайте ему никаких вопросов.— Унга ҳеч қандай савол берманг. Он не интересуется никакими книгами.— У ҳеч қандай китоб билан қизиқмайди.

Ўзбек тилида сўроқ олмошларидан ташқари, яна нарса, вақт, маҳал, бир каби сўзларга ҳеч сўзини бириктириш билан ҳам бўлишсизлик олмошлари ясалади: ҳеч нарса, ҳеч вақт, ҳеч маҳал, ҳеч бир каби. Рус тилида бундай олмошларнинг маъноси бўлишсизлик олмошлари, бўлишсизлик равишлари ва бошқа сўзлар ҳамда грамматик воситалар орқали ҳам берилди: Унинг ҳеч нарсаси йўқ.— У него ничего нет. Дўстим ҳеч вақт ишга кечикмаган.— Мой друг никогда не опаздывал на работу. Ҳеч қаерга бормайман.— Никуда не поеду. Ҳеч қаердан ҳеч қандай хабар олмадик.— Ни откуда никаких вестей мы не получили. Бу нарса ҳеч қаерда йўқ.— Этой вещи нигде нет. У бу одамни ҳеч қачон кўрмаган.— Он этого человека никогда не видел.

Ҳеч бир сўзи от ёки сўроқ олмошлари билан бирикиб келганда кўпроқ кучайтириш маъносини билдиради. Бу маъно рус тилида, одатда, сўроқ олмошларидан ясалган бўлишсизлик олмошлари билан берилди: Кўчада ҳеч бир кишини учратмадим.— На улице я никого и не встретил.

Эғалик қўшимчасини олган бир ёки қайси сўзларининг ҳеч сўзи билан бирикиб келганда ифодалаган маъноси рус тилида бўлишсизлик олмошлари ва қўшимча изоҳ орқали берилди: Ҳеч қайсимиз гапирмадик.— Никто из нас не говорил. Ҳеч қайсингиз ҳеч қаерга бормаисиз.— Никто из вас нигде не пойдёт.

Ўзбек тилида ҳеч ким, ҳеч нима олмошларига эғалик қўшимчалари қўшилиб келиши мумкин. Улар ифода этган маънолар рус тилида бўлишсизлик олмошлари ҳамда қўшимча изоҳлар билан берилди: Ҳеч кимингиз йўқми?— У вас из близких никого нет? Бу ерда ҳеч нимагиз йўқ экан.— Оказывается, здесь у вас ничего нет.

Гумон олмошлари (неопределённые местоимения). Ҳар икки тилда ҳам гумон (ноаниқ) олмошлари сўроқ олмошларига турли аффикслар қўшиш билан ҳосил бўлади. Хусусан, ўзбек тилида гумон олмошлари сўроқ олмошларидан олдин алла элементини ёки шу олмошдан кейин -дир қўшимчасини қўшиш билан ясалади: аллаким, алланима, кимдир, нимадир каби.

Рус тилида эса гумон олмошлари анча мураккаб грамматик ҳодиса бўлиб, у сўроқ олмошларига **-то, -нибудь, кое-** каби юкламаларни қўшиш билан ҳосил қилинади. Бундай пайтда **кое-** юкламаси сўроқ олмошларидан олдин, **-то, -нибудь, -либо** юкламалари эса сўроқ олмошларидан кейин келади:

аллаким	—	кто-то, кто-нибудь, кто-либо, кое-кто
кимдир		
алланима	—	что-то, что-нибудь, что-либо, кое-что.
нимадир		
аллақандай	—	какой-то, какой-нибудь, какой-либо, кое-какой (кое-какой, асосан, кўплик шаклида қўлланилади).
қандайдир		

Ўзбек тилида яна бирор кимса, бирор нарса, биров каби гумон олмошлари ҳам бор: *Бирор кимса келганга ўхшайди.— Похоже, кто-то пришёл. У бирор нарса деди.— Он что-то сказал. Бунга биров тушуна олмас, биров ишонмас эди.— Кое-кто этого не понимал, кое-кто этому не верил. Ўзбек тилидаги баъзи гумон олмоши рус тилида некоторый олмоши билан берилади: Баъзилар яхши ўқишимга шубҳа қилар эди.— Некоторые сомневались, что я буду учиться хорошо.*

Рус тилида **не-** юкламаси воситаси билан ҳам гумон олмошлари ҳосил қилинади: *некто, нечто, некий, некоторый, несколько* каби.

*Некто* олмоши фақат бош келишиқда, шахс номи билан бирга, *нечто* олмоши эса бош ва тушум келишиқларда қўлланади. Ўзбек тилида буларнинг маъноси қандайдир, нимадир, бир, бирор нарса, қандайдир бир нарса каби сўз ва сўз бирикмалари орқали берилади: *Звонил вам некто Яковлев.— Сизга қандайдир Яковлев телефон қилди. Звонила вам некто Яковлева.— Сизга қандайдир Яковлева телефон қилди.*

*Некий, некоторый* олмошлари род, сон ва келишиқда ўзгаради. *Некий* гумон олмоши сон ва шахс билан бирга қўлланади. Ўзбек тилида булар қандайдир, баъзи бир олмошлари ёки бир сўзи орқали берилади: *Некий Каримов передал вам привет.— Сизга Каримов деган бир одам салом айтди. Некоторые студенты отлично сдали экзамены.— Баъзи студентлар имтиҳонларни аъло баҳога топширишди.*

*Несколько* гумон олмоши кўплиқда турланади, у билан бириқиб келган отлар ҳам кўплиқда родительный келишиқда қўлланади. Ўзбек тилида *бир қанча, бир неча* олмошлари, одатда, отларнинг бирлик шакли билан бирикади: *В комнате было несколько гостей.— Уйда бир неча меҳмон бор эди. Папа принёс несколько книг.— Отам бир қанча китоб олиб келди. Директор завода беседовал с несколькими рабочими.— Завод директори бир қанча ишчи билан суҳбатлашди.*

**Эгалик олмошлари (притяжательные местоимения)**— *мой* (I шахс, бирлик), *твой* (II шахс, бирлик), *наш* (I шахс кўплик), *ваш* (II шахс, кўплик).



### 13- §. Феъл (Глагол)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам феъл мустақил сўз туркуми сифатида ҳаракат ёки ҳолатни билдиради, ammo ўзининг морфологик хусусияти ва синтактик функциялари билан улар ўзбек ва рус тилларида бир-биридан маълум даражада фарқ қилади. Масалан, ўзбек тилида рус тилига нисбатан замон шакллари кўпроқ, айни пайтда рус тилидаги инфинитив билан ўзбек тилидаги ҳаракат номи ўртасида ҳам жиддий тафовутлар бор.

**Ҳаракат номи ва инфинитив (имя действия и инфинитив).** Ўзбек тилида ҳаракат номи туб ёки ясама феълга **-моқ, -ш (-иш), -в (-ув)** аффиксларидан бирини қўшиш билан ясалади: *ёз+моқ — ёзмоқ, ёз+иш — ёзиш, ёз+ув — ёзув, ҳайда+моқ — ҳайдамоқ, ҳайда+ш — ҳайдаш, ҳайда+в — ҳайдов* каби.

Ҳаракат номининг ҳам феъллик, ҳам отлик хусусиятлари бор. Маъно жиҳатидан у ҳаракатни ҳам, предметни ҳам билдиради. Лекин отга ўхшаб турланади, от каби турли қўшимчаларни қабул қилади: *ёзиш, ёзишим, ёзишда, ёзишга, ёзув, ёзувнинг* каби.

Ўзбек тили луғатларида феъллар **-моқ** аффикси билан берилади: *ёзмоқ, ишламоқ, ёздирмоқ, келтирмоқ, ишлатилмоқ* каби. Феълларнинг туб ёки ясама шаклидан майл, замон, шахсон ва бошқа феъл шакллари ясалади: *ёз-а-ман (напишу), кетса (если он уйдёт), ўқи-ётир-ман (я учусь), ўйла-ган-сан (ты думал)* каби.

Рус тилидаги феълнинг инфинитив (ноаниқ) формаси **-ть, -ти** қўшимчалари билан шаклланади. Уларнинг маъноси ўзбек тилида, асосан, **-моқ** аффикси билан ясалган феъл формаси орқали берилади: *работать — ишламоқ, приходит — келмоқ, пойти — бормоқ* каби.

Ўзбек тилида рус тилидаги инфинитивга тўлиқ мос келадиган феъл шакли йўқ.

Рус тилида инфинитив феълнинг дастлабки шакли бўлиб, феъллар луғатда шу шаклда берилади.

Рус тилида феълларнинг инфинитив шакли шахсон ва замон аффиксларини олмайди; улардан **-ть, -ти** суффикслари олиб ташланса, инфинитив негизи қолади: *чита-ть, писа-ть, ви-де-ть, гуля-ть, нес-ти, пой-ти* каби. Инфинитив негизидан одатда ўтган замон феъл формаси ясалади: *чита-ть — чита+л, чита+ла, чита+ли; нес-ти — нёс+ла, нес+ли* каби.

Феълнинг юмшоқ ундош билан тугаган *беречь, печь, увлечь, помочь, мочь, волочь* каби инфинитив формалари тусланганда, уларнинг негизида товуш алмашиш ҳодисаси содир бўлади: *беречь — я берегу, ты бережешь, он (она) бережет, я берег, мы берегли, они берегли; печь — я пеку, ты печешь, он (она) печет; помочь — я помог, ты помог, она помогла, вы помогли, вы можете, он поможет* каби.

Рус тилида феълнинг инфинитив формаси қуйидаги ҳолларда ишлатилади:

1. *Быть* ёрдамчи феъли билан асосий феълнинг тугалланмаган тури биргаликда қўлланганда. Бунда феълнинг келаси замон мураккаб формаси ясалади (*быть* феъли тусланади, асосий феъл эса ўзгармай, инфинитив шаклида қолади).

Бундай феълларнинг маъноси ўзбек тилида, асосан, феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси билан берилади: *я буду работать — мен ишлайман, ты будешь работать — сен ишлайсан, он (она) будет работать — у ишлайди* каби.

2. Қўшма (составли) кесим таркибида келиб, ҳаракатнинг бошланиши, давом этиши ёки тугашини, ҳаракатнинг бўлиш ва бўлмаслиги, шунингдек, шахснинг истагини ва бошқа тунчаларни ифодалаб келади. Буларнинг маъноси ўзбек тилида турли грамматик воситалар орқали берилади: *В колхозе начали собирать хлопок. — Колхозда пахта теримини бошлашди. Мы начинаем работать с 8 часов. — Биз соат 8 дан ишлай бошлаймиз. Дети стали хорошо учиться. — Болалар яхши ўқий бошладилар. Ученые продолжали исследовать окружающую сферу. — Олимлар атроф-муҳитни текширишни давом эттиришди. Марат сможет (не сможет) приехать на свадьбу. — Марат тўйга кела олади (кела олмайди). Мы хотим поехать в Москву. — Биз Москвага бормоқчимиз. Он любит купаться. — У чўмилишни яхши кўради. Путешественники решили отдохнуть в ближайшей деревне. — Саёҳатчилар яқин қишлоқда дам олишга қарор қилишди.*

Рус тилида феълнинг инфинитив формаси шахсиз гапларда предикативли равиш билан бирикиб келади, бундай гаплар мазмунини ўзбек тилида асосан шахсли гап (икки составли гап) орқали берилади: *Нам нужно (надо) работать. — Биз ишлашимиз керак. Ребёнку необходимо спать. — Бола ухлаши лозим. В комнате курить нельзя. — Уйда чекиш мумкин эмас.*

Рус тилида сифатларнинг *должен, обязан, вынужден, готов, намерен* каби қисқа шакллари феълнинг инфинитив формаси билан бирикиб келади. Ўзбек тилида буларнинг маъноси ҳаракатни билдирувчи сўзга эгаллик қўшимчасини қўшиш ҳамда *керак, лозим, мажбур* каби сўзларни бириктириш орқали ифодаланади: *Ты должен учиться хорошо. — Сен яхши ўқишинг керак. Бригада обязана выполнить задание. — Бригада топшириқни бажаришга мажбур. Мы готовы поехать к вам. — Биз сизникига боришга тайёрмиз. Они намерены работать с нами. — Улар бизлар билан ишламоқчи.*

Рус тилида феълнинг инфинитив шакли кескин буйруқ, топшириқ, қатъий қарор маъноларини ҳам ифодалайди. Ўзбек тилида бундай маънолар буйруқ майлидаги феълнинг II шахс формаси ёки мажхуллик нисбатидаги феълнинг III шахсдаги формаси билан ифодаланади: *Здесь не курить. — Бу ерда чекманг (чекилмасин). Объявить бригаде благодарность. — Бригадага ташаккур эълон қилинсин* каби.

## 14-§. Фейлларда тур категорияси

(Вид глагола)

Ўзбек тилида феъллардаги тур масаласи узил-кесил ҳал қилинмаган. Баъзи тилшунослар ҳаракатнинг тугалланмаганлиги, узоқ давом этиши, такрорлангани каби маънолар ўзбекча феълларга ҳам хос эканини ҳисобга олиб, ўзбек тилида ҳам рус тилидагидек тугалланган (совершенный) ва тугалланмаган (несовершенный) феъл турлари бор деган хулосага келганлар.

Рус тилида тур (вид) категорияси ҳаракатнинг тугалланмаганлигини, охиригача етмаганлигини, давомли, такрор бўлишини ёки бутунлай тугалланганлигини, бир карра бўлганлигини, бир натижага эришганлигини, вақтга нисбатан чекланганлигини ифодалайди. Шунга кўра, рус тилида феъллар тугалланмаган (несовершенный вид) ва тугалланган (совершенный вид) турларга бўлинади.

Тугалланмаган тур (несовершенный вид) ҳаракатнинг натижа бермаганлигини, давом этаётганлигини, охирига етмаганлигини, вақтга нисбатан чекланмаганлигини билдиради: *Я писал письмо.— Мен хат ёзар эдим* (ҳаракат ўтган замон шакли билан ифодаланган бўлса ҳам, хат ёзиб тугалланмаган). *Брат учится в Москве.— Акам Москвада ўқияпти* (ҳаракатнинг давом этаётганлиги билдирилган). *Салим будет читать вот эти книги.— Салим мана бу китобларни ўқийди* (ҳаракат келажакда бўлади, аммо унинг қанча давом этиши, охиригача етказилиш-етказилмаслиги маълум эмас).

Тугалланган тур ҳаракатнинг ўтган замонда тамом бўлганлигини, натижа берганлигини, охирига етказилганлигини ёки шу ҳаракатнинг келаси замонда, сўзсиз, бўлажagini билдиради: *Я написал письмо.— Мен хатни ёзиб бўлдим* (ҳаракат тамом бўлган, хат ёзиш иши охирига етказилган). *Я напишу письмо.— Мен хатни ёзиб қўяман* (ҳаракат келажакда албатта охирига етказилади, хат ёзиб қўйилади).

Фейллардаги бундай турлар морфологик жиҳатдан ҳам фарқ қилади: тугалланмаган турдаги феъллар ҳар учала замонда (ўтган, ҳозирги ва келаси замонда), тугалланган турдаги феъллар эса фақат ўтган ва келаси замонда қўлланади:

Инфинитив	Тур	Ўтган замон	Ҳозирги замон	Келаси замон
<i>Читать</i>	тугалланмаган	<i>я читал ты читал</i>	<i>я читаю ты читаешь</i>	<i>я буду читать ты будешь читать</i>
<i>Прочитать</i>	тугалланган	<i>я прочитал ты прочитал</i>	—	<i>я прочитаю ты прочитаешь</i>
<i>Писать</i>	тугалланмаган	<i>я писал ты писал</i>	<i>я пишу ты пишешь</i>	<i>я буду писать ты будешь писать</i>
<i>Написать</i>	тугалланган	<i>я написал ты написал</i>	—	<i>я напишу ты напишешь</i>

Ўзбек тилида барча феъллардан ҳамма замон шакллари яшаш мумкин: *эқдим, ўқиб чиқдим* — аниқ ўтган замон; *эққанман, ўқиб чиққанман* — яқин ўтган замон; *эқар эдим, ўқир эдим* — ўтган замон давом феъли формаси; *эқибман, ўқиб чиқибман* — ўтган замон эшитилганлик формаси; *эқаман, ўқиб чиқаман* — ҳозирги-келаси замон; *эқяпман, ўқиб чиқяпман* — аниқ ҳозирги замон, *эқайтирман, ўқиб чиқайтирман* — аниқ ҳозирги замон; *эқмоқдаман, ўқиб чиқмоқдаман* — ҳозирги замон давом феъли формаси каби.

Ўзбек тилида аниқ ўтган замон феъли; одатда, ҳаракатнинг аниқ бўлганлигини ифодалайди: *ўқидим* — *я прочитал* каби. Аниқ ўтган замон феълнинг бундай хусусияти айниқса юриш ҳаракатини билдирувчи феълларда яққол кўринади: *чиқдим* — *я вышел, келдим* — *я пришёл, кирди* — *он зашёл, бордик* — *мы сходили* каби. Шунга қарамай, бундай феълларнинг аниқ ўтган замон шакли ҳаракатнинг давомлигини, такрорийлигини ифодаловчи сўзлар билан бирикиб келиши мумкин: *Бугун кўчага уч марта чиқдим. Ҳар кун кинога бордик* каби. Рус тилида эса бундай ҳолларда феълларнинг тугалланмаган шакли ишлатилади: *Мен сеникига бир неча марта кирдим, йўқ экансан.* — *Я к тебе несколько раз заходил (зашёл эмас), но тебя не было.*

Мисоллардан кўринадики, ўзбек тилида замон формалари ҳар қанча конкрет бўлса ҳам, уларда рус тилидагидек феълнинг турига боғлиқ чекланишлар йўқ. Рус тилида феълларнинг тугалланган тури эса, юқорида айтаётганидек, икки замонда (ўтган ва келаси замонда) қўлланади, унинг ҳозирги замон шакли йўқ.

Булардан ташқари, рус тилида *атаковать, исследовать, использовать, телеграфировать* каби феъллар ҳам борки, уларнинг турини шу феълларнинг ўзидан аниқлаш қийин. Бу ҳилдаги феъллар ана шу хусусияти билан ўзбек тили феълларига ўхшаб кетади. Уларнинг тур маънолари контекстагина аниқлашади. Масалан: *Уполномоченный еженедельно телеграфировал о ходе заготовок овощей (Вақил сабзавот тайёрлашнинг бориши ҳақида ҳар ҳафта телеграмма берар эди)*. Бу гапда *телеграфировал* феъли тугалланмаган тур маъносида қўлланган. *Вчера он телеграфировал о выполнении плана заготовок овощей (Кеча у сабзавот тайёрлаш планининг бажарилгани ҳақида телеграмма берди)*. Бу гапда эса *телеграфировал* феъли тугалланган тур маъносида ишлатилган.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, рус тилидаги тугалланмаган тур феълларининг маъносини ўзбек тилида турли феъл шакллари билан бериш мумкин. Масалан: *Я учился в Москве два года.* — *Мен Москвада икки йил ўқидим (ўқиганман, ўқиган эдим).* *Студент ходит на консультацию.* — *Студент консультацияга қатнайди (қатнаб юрибди, қатнапти, қатнаётир).*

Умуман, рус тилида туб феълларнинг кўпчилиги тугалланмаган шаклда ишлатилади. Тугалланган шаклда қўлланадиган туб феълларга *дать, сесть, встать, лечь, стать* каби жуда кам сўзлар киреди.

Феълларнинг тугалланган тури тугалланмаган турига қуйидаги воситаларни қўшиш билан ясалади:

1. **в-(ва-), вз-(вс-) вы-, до-, за-, из-(ис-), на-, над-(надо-), о-(об-, обо-), от-(ото-), пере-, по-, под-(подо-), при-(про-), раз-(разо-, рас-), с-(со-)** каби маҳсулдор приставкаларни қўшиш билан: *вписать, вогнать, взлететь, выписать, донести, заготовить, издать, испытать, найти, надписать, надорвать, описать, прочитать, обогнать, отдать, отогнать, передать, побежать, подобрать, прилететь, провести, раздать, разобрать, расставить, списать, собрать, улететь.*

2. **-ну** суффиксини қўшиш билан: *крикнуть, прыгнуть, свистнуть* каби.

3. **-а** суффиксини **-и** суффиксига алмаштириш билан: *решать — решить, пускать — пустить, изучать — изучить, лишать — лишить* каби.

Бундан ташқари, тугалланган турдаги феъллар тугалланмаган турдаги феъллардан фақат урғунинг ўрни билан ҳам фарқ қилиши мумкин: *насыпать<sup>1</sup> — насыпать, высыпать — высыпать, нарезать — нарезать, обрезать — обрезать* каби.

Баъзи феълларнинг тугалланмаган ва тугалланган турлари бошқа-бошқа ўзак билан ифодаланади: *говорить — сказать, класть — положить, ловить — поймать, брать — взять.*

Юқорида айтиб ўтилганидек, ўзбек тилида феъллар турга нисбатан нейтралдир. Лекин рус тилидаги феълларнинг тур маъноларини ўзбек тилида ифода этиш мумкин. Чунончи, рус тилида феълнинг тугалланган турини ифодалашда кўпинча ёрдамчи феъл ишлатилади. Масалан: *Я прочитал. — Мен ўқиб чиқдим. Пионеры завтра отправятся в лагерь. — Пионерлар лагерга эртага жўнаб кетади. Студенты вернулись с практики. — Студентлар практикадан қайтиб келди. Ребёнок заснул крепко. — Бола қаттиқ ухлаб қолди.*

Ўзбек тилида ҳаракатнинг бир карра бўлганлиги, одатда, ёрдамчи феъл ёки бир сўзи билан ифодаланади, рус тилида эса бу маъно феълнинг ўзагига **-ну** суффиксини қўшиш билан берилади: *Ребёнок крикнул. — Бола қичқириб юборди. Рахим прыгнул через арык. — Рахим ариқдан сакраб ўтди. Он стукнул кулаком по столу. — У мушти билан столга бир урди.*

Ўзбек тилида ҳаракатнинг бошланиш ҳолати бошламоқ ёрдамчи феъли билан ифодаланади, рус тилида эса бу маъно **за-, по-** приставкалари билан берилади. Масалан: *У ашула айта бошлади. — Он запел. Хаммаси бирданига сўзлай бошлади. — Все разом заговорили. Душман ваҳимага тушиб, қоча бошлади. — Враг в панике побежал.*

<sup>1</sup> Бу мисолларда биринчи феъл тугалланмаган тур, иккинчи феъл тугалланган тур.



Рус тилидаги тугалланган феълларнинг тур маъносини ўзбекчада ифодалайдиган ёрдамчи феълларнинг ўзига хос хусусияти бор. Қўшма феъл таркибидаги ёрдамчи феъл етакчи феъл билан ифодаланадиган ҳаракатни конкретлаштиради: *Мен ёзиб олдим.— Я записал (для себя). Мен ёзиб бердим.— написал (для кого-то). Мен ёзиб қўйдим.— Я записал (во что-либо, куда) капи.*

Шундай қилиб, рус тилида тур категорияси жуда мураккаб грамматик ҳодиса бўлиб, ўзбек тилида унга мос категория бўлмаса ҳам, бу тур категорияси билан ифодаланадиган энг нозик тушунчаларни ўзбек тилида бера олиш имконияти бор.

Рус тилидаги феълларнинг яна бир хусусияти шундаки, феълларнинг замон, шахс ва бошқа формалари икки негиздан ясалади, масалан, феълнинг инфинитив негиздан (*работа-ть, чита-ть, говори-ть, нес-ти, крикну-ть* каби) ўтган замон шакли ясалади: *работа+л, говори+л, нёс, крикну+л*). Ҳозирги замон ёки содда келаси замон шакллари негиздан эса (*чита+ю, пиш-у, вед-у, говор-ят, молч-ат, реш-ит, получ-ит* кабилардан) феълнинг бошқа формалари ясалади.

## 15- §. Майл категорияси

(Категория наклонения)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам майл категорияси ҳаракатнинг реал воқеликка бўлган муносабатини кўрсатади. Ҳар икки тилда ҳам буйруқ майли (повелительное наклонение), аниқлик майли (изъявительное наклонение) ва шарт майли (условное наклонение) бор.

### Буйруқ майли

(Повелительное наклонение)

Ўзбек тилида феълларнинг майл, замон, шахс-сон аффиксини олмаган дастлабки шакли — II шахс буйруқ формаси — буйруқ, илтимос каби маъноларни билдиради. Масалан: *ол, ёз, тила, чиқ, бер, кел, кет, ўқи, ишла, келтир, турғиз, тайёрла, кийин* каби.

II шахс буйруқ формаси **-гин, -кин, -қин** аффиксини қўшиш билан ҳам ҳосил бўлади: *олинг, ёзгин, чиққин, кетгин* каби. Бунда буйруқдан кўра илтимос, маслаҳат маъноси устун бўлади.

Ҳурмат формаси феълнинг II шахс буйруқ майлига **-нг (-инг)** аффиксини қўшиш билан ҳосил қилинади. Масалан: *олинг, ёзинг, тиланг, чиқинг, беринг, келинг, кетинг, ўқитинг, тайёрлаинг, кийининг* каби.

Кўплик формаси **-нгиз(-нг+из), -ингиз(-инг+из)** аффикслари билан ифодалангани, баъзан **-из** ўрнига **-лар** ишлатилади. Масалан: *ёзингиз — ёзинглар, ишлангиз — ишланглар* каби.

Рус тилида феълларнинг буйруқ майли фақат II шахс бирлик ва кўпликдагина ўзининг махсус морфологик формасига эга. Бирликда **у-и** тугалмасини ҳозирги ёки содда келаси замон

фeъл негизига қўшиш билан ясалади: *ход+ят — ход+и (юр), пиш+ут — пиш+и (ёз), изуч+ат — изуч+и (ўрган), скаж+ут — скаж+и (айт)* каби. Баъзи феълларнинг ҳозирги замон негизи II шахс буйруқ майли маъносини билдиради: *читай+ут (читают) — читай (ўқи), гуляй+ут (гуляют) — гуляй (сайр қил), пой+ут (поют) — пой (ашула айт)* каби.

Баъзан ҳозирги ва келаси замон феъл негизининг охири юмшоқ ундошга айланиши билан (ёзувда ь белгиси орқали ифодаланади) II шахс буйруқ шакли ясалади: *встан-ут — встань (тур), сяд-ут — сядь (ўтир)* каби.

Рус тилида охири **-ч, -ш, -щ** ундош товушлари билан туганган феълларнинг ҳозирги замон негизи ҳам бирлик II шахс буйруқ майлини ифодалайди. Бундай пайтда феъл охиридаги ундош юмшатилади («ёзувда бу ҳодиса ь белгиси билан ифодаланади): *реж+ут—режь (кес), услыш+ат — услышь (эшит)* каби.

Ҳурмат ва кўплик формалари бирликда II шахс шаклига **-те** суффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *пиши — пишите (ёз — ёзингиз), ходи — ходите (юр — юрингиз), работай — работайте (ишла — ишлангиз), гуляй — гуляйте (сайр қил, томоша қил, сайр қилинг, томоша қилинг), встань—встаньте (тур—туринг, туринглар), сядь — сядьте (ўтир — ўтиринг, ўтиринглар)* каби.

Бир бўғинли феълларнинг ҳозирги замон негизидан буйруқ формаси ясалганда, одатда, **е** товуши орттирилади. Масалан: *пьют — пей (ич), льют — лей (тўк), шьют — шей (тик), бьют — бей (ур)*.

Ўзбек тилида буйруқ майлининг I ва III шахс формалари ҳам бор. I шахс формасининг бирлиги, асосан, ўзига қаратилган истакни билдириб, **-ай, -й** аффиксини (баъзан яна **-ин** аффиксини ҳам), кўплиги эса I шахсга **-лик** аффиксини қўшиш билан ясалади. Масалан: *мен борай — биз борайлик, мен ёзай — биз ёзайлик, мен ишлай — биз ишлайлик* каби. Бундай I шахс формасини А. Н. Кононов истак майли деб атайд<sup>1</sup>.

Рус тилида буйруқ майлининг I шахс формаси бўлмаганлиги учун, бу маъно феълларнинг содда келаси замон формасига **-ка** юкломасини қўшиш билан берилади: *Мен ёзай(ин) — Напишу-ка я. Мен ўқий(ин) — Почитаю-ка я* каби.

Буйруқ майлининг III шахси ўзбек тилида феълнинг дастлабки шаклига (яъни II шахс буйруқ феълига) **-син** аффиксини қўшиш билан, кўплик шакли эса **-син** дан сўнг **-лар** аффиксини қўшиш билан ясалади. Рус тилида бундай грамматик форма йўқ, унинг маъноси *пусть* сўзини ҳозирги ёки содда келаси замоннинг III шахс формаси билан бириктириш орқали берилади: *Бу мақолани Аҳмад ўқисин. — Пусть эту статью читает Ахмед. Дўстлар бизга хат ёзсин(лар). — Пусть друзья напишут нам письмо.*

<sup>1</sup> Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. Изд. АН СССР, М.-Л., 1960, стр. 234.

Феълнинг мажхуллик нисбатига **-син** аффикси қўшилса, қатъий буйруқ ифодаланади. Бундай қатъий буйруқ рус тилида феълнинг инфинитив шакли билан берилади. Масалан: *Ташаккур эълон қилинсин. — Объявить благодарность. Бу нарсалар эртага юборилсин. — Эти вещи отправить завтра.*

Шундай қилиб, буйруқ майлининг ўзбек тилида I, II, III шахс формалари, рус тилида эса фақат II шахс формаси бор. Лекин рус тилида буйруқ феълларнинг I ва II шахс формалари бўлмаса ҳам, уларнинг маъноларини турли грамматик воситалар билан ифодалаш имконияти мавжуд.

### Шарт майли (Условное наклонение)

Шарт майли ҳар икки тилда маълум шарт-шаронтда рўй берадиган ҳаракатни ифодалайди. Ўзбек тилида шарт майли феълнинг дастлабки шаклига (бирлик II шахс формасига) **-са** аффиксини қўшиш билан ясалади, ундан сўнг шахс-сон аффикси қўшилади. III шахс аффикси йўқ, кўплигида **-лар** қўшилади:

Бирлик: *ёз-са-м, ёз-са-нг, ёз-са.*

Кўплик: *ёз-са-к, ёз-са-нгиз, ёз-са-лар.*

Ўзбек тилидаги шарт майлининг маъноси рус тилида *если ёки когда* сўзларининг келаси замон формасидаги феъл билан бирикиб келиши орқали ифодаланади: *Эртага бизникига келсанг бирга дарс тайёрлаймиз. — Если ты завтра придешь к нам, будем вместе готовить уроки. Каникул бошланса, колхозга бориб ишлаймиз. — Когда начнутся каникулы, поедем работать в колхоз.*

Ўзбек тилида қўшма гап составидаги шарт эргаш гап бош гапга *агар (агарда), башарти, борди-ю, мабодо* каби эргаштирувчи боғловчилар билан боғланиши мумкин. Рус тилида бундай қўшма гап составидаги бош гапнинг кесими феълнинг ўтган замон шаклида бўлиб, унга *бы* юкламаси бирикиб келади, эргаш гап составидаги кесим ҳам феълнинг ўтган замон шаклида *бы* юкламаси билан бирга ишлатилади (*бы* юкламаси сўзга қўшилмасдан ёзилади). Шарт эргаш гапда кўпинча *если* сўзи ишлатилади. Мисоллар: *Онам бўлса эди, қишлоғимга кетардим. (Ойбек.) — Если бы была моя мать, я поехал бы в свой кишлак. Эртага кетсак, яхши бўлар эди. — Было бы хорошо, если мы уехали завтра.*

Бундан ташқари, ўзбек тилида шарт маъноси ўтган замон сифатдошига эгалик аффиксини ва ўрин-пайт келишик аффиксини қўшиш, ундан сўнг *эди* ёрдамчи феълни келтириш билан ҳам ифодаланади: *Сен бизникига келганингда эди, бирга кутубхонага борардик. — Если бы ты пришёл к нам, вместе пошли бы в библиотеку.*

Рус тилида *бы* юкламаси билан қўлланган шарт майлидаги феъл истакни ҳам билдиради. Ўзбек тилида бу маъно *-чи* юкламаси орқали берилади: *Дорогая мама, сегодня отдыхала бы. — Онажон, бугун дам олсангиз-чи.*

Шундай қилиб, рус ва ўзбек тилларидаги шарт майли яса-лиш хусусиятлари ҳамда гапдаги маънолари билан бир-бири-дан катта фарқ қилади.

### Аниқлик майли (Изъявительное наклонение)

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам аниқлик майли ҳаракат-нинг уч замондан (ўтган, ҳозирги ёки келаси замондан) бирида воқе бўлиши ёки воқе бўлмаслигини аниқ ифодалайди. Ўзбек тилида аниқлик майлининг ҳар бир замони бир неча шаклга эга, рус тилидаги феълларда эса икки тур (совершенный ва несовершенный вид) бўлганлиги учун фақат келаси замоннинг ўзида икки шакл бор: содда келаси замон (*Я прочитаю, ты отдохнёшь.*), мураккаб келаси замон (*Я буду читать, ты будешь отдыхать.*) каби.

**Ҳозирги замон (настоящее время).** Ўзбек тилида ҳозирги замоннинг бир неча формаси бор. Шулардан ҳозирги-келаси замон формаси феълнинг дастлабки шакли (II шахс буйруқ майли) ундosh билан тугаган бўлса, -а аффиксини, унли билан тугаган бўлса, -й аффиксини ҳамда тусловчи аффиксларни қў-шиш билан ҳосил қилинади. Масалан: *гапир+а+ман — га-пир+а+миз, гапир+а+сан — гапир+а+сиз, гапир+а+ди — гапир+а+ди+лар, ўқи+й+ман — ўқи+й+миз, ўқи+й+а+сан — ўқи+й+сиз, ўқи+й+ди — ўқи+й+ди+лар* каби.

Рус тилида ҳозирги замон феълларининг тусланиши икки хил бўлади. Улар ўзаро тусловчи тугалмалар билан фарқ қи-лади:

#### I тусланиш

- I. -у(-ю): *пиш-у, работа-ю*  
 II. -ешь: *пиш-ешь, работа-ешь*  
 III. -ет: *пиш-ет, работа-ет*

#### II тусланиш

##### Бирлик

- у(-ю): *молч-у, говор-ю*  
 -ишь: *молч-ишь, говор-ишь*  
 -ит: *молч-ит, говор-ит*

##### Қўплик

- I. -ем: *пиш-ем, работа-ем*      -им: *молч-им, говор-им*  
 II. -ете: *пиш-ете, работа-ете*      -ите: *молч-ите, говор-ите*  
 III. -ут, -ют: *пиш-ут, работа-ют*      -ат, -ят: *молч-ат, говор-ят*

**Ҳозирги-келаси замон.** Ўзбек тилида феълнинг ҳозирги-ке-ласи замон формаси қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Доим бўлиб турадиган, вақтга нисбатан чекланмаган ҳа-ракатни. Ҳозирги-келаси замоннинг бундай маъноси рус тилида феълнинг ҳозирги замон формаси билан ифодаланади: *Ер Қуёш атрофида айланади. — Земля вращается вокруг Солнца. Ота-онам колхозда ишлайди. — Мои родители работают в колхозе. Кутубхона ҳар кун эрталаб соат тўққизда очилади. — Библиотека ежедневно открывается в девять часов утра.*

2. Қелгусида амалга ошадиган ҳаракат маъносини ифода-лайди. Бу маъно пайт маъносини билдирадиган сўз билан би-

рикиб келганда аниқ бўлади. Ҳозирги-келаси замоннинг бундай маъноси рус тилида феълнинг мураккаб келаси замон формаси ёки ҳозирги замон шакли, ёхуд содда келаси замон шакли билан берилади: *Эртага теримчилар тўртинчи бригада даласида ишлайди. — Завтра сборщики будут работать на полях четвертой бригады. Тантанали мажлис соат еттида очилади... (А. Қаҳҳор.) — Торжественное собрание начнется в семь часов. Вадъа бердикми, бажарамиз. — Раз дали обещание, выполним.*

**Аниқ ҳозирги замон.** Ўзбек тилида феълнинг аниқ ҳозирги замон формаси **-яп** ёки **-ётир** аффиксидан сўнг тусловчи аффиксларни қўшиш билан ясалади. III шахснинг бирлигида **-ётир** аффиксидан сўнг тусловчи аффикс қўлланмайди.

### Бирлик

- I. Мен гапир-яп-ман
- II. Сен гапир-яп-сан
- III. У гапир-яп-ти

- I. Мен ўқи-ётир-ман
- II. Сен ўқи-ётир-сан
- III. У ўқи-ётир

### Кўплик

- Биз гапир-яп-миз*  
*Сиз гапир-яп-сиз*  
*Улар гапир-яп-ти(-лар)*

- Биз ўқи-ётир-миз*  
*Сиз ўқи-ётир-сиз*  
*Улар ўқи-ётир(-лар)*

Феълнинг аниқ ҳозирги замон формаси нутқ пайтида аниқ бўлаётган ҳаракатни билдиради, бундай ҳаракат маъноси рус тилида, асосан, феълнинг ҳозирги замон формаси билан берилади: *Мен уй вазифаларини бажаряпман. — Я выполняю домашние задания. Колхозчилар пахта ҳосилини тўла-тўқис йиғиштириб олишга ҳаракат қилаётир(лар). — Колхозники стараются полностью собрать урожай хлопка. Мен хат ёзяпман. — Я пишу письмо.*

Бундан ташқари, аниқ ҳозирги замон маъноси ёрдамчи феъл билан ҳам ифодаланади. Бунда турмоқ, ётмоқ, юрмоқ, ўтирмақ ёрдамчи феълларидан бири ишлатилади. Етакчи феъл **-б (-иб)** аффикслари билан ясалган равишдош формасида бўлади. Масалан: *ўқиб юрибман, кулиб турибди, ёзиб ўтирибсан* каби.

**Ҳозирги замон давом феъли.** Ўзбек тилида ҳозирги замон давом феъли **-моқда** аффикси ва тусловчилар воситасида ясалади (III шахс бирликда тусловчи аффикс йўқ): *ўқимоқдаман, ўқимоқдасан, ўқимоқда, ишламоқдамиз, ишламоқдасиз, ишламоқда(лар)* каби.

Рус тилида ҳозирги замон формасининг ишлатилиш доираси ўзбек тилига қараганда анча кенг.

Феълнинг ҳозирги замон формаси ҳозирги пайтда бўлиб турган ҳаракатни ҳам, вақт билан чекланмаган доимий ҳаракатни ҳам билдиради: *Я сейчас читаю интересный роман* (нутқ сўзлаётган пайтда). — *Мен ҳозир қизиқ бир роман ўқияпман. Волга впадает в Каспийское море. — Волга Каспий денгизига қуйилади. Мои родители живут в колхозе. — Ота-онам колхозда туради* каби.

Бундан ташқари, рус тилида феълнинг ҳозирги замон формаси ўтган замон маъносида ҳам, келаси замон маъносида ҳам қўлланиши мумкин. Масалан: *Вчера иду по улице, вдруг встречаю школьного друга* (бошқача қилиб айтганда — *Вчера я шёл по улице, вдруг встретил своего друга*). Бу гапда *иду* ва *встречаю* феъллари шаклан ҳозирги замонни кўрсатса ҳам, мазмунан ўтган замонни билдирадн. Шу сабабли ўзбек тилида бу феъллар ўтган замон шаклида берилади: *Кеча кўчада кетаётган эдим, мактабдош дўстимни учратиб қолдим* каби. *Студенты завтра уезжают в колхоз, дети через неделю возвращаются из пионерского лагеря* гапларида *уезжают*, *возвращаются* феъллари ҳозирги замон формасида қўлланган бўлса-да, мазмунан келаси замонни ифодалаган. Бу жиҳатдан улар ўзбек тилидаги аниқ ҳозирги замон формасига тўғри келади: *Студентлар эртага колхозга кетяпти* каби.

**Ўтган замон (прошедшее время).** Ўзбек тилида ўтган замоннинг бир неча формаси бор:

1. Аниқ ўтган замон формаси: *ёздим, ёздинг, ёзди*.
2. Яқин ўтган замон формаси: *ўқиганман, ўқигансан, ўқиган*.
3. Ўтган замон эшитилганлик формаси: *ўқибман, ўқибсан, ўқибди* каби.
4. Ўтган замон давом формаси ёки ўтган замон ҳикоя формаси: *ўқир эдим, ўқир эдинг, ўқир эди, ўқимоқда эдим, ўқимоқда эдинг* каби.
5. Узоқ ўтган замон формаси: *ўқиган эдим, ўқиган эдинг, ўқиган эди* каби.

Бундан ташқари, ўтган замоннинг яна бошқа шакллари ҳам бор: *ўқиб эдим, ўқиб эдинг, ўқиб эди* (ўтган замон ҳикоя формасининг шакли).

Рус тилида ўтган замон кўпинча феълларнинг инфинитив негизига -л суффиксини қўшиш билан ясалади. Бу феъл бирликда ўзи боғланган сўзнинг фақат родига қараб мослашиб ўзгаради, аммо шахсда тусланмайди:

### Мужской род

- I. Я читал
- II. Ты читал
- III. Он читал

### Женский род

- Я читала (Мен ўқидим)*  
*Ты читала (Сен ўқидинг)*  
*Она читала (У ўқиди)*

Рус тилида ўтган замоннинг **средний** роди I ва II шахсларда ишлатилмайди, фақат конкрет предметларни англатувчи сўз билан бирикиб келгандагина III шахсда ишлатилади: *Солнце взойшло. Облако закрыло* каби.

Ўтган замон формасининг кўплиги **-и** тугалмасини қўшиш билан ҳосил қилинади, унинг шакли шахсларда ўзгармайди:

мы  
 вы  
 они

читали

*биз ўқидик*  
*сиз ўқидингиз*  
*улар ўқиди (лар)*

Ўтган замон формаси баъзи феъллардан бошқачароқ ясалиш хусусиятига эга:

а) феълларнинг *нести, везти, ползти, унести, вынести, увезти, привезти, поползти* каби инфинитив шаклидан **-ти** қўшимчасини тушириб қолдириш билан шу сўзларнинг мужской роддаги ўтган замон бирлик формаси ҳосил қилинади: *нес+ти—он нёс (у кўтариб борди), вез+ти—ты вёз (сен тортиб бординг), полз+ти—я полз (мен ўрмаладим)* каби.

Женский ва средний родларнинг бирлик формасида, шунингдек, кўпликда **-л** суффикси ва тегишли тугалма қўшилади: *Женщина нес-л-а. Море унес-л-о. Дети ползли.*

2. Инфинитив шакли **-чь** билан тугаган феъллардан ўтган замон шаклининг ясалиши анча мураккаб. Бирликда ҳозирги замон I шахс негизи мужской род ўтган замон шакли бўлиб келади: *печь: Я пек+у. (Мен пиширяпман).—Я пёк (Мен пиширдим.); беречь: Я берег+у. (Мен асрайман.)—Я берёг (Мен асрадим); помочь: Я помог+у. (Мен ёрдам бераман.)—Я помог. (Мен ёрдам бердим.)*

Женский ва средний родларнинг бирлик формасида, шунингдек, кўпликда **-л** суффикси ва тегишли тугалма қўшилади: *мать пек-л-а (берег-л-а, помог-л-а); солнце пек-л-о, собрание помог-л-о, девушки пек-л-и (берег-л-и, помог-л-и)* каби.

Баъзи феъллардан ўтган замон шакллари ясалганда ҳар хил ўзгаришлар юз беради (бошқача ясалади):

Мужской род	Женский род	Множ. число
<i>нести</i> я ты — нёс (вёз) он	я ты — несла (везла) она	мы вы — несли (везли) они
<i>грести</i> я ты — грёб он	я ты — гребла она	мы вы — гребли они
<i>вести</i> <i>плести</i> я ты — вёл (плёл) он	я ты — вела (плела) она	мы вы — вели (плели) они
<i>идти</i> <i>пойти</i> я ты — шёл (пошёл) он	я ты — шла (пошла) она	мы вы — шли (пошли) они

Бир карра бўладиган ҳаракатни билдирувчи феълларнинг тугалланган турни, одатда, **-ну** суффикси билан ясалади: *крикнуть, толкнуть, махнуть* каби. Бундай феъллардан ўтган замон бирликдаги мужской род шакли ясалганда, уларнинг негизидagi **-ну** суффикси сақланади, баъзиларида эса **-ну** суффикси негиздан тушиб қолади. Феълларнинг бу хилдаги тугалланган тур формаси ўзбек тилида феълнинг аниқ ўтган замон шакли

билан бир сўзининг бирикиб келиши ёки қўшма феъл орқали берилади:

- толкнуть* — он толкнул (она толкнула);
- крикнуть* — он крикнул (она крикнула);
- махнуть* — он махнул (она махнула);
- воздвигнуть* — он воздвиг (она воздвигла);
- привыкнуть* — он привык (она привыкла).

-ну суффиксли феълларнинг тугалланмаган инфинитив формасидан ўтган замон шакли ясалганда **-ну** суффикси тушиб қолади: *гаснуть* — гас (*гасла, гасли*), *зябнуть* — зяб (*зябла, зябли*), *гибнуть* — гиб (*гибла, гибли*) каби.

Шундай қилиб, ўзбек ва рус тилларидаги ўтган замон феъл формалари хилма-хиллиги ва ишлатилиш доираси жиҳатидан бир-биридан анча фарқ қилади.

**Келаси замон (будущее время).** Ўзбек тилида соф келаси замон формаси **-ажак (-яжак)** аффикси билан ясалади. Бу суффикс ўғиз диалектига (хусусан, Хоразм шеvasига) хос бўлиб, ҳозирги адабий тилда кам қўлланилади: *бор-а-жак-миз, бор-ажак-сиз, бор-а-жак, иш-ла-яжак-миз, иш-ла-яжак-сиз, иш-ла-яжак* каби.

Ўзбек тилида келаси замон синтактик ҳодиса бўлиб, асосан, феълнинг ҳозирги-келаси замон формаси билан ифодаланади. Масалан: *Отам колхозда ишлайди. — Отец работает в колхозе* (ҳозирги замон чекланмаган ҳаракат). *Отам эртага тўртинчи бригадада ишлайди. — Отец завтра будет работать в четвертой бригаде* (келаси замон) каби.

Рус тилида эса келаси замоннинг икки формаси бор: тугалланган феъл туридан келаси замоннинг содда формаси, тугалланмаган феъл туридан келаси замоннинг мураккаб формаси ясалади. Келаси замоннинг содда формаси феълларнинг ҳозирги замон формасидек тусланади:

#### Ҳозирги замон

*я иду (говорю)*  
*ты идёшь (говоришь)*  
*он (она) идёт (говорит)*

#### Келаси замон содда шакли

*я пойду (поговорю)*  
*ты пойдёшь (поговоришь)*  
*он (она) пойдёт (поговорит)*

Фақат *дать* ва шу феълнинг ясама шакллари (*сдать, передать, выдать, отдать, раздать* кабилар) бошқача тусланади:

*я дам (отдам, передам)*  
*ты дашь (отдашь, передашь)*  
*он (она) даст (отдаст, передаст)*

Келаси замоннинг мураккаб формаси *быть* ёрдамчи феълни етакчи феълнинг инфинитив формасига бириктириш орқали ясалади. Бундай мураккаб шаклнинг фақат *быть* қисми тусланади, етакчи феъл эса инфинитив формасида қолади:



я буду	}	работать
ты будешь		читать
он (она) будет		беречь
		нести

Ўзбек тилида юриш ҳаракати маъносини ифодалайдиган феълларнинг ҳозирги-келаси замон формаси кўпинча келаси замон маъносини билдириб келади: *кетаман (уйду)*, *келаман (пиду)*, *бораман (пойду)*, *чиқаман (вийду)* каби.

**-ажак (-яжак)** аффикси билан ясаладиган келаси замон формаси ифодалаган маъно рус тилида тугалланган феълларнинг келаси замон содда формаси билан берилади: *боражакман — я пойду (обязательно)*, *боражаксан — ты пойдёшь (обязательно)*, *боражак — он (она) пойдёт (обязательно)* каби.

Ўзбек тилида келаси замон гумон феъли ҳам бор. Бу турдаги феъллар ҳаракатнинг келгусида бўлиш-бўлмаслиги ноаниқ, гумон эканини ифодалайди. Бундай замон формаси **-р (-ар)** аффикси билан ясалган сифатдошга туслувчи аффиксларни қўшиш билан ҳосил бўлади. Бу маъно рус тилида *возможно, может быть* сўзларининг келаси замон формасидаги феъл билан бирикиб келиши орқали берилади: *ёзарман — возможно (может быть)*, *я напишу; ёзарсан — возможно (может быть)*, *ты напишешь; ёзар — возможно (может быть)*, *он (она) напишет* каби.

Ўзбек тилида истак ва мақсадни ифодаловчи келаси замон шакли ҳам бор. Бундай замон формаси феълларнинг дастлабки шаклига **-моқчи** морфемасини ҳамда туслувчи аффиксларни қўшиш билан ясалади:

мен ўқимоқчиман	я хочу (желаю)	}	ушиться
сен ўқимоқчисан	ты хочешь (желаешь)		
у ўқимоқчи	он (она) хочет (желает)		

(Бирликда III шахс туслувчиси кўпинча тушиб қолади.) Рус тилида бу маъно *хотеть* ва *желать* каби сўзларнинг етакчи феълнинг инфинитив формаси билан бирикиб келиши орқали берилади, бунда *хотеть* ва *желать* сўзлари тусланади, етакчи феълнинг инфинитив шакли эса ўзгармайди.

## 16- §. Феъл нисбатлари (Залогги глагола)

Феълларнинг нисбат категорияси ҳаракат субъекти билан объекти орасидаги муносабатни ифодалайди. Ҳаракатнинг объектга бўлган муносабатига қараб феъллар икки катта группага — ўтимли феъллар ва ўтимсиз феълларга бўлинади. Ўтимли феъл ҳаракатнинг предметга тўғридан-тўғри ўтганлигини ифодалайди. Шунинг учун ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ўтимли феъл тушум келишидаги сўзни бошқариб келади. Ўзбек тилида тўлдирувчи (объект) ўтимли феъл кесим олдидан

келиб, кимни?, нимани? сўроқларига жавоб бўлади, жонли ва жонсиз предметларга бефарқ ўлароқ биргина **-ни** аффикси билан шаклланади (тўлдирувчи объект ҳақида умуман фикр юргизилганда баъзан **-ни** аффикси тушиб қолади). Рус тилида тўлдирувчи (объект) феъл кесимдан кейин келади, бунда жонли предмет (объект)ларга нисбатан кого?, жонсиз предметларга нисбатан эса что? сўроғи ишлатилади. Агар тўлдирувчи (объект) жонли предметни ифодаласа ва мужской родга қарашли бўлса, унинг бирлик ва кўпликдаги қаратқич келишик (родительный падеж) ва тушум келишик (винительный падеж) шакллари бир хил бўлади, жонсиз предметларни ифода этган тўлдирувчиларнинг эса бош ва тушум келишик шакллари бир хил бўлади: *Я встретил друга* (кого? вин. п.). — *Мен дўстимни* (кимни? туш. к.) *учратдим. Я живу в доме моего друга* (в доме кого? род. п.). — *Мен дўстимнинг* (кимнинг? қ. к.) *уйида турибман. Ученики уважают своих учителей* (кого? вин. п.). — *Уқувчилар ўз ўқитувчиларини хурмат қилишади.* (кимни? туш. к.). *Мы читали статьи наших учителей* (статьи кого? чьи статьи?). — *Биз ўқитувчиларимизнинг* (кимларнинг? қ. к.) *мақолаларини ўқидик. Журнал и газета* (что? им. п.) *на столе.* — *Журнал ва газета* (нима? б. к.) *столда. Отец читает журнал и газету* (что? вин. п.). — *Отам журнал ва газета* (ни) (нима?, нимани? туш. к.) *ўқияпти. На колхозных полях раскрылся хлопок* (что? им. п.) — *Колхоз далаларида пахта* (нима? б. к.) *очилди. Колхозники собирают хлопок* (что? вин. п.). — *Колхозчилар пахта* (нима? т. к.) *теряпти. Колхоз успешно выполнил годовой план* (что? вин. п.). — *Колхоз йиллик планни* (нимани? т. к.) *муваффақият билан бажарди.*

Ўзбек ва рус тилларида ўтимлилик маъноси лексик йўл билан ҳам, аффиксация йўли билан ҳам ифодаланади: *киймоқ — одевать* (ўзини), *ювмоқ — мыть*, *ўқимоқ — читать*, *ўтказмоқ — проводить*, *кийдирмоқ — одевать* (кимнидир) каби.

Ўтимсиз феъллар ҳаракатнинг объектга ўтмаганлигини билдиради ва тушум келишикдаги сўзни талаб қилмайди. Шунинг учун ўтимсиз феъллар ҳаракат субъекти билан объекти орасидаги муносабатни ифодалай олмайди. Рус тилида ўтимсиз феъллардан нисбат ясалмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳам шунга асосланади. Масалан, юриш ҳаракати маъносини билдирувчи ўтимсиз феъллардан (глаголы движения) рус тилида нисбат ясалмайди. Бу жиҳатдан ўзбек тилининг имконияти кўпроқ: ҳар қандай феълдан нисбат ясалиши мумкин.

Ўзбек тилида бешта феъл нисбати, рус тилида эса учта феъл нисбати бор.

### Аниқ нисбат (Действительный залог)

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ўтимли феъллар аниқ нисбат маъносини ифодалаб, объектга тўғридан-тўғри қаратилган ҳаракатни билдиради: *Вокзалда меҳмонларни кутиб ол-*

дик. — На вокзале мы встретили гостей. Бу мисолда *кутиб олдик (встретили)* феъли ўтимли бўлиб, ҳаракат тўғридан-тўғри объектга — *меҳмонларни (гостей)* сўзига ўтган.

### Мажхуллик нисбати (Страдательный залог)

Мажхуллик нисбатидаги феъл формаси билан ифодаланган ҳаракат, одатда, тўлдирувчи англаган предмет томонидан бажарилиб, эгага ўтади ёки ҳақиқий бажарувчи номаълум бўлади.

Ўзбек тилида мажхуллик нисбати ўтимли феълларга **-л(-ил)**, **-н(-ин)** аффиксларини қўшиш билан ясалади. Шу билан бирга, субъектни англаган сўз кўпинча *томонидан* сўзи билан бирикиб келади. Рус тилида эса мажхуллик нисбати феълнинг аниқ нисбат формасига **-ся(-сь)** суффиксини қўшиш билан ясалади. Мажхуллик нисбатидаги феъл қатнашган гапда ҳаракат объектини англаувчи сўз эга вазифасида келади. Ҳаракат субъектини англаувчи сўз эса творительный келишикда шаклланиб, воситали тўлдирувчи вазифасида келади: *Электростанция ишчилар томонидан қурилмоқда. — Электростанция строится рабочими. Бу металл ўқувчилар томонидан тўпланди. — Этот металл был собран учащимися.*

Ўзбек тилида феъллар мажхуллик нисбатида кам қўлланади.

Ўзбек тилида феълнинг мажхуллик нисбати, одатда, шахсиз гапларнинг кесими бўлиб келади. Рус тилида бунга мос шакл бўлмаганлиги учун, у турли грамматик воситалар билан ифодаланади. Масалан: *Почтага борилди. — Сходили на почту (дословно: Было схижено на почту). Мақсадга эришилди. — Достигли цели (Цель достигнута). Самарқандга мана бу йўлдан борилади. — В Самарканд можно поехать по этой дороге (В Самарканд едут по этой дороге). Кун тартибидаги иккинчи масалага ўтилди. — Перешли ко второму вопросу повестки дня (Было перейдено ко второму вопросу повестки дня)* каби.

### Ўзлик нисбати (Возвратный залог)

Ўзбек тилида феълнинг ўзлик нисбати, асосан, **-н(-ин)**, баъзан **-л(-ил)** аффикслари билан ясалиб, субъект бажарган ҳаракатнинг яна субъектнинг ўзига қайтишини билдиради. Рус тилида ўзлик нисбати **-ся(-сь)** суффикси билан ифодаланади: *юв-ин-моқ — мыть-ся, умывать-ся, кий-ин-моқ — одевать-ся, чўм-ил-моқ — купать-ся, ўйла-н-моқ — задумать-ся* каби.

Рус тилида баъзи бир ҳаракатлар субъектнинг ўзидан четга чиқмайди. Бу маъно ўзбек тилида лексик йўл билан, баъзан **-л(-ил)**, **-н(-ин)** аффикслари ёки **-ш(-иш)** биргалик аффикси билан ясалган феъл формалари орқали берилади: *Машина ос-*

тановилась. — Машина тўхтади. Самолёт приземлился. — Самолёт ерга қўнди. Брат учится в школе. — Укам мактабда ўқийди. Гости торопились. — Меҳмонлар шошилишарди. Больной лечится. — Касал даволанмоқда. Его состояние улучшилось. — Унинг аҳволи яхшиланди каби.

### Биргалик нисбати (Взаимный залог)

Ўзбек тилида феълнинг биргалик нисбати **-ш(-иш)** аффикси билан ясалади. Бунда бир неча субъектнинг биргалашиб қиладиган ҳаракати ёки ҳаракатнинг бир субъектдан иккинчи субъектга (бир-бирига) ўтиб туриши ифодаланади. Шунга кўра феълнинг биргалик нисбати:

1. Биргалашиб, тенг иштирок этиб қилинган ҳаракатни ифодалайди. Биргалик нисбатининг бундай маъносини берадиган морфологик восита рус тилида йўқ, шунинг учун бу маъно феълга *вместе, совместно* сўзларни бириктириш билан берилди: *ишламоқ — ишла + ш + моқ — работать совместно (вместе), чопмоқ — чоп + иш + моқ — бегать вместе (совместно), ўқимоқ — ўқи + ш + моқ (читать совместно, вместе)* каби.

2. Ўзаро бир-бирига ўтадиган ҳаракатни ифодалайди. Биргалик нисбатининг бу маъноси рус тилида биргаликни ифодаловчи феъллар билан берилди: *Меҳмонлар бир-бирлари билан танишиб олишди. — Гости познакомились друг с другом. Тинчлик тарафдорлари бирлашди. — Сторонники мира объединились.*

3. Бошқа субъектга ёрдам учун қилинган ҳаракатни ифодалайди. Рус тилида биргалик нисбатининг бундай маъносини лексик йўл билан ифодаланади: *Қизимиз катта бўлиб қолди, энди онасига ҳовли супуришади, кир ювишади. — Наша дочь стала взрослой, теперь она помогает матери подметать двор, стирать бельё.*

### Орттирма нисбат (Понудительный залог)

Ўзбек тилида ортторма нисбат феъл негизига **-т, -дир (-тир), -гиз (-киз, -ғиз, -қиз), -газ (-ғаз, -қаз), -р (-ар, -ир)** аффиксларини қўшиш билан ясалади. Бундай нисбат ўтимсиз ва ўтимли феъллардан ясашиб, маъноси, қўлланиш доираси билан рус тилидан фарқ қилади.

1. Ўтимсиз феълдан ясалган ортторма нисбат ҳаракатни субъектнинг ўзи бажарганини ифодалайди. Рус тилида ортторма нисбатнинг бундай маъноси, асосан, аниқ нисбатдаги феъл билан берилди:

#### Ўтимсиз феъл

*жўнамоқ — отправиться*  
*келмоқ — приходиться*

#### Орттирма нисбат (ўтимли феъл)

*жўна-т-моқ — отправить*  
*кел-тир-моқ — приносить*

турмоқ — *встать*  
синмоқ — *ломаться*  
севинмоқ — *радоваться*  
пишмоқ — *вариться*  
қайтмоқ — *возвращаться*

тур-газ-моқ — *поднимать*  
син-дир-моқ — *ломать*  
севин-тир-моқ — *радовать*  
пиш-ир-моқ — *варить*  
қайт-ар-моқ — *возвратить*  
(*вернуть*)

2. Утимли феълдан ясалган орттирма нисбат ҳаракатни бевосита иккинчи бир субъект бажарганини билдиради. Рус тилида бу грамматик маъно лексик йўл билан ифодаланади: *ичмоқ — пить, ич-ир-моқ — поить, емоқ — есть, е-дир-моқ — кормить* каби.

## 17- §. Шахссиз феъллар (Безличные глаголы)

Рус тилида субъекти умуман бўлмайдиган, фақат ҳаракатни ифодаловчи феъллар бор. Бундай феъллар англатадиган ҳаракатнинг эгасини контекстдан ҳам топиб бўлмайди. Шахссиз феъллар ҳаракат ва ҳолатни ифодалайди, ҳозирги ва келаси замоннинг содда формасида бўлиб, фақат III шахснинг бирлик шаклида қўлланади, ўтган замонда эса фақат *средний* род формаси ишлатилади: *морозит, не спится, светает, тошило, морозило, не спалось, светало* каби.

Рус тилида шахссиз феъллар қуйидаги маъноларни билдиради. Уларнинг маънолари ўзбек тилида шахсли феъллар орқали берилади:

1. Табиат ҳодисаларини: *Светаёт.* — *Тонг ёриша бошлади. Вечереёт.* — *Кеч кира бошлади. Смеркаётся.* — *Қош қораяпти.*

2. Қишнинг ҳиссиёти ва ҳолатини: *Ему не здоровится.* — *Унинг тоби қочиб турибди (Унинг мазаси йўқ).* *Старухе не спится.* — *Қампирнинг уйқуси келмаяпти. Варьке хочется спать.* — *Варькани уйқу босяпти. Сестру тошило.* — *Синглимнинг кўнгли айниди.*

3. Табиат ҳодисаларининг турли таъсирини: *Отдаёт сыростью.* — *Захнинг ҳиди сезиляпти (Зах ҳиди келяпти).* *Веет весной.* — *Баҳорнинг ҳиди келиб турибди.*

Ўзбек тилида шахссиз феълларнинг бор-йўқлиги ҳали ўрганилмаган. Ўзбек тилида шахссиз гаплар бор бўлиб, уларнинг кесими қуйидаги форма ёки конструкциялар билан ифодаланади:

а) **-б (-иб)** билан ясалган равишдош + бўлади, бўлмайди ёрдамчи феъллари билан: *Ойни этак билан ёпиб бўлмайди;*

б) **-ш (-иш)** билан ясалган ҳаракат номининг жўналиш келишидаги формаси + тўғри келади ёрдамчи феъли билан: *Бу жумбоқни ечишга тўғри келади;*

в) феълларнинг мажҳуллик нисбатигаги шакллари билан: *Эртага қаерга борилади? Шу кўча билан борилса, колхоз идо-*

раси ёнидан чиқилади каби. Шундай қилиб, ўзбек тилида соф шахсиз феъллар йўқ. Шу сабабли шахсиз феълларнинг маъноси, асосан, шахсли феъллар орқали берилади.

## 18-§. Феълларнинг ясалиши (Образование глаголов)

Ўзбек тилида феъллар, асосан, аффиксация ва композиция усуллари билан ясалади.

Аффиксация усули билан феълларнинг ясалишида **-ла, -а, -й (-ай), -р (-ар, -ир), -сира, -и, -лан, -лаш, -ира, -ик** каби аффикслар қатнашади: феъллар, асосан, бошқа сўз туркумларидан (от, сифат, равиш, ундов, мимемалардан) ясалади: *ҳўл-ла, қора-й-моқ, силлиқ-ла, эски-р-моқ, тайёр-ла* (сифатдан), *вижир-ла, ярқ-ира, тақир-ла* (мимемадан); *дод-ла, уф-ла, вой-вой-ла, туф-ла* (ундовдан); *ши-ла, тиш-ла, сув-сира, ош-а, суҳбат-лаш-моқ* (отдан), *секин-ла, кеч-ик-моқ* (равишдан) каби. Булардан ташқари, феъллар, кам бўлса-да, олмошдан (*сен-ла, сиз-ла* каби), сондан (*бир-лаш, икки-лан* каби), модал сўзлардан (*афсус-лан* каби) ҳам ясалиши мумкин.

Аффиксация йўли билан ясалган феълларни феълнинг модал формаларидан фарқ қилиш керак. Одатда, феълнинг ўзидан феълнинг модал формаси ясалади: *сув-сира-моқ* (феъл) — *кул-имсира-моқ* (феълнинг модал формаси), *ярқ-ирамоқ* (феъл) — *турт-килама* (модал форма) каби.

Рус тилида аффиксация йўли билан феълларнинг ясалиши суффикслар ва префикслар ёрдамида бўлади. Бунда қуйидаги суффикслар қатнашади.

1. Отлардан феъл ясашда:

а) **-ова, -ева, -ирова, -изирова, -рова:** *Совет — совет + ова + ть, бесед-а — бесед + ова + ть, гор-е — гор + ева + ть, план — план + ирова + ть, сигнал — сигнал + изирова + ть, рецензи-я — рецензи + рова + ть* каби;

б) **-а, -я, -нича:** *обед + а + ть, ужин + а + ть, мен-а — мен + я + ть, довери-е — довер + я + ть, кустарь — кустар + ни-ча + ть, либераль — либераль + ни-ча + ть* каби;

в) **-и:** *вин-а — вин + и + ть, суд — суд + и + ть, соль — сол + и + ть, вред — вред + и + ть, постель — постел + и + ть* каби;

г) **-е:** *боль — бол + е + ть, свист — свист + е + ть, сирот-а — сирот + е + ть, глаз — глаз + е + ть, жаль — жал + е + ть* каби.

2. Сифатлардан феъл ясашда:

а) **-е:** *красн-ый — красн + е + ть, худ-ой — худ + е + ть, румян-ый — румян + е + ть, бел-ый — бел + е + ть, син-ий — син + е + ть* каби;

б) **-и:** *чёрн-ый — черн + и + ть, бел-ый — бел + и + ть, син-ий — син + и + ть* каби.

Бу хилдаги феълларнинг маъноси ўзбек тилида **-лаш (-ла + ш), -лаштир (-ла + ш + тир)** аффикслари билан ясалган феълларнинг маъносига тўғри келади. Улар баъзан қўшма

фeъллaр ёки бoшқa вoситaлaр oрқaли ھaм бeрилaди: *бeсeдoвaть* — *сuxбaтлaшмoқ*, *сuxбaт* ўткaзмoқ, *сигнaлизирoвaть* — *сигнaл бeрмoқ*, *хaбaр қилмoқ*, *кустaрничaть* — *кoсиблик қилмoқ*, *хунaрмaндчилик қилмoқ*, *болeть* — *кaсaл бўлмoқ*, *oғриб қoлмoқ*, *краснeть* — *қизaрмoқ*, *чeрнить* — *қoрaйтирмoқ* кaби.

Булардaн тaшқaри, рус тилидa турли пристaвкaлaр (oлд қўшимчaлaр) ёрдaмидa ھaм фeъллaр ясaлaди. Ўзбек тилидa фeъл ясовчи oлд қўшимчaлaр йўқ, шунинг учун улaрнинг мaънoлaри лексик йўл билaн бeрилaди:

ходить юрмоқ)	{	<i>в</i> +ходить — <i>входить</i> (кирмоқ)
		<i>вы</i> +ходить — <i>выходить</i> (чиқмоқ)
		<i>у</i> +ходить — <i>уходить</i> (кетмоқ)
		<i>по</i> +ходить — <i>походить</i> (бир оз юрмоқ)
		<i>за</i> +ходить — <i>заходить</i> (кириб турмоқ)
		<i>при</i> +ходить — <i>приходить</i> (келмоқ)
		<i>пере</i> +ходить — <i>переходить</i> (ўтмоқ)
		<i>от</i> +ходить — <i>отходить</i> (узоқлашмоқ)
		<i>под</i> +ходить — <i>подходить</i> (яқинлашмоқ)
		<i>об</i> +ходить — <i>обходить</i> (айланиб чиқмоқ)

Приставкaлaр вoситaсидa ясалган баъзи фeъллaр тугaллaнган тургa айлaниб, фeъл мaъносини бутунлaй ўзгaртирмaй, уни aниқлaштириб, конкретлaштириб бeрaди. Бундaй фeъллaрнинг мaъноси ўзбек тилидa, aсoсaн, лексик йўл билaн ёки қўшмa фeъллaр вa фeълли бирикмaлaр oрқaли бeрилaди. Мaсaлaн: *писать* (ёзмоқ), *выписать* (кўчириб oлмоқ), *записать* (ёзиб oлмоқ), *исписать* (ёзиб тўлдирмоқ), *надписать* (устигa ёзиб қўймоқ), *описать* (тaсвирлaмоқ), *переписать* (қайтaдaн ёзмоқ, қайтa кўчириб ёзмоқ), *подписать* (тaгигa ёзиб қўймоқ, қўл қўймоқ), *приписать* (ёзиб қўшиб қўймоқ), *списать* (кўчириб oлмоқ), *прописать* (уй дaфтaригa ёздирмоқ) кaби.

**Композиция усули.** Бу усулдa икки ёки ундaн oртиқ сўз бирикиб қўшмa фeъл ھoсил қилaди.

Ўзбек тилидa қўшмa фeъллaр oт, сифaт вa бoшқa сўз туркумларининг қилмоқ, *этмоқ*, *айламоқ*, *бўлмоқ*, *бермоқ* кaби ёрдамчи фeъллaр билaн бирикиб кeлишидaн ясaлaди. Рус тилидa ھaм қўшмa фeъллaр кўпинчa oт, сифaт вa бoшқa сўз туркумларининг фeъл билaн бирикиб кeлишидaн ھoсил бўлaди: *У мeни oдaм қилди. — Он мeня сдeлaл чeлoвeкoм. У ўз ишини тaмoм этди. — Он зaкoнчил свою рaбoтy* кaби.

Рус тилидa oт, сифaт, сон вa oлмoшлардaн қўшмa (сoстaвлaн) фeъллaр ясалгaндa, шу сўзлaргa *быть*, *стaть*, *являться*, *кaзaться* кaби фeъллaрдaн бири бирикиб кeлaди. Ўзбек тилидa бундaй қўшмa фeъллaрнинг мaъноси oт, сифaт вa бoшқa сўз туркумларининг эмoқ тўлиқсиз фeълли билaн бирикшидaн ясалган ўтгaн зaмoн шaкли oрқaли ёки *бўлмоқ* фeълли билaн бирикши oрқaли ифoдaлaнaди.

Рус тилида от, сифат ва бошқа сўз туркумларидан ясалган қўшма феъллар ўтган ва келаси замонда қўлланганда, унинг асосий қисми, одатда, творительный келишикда келади. Ҳозирги замонда ёрдамчи феъл ишлатилмайди: *Мой отец был учителем. — Отам ўқитувчи эди. Брат стал агрономом. — Акам агроном бўлди. Ваши ответы были правильными. — Сизнинг жавобларингиз тўғри эди. Его сестра после окончания института будет педагогом. — Унинг синглиси институтни битиргандан кейин педагог бўлади. Ваш отец инженер, а мой — учитель. — Отангиз инженер, меники эса ўқитувчи.*

Ўзбек тилида равишдош билан ёрдамчи феълларнинг бири-киби қўшма феъл ясаши анча маҳсулдордир. Бунда равишдош асосий компонент, ёрдамчи феъл эса кўмакчи компонент ҳисобланади, тусловчилар ҳам шу ёрдамчи компонентга қўшилади. Рус тилида эса бундай қўшма феъллар йўқ, шунинг учун уларнинг маъноси приставкалар ва бошқа воситалар ёрдамида берилади: *ишлаб чиқармоқ — производить, сотиб олмақ — купить, олиб чиқмоқ — вынести, олиб кетмоқ — увезти* каби.

## 19- §. Сифатдош (Причастие)

Сифатдош (причастие) феълнинг махсус формаларидан бўлиб, унинг ўзига хос белги-хусусиятлари бор. Ҳар иккала тилда сифатдошлар феъллик ва сифатлик хусусиятларига эга бўлади.

Ўзбек тилида сифатдош отдан олдин келиб, аниқловчи вазифасини бажаради ҳамда аниқланмиш функциясидаги сўзга битишув йўли билан боғланади: *ўқиган бола, ишлаган киши, гуллаган олма* каби. Рус тилида эса аниқловчи функциясидаги сифатдош ўзи тобе бўлган отга род, сон ва келишикда мослашади. У мослашган отдан олдин ёки кейин келиши мумкин. Мисоллар: *Цветущая яблоня очень красива. Цветущие яблони очень красивы. Студент, сдавший экзамен, учится хорошо. Студентка, сдавшая экзамен, учится хорошо. Мы поздравили студентов, успешно сдавших экзамены* каби. Рус тилида сифатдош обороти аниқловчи сўздан кейин келганда, икки томондан вергул билан ажратилади.

Ўзбек тилида сифатдошнинг аниқ нисбати феъл каби уч замон формасида қўлланади: *ишлаган — ўтган замон, ишлаётган — ҳозирги замон, ишлайдиган — келаси замон* каби.

Рус тилида сифатдошларнинг икки замон формасигина бор: *работающий, пишущий — ҳозирги замон (причастие настоящего времени), работавший, писавший — ўтган замон (причастие прошедшего времени)*. Рус тилида сифатдошларнинг келаси замон формаси йўқ. Ўзбек тилидаги келаси замон сифатдошининг маъноси рус тилида кўпинча ҳозирги замон сифатдоши билан ёки келаси замон феълининг содда формаси билан бери-



лади. Масалан: *оладиган* — берущий, *ишлайдиган* — работающий, *келадиган меҳмон* — гость, который придёт каби.

Сифатдош феълга ўхшаб отнинг тегишли келишикда бўлишни талаб қилади ва уни бошқаради. Мисоллар: *Шеър(ни) ўқиб берган студент адабиёт тўғарагининг азбосидир.* — *Студент, прочитавший стихотворение, является членом литературного кружка. Дарсдан чиққан ўқувчилар уйларига тарқалишди.* — *Ученики, вышедшие с урока, разошлись по домам.*

Биринчи мисолда *ўқиган (читавший)* сифатдоши тушум келишикдаги отни (*шеърни* — *стихотворение*) бошқарса, иккинчи мисолда *чиққан* сифатдоши чқиш келишикдаги отни (*дарсдан*), рус тилида эса, *вышедшие* сифатдоши с предлоги билан келган қаратқич келишикдаги отни (*с урока*) бошқармоқда.

Ҳар иккала тилда сифатдошлар бўлишли ва бўлишсиз формаларга эга. Бўлишсиз форма ўзбек тилида *-ма* аффиксини қўшиш билан, рус тилида эса сифатдош олдидан инкор билдирувчи *не-* юкласини қўллаш билан ясалади. Мисоллар: *Очилган пахталарни тердик.* — *Мы собрали раскрывшийся хлопок. Очилмаган пахтани термаслик керак.* — *Нераскрывшийся хлопок не следует собирать.*

Рус тилидаги сифатдошнинг тугалланган ва тугалланмаган тур (вид) формалари бор. Ўзбек тилида эса бундай тур (вид) категорияси йўқ. Шунинг учун тугалланган сифатдош турининг маъноси ўзбек тилида етакчи феъл+кўмакчи феъл типигаги аналитик формалар билан берилади. Қуйидаги мисолларни солиштиринг:

1) *прочитавший* — *ўқиб чиққан, написавший* — *ёзиб бўлган, решивший* — *ечиб (ҳал қилиб) бўлган, изучивший* — *ўрганиб чиққан каби;*

2) *читавший* — *ўқиган, писавший* — *ёзган, решавший* — *ечган (ҳал қилаётган), изучавший* — *ўрганган.* Бу мисоллардаги русча сифатдошлар тугалланмаган турдаги феъл негиздан ясалганлиги учун уларнинг маъноси ўзбек тилида кўпинча содда феълдан ясалган сифатдошлар билан берилмоқда.

Ўзбек ва рус тилларидаги аниқ сифатдошлар бир қатор грамматик ва семантик хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

Ўзбек тилида аниқ сифатдошларнинг синтактик заифаси рус тилидаги сифатдошларнинг синтактик вазифасига нисбатан анча кенг. Ўзбек тилида отга битишув йўли билан боғланган сифатдош отдан олдин келганда аниқловчи, отдан кейин келганда эса кесим вазифасини бажаради. Кесим вазифасида келган сифатдош аниқ нисбатдаги феълдан ясалади. Рус тилида эса бу шаклдаги сифатдошлар тусланадиган феъл негиздан ясалади ва аниқловчи вазифасини бажаради, одатда, кесим функциясида ишлатилмайди. Қиёс қилинг: *Бу китобни ўқиган бола* — *Мальчик, прочитавший эту книгу;* *Бу китобни бола ўқиган.* — *Мальчик прочитал эту книгу.* Бу ўринда *прочитавший* кесим бўлолмайди.

Рус тилида сифатдошнинг фақат мажҳуллик нисбатидаги формасигина ҳам аниқловчи, ҳам кесим бўлиб кела олади. Уларнинг сифатларда бўлганидек қисқа ва тўлиқ шакллари бор. Шулардан фақат қисқа формасигина кесим бўла олади, тўлиқ формаси эса кесим ўрнида ишлатилмайди.

Ўзбек тилида сифатдошлар феълнинг дастлабки шаклига махсус аффикслар қўшилиши билан ясалади.

Ўзбек тилида ўтган замон сифатдоши **-ган** аффикси билан, ҳозирги замон сифатдоши **-ётган** аффикси билан, келаси замон сифатдоши эса **-диган**, **-р (-ар)**, **-ажак (-яжак)** аффикслари билан ясалади: *кўр+ган*, *ол+аётган*, *кел+адиган*, *оқ+ар*, *бўл+ажак* каби.

Ўзбек тилида сифатдош турли нисбатдаги феъллардан ясалаверади, чунки ўзбек тилида сифатдош ясовчи аффикслар нисбат маъносини ифодаламайди: *эккан*, *сўзлаётган*, *кесадиган*, *ювган* (аниқ нисбат), *экилган*, *экиладиган*, *кесилган*, *кесилаётган*, *ювиладиган* (мажҳуллик нисбати), *ювишган*, *экишган*, *сўзлашган* (биргалик нисбати) каби.

Рус тилида сифатдош ясовчи суффикс замон ва нисбат маъноларини ҳам ифодалайди. Рус тилида сифатдошлар аниқ нисбатда ёки мажҳуллик нисбатида бўлади. Аниқ нисбатдаги сифатдошнинг ўтган замон формаси **-вш** ёки **-ш** суффиксини феълнинг инфинитив ёки ўтган замон негизига қўшиш билан ясалади: *видеть — виде+вший*, *падать — пад+ший* каби. Шу сифатдошнинг ҳозирги замон формаси **-ущ** ёки **-ющ**, **-ащ** ёки **-ящ** суффиксларини феълнинг ҳозирги замон негизига қўшиш билан ҳосил қилинади: *пиш+ут — пиш+ущий*, *говор+ят — говор+ящий* каби.

Мажҳуллик нисбатидаги сифатдошнинг ўтган замон формаси **-ни**, **-ени**, **-т** суффиксларини феълнинг инфинитив ёки ўтган замон негизига қўшиш билан ясалади: *назвать — назва+ни+ый*, *видеть—виде+ни+ый*, *спасти—спас+ени+ый*, *изучил—изуч+ени+ый*, *взять — взя+т+ый*, *открыть — откры+т+ый* каби. Бу суффикслар билан сифатдош ясалганда феъл негизига ҳар хил ўзгаришлар юз беради: *встретить — встреченный*, *возвратить — возвращённый*, *обидеть—обиженный*, *исправить — исправленный* каби. Сифатдошнинг ҳозирги замон формаси **-ем**, **-им** суффиксини феълнинг ҳозирги замон негизига қўшиш билан ясалади: *получать — получаемый*, *видеть — видимый* каби.

Ўзбек тилида сифатдошларнинг тўлиқ ва қисқа формалари йўқ, уларнинг фақатгина ўзгармайдиган шакли мавжуд. Рус тилида мажҳуллик нисбатидаги сифатдошлар икки формада (тўлиқ форма ва қисқа формада) ишлатилади. Русча сифатдошнинг бу икки формаси тугалма билан фарқланиб туради (қисқа формада сифатдош таркибидаги тугалма ва битта **-н** тушиб қолади, тўлиқ формада эса улар сақланади). Тўлиқ формадаги сифатдошлар гапда аниқловчи, қисқа формадаги сифатдошлар эса кесим вазифасида келади:

написанный очерк — Очерк написан.

полученная телеграмма — Телеграмма получена.

выполненное задание — Задание выполнено.

Ўзбек тилида сифатдошлардан феълнинг замон формалари ясалади. Рус тилида сифатдошлар бундай хусусиятга эга эмас.

**Шунинг учун рус тилида замон тушунчаси феълнинг ўтган замон, содда келаси замон формалари ҳамда замонни аниқлаб берувчи бошқа сўзлар орқали берилади:**

Сифатдошларнинг замон формалари	Сифатдошлардан ясалган ўтган замон феъл формалари	Мисоллар	Русчаси
Ўтган замон формаси	1. Яқин ўтган замон 2. Узоқ ўтган замон 3. Ўтган замон такрор формаси 4. Ўтган замон давом формаси	<i>Мен ёзганман</i> <i>Мен ёзган эдим</i> <i>Мен ёзар эдим</i> <i>Ёзайтган эдим</i>	<i>Я писал</i> <i>Я писал</i> (давно когда-то) <i>Я писал</i> (много раз) <i>Я писал</i> (в этот момент продолжал писать)
Келаси замон формаси	1. Қеласи замон гумон формаси 2. Қеласи замон аниқ формаси	<i>Мен борарман</i> <i>Мен боражакман</i>	<i>Я пойду</i> (может быть, возможно) <i>Я пойду</i> (обязательно, безусловно)

Ўзбек ва рус тилларида сифатдошлар сифат ва сон каби отлашиб келади, аммо баъзи хусусиятлари билан ўзаро фарқ қилади:

1. Ўзбек тилида сифатдошлар от ва отлашган сифат каби эгалик қўшимчаларини олади. Рус тилида эса бундай грамматик ҳодиса йўқ: *Отангизни бир кўрганим бор. — Я (когда-то) один раз видел вашего отца.*

2. Отлашган сифатдош ўзбек тилида кўмакчилар билан ҳам кенг қўлланади: *Олганинг билан нима қиласан? — Что ты будешь делать, хотя и возьмёшь? Езганимдан бери... — С тех пор, как я написал... Ўқиганимдан кейин... — После того, как я прочитаю... — Олганинг учун. — Из-за того, что ты взял... каби.*

Сифатдош ўзига қарашли сўзлар (тўлдирувчи ва ҳол) билан бирикиб, ёйиқ ҳолатда кела олади. Ўзбек тилида сифатдош ўзига тобе сўзлар билан биргаликда ёйиқ бўлак вазифасида келади, рус тилида эса бундай ёйиқ ҳолат сифатдош оборотини (причастный оборот) ҳосил қилади.

Ёйиқ сифатдош билан ифодаланган бўлак ўзбек тилида ўзи тобе отдан олдин келади, пауза билан (ёзувда эса вергул билан) ажратилмайди: рус тилида сифатдош обороти ўзи тобе отдан кейин келади ва ундан пауза билан (ёзувда эса вергул билан) ажратилади (гап охирида келганида олд томондан, гап ичида келганида икки томондан). Қуйидаги мисолларни солиштиринг:

1. Педагогик практикадан ўтган студентлар ҳисобот ёзди-лар.

2. Пахта планини бажармаган бирорта ҳам совхоз қолмади.

Студенты, прошедшие педагогическую практику, написали отчёт.

Не осталось ни одного совхоза, не выполнившего план заготовки хлопка.

## 20- §. Равишдош (Деепричастие)

Ҳар икки тилда ҳам равишдош феъл шакли бўлиб, ҳам феъллик, ҳам равишлик белгиларига эга. Равишдошларнинг феъллик хусусиятлари:

а) ўтимли ва ўтимсиз бўлади: *Китобни ўқидим. — Я читал книгу. — китобни ўқиб — читая книгу.*

*Уйдан чиқдик. — Мы вышли из дома. — уйдан чиқиб — выйдя из дома;*

б) тобе сўзни (отни) бошқариб келади (унинг маълум келишида бўлишини талаб қилади): *Ватанни ҳимоя қилиб — зашитив Родину, музикага қизиқиб — интересуюсь музыкой;*

в) нисбат маъноси сақланади.

Ўзбек тилида актив конструкцияда ҳаракатни субъектнинг ўзи бажаради, пассив конструкцияда эса ҳаракат субъектга мансуб бўлса-да, у объект орқали бажарилади. Рус тилида равишдошларнинг мажҳуллик шакли йўқ (ясалмайди), шунинг учун ўзбек тилидаги мажҳуллик нисбатидаги равишдош рус тилида сифатдошнинг мажҳуллик формаси билан ёки феълнинг ўзлик шакли билан, баъзан инфинитив форма ва бошқа грамматик воситалар орқали берилади: *Бошлиқ иш ҳажмини белгилаб, бригадага топширади. — Начальник определив объём работ, дал задание бригаде. — Иш ҳажми белгиланиб, бригадага топширилди. — Объём работы определён и передан бригаде.* Ўзбек тилида ҳамма феъллардан, ҳатто мажҳуллик нисбатидаги феъллардан равишдош ясалади: *ичиб — ичилиб, ҳайдаб — ҳайдалиб, кесиб — кесилиб, чиқиб — чиқилиб* каби.

Ўзбек тилидаги равишдошларнинг рус тилидаги равишдошлардан яна бир фарқи шундаки, улар қўшма феъллар ёки феълнинг аналитик формаларини ясашда актив қатнашади. Бундай пайтда қўшма феъл ёки аналитик форма таркибидаги равишдош ўзгармайди (тусланмайди), ёрдамчи феъл сифатида эса *ўтир, тур, қўй, кўр, бошла, ўт, чиқ, туш, бўл, ол, бер, кел, кет* сўзлари қатнашади. Қўмакчи қисм, одатда, шахс, сон ва замонни инфодалаб келади. Рус тилида бу хилда қўшма феъл ясаш имконияти бўлмагани учун уларнинг маъноси, асосан, феълнинг тугалланган тури билан берилади: *йўлаб кўрамиз — подумаем, айтиб берди — он рассказал, ёза бошладим — я начал писать, эшик очилиб кетди — дверь открылась; У тез-тез*

келиб туради. — Он часто приходит. Колхоз планни бажариб бўлди. — Колхоз выполнил план. Топшириқ кечгача бажарилади. — Задание будет выполнено до вечера каби.

Рус тилида баъзи феълларнинг (бить, пить, ждать, лить, петь, печь, рвать, лечь, шить, жечь, беречь, пахать, резать, сохнуть, гаснуть кабиларнинг) тугалланмаган туридан равишдош ясалмайди. Бу феъллар олд кўмакчилар (приставкалар) билан қўшилиб келгандагина, улардан равишдош ясалishi мумкин: *разбив, выпив, подождав, написав* каби.

Ҳар икки тилда равишдошлар қўшимча ҳаракатни билдириш билан бирга гапда ҳолат, пайт, сабаб, мақсад маъноларини ифодалаб келади:

Ҳолат маъноси: *Уқувчи столда ўтириб, расм солар эди. — Ученик сидя за столом рисовал. Ярадор оқсоқланиб ўрмонга етиб олди. — Раненый прихрамывая добрался до леса.*

Пайт маъноси: *Уйга қайтгач, овқатландим. — Вернувшись домой, покушал.*

Сабаб маъноси: *Эрта туриб ҳамма топшириқларни бажаришга улгурдим. — Встав рано, я успел выполнить все поручения. Студент имтиҳонга пухта тайёрланиб, яхши баҳолар олди. — Студент серьёзно готовившийся к экзаменам, получил хорошие оценки.*

Мақсад маъноси: *Ҳаммамиз бу ерга ишлагани келганмиз. — Все мы приехали сюда, чтобы работать.*

Рус тилида равишдошларнинг тугалланган тури инфинитив ёки ўтган замон негизига **-в ёки -вш** (охирida ундош товуш бор негизларга **-ши**) суффиксларини қўшиш билан ясалади: *проработа+ть (проработа+л) — проработав (проработавши) — ишлаб; взяться (взялся) — взяв (взявшись) — олиб; толкнуть (толкнул) — толкнув (толкнувши) — итариб; открыть (открыл) — открыв (открывши) — очиб; высохнуть (высох) — высохнув (высохши) — қуриб; занести (занёс) — занесиши — келтириб; окрепнуть (окреп) — окрепиши — соғайиб.*

Тугалланмаган равишдошлар эса **-а ёки -я** суффикслари билан ясалади: *работа-ют — работа-я, гуля-ют — гуля-я, нес-ут — нес-я, крич-ать — крич-а, слыш-ать — слыш-а* каби.

Рус тилида ўзлик феълларидан (возвратные глаголы) равишдошлар ясалганда, **-ся (-сь)** суффикси сақланади: *раздеться — раздевшись, умываться — умывшись, заниматься — занимаюсь* ва бошқалар.

Баъзи тугалланган феъллардан **-а (-я)** суффикси билан равишдошлар ясалishi мумкин (суффикс содда келаси замон негизига уланади): *прочт+ут — прочт+я, уйд+ут — уйд+я, закрич+ат — закрича, услыш+ат — услыша* каби.

Ўзбек тилида равишдошнинг рус тилидаги равишдошдан яна бир фарқи шундаки, ўзбек тилида равишдошлардан турли аффикслар орқали бир неча замон шаклларини, ҳатто сифатдош шаклларини яшаш мумкин, **-а ёки -й** аффикси билан ясалган равишдошлардан қуйидаги замон формалари ясалади:

1. Ҳозирги-келаси замон формаси: бор-а-ман (пойду), ишла-й-миз (мы работаем), ёз-а-сиз (напиши-те).

2. Аниқ ҳозирги замон формаси: бора-ётир (пойдет, идет, ходит), келаётиб-ди (идёт сюда), ёз-а-ётирсиз (вы пишете).

3. Сифатдош формалари: ёз-а-диган (пишущий), ишла-й-диган (работающий).

4. **-иб (-б)** аффикси билан ясалган равишдошлардан ўтган замон эшитилганлик формаси: ёз-иб-миз (как будто мы писали), кел-иб-сиз (будто вы пришли); ёзиб бераман — напишу (для кого-то), келмай қолди — не пришёл, ўқиб кўр — почти каби.

Икки тилдаги равишдошларнинг синтактик функциясида ҳам айрим тафовутлар мавжуд. Ўзбек тилида равишдош қўшма гапда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади: *Институтда ўқиш тугагач, у дам олгани қишлоққа кетди каби.*

Рус тилида эса равишдошлар гапда қўшимча ҳаракатни ифодалайди: *Зрители стоя аплодировали артистам. Гости побывав в историческом музее, ознакомились с историей нашего народа каби.*

Ўзбек тилидаги баъзи равишдошлар рус тилида маълум келишикдаги от орқали берилиши мумкин: *Баҳор келгач, дала ишлари жонланди.— С приходом весны оживились полевые работы.*

Ҳар икки тилда ўзига қарашли сўзлар билан бирикиб келган ва бошқа гап бўлакларидан ажратиб ишлатилган равишдош гапда равишдош оборотини (деепричастный оборот) ҳосил қилади. Равишдош обороти бир бутун синтактик бирикма сифатида кўпинча феъл кесимга эргашади, унда ифода этилган ҳаракатни изоҳлайди. Мисоллар:

#### Ўзбек тилида

#### Рус тилида

1. Булар гап билан бўлиб, хийла орқада қолиб кетишди. *Эти, увлекшись разговором, сильно отстали.*  
(А. Қаҳҳор.)

2. Институтни битиргач, биз қишлоқ мактабларига ишга борамиз. *Окончив институт, мы поедем на работу в сельские школы.*

Ўзбек тилида равишдош ясовчи қуйндаги аффикслар ҳам бор: а) **-гач, -қач, -қач:** келгач, ёзгач, эккач, чиққач; б) **-гани, -кани, -қани:** ўқигани, эккани, чиққани; в) **-гунча, -кунча, -кунча:** келгунча, эккунча, чиққунча каби.

Ўзбек тилидаги бундай равишдошларнинг маъноси рус тилида, одатда, феълнинг ўтган ёки келаси замон шакллари ҳамда бошқа грамматик воситалар орқали берилади: *Ишларни битиргач, дам оламиз.— Как только закончим работу, будем отдыхать. Қўнғироқ чалингач, студентлар аудиторияга кириши шарт.— Как только прозвенит звонок, студенты должны войти в аудиторию. Дўстим Москвага ўқигани кетди.— Мой друг*

ухал в Москву, чтобы учиться. Болалар касал онасини кўргани келишди.— Дети пришли, чтобы навестить свою больную мать. Қиш киргунча, колхозчилар йиғим-теримни тамом қилишди.— Колхозники закончили уборку до наступления зимы.

Ўзбек тилида равишдошларнинг бўлишсиз формалари **-ма, -май, -масдан** аффикслари орқали ясалади: *ёзиб — ёзмай (ёзмасдан), ўқиб — ўқимай (ўқимасдан), келгач — келмагач, ўқигани — ўқимагани, чиққунча — чиқмагунча* каби. Рус тилида равишдошларнинг бўлишсиз шакли, одатда, равишдош олдидан не юкламасини қўшиш билан ясалади: *Икром топиширқни бажармай (бажармасдан) уйга жўнаб кетди.— Икром не выполнив задания, уехал домой. Уғлим овқат емай, ухлаб қолибди.— Сын мой не покушав, заснул.*

Равишдошларнинг бошқа шакллари рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам кўпинча қўшма гап составида қўлланади: *Колхоз раиси келмагунча, мажлисни очишмади.— Пока председатель колхоза не пришёл, собрание не открыли.*

## 21- §. Равиш (Наречие)

Равиш ҳаракат ва ҳолатнинг белгисини ёки белгининг белгисини кўрсатувчи сўз туркумидир. Равишлар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам кўпинча феълга боғланиб, ҳаракатнинг бажарилишидаги турли хил белги ва ҳолатни англатади; гапда ҳол вазифасида келади:

### Ўзбек тилида

1. *Эртага ҳаво очиқ бўлади. (А. Қаҳҳор.)*

2. *Об-ҳаво бирданига ўзгарди.*

3. *Жомий уни эшикка қадар кузатиб, дўстона хайрлашиб қолди. (Ойбек.)*

### Рус тилида

*Завтра будет ясный день.*

*Погода внезапно изменилась.*

*Джами проводил его до дверей и дружески простился с ним.*

Юқорида келтирилган мисолларда *эртага (завтра)* ҳаракатнинг пайтини, *дўстона (дружески)* ҳаракатнинг ҳолатини, *бирданига (внезапно)* ҳаракатнинг қай тарзда бўлганини билдириб келган. Ҳар икки тилда равишлар гапда кўпинча феълга боғланиб келади: *Маҳмуд кеч келди.— Маҳмуд поздно пришёл. Биз бирга ўқиймиз.— Мы учимся вместе.*

Рус тилида равишлар ўзгармайдиган сўз туркуми бўлиб, уларга ҳеч қандай қўшимча қўшилмайди. Ўзбек тилида эса баъзи равишларга турли аффиксларни қўшиш мумкин: *бу ерда — здесь, у ерда — там, у ерга — туда, у ердан — оттуда, эртагачи — до завтра, эртадан — с завтрашнего дня, эртани — завтрашний день: Эртани қўй, бугун тамом қиламиз.— Оставь разговоры о завтрашнем дне, закончим сегодня.*

Рашишлар баъзан сифатга боғланиб келади ва белгининг белгисини англатади.

**Ўзбек тилида**

1. Бу жуда яхши китоб.
2. Ленинград — гоят гўзал шаҳар.
3. Бу хабар қисман тўғри.

**Рус тилида**

- Это очень хорошая книга.  
Ленинград — весьма красивый город.  
Эта весть частично правильна.

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам рашишлар англатган маъносига кўра қуйидаги турларга бўлинади:

**1. Ҳолат рашишлари (наречия образа действия):** аста, секин — медленно, тихо; тез, дарров, дарҳол — быстро, немедленно; аранг, зўрға — еле-эле; тўсатдан — вдруг; қўққисдан, беҳосдан — внезапно; бирга — вместе, совместно; дўстона — дружески каби. Ҳолат рашишлари қандай?, нечун?, қайтарадда? сўроқларига жавоб бўлади.

**2. Урин рашишлари (наречия места):** олдинга, олға — вперёд; нарига, у ерга — туда; у ёққа, бу ёққа — туда и сюда; бу ерда, шу ерда — здесь; бу ердан, шу ердан — отсюда; ҳар ерда, ҳар қаерда — везде, всюду; аллақаерга — куда-то; аллақаерда — где-то; аллақаердан — откуда-то каби. Бундай рашишлар қаерда?, қаерга?, қаердан? сўроқларига жавоб бўлади.

**3. Пайт рашишлари (наречия времени):** ҳозир — сейчас; бу-гун — сегодня; энди — теперь; кеча — вчера; эртага — завтра; доим, ҳар вақт, ҳаммиша — всегда; олдин, аввал — сначала, сперва; кейин, сўнгера — потом, затем каби. Пайт рашишлари қачон?, қайвақт?, қачонгача?, қачондан? сўроқларига жавоб бўлади.

**4. Сабаб ва мақсад рашишлари (наречия причины и цели):** ноилож, ноиложликдан, чорасизликдан — невольно, поневоле; атайин, атайлаб — нарочно; қасддан — назло каби.

**5. Миқдор-даража рашишлари (наречия меры, степени):** — яна, тагин — ещё; оз, кам, пича, оз-моз — мало, немного; кўп, мўл — много; қисман — частично; жуда, гоят, энг — очень, весьма, вполне, сал-пал — чуть-чуть; ҳаддан ташқари — чересчур, слишком каби. Бу рашишлар қанча?, қайдаражада? сўроқларига жавоб бўлади.

Ўзбек тилида ҳолат рашишларининг кўпчилигида формал кўрсаткич йўқ. Рашишлар, асосан, ҳаракатнинг белгисини билдириб, гапда ҳол бўлиб келади: У тез юрди. Мен кўп ишладим каби. Аммо рашишлар баъзан отга боғланиб, гапда аниқловчи бўлиши ҳам мумкин: У тез одам. Ҳозирги вақтда кўп мутахассислар олий маълумотга эга.

Рус тилида ҳолат рашишларининг -о, -е, -и каби формал кўрсаткичи бор, улар шу кўрсаткичлари билан сифатдан фарқланиб туради: хороший (сифат) — хорошо (равиш), красивый (сифат) — красиво (равиш), искренный (сифат) — искренне (равиш), русский (сифат) — по-русски (равиш) каби.



Ўзбек тилида ўрин равишларининг баъзилари жўналиш, ўрин-пайт, чиқиш келишқларидаги отнинг кўрсатиш олмошлари ёки ҳар сўзи билан бириктириш орқали шаклланади (*қуйида, тубанда* кабилар бундан мустасно). Рус тилидаги ўрин равишларида бундай ҳолат кўринмайди — ўрин маъноси ўзгармас формадаги махсус равишлар орқали ифодаланади: Мисолларни солиштиринг: *бу ерда — здесь, бу ерга — сюда, бу ердан — отсюда, ҳар ерда — везде, ҳар ерга — всюду, у ерда — там, у ерга — туда* каби.

Рус тилида *дважды, трижды* каби миқдор равишлари (нареция меры) бор. Ўзбек тилида бу хил равишлар йўқ, шу сабабли унинг маъноси саноқ сонга *марта, карра* каби нумератив сўзларни бириктириш билан ифодаланади: *дважды — икки марта, икки карра; трижды — уч марта, уч карра* каби.

Ўзбек тилида равишлар, асосан, морфологик ва синтактик йўл билан ясалади.

Морфологик йўл (ёки аффиксация йўли) билан равишлар махсус аффикслар ёрдамида ясалади. Бу аффиксларнинг асосийлари қуйидагилар:

**-ча, -ларча:** *янгича (по-новому), қаҳрамонларча (героически);*

**-лаб:** *яхшилаб (хорошенько), эрталаб (утром);*

**-она:** *мардона (мужественно), қаҳрамонона (героически);*

**-ан:** *асосан (в основном), тахминан (приблизительно).*

Синтактик ва композицион йўллар билан ясалган равишлар, одатда, икки сўзнинг (кўпинча олмош билан отнинг) бирикувидан ҳосил бўлади: *бу ерда, шу ерда, ўша ёққа, ҳеч қачон, ҳамма вақт.*

Рус тилида равишларнинг ясалиши қуйидагича:

1. **-о, -е, -ски** суффикслари билан: *высоко, горячо, искренне, дружески.*

2. **по-** приставкаси ҳамда **-о, -ски,** суффикслари орқали: *помесляно, поочередно, по-братски, по-узбекски.*

3. Турли келишқдаги сўзларга **в-, на-, до-, с-, из-, от-, по-, под-, к-** предлогларининг қўшилиб бир сўзга айланиши билан: *вплотную, направо, заново, досыта, сверху, издали, отчасти, пополам, подчас, кряду.*

Мисоллардан кўринаднки, рус тилида равишларнинг ясалишида олд қўшимчаларнинг (приставкаларнинг) роли катта.

Рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам баъзи сўзларнинг келишқ формалари ёки бошқа грамматик формалари қотиб қолишидан (ўзгармас ҳолга келишидан) равишлар ясалиши мумкин. Хусусан, рус тилидаги *летом, весной, осенью, зимой, утром, вечером, ночью, босиком, вчера, днём* каби равишлар, ўзбек тилидаги *эрталаб, кечқурун, кундузи, кечаси* каби равишлар шу йўл билан юзага келган, аммо бундай равишлар ўзбек тилида кам учрайди.

Ҳар икки тилда айрим равишлар қиёсий даража формасида кела олади: *тез — быстро, секин — медленно, тихо* (оддий да-

ража); тезроқ — быстрее, секинроқ — медленнее (қиёсий даража) каби.

Рус тилида шахсиз гапларнинг кесими вазифасида келувчи махсус равишлар ҳам бўлиб, уларга *холодно, тепло, радостно, весело, трудно, стыдно, темно, тесно, можно, нельзя, пора, поздно* кабилар киради. Ўзбек тилида бундай равишларнинг маъноси турли лексик ва синтактик воситалар ёки ҳатто шахсли гаплар орқали берилади: *Сегодня тепло. — Бугун иссиқ. Здесь всем радостно. — Бу ерда ҳамма шоду хуррам. В вашей комнате светло и тепло. — Хонагиз ёруғ ва иссиқ. Вам пора ехать. — Сизнинг жўнайдиган вақтингиз келди. Здесь курить нельзя. — Бу ерда чекиш мумкин эмас.*

Рус тилида кесим ўрнида келувчи равишлар ҳозирги, ўтган ва келаси замонда қўлланиши мумкин. Ҳозирги замон формаси ҳеч қандай боғловчисиз қўлланади: *Сегодня холодно (Бугун совуқ). Во дворе шумно (Ҳовлида шовқин-сурон). Гостям скучно (Меҳмонлар зерикапти)* каби.

Ўтган замон формаси *быть* феълнинг *было* шакли билан бирикиб келади: *Вчера было тепло (Кеча иссиқ эди). Пионерам в лагере было весело (Пионерлар лагерда қувнаб дам олдилар).* Келаси замон формаси эса *будет* феълнинг *будет* шакли билан қўлланади: *Завтра будет холодно (Эртага совуқ бўлади). Перед взрослыми тебе будет стыдно (Катталар олдида уялиб қоласан)* каби.

Рус тилида бўлишсиз (инкор) равишлар *ни* юклаганни *где, куда, откуда, когда, сколько* каби сўзларга қўшиш билан ясалади: *нигде, никуда, ниоткуда, никогда.* Буларнинг маънолари ўзбек тилида *қаерда, қаерга, қаердан, қачон* сўзлари олдида *ҳеч* сўзини келтириш билан ифодаланади: *ҳеч қаерда, ҳеч қаерга, ҳеч қаердан, ҳеч қачон* каби.

Рус тилида бўлишсиз равишлар гап составида *не* бўлишсиз юклаганни билан қўлланган феълга боғланади: *Мой отец нигде не был. — Отам ҳеч қаерда бўлмаган. Дети никуда не ходили. — Болалар ҳеч қаерга бормади. Карим ниоткуда не получает писем. — Карим ҳеч қаердан хат олмаяпти. Мы никогда не видели такого интересного фильма. — Биз ҳеч қачон бундай қизиқ фильмни кўрмаган эдик.*

Рус тилида бўлишсиз равишлар *не* юклаганни билан ҳам яслиб баъзи бир сабабларга кўра ҳаракатнинг бўлмаслигини, амалга ошмаслигини ифодалайди. Бундай бўлишсиз равишлар шахсиз гапларда ишлатилади. *Ни билан не* функциясини солиштириб кўринг: *Путешественники нигде не остановились. — Путешественникам негде было остановиться. Дети никуда не ходили. — Детям некуда было ходить. Он ниоткуда не ждал помощи. — Ему неоткуда было ждать помощи.*

Ўзбек тилида бундай бўлишсиз равишларни морфологик йўл билан ифодалаш имкони йўқ. Шунинг учун уларнинг маънолари синтактик усул орқали ифодаланади: *Путешественникам негде было остановиться. — Саёҳатчиларнинг тўхтайдиган*

*жойи йўқ эди. Детям некуда было ходить. — Болаларнинг бо-  
радиган жойи йўқ эди. Ему неоткуда ждать помощи. — У ҳеч  
қардан ёрдам кутмасди. Некогда пойти в кино. — Кинога бо-  
ришга вақт йўқ каби.*

Шундай қилиб, ўзбек ва рус тилларида равишлар ясалиш ва қўлланиш хусусиятлари билан бир-биридан анча фарқ қилади.

## 22- §. Кўмакчилар (Послелогои и предлоги)

Ўзбек тилида ёрдамчи сўзлар — кўмакчилар отга ёки от-лашган сўзга боғланиб, уларнинг гапда бошқа бўлақлар билан турли муносабатини ифодалайди. Кўмакчининг ўзи алоҳида гап бўлаги бўлмайди, боғланиб келган сўз билан биргаликда гапнинг бирор бўлаги вазифасида келади.

Ўзбек тилидаги кўмакчилар билан рус тилидаги предлогларнинг фарқи уларнинг ўзи боғланган сўздан олдин ёки кейин келишидадир. Ўзбек тилида кўмакчилар ўзи боғланган сўздан кейин келади. Рус тилидаги предлоглар эса ўзи боғланган сўздан олдин келади.

Ўзбек тилида кўмакчилар икки гурпуага бирлашади: 1) соф кўмакчилар; 2) от кўмакчилар.

Соф кўмакчиларга *учун, билан, қадар, узра, сайин, сари* кўмакчилари киради. Бу тур кўмакчилар бирор аффиксни олиб ўзгармайди. Шу жиҳатдан улар рус тилидаги предлогларга ўхшайди.

Ўзбек тилида кўмакчилар қаторига кировчи от кўмакчилар ўз моҳияти билан соф кўмакчилардан фарқ қилади. Булар асли ўрин-жой маъносини англатувчи отлар бўлиб, эгалик аффикси ва ўрин келишиклари аффиксларидан бири билан келганида кўмакчи отга айланади: *ичида, орқасига, ёнидан, ҳақида, қаршисида, олдида, томонидан, ўртасида, тепасига, остидан* каби. Бундай сўзлар ўз лексик маъносини озми-кўпми сақлайди.

Кўмакчилар билан предлогларнинг ўзига хос хусусияти — уларнинг маълум келишикдаги сўз билан боғланиб келишида кўринади.

Ўзбек тилида *билан, учун, сайин, орқали, сингари, сари, бўйлаб, узра, томон* каби кўмакчилар бош келишикдаги сўз билан; *қарши, кўра, қараб, қадар, қараганда, яраша* кабилар, одатда, жўналиш келишикдаги сўз билан; *аввал, илгари, бурун, кейин, бошқа, бери, буён, ташқари* кабилар чиқиш келишикдаги сўз билан; от, сифат ва бошқа сўз туркумларидан ажралиб чиққан кўмакчилар белгили ва белгисиз қаратқич келишикдаги сўз билан боғланиб келади: *Йўлчи учун бу қиз бегона эмас. (Ойбек.) Кўчалар қип-қизил алвонлар билан безатилган. Туристлар қирғоқ бўйлаб борар эдилар. Урушга қадар мен заводда ишлар эдим. Ҳар ким қобилиятига қараб ишлаши керак. Ишдан кейин дам оламиз. Биз у билан байрамдан илгари учрашган эдик.*

Уктам онасининг қошига бориб, ранжиган товуш билан сўради. (Ойбек.) Доктор менинг олдимда касалнинг кўкрагига трубкасини қўйиб, юрагига қулоқ солиб кўрди. (П. Турсун.)

Рус тилида предлоглар ҳеч ўзгармайди. Бош келишикдаги сўзлар предлогсиз бўлади. Қолган ҳамма келишикдаги сўзлар ўзига хос предлоглари билан бирикиб келиши мумкин. Масалан: *из, от, для, ради, у, без, около, возле, среди, кроме, из-за, из-под* каби предлоглар қаратқич келишикдаги; *к* жўналиш келишикдаги; *про, через, сквозь* кабилар тушум келишикдаги; *о, при* кабилар предложный келишикдаги сўзлар билан бирикиб келади. Баъзи бир предлоглар икки ва уч келишикдаги сўзлар билан бирикиб келади, чунончи; *в, о (об)* — тушум (винительный) ва предложный келишиклар билан; *за, под* — тушум ва творительный келишиклар билан; *по* — жўналиш, тушум ва предложный келишиклар билан, *с* — қаратқич, тушум ва творительный келишиклар билан. Ўзбек тилида кўмакчилар билан, рус тилида эса предлоглар билан бирикиб келган келишикларнинг функциялари ўзaro мос келиши ҳам, мос келмаслиги ҳам мумкин. Масалан: *Для строительства* (қаратқич к.) *привезли кирпич и доски.* — *Қурилиш* (бош к.) *учун гишт ва тахта келтирилди. Сочинение было написано без ошибок* (қаратқич к.). — *Иниш хатосиз* (бош к. + *-сиз* аффикси) *ёзилган эди. Гости приехали из Афганистана* (қаратқич к.). — *Меҳмонлар Афғонистондан* (чиқиш к.) *келишди. Вам горячий привет от друзей* (қаратқич к.). — *Дўстлардан* (чиқиш к.) *сизга салом. Около завода* (қаратқич к.) *есть магазин.* — *Завод* (бош к.) *ёнида магазин бор. Среди учеников* (қаратқич к.) *много отличников.* — *Уқувчилар* (қаратқич к.) *орасида аълочилар кўп. Идите к Салиму* (жўналиш к.) — *Салим* (қаратқич к.) *ҳузурига боринг. Весть о появлении* (предлож. к.) *Пугачёва* *разнеслась по крепости* (дат. к.) (А. С. Пушкин.) — *Пугачёвнинг келиб қолгани ҳақидаги хабар қалъада* (ў-п. к.) *тез тарқалди. Жил старик со своей старухой у самого синего моря.* (А. С. Пушкин.) — *Чол ўз кампири* (бош. к.) *билан кўк денгизнинг ёнгинасида яшар эди.*

Рус тилида ҳам *от, феъл* ва равишлардан ҳосил бўлган предлоглар бор: *перед, путём, среди* (отлардан); *благодаря, спустя* (феъллардан); *около, подобно, близ, согласно* (равишлардан).

Булардан ташқари, мураккаб предлоглар ҳам учрайди: *в течение, в предложение, независимо от, вверх по, по линии* каби. Ўзбек тилида уларнинг функциялари келишиклар ёки турли кўмакчилар ва синтактик воситалар орқали берилади: *Перед отъездом все собрались.* — *Кетиш олдидан ҳамма йиғилди. Согласно сообщению радио.* — *Радиодан берилган хабарга кўра. Близ реки есть пионерский лагерь.* — *Дарё яқинида пионерлар лагери бор. Благодаря помощи друзей построена электростанция.* — *Дўстлар ёрдами билан электростанция қурилди. В течение недели мы всё успели закончить.* — *Бир ҳафта ичида ҳамма ишни битириб олдик.*

## 23- §. Боғловчилар (Союзы)

Боғловчилар ҳам ёрдамчи сўзларнинг бир тури бўлиб, улар ўзбек ва рус тилларида гап бўлақларини ёки қўшма гап қисмларини бир-бирига боғлаб келади. Иккала тилда ҳам улар икки группага бирлашади: а) тенг боғловчилар (соединительные союзы): *ва, лекин, аммо, бироқ, ёки; и, да, но, или, тоже, также* кабилар; б) эргаштирувчи боғловчилар (подчинительные союзы): *чунки, шунинг учун, токи, агар, ...ки; так, как, потому что, чтобы, если* кабилар.

Тенг боғловчилар, ўз навбатида, яна уч кичик группага бўлинади:

### 1. Бириктирувчи боғловчилар (соединительные союзы):

Ўзбек тилида

Рус тилида

*ва, ҳам, ҳамда, на ... , на ... и, да, ни ... , ни, также, тоже*

### 2. Зидловчи боғловчилар (противительные союзы):

*аммо, лекин, бироқ,  
ҳолбуки, балки*

*но, однако, а*

### 3. Айирувчи боғловчилар (разделительные союзы):

*ё, ёки, ёхуд, гоҳ ... , гоҳ, или ... , или ... , либо ... , ли-  
дам ... , дам ... бо, то ... , то ...*

Ўзбек тилида бириктирувчи боғловчилардан энг кўп ишлатиладигани — *ва*, рус тилида эса *и* ёрдамчи сўзидир. Бундай боғловчилар воситаси билан предметлар номма-ном аталиб кўрсатилади: *китоб ва дафтар — книга и тетрадь; Ўйинда катталар ва болалар иштирок этди. — В игре участвовали взрослые и дети.*

Ўзбек тилида *ва* боғловчиси билан боғланиб келган сўзлардаги сон, келишик, эгалик аффикслари ҳар бир сўзга ёки энг кейинги сўзгагина қўшилиб келиши мумкин, рус тилида эса *и* билан боғланиб келган сўзларнинг ҳар қайсиси керакли грамматик шаклда бўлиши шарт. Масалан: *Республикамиз колхозлари ва совхозлари (колхоз ва совхозлари) пахта тайёрлаш плагини бажарди. — Колхозы и совхозы нашей республики выполнили план заготовок хлопка. Сизга ишчилардан ва хизматчилардан (ишчи ва хизматчилардан) салом. — Вам привет от рабочих и служащих.*

Эргаштирувчи боғловчилар қўшма гапдаги эргаш гапни бош гап билан боғлашда хизмат қилади. Бу боғловчилар ўзларининг маънолари ва синтактик вазифаларига кўра қуйидаги группаларга бўлинади:

## Сабаб боғловчилари (причинные союзы):

Ўзбек тилида

Рус тилида

чунки, шунинг учун, шу сабаб-ли

так как, потому что, ибо, от того что, ввиду того что

## Мақсад боғловчилар (целевые союзы):

учун, шунинг учунки, токи. Бундан ташқари, баъзи феъл формалари ҳам мақсад боғловчиси функциясини бажаради.

чтобы, для того чтобы, с тем чтобы

## Шарт боғловчилар (условные союзы):

агар, башарти, ...-чи, мабодо, -ю, -гарчи

если, если бы, ежели, раз, коль (коль скоро)

## Чоғиштирув боғловчилари (сравнительные союзы):

гўё, гўёки

как, как будто, будто, словно

Мисоллар: Алиев ўқитувчининг саволларига жавоб беролмади, чунки ўқитувчи тавсия қилган китобни ўқимаган эди. — Алиев не смог ответить на вопросы преподавателя, так как (потому что) не читал книгу, рекомендованную преподавателем. Агар йил давомида мунтазам ўқиб борсанг, имтиҳонда қийналмайсан. — Если в течение года будешь заниматься систематически, на экзаменах у тебя не будет особых затруднений. Қандайдир овоз эшитилди, гўё кимдир мени чақиргандай бўлди. — Послышался невнятный голос, будто кто-то меня позвал.

Юқоридагилардан ташқари, рус тилида қўшма гап таркибидаги эргаш гапни бош гапга бириктирувчи махсус замон боғловчилари ҳам бор: *когда, как только, лишь только, с тех пор как, пока, едва, только что* каби. Буларнинг маъноси ўзбек тилида *-гач, -ган, -да, -га, -гунча* аффикслари, *-дан + бери* сўзи ва бошқа воситалар орқали берилади. Масалан: *Мы приехали в село, когда взошло солнце. — Офтоб чиққанда (чиққан вақтда, чиққач), биз қишлоққа етиб келдик. Как только приедешь в Москву, дай телеграмму. — Москвага етиб боргач, телеграмма бер. Лишь только взошло солнце, туристы отправились в путь. — Қуёш чиқиши билан туристлар йўлга тушишди. С тех пор как мы приехали, многое изменилось. — Биз келганимиздан бери кўп нарса ўзгарди. Куй железо, пока горячо. — Темирни қизигида бос. Ждите, пока я сам не сообщу об этом. — Бу ҳақда ўзим хабар бермагунимга қадар кутинг.*

## 24- §. Юкламалар (Частицы)

Юкламалар ҳар икки тилда предметлик маъносини йўқотган ёрдамчи сўзлар бўлиб, бутун бир гапга ёки унинг айрим бўлақларига турли қўшимча маъно оттенкаларини қўшади. Юкла-

малар гап бўлаги бўла олмайди: *Қасал онамгина келди. — Только моя больная мать пришла. Сен ҳамма саволларга жавоб бердинг-ку. — Ведь ты ответил на все вопросы. Наҳотки дўстлар тўйга келмайди. — Неужели друзья не придут на свадьбу.*

Ўзбек тилида юкламаларга *-ми, -чи, -а (-я), -ку, -да, -у (-ю), -оқ (-ёқ), -гина (-кина, -қина)* каби аффикслар ҳамда ҳатто, ҳаттоки, ахир, фақат, фақатгина, наҳотки каби сўзлар қиради. Буларнинг маънолари рус тилида *ведь, даже, же, ещё, прямо, уж, просто, только, лишь, лишь только, неужели, именно, ни как, что за, как раз* каби сўзлар орқали берилади. Шунингдек, *-то, -либо, -нибудь* юкламаларининг баъзи олмошлар билан қўшилиб келиши натижасида ҳам айрим юклама тушунчалари ифодаланади. Ўзбек тилида *-ку, -а (-я), -у (-ю), -да* каби аффикс юкламалар дефис билан, қолган аффикс юкламалар эса дефиссиз қўшиб ёзилади. Мисоллар: *Наҳотки у мени танимади? — Неужели он меня не узнал? Сиз ҳатто ўзингизни ҳимоя қилишни ҳам билмайсиз. — Вы даже защищать себя не умеете. (М. Горький.) Мен ҳамма топшириқларни бажардим-ку. — Я ведь все задания выполнил. Бунини сен қилдингми? — Ты ли сделал это?*

Гапга ёки унинг айрим бўлақларига берадиган қўшимча маъно оттенкаларига кўра юкламалар қуйидаги группаларга бўлинади:

Ўзбек тилида

Рус тилида

### Кучайтирув юкламалари (усилительные частицы):

*ҳатто, ҳаттоки, ахир, -ку, даже, даже и, же, ведь, ни: -у(-ю), -оқ(-ёқ), -да:*

*Ҳатто сен ҳам бўлмадинг.*

*Даже и тебя не было.*

*Сен хатни юбординг-ку.*

*Ведь ты отправил письмо.*

*Уртоғим эртагаёқ қайтади.*

*Мой товарищ завтра же вернётся.*

### Чегаралов юкламалари (ограничительные частицы):

*фақат, фақатгина, ...-гина:*

*только, лишь, лишь только:*

*Болалар фақат онасини кутарди.*

*Дети ждали только маму.*

*Синглим фақатгина музикага қизиқади.*

*Сестрёнка увлекается только музыкой.*

### Сўроқ юкламалари (вопросительные частицы):

*-ми, -чи, -а(-я), наҳот, наҳотки:*

*ли, разве, неужели:*

*Ҳамма келдими? Комил-чи?*

*Все ли пришли? А Камил?*

*Наҳотки тушунмадинг?*

*Неужели не понял?*

### Аниқлов юкламалари (определятельные частицы):

*ҳудди, нақ:*

*именно, как раз, точь в точь:*

*Ўғли отасининг ҳудди ўзи.*

*Сын точь в точь похож на папу.*

*Сизга худди шундай приёмник керак. Вам нужен именно такой приёмник.*

Рус тилида яна *не, ни, нет* каби инкор юкламалари (отрицательные частицы) ҳам бор. Бу юкламалар ўрнида ўзбек тилида **-ма** аффикси ҳамда *йўқ, эмас* инкор сўзлари қўлланади:

*Сегодня он не уедет. — Бугун у кетмайди. Это не мои вещи. — Бу нарсалар меники эмас. Нет, я его не люблю. — Йўқ, мен уни севмайман. У меня нет ни минуты свободного времени. — Бир минут ҳам бўли вақтим йўқ.*

## 25- §. Тақлидий сўзлар (Мимема)

Тақлидий сўзлар (мимемалар) ўзбек тили лексик составида анчагина учрайди. Бундай сўзлар турли товушларнинг, ҳаракат ва ҳолатнинг тилдаги шартли образи сифатида пайдо бўлади: *тақ-тақ, тарс-турс, шақ-шақ, дук-дук, шар-шар, чақ-чақ, тарақ-туруқ, лип-лип, йилт-йилт, лоп-лоп, лапанг-лапанг* каби. Бундай тақлидий сўзлардан турли аффикслар воситасида ёки уларни бошқа сўзларга бириктириш билан янги сўзлар ясалади: *тақ-ил-ла-т-моқ, лоп-ил-ла-ш, тар-ил-ла-моқ, қарс-ил-ла-т-моқ, тарс-этмоқ, шақшақа, шаршара* каби.

Рус тилида ҳам тақлидий сўзлар бор, лекин улар жуда кам учрайди: *мяу-мяу, хрю-хрю, дзинь-дзинь, тук-тук* каби. Шунинг учун бундай сўзлар дарсликларда ундовлар билан бирга бериллади. Ўзбек тилидаги тақлидий сўзлар рус тилида, одатда, мустақил сўзлар ёки баъзи мимемалардан ясалган сўзлар орқали бериллади: *Кимдир дарвозани тақ-тақ урди. — Кто-то стучит в ворота. Касал юрагининг дук-дук уриши аниқ эшитиларди. — Было четко слышно, как бьётся сердце больного. Фақат болганинг тарақ-туруқи жим бўлганда, Йўлчи жиддий суҳбатга ўтди. (Ойбек.) — Только когда умолк грохот молотков, Юльчи приступил к серьёзной беседе.*

## 26- §. Модал сўзлар (Модальные слова)

Ҳар икки тилда ҳам модал сўзлар ҳаракатнинг воқеликка муносабатини ёки сўзловчининг ўз нутқида бўлган муносабатини ифодалайди. Модал сўзларга қўйидагилар киряди:

Ўзбек тилида

Рус тилида

*ҳақиқатан, дарҳақиқат, тўғриси, афтидан, демак, эҳтимол, афсус, чамаси, афсуски, сўзсиз, шекилли, балки, ҳуллас, шубҳасиз, албатта* каби.

*действительно, правда, видимо, по-видимому, значит, вероятно, жаль, безусловно, может быть, возможно, кажется, несомненно, конечно и т. д.*

Мисоллар: *Тўғриси, у сизни тушунмади. — Правда, он вас не понял. Афтидан, план эртага бажарилади. — Видимо, завтра*



план будет выполнен. Демак, бу масала ҳал бўлди. — Значит, этот вопрос решен. Дўстинг мени танимади, шекилли. — По-видимому, твой друг не узнал меня. Балки, у бизникига келар. — Возможно (может быть), он придёт к нам. Сўзсиз, бугун топириқни бажарамиз. — Безусловно, задание сегодня выполним.

Бу мисоллардан кўриниб турибдики, ҳар икки тилда модаллик махсус сўзлар (от, феъл ва бошқа сўз туркумлари) орқали ифодаланган. Модал сўзлар ўзгармайди — бу модал сўзларнинг морфологик хусусиятидир. Семантик жиҳатдан модал сўзлар воқеликка муносабатни, яъни тасдиқ, тахмин, гумон каби муносабатларни ифодалайди, аммо гап бўлаги бўла олмайди.

## 27- §. Ундовлар (Междометия)

Ҳар иккала тилда ҳам ундовлар турли туйғу, сезги, ҳис-ҳаяжон ва хитоб кабиларни ифодалайдиган махсус товушлар ва сўзлар билан ифодаланади. Ундовлар гапда бошқа сўзлар билан синтактик жиҳатдан боғланмайди, гап бўлаги бўла олмайди (отлашиш ҳолатлари бундан мустасно). Шунинг учун ундовларнинг маъноси интонация билан боғлиқ.

Ҳар икки тилда кўп учрайдиган ундовлар:

1. Хурсандлик, мамнунлик: қайғу ва хафалик каби руҳий ҳолатни ифодалайди: ўзбек тилида: *ура, о, эҳ, э-э-э, уҳ, уф, вой-вой, оҳ*; рус тилида: *ура, ай-ай-ай, их, ай-да, ах, ой, ух, а, фу* кабилар. Мисоллар: *Эҳ, қандай гўзал манзара! — О, какой красивый вид. Э, яша ҳаммасини бажарибсан! — Ай-да молодец, всё успел сделать. Уф, жуда қийналиб кетдим! — Ох, как я измучился! Ох, дўстим оғир ётиб қолибди. — Эх, друг мой тяжело заболел.*

2. Таажжубни ифодалайди: ўзбек тилида: *бе, оббо, э, эй, ўҳў, ана холос, ҳо*; рус тилида: *ого, бай, ай, вот тебе на: Ана холос, ҳамма кетиб қолибди. — Ого, все ушли. Оббо, сен ҳам шу ердამисан?! — Вот тебе на, и ты здесь?!*

3. Буйруқ-хитобни ифодалайди: а) ўзбек тилида: *ҳой, беҳ-беҳ, пўшт, дирр, чу, пишт, бас* кабилар; б) рус тилида: *эй, цыц, тсс* ва бошқалар: *Хой, ким қичқиряпти? — Эй, кто кричит? Хой, ишчилар, эзилган меҳнатчилар! (Ҳамза.) — Эй, рабочие, эй угнетенные. Жим, бу ерда тўполон қилма! — Цыц, здесь не шуми!*

Рус тилида тақлидий сўзлар ҳам ундовларга киради: *трах, мяу, кукареку, гав-гав, ха-ха-ха* каби. Ўзбек тилидаги каби булардан от, феъл, сифат яшаш мумкин: *Собака с утра гавкает. — Ит эрталабдан вовуллайди. Крестьянин ахнуть не успел, как на него медведь сел. — Деҳқон, вой дейишга ҳам улгурмади, айиқ уни босиб олди.*

Ҳар икки тилда ҳам саломлашиш ва хайрлашишда баъзи бир мустақил сўзлар ундов маъносида ишлатилади: *Салом, азиз дўстлар! — Здравствуйте, дорогие друзья! Хайр, кўришгунча. — До свидания, до встречи.*

## 1-§. Ўзбек ва рус тилларининг умумий синтактик хусусиятлари

(Общие синтаксические особенности узбекского и русского языков)

Маълумки, синтаксис гапларнинг ва гап составидаги сўз бирикмаларининг грамматик хусусиятларини ўрганади.

Ўзбек ва рус тилларида гап деб сўзлар бирикмасидан ёки айрим бир сўздан тузилган, нисбий тугал бир фикр ифодаланган, формал ва интонацион ҳамда грамматик жиҳатдан шакланган элементар нутқ бўлагига айтилади.

Гап грамматик жиҳатдан предикация (кесимлик) категорияси орқали шаклланади. Предикация категориясининг ифодаланишини аниқроқ тасаввур қилиш учун сўз билан гапни ўзаро қиёслаш лозим. Масалан: *Баҳор. Бутун атроф ям-яшил.* Бу мисолларда *баҳор* сўзи ҳам лексик бирлик, ҳам гап бўлиб келган: *баҳор* сўзи лексик бирлик сифатида фасл номини билдириб, номинатив функция бажаради, аммо у юқоридаги мисолда интонация воситасида гапга айланиб, табиат фаслининг ҳозир мавжуд эканлигини, реаллигини ифодалаган, шу билан коммуникатив функция бажарган.

Баъзан сўзлар маълум грамматик категория белгиларини, масалан, феълларнинг замон, майл ва шахс-сон кўрсаткичларини қабул қилиш билан ҳам гапга айланиши мумкин: *Келдим. Ишлаётирмиз. Студентман* (ўзбек тилида); *Получаю. Не ходите. Прочитайте* (рус тилида) каби.

Демак, гапнинг характерли грамматик хусусияти унда предикациянинг (замон, майл, шахс-сон, модаллик кабиларнинг) ҳамда махсус интонациянинг мавжудлигидадир. Шуларсиз гап ҳосил бўлмайди.

Маълумки, гап таркибига кирувчи сўзлар бир-бири билан грамматик жиҳатдан боғлиқ бўлади ва турли синтактик вазифаларни бажаради:

а) эга (подлежащее) ва кесим (сказуемое) вазифасида келган сўзлар ёки сўз бирикмалари гапнинг бош бўлаклари (главные члены предложения) саналади;

б) тўлдирувчи (дополнение), ҳол (обстоятельство) ва аниқловчи (определение) кабилар гапнинг иккинчи даражали бўлақларидир (второстепенные члены предложения).

Эга ва унга эргашиб келган иккинчи даражали бўлақлар эга составини (состав подлежащего), кесим ва унга боғланиб келган иккинчи даражали бўлақлар эса кесим составини (сос-

тав сказуемого) ташкил қилади. Эга ва кесим составидан иборат гаплар икки составли (двосоставные) бўлади, биргина эга ёки биргина кесим составига тенг конструкциялардан таркиб топган гаплар эса бир составли (односоставные) дейилади.

## 2-§. Ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос синтактик хусусиятлари

(Отличительные синтаксические особенности узбекского и русского языков)

Ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос синтактик хусусиятлари асосан қуйидагиларда кўринади:

### 1. Сўз тартибида.

1. Содда гапнинг эгаси ўзбек тилида кесимдан олдин келади: *Зокир ўқийди. Ҳаво иссиқ* каби. Рус тилида ҳам эга кўпинча кесимдан олдин келади: *Иванов учигся. Петров аккуратен* каби. Баъзан эга кесимдан кейин келиши ҳам мумкин: *Пришёл Иванов. Выполнен ли план?* каби. Бу ҳолат логик урғунинг қайси гап бўлагига тушишига боғлиқ.

Маълумки, эга билан кесим алоқаси предикатив алоқа (предикативная связь) дейилади.

2. Аниқловчи. Ўзбек тилида аниқловчи доимо аниқланмишдан олдин келади: *гўзал манзара, катта шаҳар, ўнта қалам* каби. Маълумки, аниқловчи билан аниқланмиш алоқаси атрибутив алоқа (атрибутивная связь) дейилади. Бундай бирикманинг интонацияси ҳам ўзига хос бўлади. Агар атрибутив алоқадаги сўзларнинг ўрни алмаштирилса, бундай сўзлар ўртасидаги грамматик муносабат ва интонация ҳам ўзгаради: атрибутив алоқа предикатив алоқага айланиб, гап ҳосил бўлади. Қиёс қилинг: *гўзал манзара* (атрибутив бирикма) — *Манзара — гўзал* (гап), *катта шаҳар* (атрибутив бирикма) — *Шаҳар катта* (гап), *ўнта қалам* (бирикма) — *Қалам ўнта* (гап) каби.

Рус тилида аниқловчи формасига ва структурасига қараб аниқланмишдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин. Маълумки, рус тилида аниқловчиларнинг аниқланмиш билан мослашадиган ва мослашмайдиган турлари бор. Бундан ташқари, аниқловчи бир сўз билан ёки сўз бирикмаси билан ифодаланган бўлиши ҳам мумкин. Аниқловчиларнинг бундай турлари рус тилида аниқланмишга нисбатан турли ўринда келади. Хусусан:

а) бир сўз билан ифодаланган ҳамда аниқланмиш билан мослашган аниқловчилар аниқланмишдан олдин келади: *красный галстук, пионерская комната, комсомольское собрание, советские люди, для нашего колхоза* каби. Бундай мослашувли бирикмадаги сўзларнинг ўрни алмаштирилганда ҳам (предикатив интонация бўлмаган ҳолда) атрибутив алоқа бузилмайди. Ўзбек тилида бўлганидек ўрин алмашган компонентларнинг

предикатив алоқага киришиб, гап ҳосил қилиши камдан-кам юз беради, чунки рус тилида кўпинча предикатив муносабат сифатнинг қисқа формаси билан ифодаланади: *красивая девушка — девушка красива; красивый парень — парень красив; интересный рассказ — рассказ интересен, сильная команда — команда сильна* каби. Бироқ *команда сильная* типидagi конструкция кам ишлатилади. Демак, рус тилида сифатларнинг тўлиқ формаси, асосан, аниқловчи вазифасида келади, шу сабабдан сифатнинг бу формаси аниқланмишдан кейин келганда ҳам, ўзининг аниқловчилик вазифасини кўпинча сақлаб қолади. Фақат маълум вазиятларда, айниқса интонация ёрдамида отдан кейин келган сифат кесим вазифасида ишлатилади: *Погода хорошая. Девочка умная* каби;

б) воситали келишикдаги, айниқса родительный келишикдаги от билан ифодаланган аниқловчилар одатда аниқланмишдан кейин келади. Бундай отлар мослашмаган аниқловчи вазифасини бажаради: *дворец пионеров, Совет Министров, Министерство просвещения, отдел народного образования, дом на опушке леса* (ўрмон четидаги уй), *человек с бородой* (соқолли киши) каби;

в) сифатдош обороти (причастный оборот) билан ифодаланган аниқловчилар одатда аниқланмишдан кейин келади: *дом, стоящий на берегу* (қирғоқда турган уй); *студенты, работавшие на целине* (қўриқ ерларда ишлаган студентлар); *от рабочих, внесших рационализаторские предложения* (рационализаторлик таклифларини киритган ишчилардан) каби.

Ажратилган сифатловчилар ҳам аниқланмишдан кейин келиши мумкин: *Ночевала тучка золотая на груди утеса-великана. (Лермонтов.) — Олтин булутча улкан қоя бағрида тунар эди.*

Сифатдош обороти билан ифодаланган аниқловчи баъзан аниқланмишдан олдин ҳам келиши мумкин: *полученная сегодня телеграмма* (бугун олинган телеграмма) каби.

**3. Тўлдирувчи ва ҳол.** Тўлдирувчи ўзбек тилида феълдан олдин, рус тилида феълдан кейин келади: *китоб ўқидим — я читал книгу; ўртоғинг билан гапириш — разговаривай с товарищем* каби. Ҳоллар ҳам ўзбек тилида феълдан олдин келади: *эртага келинг, яхши ишладилар* каби. Рус тилида ҳол феълдан олдин ҳам, кейин ҳам келади: *приходите завтра — завтра приходите* (иккинчи мисолда ҳолга алоҳида аҳамият берилгани учун у феълдан олдинга ўтказилган).

Сифатдош ёнида келган тўлдирувчи ва ҳоллар ўзбек тилида доим сифатдошдан олдин, рус тилида эса ундан кейин келади: *кеча акам юборган хат — письмо отправленное братом вчера* каби.

## II. Мослашувда.

Ўзбек тилида рус тилидагидек мунтазам мослашув қонунлари йўқ. Одатда ўзбек тилида (бошқа туркий тилларда бўлган

нидек) кесим эга билан шахс ва сонда мослашади деб ҳисобланади. Бироқ бу хил мослашувда тобе бўлак ҳоким бўлакка нисбатан грамматик жиҳатдан эркинроқ бўлади, бинобарин, ҳоким бўлак тушиб қолганда ҳам, тобе бўлак ўзининг олдинги формасини сақлаб қола олади. Масалан, *Мен олдим* гапида эга (*мен* олмоши) қўлланмаган тақдирда ҳам, кесим (*олдим* сўз формаси) биринчи шахс, бирлик кўрсаткичи билан қўллана олади.

Ўзбек тилида феъллар, шунингдек, от кесимлар ҳам гапда эга вазифасида келган кишилик олмошлари билан шахс ва сонда мувофиқлашади. Бу ҳол рус тилида ҳам бор. Буни ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам мослашув ҳодисасига киритиб бўлмайди. Чунки бунда олмош билан феъллар шахс ва сонда ўзаро мувофиқлашади (координация в лице 'и числе). Мослашувда эса тобе бўлак ҳоким бўлаксиз ўз формасини (сон ва род кўрсаткичинини) мустақил ўзгартира олмайди. Шахс-сон кўрсаткичли феъллар эса (ўзбек тилида шахс-сонда тусланган отлар ҳам) кишилик олмошсиз (айниқса I ва II шахс олмошларисиз) ҳам мустақил ишлатилиши мумкин. Масалан: *мен келаман — я приду, сен борасан — ты поедешь, биз ишлаётимиз — мы работаем, сизлар студентларсиз — вы студенты, улар учрашади(лар) — они встретятся* каби олмошли конструкциялар билан бир қаторда *келаман — приду, борасан — пойдёшь, ишлаётимиз — работаем, учрашди(лар) — встретились* каби олмошсиз конструкциялар ҳам ўзларининг грамматик формасини ва лексик мустақиллигини сақлаган ҳолда ишлатилади. Шунинг учун ҳам кишилик олмоши билан феълнинг грамматик алоқасини ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам ҳақиқий мослашув ҳодисаси деб бўлмайди.

Рус тилида сифат, тартиб сон, олмош ва сифатдошлар отлар билан мослашади. Отларнинг грамматик сон, род ва падеж категориялари билан мослашиш учун сифатсимон сўзлар отларнинг сон, род келишик формасига мослашадиган, ўзгарувчан тугалмаларга эга бўлади.

Рус тилида мослашув, асосан, икки хил бирикмада бўлади: биринчиси — кесимнинг эга билан род, сон ва шахсда мослашуви, иккинчиси — аниқловчининг аниқланмиш от билан род, сон ва келишикда мослашувидир. Рус тилида мослашувнинг тўлиқ ва тўлиқсиз формалари ҳам мавжуд.

Маълумки, рус тилида феълнинг ўтган замон формалари, шунингдек, сифат ва сифатдошнинг қисқа формалари кесим вазифасида келади ва эга функциясида қўлланган отнинг родига, сонига муносиб род ва сон тугалмаларини қабул қилади. Мисоллар: 1. *Отряд получил задание. (Отряд топшириқ олди.)* 2. *Бригада получила задание. (Бригада топшириқ олди.)* 3. *Предприятие получило заказ. (Корхона топшириқ олди.)* Бу уч гапнинг кесимлари *получил, получила, получило* формаларида ҳар бир гапнинг эгасига (*отряд, бригада, предприятие* сўзлари-га) родда мослашган. Агар бу гапларнинг эгалари кўплик фор-

масида келса, уларнинг кесими *получили* формасида (кўпликда) келади: *Отряды получили задание. Бригады получили задание. Предприятия получили заказ. Все планы выполнены. Задания выполнены* каби. Худди шунингдек, сифат ва сифатдошнинг қисқа формалари ҳам эга билан род ва сонда мослашади. Мисоллар: 1. *Воздух чист и прохладен.* (Ҳаво тоза ва салқин.) 2. *Вода чиста и прозрачна.* (Сув тоза ва тиниқ.) 3. *Помещение просторно и чисто.* (Уй кенг ва тоза.) 4. *Комнаты просторны и светлы.* (Хоналар кенг ва ёруғ.) 5. *Магазин открыт.* (Магазин очиқ.) 6. *Библиотека открыта.* (Кутубхона очиқ.) 7. *Бельё выстирано.* (Кийимлар ювилган.)

Сифат, сифатдош, тартиб сон, олмош билан ифодаланган аниқловчилар аниқланмиш от билан род, сон ва келишиқда мослашади. Мисоллар: 1) *чистая вода (тоза сув), в чистой воде (тоза сувда), чистую воду (тоза сувни)*; 2) *чистое полотенце (тоза сочиқ), чистым полотенцем (тоза сочиқ билан)*; 3) *чистые столы (тоза столлар), около чистых столов (тоза столлар ёнида)* каби.

Бу хил боғланиш тўлиқ мослашув деб аталади, чунки бундай боғланишда аниқловчи аниқланмиш билан род, сон ва келишиқда тўлиқ мослашади.

Рус тилида, бундан ташқари, тўлиқсиз мослашув формалари ҳам бор. Масалан, мослашувчи компонентнинг род, сон ва келишиқ кўрсаткичлари аниқланмишнинг ўша грамматик категорияларидан ҳаммасига эмас, балки шулардан бирига ёки иккитасига мос келиши мумкин. Мисоллар: 1. *Карим стал учителем.* (Карим ўқитувчи бўлди.) *Карима стала учительницей.* (Карима ўқитувчи бўлди.) *Сёстры стали учителями.* (Опа-сингиллар ўқитувчи бўлишди.) 2. *Завод был передовым.* (Завод илғор корхона эди.) *Фабрика была передовой.* (Фабрика илғор корхона эди.) *Заводы и фабрики были передовыми.* (Завод ва фабрикалар илғор корхоналар эди.) каби. Бу мисоллардаги кесимларнинг боғламалари (*был, стал, была, стала, были, стали*) эга билан тўлиқ мослашган: уларнинг род, сон ва келишиқлари эгаларнинг (*Карим, Карима, сёстры, завод, фабрика*) род, сон ва келишиқига тўлиқ мослашган. Ўша гаплардаги кесимларнинг етакчи қисми эса (*учителем, учительницей, учителями, передовым, передовой, передовыми* каби сўзлар) эга билан сон ва родда мослашган-у, келишиқда мослашмаган: эга бош келишиқда, улар эса творительный келишиқда келган.

Ўзбек тилида эга билан кесимнинг мослашуви асосан I ва II шахснинг бирлик ва кўplik формаларида аниқ кўринади. III шахснинг бирлигида ҳам бундай мослашув мавжуд. III шахс кўплигида эса кесим кўпинча бирлик формада ишлатилади: *мен ўқидим, сен ўқидинг, у ўқиди, колхозчилар пахта теряпти* каби.

Мослашувнинг рус тилида учрайдиган бошқа турлари ўзбек тилига хос эмас.

### III. Бошқарувда.

Бошқарув ҳодисаси рус тилида ўзбек тилидагига қараганда мураккаброқдир. Ўзбек тилида бошқарув алоқаси, асосан, феъл билан воситали келишиқлардаги от ўртасида бўлади. Масалан, ўтимли феъллар билан бириқиб келган сўзлар тушум келишиқда бўлиши шарт: *китобни ол, ишни бажардим* каби. Бироқ бунда ҳам тушум келишиқ қўшимчаси маълум предмет номига қўшилади. Агар умуман предмет ёки номаълум предмет тўғрисида гапирилса, бундай предмет номи тушум келишиқ қўшимчасисиз қўлланиши (белгисиз бўлиши) мумкин. *Китоб сотиб ол* (маълум бир китобни эмас, умуман китоб сотиб олиш маъносиди).

Бундан ташқари, феъллар билан отлар жўналиш, чиқиш ва ўрни-пайт келишиқларида ҳам бириқиб кела олади, лекин бундай алоқани феъл бошқаруви деб бўлмайди, чунки отнинг қайси воситали келишиқда келиши бутунлай феълга эмас, нутқ вазиятига, гап мазмунининг қайси сўроққа жавоб бўлишига боғлиқдир. Масалан: *Москвага бораман, Москвадан бораман* каби бириқмалардаги жўналиш ва чиқиш келишиқ формалари *бораман* феълга бевосита боғлиқ эмас.

Рус тилидаги бошқарувда эса ҳоким сўз (кўпинча феъл) тобе сўзнинг маълум бир келишиқда, предлогсиз ёки предлогли эргашиб келишини талаб қилади. Масалан, ўтимли феъл отнинг винительный келишиқда бўлишини талаб қилади, бироқ ўтимли феълдан от ясалса, бу хил от билан бириқиб келган иккинчи от винительный келишиқда эмас, родительный келишиқда бўлади. Мисолларни қиёсланг: 1) *отправить письмо, телеграмму* (*хат, телеграмма юбормоқ*) — *отправление телеграммы* (*телеграмманинг юборилиши*); 2) *открыть магазин* (*магазинни очмоқ*) — *открытие магазина* (*магазиннинг очилиши*); 3) *решить задачу* (*масалани ҳал қилмоқ*) — *решение задачи* (*масаланинг ҳал қилиниши*) каби. Демак, ҳар икки тилда бошқарув муносабатининг ўзаро ўхшаш ва фарқли томонлари бор.

Бундан ташқари, рус тилида предлогларнинг айрим гуруплари отларнинг маълум бир воситали келишиқда бўлишини талаб қилади. Масалан, *для, до, от, из* каби предлоглар родительный келишиқдаги от билан келади: *для брата* (*акам учун*), *до города* (*шаҳаргача*), *от друга* (*дўстдан*), *из-за дождя* (*ёмғир бўлгани учун*) каби; *через, про* каби предлоглар билан отларнинг винительный келишиқдаги шакли ишлатилади: *про Ленина* (*Ленин ҳақида*), *через почту* (*почта орқали*) каби. Предлогларнинг отлар билан воситали келишиқларда ишлатилиши рус тили грамматикасида «предлоглар бошқаруви» («предложное управление») деб аталади.

Рус тилида отлар саноқ сонлар билан бириқиб келганда ҳам маълум воситали келишиқда бўлиши шарт: *два, две, оба, обе, три, четыре* сонлари билан ишлатилган отлар родительный

келишикнинг бирлик формасида (*два человека, три рубля, обе женщины, четыре товарища* каби); *пять, шесть* ва ундан ортиқ миқдорни билдирувчи сонлар билан бирикиб келганда эса отлар родительный келишикнинг кўплик формасида (*пять рублей, десять студентов, сто дней, пятьсот часов* каби) ишлатилади. Составли сонларнинг охирида *два, три, четыре* сонлари келганда улар билан бирикиб келган отлар родительный келишикнинг бирлик шаклида, *пять, шесть, семь, восемь, девять* сонлари келганда эса родительный келишикнинг кўплик шаклида ишлатилади: *двадцать два журнала* (йигирма икки журнал), *двадцать три машины* (йигирма уч машина), *двести пятьдесят четыре района* (икки юз эллик тўрт район), *три тысячи шестьсот сорок восемь рублей* (уч минг олти юз қирқ саккиз сўм) каби.

*Много, мало, несколько, сколько, столько* каби равишлар ёки миқдор ва сўроқ олмошлари билан бирикиб келган отлар ҳам родительный келишикда (кўпинча кўплик сон формасида) бўлади: *много людей, сколько времени, несколько месяцев* каби.

Баъзи феъллар ўзига тобе бўлиб келган отларнинг родительный келишикда (*бойся клеветы, добъёмся успехов* каби), баъзи феъллар эса творительный келишикда бўлишини (*пиши карандашом, руби топором* каби) талаб қилади.

Ўзбек тилида бундай феъллар маъносига қараб керакли келишикни ёки бошқа грамматик воситани (масалан, кўмакчили конструкцияларни) талаб қилади: *бойся клеветы — тухмадан қўрқ* (чиқиш келишик); *добъёмся успехов — ютуқларга эришамиз* (жўналиш келишик); *пиши карандашом — қалам билан ёз* (от+кўмакчи), *руби топором — болга билан чоп* (от+кўмакчи) каби.

Сифатнинг қийсий даража формаси билан тўлдирувчи ўзбек тилида чиқиш келишикда, рус тилида эса предлогсиз родительный келишикда келади: 1) *темир сувдан оғир — железо тяжелее воды*; 2) *сув темирдан енгил — вода легче железа* каби.

*Нет, не было, не будет* сўзлари билан бирикиб келган отлар родительный келишикда бўлади. Ўзбек тилида эса бундай пайтда *йўқ* сўзи ёки *бўлмақ* феълнинг бўлишсиз шакли қўлланади: 1) *нет карандаша — қалам йўқ*; 2) *не было времени — вақт бўлмади*; 3) *лекции не будет — лекция бўлмайди* каби.

### 3-§. Сўз бирикмаси ва унинг типлари (Словосочетание и его типы)

Сўз бирикмалари гапнинг структурал элементларидан бири бўлиб, гап таркибида маълум бир вазифани бажариб келгани учун грамматиканинг синтаксис қисмида ўрганилади. Сўз бирикмаларининг ўзига хос лексик маънолари, морфологик ва синтактик хусусиятлари яхши ўрганилгандагина, гапнинг грамматик хусусиятлари аниқроқ очилади. Шу сабабли, кейинги



нилларда сўз бирикмаларини ўрганишга бағишланган кўпгина илмий асарлар пайдо бўлди<sup>1</sup>.

Сўз бирикмаси деб икки ёки ундан ортиқ мустақил лексик маъноли сўзлардан иборат бўлган, гапда маълум бир синтактик вазифани бажарган конструкцияга айтилади. Гапни сўз бирикмасидан фарқлаш лозим. Гапнинг сўз бирикмасидан фарқи шундаки, гап предикация билан ифодаланган, яъни маълум бир фикр англатиш учун махсус ташкил топган коммуникатив конструкциядир. Сўз бирикмаси эса гапнинг бир элементи, муҳим бир қисми сифатида текширилади. У сўзларнинг атрибутив (аниқловчи билан аниқланмиш), объектли (тўлдирувчи билан кесим) ва релятив (ҳол билан кесим) алоқага киришувидан таркиб топиб, асосан номинатив характерда бўлади.

Сўз бирикмаларининг структуралари ва маънолари ҳар хил бўлиб, гапда турли синтактик вазифаларда ишлатилади. Масалан, сўзларнинг ўзаро бирикувидан лексик бирликлар (*қўриқ ер, темир йўл; железная дорога, отдел народного образования* каби), фразеологик бирликлар (*топ ташлади, сел в галюси* каби), икки гап бўлагининг ўзаро алоқасини (масалан, тўлдирувчи билан кесим ёки аниқловчи билан аниқланмиш алоқасини) ифодаловчи синтактик бирикмалар ҳосил бўлади.

Синтактик конструкцияларнинг — сўз бирикмаларининг ўзбек ва рус тилларидаги асосий грамматик хусусиятлари:

Сўз бирикмалари таркибидаги сўзларнинг ўзаро муносабатларига қараб, икки йirik гpуппaга: тенг компонентли ва тобе компонентли бирикмаларга ажратилади. Тенг компонентли сўз бирикмалари (сочиненные словосочетания) гапда уюшиқ бўлакларнинг ўзаро тенг боғланишидан тузилади. Тобе компонентли сўз бирикмалари (подчинённые словосочетания) эса гапда бир сўзнинг иккинчи сўзга тобеланиш (эргашиш) йўли билан боғланиши натижасида ҳосил бўлади.

#### 4- §. Тенг боғланиш йўли билан тузилган сўз бирикмалари

(Словосочетания составленные способом сочинения)

Маълумки, ҳар икки тилда тенг боғланиш йўли билан тузилган бирикма таркибидаги сўзларнинг ҳаммаси бир хил сўроққа жавоб бўлади, бошқа гап бўлагига бир хил муносабатда бўлиб, у билан эргаш бирикма ҳосил қилади. Масалан: *Завод қурилиб бўлди ва ишга туширилди. Петров купил теле-*

<sup>1</sup> Қаранг: Виноградов В. В. Основные принципы русского синтаксиса в «Грамматике русского языка». Известия АН СССР, отд. яз. и л-ры, 1954, вып. 6, стр. 498; Грамматика русского языка: Синтаксис. т. I, ч. 1, Изд. АН СССР, М., 1954, стр. 113—152; Сухотин В. П. Проблема словосочетания в современном русском языке.— В сб.: Вопросы синтаксиса современного русского языка, М., 1950, стр. 127—149; Балакаев М. Б. Основные типы словосочетаний в казахском языке, Изд. АН Каз. ССР, Алма-Ата, 1957 ва бошқалар.

*визор* и *часы*. Бу мисолларда *қурилиб бўлди*, *ишга туширилди* компонентлари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, ўзаро тенг боғланган, иккаласи ҳам бир тарзда *завод* сўзига (эгага) кесим бўлиб келган. Рус тилидаги мисолда ҳам *телевизор* билан *часы* сўзлари бир хил сўроққа жавоб бўлиб, *купил* сўзига (кесимга) бир хилда эргашган.

Компонентлари ўзаро тенг боғланган сўз бирикмасининг қиёсланувчи икки тилда яна қуйидаги умумий хусусиятлари бор:

а) бундай бирикманинг компонентлари санаш интонацияси билан айтилиб, бир турдаги предмет, ҳаракат ёки ҳолатларни ифодалайди: *завод, фабрика ва колхозлар; вода, воздух и солнце; работать, отдыхать и спать* каби;

б) бир компонент иккинчисига қарама-қарши қўйилади: *келди, лекин кўрмади; Карим эмас, Зокир; не учится, а работает; светит, но не греет* каби;

в) икки фактнинг бири ажратилади: *ёз ёки қишда; баланд ёки паст; ты или я; либо музыка, либо техника* каби;

г) предмет ёки ҳодисаларнинг ўрни алмашиб туриши кўрсатилади: *гоҳ ёмғир, гоҳ қор; то холодно, то жарко* каби.

Тенг компонентли сўз бирикмаларининг ҳар икки тил учун умумий бўлган хусусияти бирикма компонентларининг бириктирувчи, айирувчи, зидловчи каби тенг боғловчилар билан боғланишидир (юқоридаги мисолларга қаранг).

Тенг компонентли бирикмаларнинг қиёсланаётган тилларнинг фақат бирига хос бўлган грамматик хусусиятлари қуйидагилар:

1. Ўзбек тилида саналувчи компонентларнинг бир хил қўшимчалари ёки ёрдамчи сўзлари энг сўнгги компонент охирига қўйилади: *китоб, қалам ва дафтарлар; Тошкент, Фарғона ва Термизга; ўқир, ёзар эдик; колхоз ва совхозлар учун* каби. Рус тилида саналувчи компонентларнинг турловчилари (морфологик кўрсаткичлари) ҳар бир компонентда сақланади: *отца и сына, брату и сестре* каби. Ёрдамчи сўзлар (предлог ва кўмакчи феъллар) эса энг биринчи компонент олдида ишлатилади: *от брата и сестры; будет получено и отправлено; хочу работать и учиться* каби.

Ўзбек тилида бир пайтда ёки бирин-кетин юз берган ҳаракатни билдирувчи феъллар саналганда, уларнинг энг кейингиси шахс-сон қўшимчасини қабул қилади ёки кўмакчи феъл билан бирикади, олдинчилари эса равишдош шаклида ишлатилади: *ҳам ўқиб, ҳам ишлабман; бориб олиб келдим; уйларини тозалаб, овқатни пишириб, бошқа уй ишларини қилиб, уйдан тинчиб, кейингина чиқиб кетди*. Албатта, бу хил конструкциядаги сўзларни бир хил формада ҳам ишлатиш мумкин: *борди, олиб келди; уйларни тозалади, овқатни пиширди, бошқа уй ишларини қилди, уйдан тинчиди, кейингина чиқиб кетди* каби. Бироқ саналган, бир-бирига тиркалган сўзларнинг бир хил қўшимча билан қўлланиши ёки ёрдамчи сўзларнинг такрорлана бериши

Ўзбек тилида (умуман туркий тилларда) фақат маълум стилистик талаб билангина бўлиши мумкин.

2. Ўзбек тилида зидловчи боғловчилар боғланаётган компонентларнинг орасида қўлланади, *аммо, эса, бўлса* сўзлари қарама-қарши қўйилган иккинчи компонентдан кейин ишлатилади. Қиёсланг: *Бу ҳодиса бу ерда бундай, у ерда эса бошқачадир. Это здесь так, (а) в другом месте иначе.*

## 5-§. Эргашиш йўли билан тузилган сўз-бирикмалари (Словосочетания, составленные подчинительной связью)

Маълумки, эргашиш йўли билан тузилган сўз бирикмалари икки компонентдан — тобе (подчинённый) ва ҳоким (главный) сўзлардан таркиб топади.

Бундай бирикмалар ҳар икки тилда ҳам икки асосий группага ажратилади: 1) отли бирикмалар (именные словосочетания); 2) феълли бирикмалар (глагольные словосочетания).

Отли бирикмаларнинг ҳоким сўзи от бўлади, феълли бирикмаларнинг ҳоким сўзи эса феъл билан ифодаланади.

**Отли бирикмалар** (именные словосочетания). Отли бирикмалар ўзбек ва рус тилларининг иккаласига ҳам хос. Бунинг қуйидаги кўринишлари бор:

1. **От+от:** ўзбек тилида бундай бирикмаларнинг компонентлари ўзаро қуйидагича бирикади:

а) битишув орқали: *чит кўрпа, ёғоч қошиқ* каби. Бу хил бирикмалардаги аниқловчилар рус тилида материал номини билдирувчи отлардан ясалган нисбий сифатларга тўғри келади: *ситцевое одеяло, деревянная ложка* каби;

б) аниқловчи от белгисиз қаратқич келишиқда бўлиб, аниқланмиш эгалик қўшимчасини олади: *шаҳар совети, Миллатлар совети* каби. Бу хил от бирикмалар рус тилида икки хил бирикмага (от+родительный келишиқдаги от ёки сифат+от бирикмаларига) тўғри келади: *городской совет, Совет Национальностей* каби;

в) белгили қаратқич келишиқдаги от иккинчи бир отга (ҳоким сўзга) эргашади, ҳоким сўз эса эгалик қўшимчаси билан қўлланади: *акамнинг китоби, Маҳмуднинг қалами* каби. Бундай бирикмада қаратқич келишиқда келган от одатда конкрет ёки маълум бир предмет номи бўлади. Улар рус тилидаги имени-тельный келишиқ+родительный келишиқ моделида тузилган бирикмаларга тўғри келади: *книга брата, карандаш Махмуда* каби.

От билан от бирикувидан тузилган сўз бирикмалари туркий тилларда изофа (изафет) деб ҳам юритилади.

Қаратқичли бирикмада иккитадан ортиқ компонентлар ҳам бўлиши мумкин. Бундай пайтда биринчи от иккинчисини, иккинчисини учинчисини ва шу тартибда олдингиси кейингисини аниқлаш йўли билан тизма сўз бирикмаси ҳосил қилади. Бун-

дай тизма бирикмаларнинг энг охирги аниқловчисига қаратқич қўшимчаси қўшилади. Мисолларни қиёсланг: 1) *шаҳар советининг қарори, шаҳар совети қарорининг бажарилиши* каби.

Рус тилида отга от эргашганда, тобе от иккинчи ўринда родительный келишик формасида келади: *страницы журнала (журнал саҳифалари), командир полка (полк командири), стакан воды (бир стакан сув), строительство дороги (йўл қурилиши)* каби. Бундай бирикмалар кўп сўздан таркиб топганда биринчи ўринда келган ҳоким сўздан бошқа барча отлар родительный келишикда бўлиб, бир-бирини аниқлаб келади: *директор школы рабочей молодёжи (ишчи ёшлар мактабининг директори), приказ начальника отдела кадров завода (завод кадрлар бўлими бошлигининг буйруғи)* каби. Бундай кўп компонентли бирикмаларда биринчи от иккинчисига нисбатан аниқланмиш, иккинчиси эса учинчисига нисбатан аниқланмиш бўлиб келади.

2. **Сифат+от:** *яхши китоб, салқин жой* каби.

Рус тилида ҳам сифат аниқловчи бўлиб, кўпинча ҳоким сўз функциясидаги отдан олдин келади, бироқ ўзбек тилида бундай бирикма компонентлари ўзаро битишув орқали боғланса, рус тилида улар сон, род ва келишик категорияларига қараб тугалмаларини мослаштириб келади.

Эслатма: Сифат каби турланувчи сўзлар (тартиб сон, баъзи олмошлар, сифатдошлар) ҳам сифат+от моделидаги сўз бирикмасини ҳосил қилади. Мисоллар:

а) сифат билан ифодаланган аниқловчи: *белый цвет — оқ ранг, белое золото — оқ олтин;*

б) тартиб сон билан ифодаланган аниқловчи: *первый урок — биринчи дарс, пятый дом — бешинчи уй* каби;

в) сифатдош билан ифодаланган аниқловчи: *пишущая машинка — ёзадиган машинка, отправленная телеграмма — юборилган телеграмма* каби;

г) олмош билан ифодаланган аниқловчи: *наш институт — бизнинг институт, такое дело — шундай иш, какие люди — қандай одамлар* каби.

Сифат, тартиб сон, сифатдош, олмош ва сифатсимон сўзлар воситали келишикларда қўлланган от билан ҳам мослашиши мумкин. Масалан:

а) родительный келишикдаги от билан мослашув: *для родного брата (мужской род; бир туғишган акам (ёки укам) учун), для родной сестры (женский род; бир туғишган опам (ёки синглим) учун), от близких друзей (яқин дўстлардан; кўплик сон)* каби;

б) дательный келишикдаги от билан мослашув: *к родному брату (бир туғишган акамнинг олдига), к родной сестре (бир туғишган опамнинг олдига), к родным берегам (униб ўсган қирғоқлар томон)* каби.

3. Ўзбек тилида **сон+от** типдаги сўз бирикмаларининг грамматик формалари сифат+от бирикмасидан принципиал фарқ қилмайди. Шунинг учун қуйида бундай бирикмаларнинг рус тилидаги тафовутли грамматик хусусиятлари устидагина тўхтаб ўтамиз.

Рус тилида санок **сон<sup>1</sup>+от** бирикмасида **сон** именительный

ёки винительный келишикда келганда, от родительный келишикда бўлади. Именительный ёки винительный келишикда келган сон+от бирикмаси *пять рублей (беш сўм), две копейки (икки тийин), три дня (уч кун), четыре студента (тўрт студент)* ажралмас бирикма ҳисобланиб, гапда бир гап бўлаги функциясини бажаради.

Воситали келишикларда сон отнинг келишиги билан мослашиб — турланиб келади: *двух студентов, двум студентам* каби.

Рус тилида сон билан отдан тузилган бирикманинг яна бир хусусияти шундаки, бирикмада сон олдин, от кейин келганда, бирикма аниқ миқдор маъносини ифодалайди; агар от олдин келиб, сон иккинчи ўринда келса, бирикма предметнинг чама миқдори маъносини англатади. Мисолларни солиштиринг: *десять книг — ўнта китоб, книг десять — ўнтача китоб, двадцать рублей — йигирма сўм, рублей двадцать — йигирма сўмча* каби. Мисоллардан кўринадики, ўзбек тилида чама сон маъноси **-ча, -тача** қўшимчалари билан ифодаланган. Маълумки, ўзбек тилида санок сон аниқловчи вазифасини бажарганда, фақат от олдида келади; агар сон отдан кейин келса, атрибутив алоқа бузилиб, предикатив алоқа (эга ва кесим муносабати) юзага келади. Мисолларни солиштиринг: *Галадонда ўнта қалам бор. — Галадонда қалам — ўнта.*

**4. Олмош+от.** Бундай сўз бирикмаларининг грамматик формаси ўзбек тилида сифат билан отдан тузилган бирикмалардан фарқ қилмайди: *бу қалам, у йигит, қандай сўроқ* каби. От ўрнида ишлатиладиган кишилик, сўроқ олмошлари отга эргашганда қаратқич келишикда келади: *менинг костюмим, кимнинг қўли? ниманинг ўртаси* каби (*нима сўзи қандай олмоши маъносида келиб, от билан қаратқичсиз ҳам бирикади: нима масала? (яъни қандай масала?), нима гап? (яъни қандай гап?)*)

Рус тилида кишилик олмоши билан отдан тузилган сўз бирикмалари қуйидаги грамматик хусусиятларга эга:

а) *менинг, сенинг, бизнинг, сизнинг* формасида отга аниқловчи бўлиб эргашувчи кишилик олмошларининг рус тилидаги эквивалентлари бўлган *мой, твой, наш, ваш* каби эгаллик олмошлари аниқланмиш билан род, сон ва келишикда мослашади. Мисолларни солиштиринг: 1) *менинг акам — мой брат, менинг опам — моя сестра, менинг ишим — моё дело, менинг китобларим — мои книги, менинг ўртоғимга — моему товарищу*; 2) *сенинг аканг — твой брат, сенинг опанг — твоя сестра, сенинг ишинг — твоё дело, сенинг қаламларинг — твои карандаши, сенинг ўртоғингга — твоему товарищу*; 3) *бизнинг колхозимиз — наш колхоз, сизнинг бригадангиз — ваша бригада, бизнинг колхозчиларимиз — наши колхозники, сизнинг далаларингиздан — с ваших полей* каби;

<sup>1</sup> *Один* сўзи бундан мустасно.

б) қаратқич келишида (-нинг билан) келган *у* олмоши (унинг, уларнинг шакллари)га рус тилидаги *он, она, оно, они* олмошларининг родительный келишидаги *его, её, их* шакллари тўғри келади: *унинг китоби — его книга, уларнинг уйи — их дом* каби. Рус тилида *унинг* олмоши аёл шахсини кўрсатса, *её* формаси ишлатилади: *её книга, её дом* каби. Шу олмошнинг тўлдирувчи функциясида келадиган формаси аниқловчи бўлиб келадиган *его, её, их* формаларидан фарқ қилади. Қиёсланг: *У его брата есть машина. (Унинг акасида машина бор) — У него есть машина (Унинг машинаси бор)*. Биринчи мисолдаги *его* аниқловчи, иккинчи мисолдаги *у него* эса тўлдирувчи бўлиб келган. Бу олмошлар тўлдирувчи бўлиб, предлог (олд кўмакчи) билан келганда, уларнинг олдига *н* ундоши қўшилади: *для него, от неё, из-за них* каби.

*Бу, шу, ўша* каби олмошлар олдида келиб интонация ёрдамида эга вазифасини бажариши ҳам мумкин. Мисолларни қиёсланг: *бу китоб* (сўз бирикмаси) — *Бу — китоб* (гап), *эта книга* (сўз бирикмаси) — *Это книга* (гап). Рус тилида эга вазифасида келган олмош *это* шаклида ишлатилади: *Это дом. Это квартира. Это полотенце. Это люди* каби.

Рус тилидаги *весь, вся, всё, все* олмошлари билан оддан тузилган сўз бирикмаларининг хусусияти бир хилдир. Бу олмошлар тўплаш маъносини ифодалайди.

*Весь* шакли мужской род отлари, *вся* — женский род отлари, *всё* — средний род отлари олдида ишлатилади: *весь народ, вся страна, всё население* каби; *все* (*всё* эмас) олмоши кўплик сонда келган отлар олдида ишлатилади: *все народы, все страны, все люди, все строители* каби. *Весь, вся, всё* олмошлари эса маъно жиҳатдан предметлар йиғиндиси маъносида бўлса ҳам, грамматик жиҳатдан бирлик сон формасида бўлган отларга боғланиб келади: *весь коллектив проголосовал; весь организм здоров; вся нога опухла; вся работа выполнена; всё поле усеяно цветами* каби. Бирлик ва кўпликда мослашган бу хил сўз бирикмаларини қиёсланг: 1) *весь колхоз — бутун колхоз, все колхозы — барча колхозлар*; 2) *вся страна — бутун мамлакат, все страны — барча мамлакатлар*; 3) *вся река — бутун дарё, все реки — барча дарёлар*; 4) *всё озеро — бутун кўл, все озёра — барча кўллар* каби. Бу мисоллардан кўринадики, *весь, вся, всё* олмошларига ўзбек тилида аниқланмиш вазифасида ишлатилган *ҳамма, барча* каби белгилаш олмошлари ёки *ҳамма жой, ҳамма ер* каби бирикмалар эквивалент бўлиб келади.

*Весь, вся, всё* олмошлари *я, ты, он, она, оно* олмошларидан бири билан, *все* олмоши эса *мы, вы, они* олмошларидан бири билан бирикиб, сўз бирикмаси ҳосил қилиши мумкин. Буларнинг бирлик формалари нутқда камдан-кам ишлатилади. Бу бирикмага ўзбек тилида эгалик қўшимчасини олган бутун бирлик (*бутун борлигим, бутун борлиги* каби иборалар) тўғри келади. *Весь я в твоём распоряжении. — Бутун борлигим сенинг ихтиёрингда* каби.

Все олмошининг *мы, вы* ёки *они* олмошларидан бири билан бирикишидан тузилган бирикмаларга ўзбек тилида ҳамма олмошининг эгалик қўшимчалари билан турланган формаси эквивалент бўлади: *все мы — ҳаммамиз, все вы — ҳаммангиз, все они — ҳаммалари* каби. Баъзан ўзбек тилида буларнинг *биз ҳаммамиз, сиз ҳаммангиз, уларнинг ҳаммаси* каби вариантлари ҳам учрайди.

Бу хил сўз бирикмалари келишиклар билан турланиши ҳам мумкин. Рус тилида бирикманинг иккала компоненти ҳам турланади. Мисолларни қиёсланг: *весь я горю — бутун баданим (аъзоим) ёнмоқда, всего меня знобит — аъзои баданим жунжикиб кетяпти, соберите всех нас — ҳаммамизни тўпланг, всем им сообщите — ҳаммаларига хабар қилинг* каби.

Рус тилида кишилик олмошлари билан белгилаш олмошлари (*сам, сами*) ҳам бирикиб келади. Бу хил бирикмаларга ўзбек тилида *ўз* олмошининг эгалик билан турланган формаси тўғри келади. Мисоллар: *я сам — ўзим ёки мен ўзим, я сама — ўзим ёки мен ўзим; ты сам — ўзинг ёки сен ўзинг, ты сама — ўзинг ёки сен ўзинг* (аёл шахсни билдиради); *он сам — ўзи, у ўзи, унинг ўзи; она сама — ўзи, у ўзи ёки унинг ўзи* (аёл шахсни билдиради); *мы сами — ўзимиз, ўзларимиз; вы сами — ўзингиз, ўзларингиз, сиз ўзингиз, сизлар ўзингиз, сизнинг ўзингиз; они сами — ўзлари, уларнинг ўзи, уларнинг ўзлари* каби.

Рус тилида бу хил бирикмалар турланганда иккала компонент, ўзбек тилида эса фақат аниқланмиш компонент ўзгаради. Мисолларни қиёсланг:

а) им. падеж: *я сам* (м. р.), *я сама* (ж. р.) — *ўзим, мы сами — ўзимиз; ты сам, ты сама — ўзинг; вы сами — ўзингиз; они сами — ўзлари;*

б) род. падеж: *для меня самого* (м. р.), *для меня самой* (ж. р.) — *ўзим учун; для вас самих — ўзингиз учун, от тебя самого, от тебя самой — ўзингдан;*

в) дат. падеж: *мне самому, мне самой — ўзимга; нам самим — ўзимизга; тебе самому, тебе самой — ўзингга* каби.

Рус тилидаги бундай икки компонентли бирикмалар ўзбек тилида кўпинча бир сўз формаси билан берилади.

Рус тилида *чей, чья, чьё, чьи* олмошлари билан ҳам бирикма ҳосил бўлади. Бу хил бирикмаларнинг маъноси ўзбек тилида ким олмошининг қаратқич келишикдаги шакли билан тузилган бирикмалар орқали ифодаланади: *чей карандаш? — кимнинг қалами?, чья ручка? — кимнинг ручкаси?, чьё дело? — кимнинг иши?, чьи тетради? — кимнинг дафтарлари?*

5. **Равиш+от.** Бу типдаги бирикмалар иккала тилда ҳам кам учрайди. Лекин бу типдаги бирикмалар ҳам ҳар иккала тилда ўзига хос грамматик хусусиятга эга. Ўзбек тилида равишлар кўпинча кесим вазифасида келган отларга эргашади: *Хозир студентман, эртага — инженер.* Бу мисолларда равиш отнинг

маълум ҳолатини ифодалаган. Бу ҳодиса рус тилида ҳам бор: *Он сегодня студент, а завтра инженер.*

Рус тилида равишлар баъзан отларнинг хусусияти, ҳолатини билдириб, унинг аниқловчиси бўлиб ҳам келади. Бундай бирикмада равиш одатда отдан кейин келади: *яйцо всмятку, куртки нараспашку, шапки набекрень* каби. Равишларнинг аниқловчи бўлиб келиши ўзбек тилида ҳам учрайди: *кўп одам, кам одам, тез одам* каби.

**6. Сифатдош+от.** Бирикмаларнинг бу типи иккала тилда ҳам сифат+от бирикмасидан деярли фарқ қилмайди: *ҳал қилинган масала — решённый вопрос, ҳал қилувчи йил — решающий год* каби.

Бирикма таркибида сифатдошнинг ўзига эргашган учинчи сўз мавжуд бўлса, бирикмадаги сўз тартиби ўзбек ва рус тилларида турлича бўлади.

Ўзбек тилида сифатдошга эргашган тўлдирувчи ёки ҳоллар сифатдошдан олдин, сифатдош эса аниқланмиш отдан олдин келади: *шаҳардан келган йигит, имтиҳонларни топширган студентлар* каби. Рус тилида эса биринчи ўринда аниқланмиш от, иккинчи ўринда сифатдош, ундан кейин сифатдошни изоҳлаб келувчи тўлдирувчи ёки ҳол келади: *шаҳардан келган йигит — парень, прибывший из города; имтиҳонларни топширган студентлар — студенты, сдавшие экзамены* каби.

Сифатдош, унга эргашган тўлдирувчи ва ҳоллардан иборат бўлган бирикмалар сифатдош обороти (причастный оборот) дейилади.

Маълумки, рус тилида аниқловчи функциясидаги сифатдошлар аниқланмишдан олдин ёки кейин келишидан қатъи назар у билан род, сон ва келишида мослашади. Бу мослашувни қуйидаги мисолларда кузатиш мумкин: *студент, сдавший экзамен (имтиҳон топширган студент); студентка, сдавшая экзамен (имтиҳон топширган студентка); студенты, сдавшие экзамен (имтиҳон топширган студентлар); для студентов, сдавших экзамен (имтиҳон топширган студентлар учун); со студентов, сдавших экзамен (имтиҳон топширган студентлардан).*

Аниқловчи ёлғиз сифатдош билан ифодаланганда аниқланмишдан олдин келиб, у билан худди сифатдай мослашади: *решённый вопрос (ҳал қилинган масала), решённые вопросы (ҳал қилинган масалалар)* каби.

**Феълли бирикмалар** (глагольные словосочетания). Ўзбек ва рус тилларининг иккаласида ҳам ҳоким сўз феъл бўлган бирикмаларда равиш (баъзан сифатлар ҳам), воситали келишикдаги от ёки ҳаракат номлари тобе бўлиб келади.

Равиш билан феълдан иборат бирикмалар иккала тилда ҳам деярли фарқ қилмайди. Фақат ўзбек тилида тобе сўз (равиш ёки сифат) ҳоким сўздан албатта олдин келади, рус тилида эса у ҳоким сўздан олдин ҳам, кейин ҳам қўлланиши мумкин: *яхиш ўқийди — хорошо читает, читает хорошо* каби.



## 6- §. Сўз бирикмаларида келишикларнинг роли (Употребление падежей в словосочетаниях)

Воситали келишиклардаги от билан феълдан тузилган сўз бирикмалари ҳар икки тилда ўзига хос грамматик хусусиятларга эга.

Ўзбек тилида отлар феълларга воситали келишикларда ёки кўмакчилар воситасида, рус тилида эса предлогсиз ёки предлогли воситали келишик формасида бирикади.

Ўзбек ва рус тилларида воситали келишикдаги от билан феълдан тузилган бирикмаларнинг грамматик хусусиятлари қуйидагича:

1. Ўзбек тилида тушум келишикдаги отлар асосан ўтимли феълга эргашади: *китоб ўқи, планни бажардик* каби.

Ўзбек тилида тушум келишикдаги от белгили (қўшимчали) ва белгисиз (қўшимчасиз) бўлиши мумкин: *китобни ўқи, Аҳмад-ни учратдингми?* (белгили тушум келишик); *китоб ўқидик, кино кўрдик* (белгисиз тушум келишик) каби.

Рус тилида тушум келишикдаги отнинг қўлланиши анча мураккаб. Чунончи, мужской ва средний роддаги отларнинг (жонсиз предмет номларининг) тушум келишигида махсус тугалмаси йўқ, бинобарин, бундай отларнинг тушум келишикдаги шакли уларнинг бош келишикдаги шакли билан бир хил бўлади: *На столе есть журнал, карандаш, пенал (Столда журнал, қалам, қаламдон бор). На картинках нарисованы море, поля, озеро (Суратларда денгиз, дала, қўл расми солинган).* Шунингдек, охири юмшатиш белгиси билан тугаган женский роддаги отларнинг (жонли ва жонсиз предмет номларининг) бош ва тушум келишикдаги шакллари ҳам махсус тугалмасиз бўлади: *степь, тетрадь, лошадь* каби.

Мужской роддаги отларнинг, агар улар жонли предмет номлари бўлса, винительный ва родительный келишик шакллари бир хил бўлади: *Я это купил для отца* (для кого? — род. падеж) — *Я вижу отца* (кого? — винительный падеж). Бош келишикда *-а, -я* тугалмаси бўлган отлар тушум келишикда *-у, -ю* тугалмаси билан шаклланади. Масалан: *книга* (н. п.) — *книгу* (в. п.), *деревня* (н. п.) — *деревню* (в. п.) каби.

Рус тилида тушум келишикдаги отлар ўтимсиз феълга ҳам эргашиб вақт, масофа, оғирлик миқдорларини билдиради: *Я в Москве пробыл месяц. (Мен Москвада бир ой бўлдим). Век живи, век учись. (Бир умр яша, бир умр ўрган.) Подожди минутку. (Бир минут кутиб тур.)*

2. Предлогли винительный келишикдаги сўзлар билан тузилган бирикмалар қуйидагича:

а) *в, на, за, под* предлоглари билан келган тушум келишикдаги (винительный келишикдаги) от ўринини ифодалаб, *куда?* (*қ а е р г а?*) сўроғига жавоб бўлади. Масалан: *Едем в Москву. (Москвага борамиз.) Сходи на базар. (Бозорга бориб кел.) По-*

ложу за шкаф. (Шкаф орқасига қўй.) Ставь под стол. (Стол тагига қўй.) Тушум келишик (винительный падеж)даги от через, сквозь предлоглари билан келганда, ўзбек тилидаги от орқали, орқасидан каби кўмакчилар билан берилади: Шли через лес. — Урмон орқали (ичидан) бораётган эдилар. Нам пришлось пробираться через толпу. — Халойиқ орасидан ўтишга тўғри келди каби;

б) в, на, за, под, через предлоглари вақт ифодаловчи отлар билан келганда пайт ҳоли маъносини билдиради: Приехал в воскресенье, уедет в субботу. (Якшанба куну келди, шанба куну кетади.) Получим через неделю (Бир ҳафтадан кейин оламиз.) каби;

в) про предлоги тўғрисида, ҳақида кўмакчиларига мос келади: Расскажите про самолёт (Самолёт тўғрисида гапириб беринг.) каби.

3. Ўзбек тилида қаратқич келишикдаги от, одатда, феълга эргшиб келмайди, фақат ҳаракат номинингина аниқлаб келиши мумкин. Рус тилида ҳам шунга мос грамматик восита бор. Хусусан, рус тилида қаратқич келишик (родительный падеж)даги от билан феълдан ясалган сўз бирикмалари жуда кам учрайди. Лекин истак, ютуқ, кутиш, илтимос, талаб каби маъноларни ҳамда жудо бўлиш, узоқлашиш, қўрқиш, хавотирланиш каби маъноларни ифодаловчи феъллар отнинг қаратқич келишигини талаб қилган ҳолдагина улар ўзаро сўз бирикмалари ҳосил қилади:

а) хотеть, желать, просить, жаждать, добиваться, достигать, ждать, требовать, касаться, придерживаться каби феъллар воситасиз тўлдирувчи вазифасидаги отлар билан келганда родительный келишикни талаб қилиб, сўз бирикмалари ҳосил қилади. Рус тилидаги бундай конструкцияларнинг маънолари ўзбек тилида феъл маъноларига қараб тушум келишик, жўналиш келишик формалари ва бошқа грамматик воситалар орқали берилади: хочу свободы — озодликни истайман, желаем здоровья — соғлиқ тилаймиз, требуем наказания — жазолашни талаб, қиламиз, вас не касается — сизга алоқаси йўқ, добъёмся успехов — ғалабаларга эришамиз каби;

б) бояться, избегать, лишать, лишаться, пугаться, опасаться, стесняться каби феъллар ҳам тўлдирувчи бўлиб келган отларнинг родительный келишикда келишини талаб қилиб, сўз бирикмалари ҳосил қилади. Ўзбек тилидаги бу хил бирикмаларда ҳоким сўз (феъл) тўлдирувчининг чиқиш келишикда бўлишини талаб қилади: боюсь собаки — итдан қўрқаман, стесняется дяди — тоғасидан уялади;

б) не юкламаси билан келган феъл ҳам воситасиз тўлдирувчининг кўпинча родительный келишикда бўлишини талаб қилади. Ўзбек тилида бундай пайтда воситасиз тўлдирувчи белгили ёки белгисиз тушум келишикда бўлади: не купил карандаша — қалам сотиб олмадим; не получил денег — пул олмадим каби;

г) ҳаракат объективнинг ҳаммасига эмас, бир қисмига ўтганда ҳам винительный келишик ўрнида родительный келишик ишлатилади. Ўзбек тилида бундай пайтда отнинг, одатда, чиқиш келишигидаги формаси қўлланади: *выпей молока — сутдан ич, берите хлеба — нондан олинг*;

д) субъект маъносидаги отлар *нет, не было, не будет* сўзлари билан бирикканда, родительный келишикда ишлатилади. Ўзбек тилида бундай бирикма таркибидаги отлар бош келишикда келади: *нет карандаша — қалам йўқ, не было у меня времени — вақтим бўлмади, лекции не будет — лекция бўлмайди*;

е) пайт маъносидаги отлар феъл билан бирикиб келганда ҳам родительный келишикда қўлланади. Ўзбек тилидаги бундай феълли бирикмаларда от ўрин-пайт келишикда ишлатилади: *приедет первого августа — биринчи августда келади; родился двадцатого ноября 1925 года — 1925 йилнинг йигирманчи ноябрида туғилган* каби.

4. Рус тилида родительный келишикдаги от билан қўлланилган предлоглар кўп. Уларнинг маънолари ҳам ҳар хил. Чунинчи:

а) *из, с, от, из-за, из-под* предлоглари родительный келишикдаги отлар билан қўлланади, бундай пайтда отлар конкрет ҳаракат ифодаловчи феълларга эргашади. Ўзбек тилида бундай маъно ифодаловчи бирикмаларда от чиқиш келишик формасида бўлади. Рус тилида ҳаракатнинг предмет ичидан чиққанлиги англатилса *из* предлоги ишлатилади: *вышел из дома — уйдан (уй ичидан) чиқди, приехал из Москвы — Москвадан келдим* каби. Ҳаракат предметнинг устида содир бўлганлиги ифодаланганда родительный келишикдаги от *от, с* предлоглари билан қўлланади: *сойди с дерева — дарахт (усти)дан туш*. Феъл предмет ёнидан узоқлашувчи ҳаракатни англатганда, родительный келишикдаги от олдида *от* предлоги келади: *Отойди от машины. (Машина ёнидан кет.)* Ҳаракат предмет орқасидан ёки тагидан бўлганда отнинг родительный келишикдаги формаси *из-за* ёки *из-под* предлоги билан келади: *Из-за шкафа выбежала мышка. (Шкаф орқасидан сичқон югуриб чиқди.) Возьми из-под стола (Стол остидан ол.)* каби. Бу предлоглар билан қўлланган родительный келишикдаги отлар ҳоким сўз (феъл)дан англашилган иш-ҳаракатнинг сабабини, ҳаракатнинг маҳсули бўлган предметнинг материални ифода этади: *сделано из дерева (ёғочдан қилинган), ушёл из-за болезни (касаллиги туфайли кетди)*;

б) *около, у, вне, вокруг* предлоглари билан келган родительный келишикдаги отлар предмет ўрнини билдириб, кўпинча ҳолат феъллари билан бирикиб келади. Ўзбек тилида бундай пайтда тобе компонент *ёнида, атрофида* кўмакчилари билан ёки ўрин-пайт келишик формаси орқали берилади: *стоит около дома — уй ёнида турибди, висит у окна — дераза ёнида осилиб турибди, стоит в очереди — навбатда турибди; вертится вокруг Земли — Ер атрофида айланади.*

в) рус тилидаги феълли бирикмалар таркибида қўлланган до предлогли от ўрнида ўзбек тилида **-гача** қўшимчасини олган от қўлланади: *приходи до вечера — кечгача кел.*

г) без предлогли от ўрнида ўзбек тилида **-сиз** аффикси билан ясалган сифат қўлланади: *В школу не приходите без книг. — Мактабга китобсиз келманг;*

д) предложный келишиқда *ради* ёки *для* предлоглари билан қўлланган от ўрнида ўзбек тилида *учун* кўмакчиси ёки *деб* сўзи билан қўлланган от ишлатилади: *Работаем для Родины. — Ватан учун ишлаймиз. Остался ради родителей. — Ота-онам деб қолдим каби.*

5. Ўзбек тилида жўналиш келишиқдаги от ҳаракат йўналган томонни ёки ҳаракат бирор шахсга қаратилганини билдиради. Рус тилида бундай бирикмаларнинг маъноси *в* предлоги билан келган отнинг винительный ёки дательный келишиқ формалари орқали берилади: *Москвага борамиз — поедем в Москву, акамга айтаман — скажу брату* каби.

Рус тилида отнинг предлогсиз дательный келишиқда қўлланишини талаб қиладиган бир қатор феъллар бор. Бундай феълларнинг ўзбек тилидаги эквиваленти ҳам отларнинг жўналиш келишиқда, баъзан чиқиш келишиқда бўлишини талаб қилади: *Мы аплодировали певцу. — Биз ашулачига қарсак чалдик. Верю другу. — Дўстимга ишонаман. Следуем вашему примеру. — Сиздан ўрناق оламиз* каби.

Ўзбек тилидаги отнинг жўналиш келишиқ формаси+феъл схемасида тузилган бирикмага рус тилида винительный келишиқдаги от+феъл схемасида, баъзан родительный келишиқдаги от+феъл схемасида тузилган бирикмалар тўғри келади: *суратга тегма — не трогай картину, лекцияга тушундик — мы поняли лекцию, ютуқларга эришдик — достигли успехов* каби.

Ўзбек тилида жўналиш келишиқдаги от тўлдирувчи бўлиб келганда феълнинг орттирма даражаси билан бириқиши мумкин: *Монтёрга тузаттирдим* каби. Бу хил бирикманинг маъноси рус тилида кўпинча эга ва кесим муносабати билан берилади, чунки рус тилида ўзбек тилига хос бўлган орттирма даража (понудительный залог) йўқ. Мисолларни қиёсланг: *устага тиктирдим — мне сшил мастер* (сўзма-сўз таржимаси: *мастера заставил сшить*), *монтёрга тузаттирдингизми? — вам исправил (отремонтировал) монтёр?* каби.

6. Предлогли дательный келишиқдаги отлар иштирокида тузилган бирикмалар қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) *к* предлогли дательный келишиқдаги от+феъл типдаги бирикмалар объект, пайт ва мақсад маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилида буларнинг маънолари ёнига, олдига кўмакчилари ёки жўналиш келишиқ формаси ёхуд **-никига** каби махсус суффикс ёрдамида берилади: *иду к товарищу — ўртоғимнинг олдига (ўртоғимникига) боряпман, приходи к дому — уй ёнига кел, не подходи к машине — машинага яқинлашма, подъехать к до-*

му — уйга яқинлашиб келмоқ, подойди к столу — стол ёнига кел.

б) по предлогли дателъный келишикдаги от билан феълдан тузилган бирикмалар ўзбек тилида асосан ўрин-пайт келишиги орқали берилади: *Иду по лесу. — Урмондан боряпман. Плывём по морю. — Денгизда сузиб боряпмиз. Цылят по осени считают. — Жўжани кузда санайдилар каби.*

7. Чиқиш келишикдаги от билан феълдан тузилган бирикмалар объектни, ҳаракат бошланган ўрин ёки пайт маъноларини ифодалайди. Бундай маънолар рус тилида предлогли ёки предлогсиз родителъный келишик формаси билан ёки баъзан бошқа грамматик воситалар билан берилади: *пўлатдан қилинган — сделано из стали, балодан қутулди — спасся от беды; Москвадан келди — прибыл из Москвы, томдан тушди — слез с крыши, акамдан розиман — доволен братом, Комилдан катта — старше Камила, сувдан оғир — тяжелее воды, январдан бошланади — начнётся с января каби.*

8. Ўрин-пайт келишикдаги от билан феълдан тузилган сўз бирикмалари отларнинг маъноларига қараб, ўрин, пайт ва бошқа объект маъноларини ифодалайди. Бундай бирикмаларнинг маъноси рус тилида предложный, творителъный келишик формалари ва бошқа грамматик воситалар орқали берилади: *шаҳарда ишлайди — работает в городе, кузда келади — придет осенью, январда бошланади — начнётся в январе; Магазинда бор, бозорда йўқ. — В магазине есть, на базаре нет каби.*

9. Рус тилида предлогсиз творителъный келишикдаги от билан феълдан тузилган сўз бирикмалари объект, пайт, ўрин, сабаб маъноларини, мажҳул оборотда (пассив конструкцияда) эса ҳаракат субъектини билдиради. Бундай оборотлар маъноси ўзбек тилида бош келишикдаги отга билан ёки томонидан кўмакчиларидан бирини бириктириш орқали берилади. Одатда рус тилидаги мажҳул оборот ўзбек тилида тўғри оборот (актив конструкция) билан ифодаланади:

а) *Пишу чернилами. — Сийёх билан ёзаяпман. Написанное пером не вырубись топором. — Перо билан ёзилганни болта билан чопиб бўлмас каби.*

Рус тилида бир қатор феъллар борки, улар предлогсиз творителъный келишикдаги от билан бирикиб келади. Ўзбек тилида эса бундай конструкция жўналиш келишикдаги от орқали ёки билан кўмакчисини келтириш билан ифодаланади. *Масалан, руководил кружком — тўғаракка раҳбарлик қилди, интересоваться музыкой — музикага қизиқмоқ, заниматься спортом — спорт билан шуғулланмоқ;*

б) пайт маъносида келганда творителъный келишикдаги от феълга эргашади: *прихожу временами — вақти-вақти билан келиб тураман, шли вечерней порой — кечки пайт борар эдилар.*

Э с л а т м а: *зимой, весной, летом, осенью, утром, днём, вечером, ночью* каби пайт равишлари творителъный келишикдаги отларнинг равишга кўчиндан ҳосил бўлган.

в) отларнинг творительный келишиктаги шакли конкрет ҳаракат билдирувчи феъллар билан бирикиб, ўрин ҳоли вазифасини ҳам бажаради: *шли лесом — ўрмондан борар эдилар;*

г) равиш ҳоли вазифасида келган творительный келишиктаги от феълдан англашилган иш-ҳаракатнинг қандай, қай йўсинда бажарилганини билдиради: *завыл волком — бўридек увиллаб юборди.*

Эслатма: *идёт пешком (пидеа келяпти) пришёл бегом (югуриб келди), едет верхом (от миниб келяпти)* каби бирикмалардаги бегом, пешком, верхом равишлари аслида творительный келишиктаги отдан ўсиб чиққан.

д) ҳаракатнинг субъекти бўлган от творительный келишикта феълнинг мажҳуллик нисбатидаги формаси (страдательный залог) билан бирикиб келади: *Дом строится плотниками. — Иморат дурадгорлар томонидан қурилаётир. План колхозом выполняется. — План колхоз томонидан бажарилаётир;*

е) творительный келишиктаги отлар *быть, стать, являться, называться* каби феъллар билан бирикиб, составли от кесим бўлиб келади: *был студентом — студент эди, стал инженером — инженер бўлди, называется аккумулятором — аккумулятор деб аталади* каби.

10. Творительный келишиктаги отнинг предлог билан қўлланган формаси феъл билан бирикиб, объект, биргалик, равиш ҳоли ва пайт маъноларини ифодалайди:

а) *бороться, делиться, драться, здороваться, объясняться, познакомиться, примириться, прощаться, расплатиться, соревноваться, ссориться* каби феъллар с предлогли отни талаб қилади: бундай бирикмадан биргалик маъноси ёки объектга йўналтирилган ҳаракат маъноси англашилади. У ўзбек тилида от+билан кўмакчиси орқали берилади: *Боролись с фашистами. — Фашистлар билан курашдик. Соревнуемься с передовой бригадой. — Илгор бригада билан мусобақалашмоқдамиз. Жил с отцом. — Отаси билан яшар эди;*

б) ҳаракат номининг ёки маъҳум маъноли отнинг творительный келишикта с предлоги билан келган формаси равиш ҳоли маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида у равишдош ёки билан кўмакчиси орқали берилади: *Смотрел с изумлением. — Ажабланиб қаради. Ел с аппетитом. — Иштаҳа билан еди;*

в) за ёки *перед* предлоги билан қўлланган от феъл билан бирикиб, ўрин, эгалик, сабаб ва объект маъноларини ифодалайди. Ўзбек тилида у ёнида, олдида, устида каби кўмакчилар ёки бошқа грамматик воситалар ёрдамида берилади: *Сидит за столом. — Стол ёнида ўтирибди. Сходи за водой. — Сувга бориб кел. За обедом поговорим. — Овқат пайтида гаплашиб оламиз. Стоит перед заводом. — Завод олдида турибди;*

г) *под* ёки *над* предлогли от+феъл бирикмаси ўрин ҳоли, равиш ҳоли ва объект маъноларини билдиради. Ўзбек тилида улар *тагида, остида, устида* каби кўмакчилар воситасида ифодланади: *сижу под деревом — дарахт тагида ўтирибман, над*

*столом висит — стол устида осилиб турибди, жил под надзором — назорат остида яшаган эди;*

д) *между* предлог билан келган от ёки бир-бирига боғланган икки от феълга эргашади; ўзбек тилида бундай конструкция орасида кўмакчиси орқали берилади: *Стоял между домами. — Иморатлар орасида турган эди. Расположен между рекой и лесом. — Дарё ва ёрмон орасида жойлашган каби.*

11. Предложный келишикдаги от + феълдан тузилган бирикмалар:

а) *о* предлогли от билан феъл бирикмаси объект маъносини ифодалайди. Ўзбек тилида у ҳақида, тўғрисида каби кўмакчилар орқали берилади: *говорили о Ленине — Ленин ҳақида гапирилди;*

б) *в, на, при* предлогли от билан феъл бирикмаси асосан ҳаракат ўринини билдиради. Ўзбек тилида у ўрин-пайт келишикдаги от орқали берилади: *жил в городе — шаҳарда яшарди, стоит на крыше — томда турибди, имеется при институте — институт қошида бор каби.* Бундай предлогли бирикмалар объект маъносини ҳам ифодалаши мумкин: *играет на аккордеоне — аккордеон чалади, печатает на машинке — машинкада ёзади;*

в) предложный келишикда келган ой, йил номлари пайт ҳоли вазифасида келади: *в сентябре получил письмо — сентябрда хат олди* каби.

## 7-§. Сўз бирикмаларида кўмакчиларнинг роли (Употребление послелогов в словосочетаниях)

Ўзбек тилида сўз бирикмалари компонентларининг грамматик муносабатини таъминлашда, одатда, кўмакчилар актив қатнашади. Рус тилида бундай пайтда отнинг маълум келишик формалари предлоглар билан қўлланади.

Ўзбек тилида кўмакчилар бош, жўналиш ва чиқиш келишикдаги отлар билан бирикиб келиши мумкин<sup>1</sup>:

1. Бош келишикдаги отларга *билан, учун, каби, сингари* кўмакчилари бирикиб келади. Бу хил кўмакчили отлар феъллар билан бирикиб, ҳаракатнинг объекти, воситаси каби маъноларни ифодалайди: *Зокир билан ишладим, китоб учун пул тўладик, қуёш каби ёритади, Москва орқали борилади* каби. Рус тилида бундай бирикмалар қуйидаги воситалар орқали берилади: а) *билан* кўмакчисининг маъноси кўпинча с предлогли ёки предлогсиз творительный келишик маъносига тўғри келади: *ёртоғи билан ишлади — (он) работал с товарищем, қалам билан ёзма — не пиши карандашом* каби; б) *учун* кўмакчисининг маъноси *для* ёки *ради* предлогли родительный келишикка тўғри

<sup>1</sup> Ҳозирги ўзбек тилида бош келишикка эргашган *билан, учун* каби кўмакчилар баъзан қаратқич келишигига ҳам эргашади, лекин бу ҳол кам учрайди: *сенинг учун — сен учун* каби.

келади: болаларим учун ишлайман — работаю ради своих детей, болалар учун китоб олдим — я купил книги для детей каби; в) каби, сингари кўмакчиларининг маъноси рус тилида как, словно равишлари маъносига тўғри келади: Аҳмад сингари ўқи. — Учись как Ахмад; г) орқали кўмакчиси рус тилида через, посредством, при помощи каби предлоглар билан берилади: Китобни ўртоғим орқали олдим. — Книгу получил через товарища каби.

2. Жўналиш келишиктаги отлар кўра, қарши, яраша кўмакчилари билан феълга эргашади. Рус тилида улар до, по, против предлогли отларнинг маълум келишик билан феълга бириктиб келиши орқали берилади: кечга қадар ишлаймиз — будем работать до вечера, кўрпанга қараб (яраша) оёқ узат — протягивай ножки по одежде каби.

3. Чикиш келишиктаги отлар бурун, илгари, кейин, сўнг, бери, буён, бошқа, ташқари кўмакчилари воситасида феълга эргашishi мумкин. Рус тилида улар раньше, с предлогли отлар орқали ифодаланади: акамдан олдин келдим — я пришёл раньше брата, кuzдан бери ишлайди — работает с осени каби.

## 8-§. Феълга феъл эргашувидан тузилган сўз бирикмалари

(Словосочетания типа глагол + глагол)

Ҳар икки тилда бир феълнинг иккинчи феълга эргашивидан юзага келадиган сўз бирикмалари мавжуд. Ўзбек тилида бундай бирикмаларда тобе компонент олдин, ҳоким компонент эса кейин, рус тилида ҳоким компонент олдин, тобе компонент кейин келади. Мисолларни қиёсланг: ўйлаб гапир — говори подумав ёки говори обдумавши, ётиб ўқима — лёжа не читай, ювинишга борялман — иду умываться каби.

Ўзбек тилида икки феълдан тузилган сўз бирикмаларининг биринчи, яъни тобе компоненти равишдошлар, турланган ёки кўмакчи билан келган сифатдошлар бўлади: Келганингни эшитиб хурсанд бўлдик. — Мы обрадовались услышав о твоём приезде; билмасдан гапирасан — говоришь, не разобравшись (в чём дело), юра-юра чарчадик — устали от ходьбы каби.

Бу ўринда шуни ҳам айтиш керакки, равишдош билан тусланувчи феълнинг боғланишидан баъзан феълнинг аналитик формаси ёки қўшма феъл ҳосил бўлиши ҳам мумкин: олиб келди — (он) принёс, ёзиб юборди — написал, қараб турди — смотрел, айтиб чиқди — позвал каби. Бундай феълларда асосий лексик маънони равишдош формаси ифодалайди, иккинчи феъл эса асосан грамматик функция бажаради.

Рус тилидаги феълли сўз бирикмаларининг грамматик хусусиятлари қуйидагилар:

Рус тилида феълли сўз бирикмаларининг кўпчилиги феъл-



нинг турли шахс-сон ва замон формалари ҳамда инфинитивдан тузилган бўлади.

Инфинитивли бирикмаларда ҳаракат билан субъект ёки объект алоқалари ифодаланади: а) ҳаракат билан субъект алоқасининг ифодаланишида сўз бирикмасига кирган икки феълнинг ҳаракати бир шахсга тааллуқли бўлади: *приехал учиться — ўқишга келганман, иду работать — ишлашга кетяман* каби; б) агар сўз бирикмасига кирган икки феъл ҳаракати бошқа-бошқа шахсларга тааллуқли бўлса, ҳаракат билан объект алоқаси ифодаланади, яъни инфинитив тўлдирувчи ва-зифасида келади. Ўзбек тилида одатда объектни ифодалаган сўз жўналиш ёки тушум келишида бўлади. Масалан: *прошу приехать — келишингизни сўрайман, зовут обедать — овқатга чақиршияпти, разрешите сказать — айтишга рухсат этинг* каби.

Рус тилида иккидан ортиқ феъллар бирикиб сўз бирикмасини ҳосил қилиши мумкин. Бундай феъл бирикмаларида, асосан, биринчи феълдан бошқа компонентлар инфинитивда келади: *хочу остаться работать здесь — шу ерда ишлашга қолмоқчиман, могу ли приехать учиться? — ўқишга келишим мумкинми?* каби. Бундай уч ва ундан ортиқ феълдан тузилган сўз бирикмаларининг биринчи компоненти асосан модал феъллар ёки бошқа модал сўзлар (*хотеть, мочь; можно, должен* кабилар) бўлади: *Можно пойти слушать. — Бориб эшитиш мумкин; Он должен уметь работать. — У ишлашни билиши керак* каби.

Инфинитив билан модал равишлар ҳам сўз бирикмалари ҳосил қилади: *нужно ехать — бориш керак, необходимо соблюдать дисциплину — интизомга риоя қилиш зарур, можно получить — олиш мумкин* каби. Бундай бирикмалар ўзбек тилида ҳаракат номи ва керак, лозим, зарур каби модал сўзлар билан ифодаланади.

*Нужно, необходимо, должно* сўзлари инфинитив билан келганда равиш функциясини бажаради, бинобарин, уларнинг шакли ҳам ўзгармайди. Бундай сўзлар отлар билан ҳам бирикиб келиши мумкин. Бу ҳолда улар сифатга хос хусусиятларга эга бўлиб, от билан бирлик ёки кўпликда мослашиб келади. Мисолларни қиёсланг: а) *мне нужно пойти (нужно равиш; мен боришим керак), нужен карандаш (қалам керак), нужна ручка (ручка керак), нужно перо (перо керак, бу ерда нужен — предикатив равиш), нужный человек (керакли одам), нужная бумага (керакли қоғоз), нужное дело (керакли иш).*

## 9- §. Ҳаракат номи, сифатдош билан феълдан тузилган сўз бирикмалари

(Словосочетания типа имя действия + глагол,  
или причастие + глагол)

Ўзбек тилида феълнинг дастлабки шаклига **-моқ, -ш (-иш), -в (-ув)** қўшимчаларини қўшиш билан *олмоқ, олиш, олув* каби ҳаракат номлари ёки **-ган, -ар, -ажак** каби қўшимчаларни қў-

шиш билан сифатдош формалари ясалади. Фейлнинг бу формалари гапда субстантивлашиб, эгалик, сон, келишик қўшимчаларини олади ёки уларга кўмакчи сўзлар эргашиб келади, натижада бундай формалар гапда турли синтактик вазифаларни (тўлдирувчи, ҳол, аниқловчи ва ҳатто эга вазифаларини) бажариши мумкин:

1. Ҳаракат номлари келишик ва сон қўшимчаларини эгалик қўшимчасисиз қабул қилиши мумкин: *ёзишни, ёзмоқни, ёзишга, ёзмоққа, айтув, айтмоқ, ёзишлар, айтувлар* каби. Улар баъзан эгалик қўшимчаси билан ҳам қўлланади: *ёзишимни, ёзишига, ёзишлари* каби.

Ҳаракат номлари кўмакчи сўзлар билан келиб феълга тобе бўлади. Феълга тобе бўлган кўмакчи сўзли ҳаракат номлари пайт, сабаб, мақсад маъноларини ифодалайди: *Олишинг билан қайт. — Возвращайся, как только получишь. Келишингга тайёрлаймиз. — Подготовим к твоему приезду. Китобни ўқиш учун олдим. — Я взял книгу почитать.*

2. Феълли бирикма таркибидаги тобе сўз сифатдош бўлиши ҳам мумкин. Бундай пайтда сифатдош отлашиб, эгалик, сон-ва келишик қўшимчаларини олади: *айтганга ишон (поверь сказавшему), айтганига (айтганларига) ишон (поверь тому, что было им сказано)* каби.

Отлашган сифатдошлар эгалик қўшимчаларини олиб, шахсонда тусланганда феъл билан бирикиб содда гап ҳосил қилади. Бундай конструкцияларнинг мазмуни рус тилида асосан эргашган қўшма гап орқали берилади. Масалан: *Ёзганимни кўр — Посмотри, что я написал. Ёки: Посмотри, как я написал. Ёзганимни кўрсат — Покажи то, что ты написал. Ёзганини олиб келди — Он принёс то, что написал. Ёзганимизни кўрдингми? — Ты видел, что мы написали? Ёки Ты видел, как мы писали? Ёзганингизни кўрдик. — Мы видели, что вы написали. Ёки: Мы видели как вы писали. Ёзганларини кўрдик. — Мы видели, что они написали. Ёки: Мы видели как они писали* каби.

Бу мисолларда отлашган сифатдош фақат тушум келишик шаклида келтирилган, аммо у бошқа воситали келишикларда ҳам келиб, феълга эргашиши мумкин: *Хат ёзмаганимга хафа бўлма. — Не обижайся на меня, что я тебе не писал* каби.

## 10-§. Ўзбек тилида гапларнинг сўз бирикмаси компонентига айланиши

(Употребление предикативных конструкций как компонент словосочетаний)

Ўзбек тилида гаплар (потенциал эга билан кесимдан иборат бирикмалар, эгасиз кесимлар) маълум нутқ вазиятида субстантивлашиб, сўз бирикмасининг мураккаб компонентига айланиши мумкин. Субстантивлашган гаплар сўз бирикмаси компоненти сифатида бажарган функциясига кўра ҳар хил турловчи қўшим-

чалар қабул қилади, кўмакчи сўзларни эргаштиради ва гапга хос интонациясини, предикацияни йўқотиб, от ёки сифатга хос синтактик вазифаларни бажаради. Масалан: *Акмал ўқиган китоб, фартуғи бор теримчилар* каби.

Бундай сўз бирикмалари интонацион бирлиги ва грамматик хусусияти жиҳатидан содда аниқловчили *яхши китоб, фартуғли теримчилар* каби сўз бирикмаларидан принципиал фарқ қилмайди. Улар фақат структурал жиҳатдангина фарқ қилади: *яхши китоб, фартуғли теримчилар* бирикмаларининг аниқловчи компоненти бир сўздан, *Акмал ўқиган китоб, фартуғи бор теримчилар* бирикмаларидаги аниқловчилар эса жипслашган икки сўздан (сўз бирикмасидан) иборат. Шу фарқни эътиборга олиб, *яхши китоб, фартуғли теримчилар* бирикмаларини содда компонентли сўз бирикмаси деб, *Акмал ўқиган китоб, фартуғи бор теримчилар* каби бирикмаларни эса мураккаб компонентли сўз бирикмаси деб аташ мумкин.

Маълумки, туркий тилларда, шу жумладан, ўзбек тилида ҳам, бирикма компонентларидан аниқланмиш от тушиб қолган ҳолатларда аниқловчи отлашиб, ўша тушиб қолган отнинг қўшимчаларини қабул қилади: *Келган теримчилар ишга тушди. Келганлар ишга тушди. Қизил аскарлар оқларни енгди. Қизиллар оқларни енгди* каби. Худди шу грамматик ҳолат мураккаб компонентли сўз бирикмаси учун ҳам хос: *Фартуғи бор теримчилар пахта теришга киришди. Фартуғи борлар пахта теришга киришди. Акмал ўқиган китобни мен ҳам ўқидим. Акмал ўқиганни мен ҳам ўқидим* каби.

Сўз бирикмаларининг таркибига кирувчи бу хил мураккаб компонентлар содда гапнинг бир бўлаги бўлишига қарамай, семантик-грамматик структурасининг мураккаблиги туфайли рус тилида кўпроқ эргаш гапларга тўғри келади. Мисолларни қиёсланг: *Акмал ўқиганни мен ҳам ўқидим. — Я читал то же, что читал Акмал. Фартуғи борлар пахта теришга киришди. — Приступили к сбору хлопка те, которые имеют фартуки. Ким яхши, ким ёмон эканлиги тўғрисида кейин гапиришамиз. — О том, кто хороший, кто плохой, поговорим потом.*

## СОДДА ГАП

(ПРОСТОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ)

### БОШ БУЛАКЛАР

#### 11-§. Эга ва унинг ифодаланиши (Подлежащее)

Ҳар икки тилда эга гапнинг мустақил бўлаги бўлиб, турли сўз туркумлари билан ифодаланади<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ишимизда грамматик тушунчаларни аёнлашда ноаниқликка йўл қўймаслик мақсадида қуйидаги терминларни қўллаймиз:

а) **предикатив эга** — гапнинг кесим томонидан аниқланувчи бир сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодаланган мустақил бош бўлаги. Русча — подлежащее;

**Ўзбек ва рус тилларида эганинг умумий грамматик хусусиятлари.** Предикатив эга қиёс қилинаётган иккала тилда ҳам предмет ёки шахсни билдирувчи ҳамда айрим сўз ёки сўз бирикмаси билан ифодаланган бош бўлақдир. У англатган предмет ёки шахснинг ҳаракати ёхуд белгиси кесим орқали (предикация йўли билан) аниқланади. Гапнинг эгаси кесим томонидан аниқлангани учун **предикатив эга** деб аталади ва **қаратқич эгадан** (субъект принадлежностидан) фарқ қилади.

Предикатив эга вазифасида келган ҳар бир сўз ёки сўз бирикмаси иккала тилда ҳам бош келишик (именительный падеж) сўроғига (к и м?, к и м л а р? — к т о?; н и м а?, н и м а л а р? — ч т о?) жавоб бўлади.

Ўзбек ва рус тилларида предикатив эга вазифасида келган сўз ёки сўз бирикмаси қуйидаги умумий хусусиятларга эга:

а) ҳаракат қилувчи шахс ёки предметни англатади: *Зокир келди. Шамол эсиб турибди. Петров ухал. Дождь идёт;*

б) кесимда ифодаланган белгининг эгаси бўлган шахс ёки предметни билдиради: *Бола жуда ақлли. Бу китоб қизиқарли экан. Сергеев здоров. Погода хорошая;*

в) ҳаракат объектini англатади: *План бажарилди. Дом строится;*

г) кесимдан англашилган жинсдош тушунчани ёки жинсдош составдан ажралувчи турдош тушунчани ифодалайди: *От — ҳайвон. Железо — металл;*

д) олдинги гапда айтилган ҳодисани кўрсатишда, одатда, эга олмош билан ифодаланади: *Бу нима қилганинг? Это ещё что?;*

е) предмет маъносида ишлатиладиган ҳаракатни англатганда эга ҳаракат номи, инфинитив билан ифодаланади: *Чекиш зарарли. Курить вредно* каби.

Булардан ташқари, қиёс қилинаётган тиллардаги эганинг ўзингагина хос хусусий белгилари ҳам мавжуд.

Ўзбек тилида предикатив эга икки хил йўл билан ифодала-

---

б) **предикатив шахс** — гапда эга ва кесим муносабатидан англашилган ёки предикатив эгаси йўқ гапнинг кесимидан аниқланган шахс. Русча — предикативное лицо;

в) **атрибутив шахс** — предмет эгаси. Қаратқичли бирикма билан ифодаланади: *акамнинг китоби* каби. Русча — лицо принадлежности;

г) **эгалик қўшимчалари** — қаратқичли атрибутив бирикмаларда қаралмишнинг уч шахсдан бирига мансублигини ифодаловчи қўшимчалар: *дафтарим, дафтаринг, дафтари, дафтаримиз, дафтарингиз* каби. Русча — аффикс принадлежности;

д) **предикатив шахс қўшимчалари** ёки кесимлик шахс қўшимчалари. Русча — личные аффиксы сказуемости;

е) **шахс** — ҳаракат қилувчи ёки белги эгаси. Русча — лицо действия, обладатель признака;

ж) **қаратқич эга** — бир предмет, шахс эгаси. Русча — субъект принадлежности.

нади: 1) гапда тутган ўрнига қараб (позиционно); 2) баъзи морфологик воситалар ёрдамида.

От ва от ўрнида келган сифат, сон, олмош (кишилик ва ўзлик олмошларидан ташқари) ҳамда ҳаракат номи эга бўлиб келганда, бош келишиқ формасида кесим билан бирикади. Буларнинг морфологик формаси (яъни ноль аффиксли бош келишиқ формаси) ўзи билан боғланиб келган кесим формасига таъсир қилмайди.

Баъзи сўз ва сўз бирикмалари, ҳатто эга билан кесим муносабатидаги бирикма ҳам, предикатив эга вазифасида келганда отлашиб, маълум грамматик маънони ифодалаш учун баъзи морфологик кўрсаткичларни қабул қилади. Масалан, равиш, сифат ва сифатдошлар **-и** ёки **-си** эгалик кўшимчаларини, **-лар** кўплик кўшимчасини қабул қилиб, предикатив эга вазифасида келади: *Кўпи ўтиб, ози қолди. Мажлисда тўзга чиққанлар кўп бўлди* каби. Сўз бирикмалари, шу жумладан, эга-кесимдан ёки фақат кесимнинг ўзидангина иборат конструкциялар **-лик**, **-лиги** кўшимчаларини қабул қилиб, бирикма ҳолида яхлит битта тушунчани ифодалаб, бош келишиқда қўлланади ҳамда предикатив эга вазифасида келади: *Зокир келганлиги ҳаммага маълум. Елғон эканлиги билиниб турибди* каби.

Предикатив эга кишилик олмошлари (*мен, сен, у, биз, сиз, улар*), эгалик кўшимчаларини қабул қилган ўзлик ва белгилаш олмошлари (*ўзим, ўзинг, ўзи, ҳаммамиз, ҳаммангиз, барчаси, барчангиз* кабилар) билан ифодаланганда, кесим ҳам шу эганинг шахси ва бирлик ёки кўплигига қараб тусланади: *Мен ишладим. Ўзингиз боринг. Ҳаммамиз йиғилдик* каби. Эга ва кесим формаларининг бундай мослашиб келиши одатда кесимнинг эга билан мослашуви дейилади.

Рус тилида ҳам предикатив эга ўзбек тилидаги каби от, сифат, сон, олмош, феъл ва бошқа сўз туркумлари ҳамда турли сўз бирикмалари билан ифодаланади.

Рус тилида предикатив эганинг ўзига хос энг муҳим грамматик хусусиятлари қуйидагилар: а) эга вазифасида келган конкрет сўзнинг (асосан отнинг) грамматик категорияларига кесимнинг грамматик формаси қатъиян тобе бўлиши шарт, бинобарин, кесим кўрсаткичининг шаклланиши эгага қатъий боғлиқ; б) эга кўп гапларда конкрет предикатив шахс категориясини (яъни уч конкрет шахсдан бирини) ифодалайди: *Я журналист. Он получил. Погода хорошая* каби. Бу гапларни эгасиз ишлатиш мумкин эмас: эга бўлмаган тақдирда, гап ҳам бўлмайди, бўлса-да, конкрет предикатив шахс ифодаланмайди. Эганинг бу грамматик хусусиятлари рус тилида гапнинг энг муҳим ва аҳамиятли бош бўлагини эканлигини кўрсатади.

От билан ифодаланган эга. Маълумки, ўзбек тилида отларнинг бош келишиқ формалари рус тилидагидек турли грамматик маъноларни ифодаламайди. Рус тилида эса турли отларнинг бош келишиқ формасида қандай тугалмалар билан туга-

шига қараб, грамматик маънолари ҳам турлича бўлади. Масалан, отларнинг бирлик сон, бош келишик формаси қаттиқ ёки юмшоқ ундош товуш билан ёки **а, я, о, е** унлиларидан бири билан тугаши мумкин. Бу хил тугалмали отлар турли грамматик категорияларни (род, сон маъноларини) ифодалайди. Отларнинг бу хил грамматик маънолари эса кесим ҳамда аниқловчи вазифасида келган тусланувчи сўзларнинг шаклига таъсир қилади. Масалан:

*Колхоз выполнил план. (Колхоз планни бажарди.)*

*Бригада выполнила план. (Бригада планни бажарди.)*

*Звено выполнило план. (Звено планни бажарди.)*

*Колхозы выполнили план (Колхозлар планни бажарди.)*  
каби.

Мисоллардан кўринадики, бу гапларнинг барчасида кесим битта *выполнил* сўзи билан ифодаланган, аммо бу сўз эганинг род ва сон формаларига мослашиб *выполнил, выполнила, выполнило* ва *выполнили* шаклларида келган.

*Олмош билан ифодаланган эга.* Маълумки, ўзбек тилида кишилик олмошлари (*мен, сен, у, биз, сиз, улар*) эга бўлиб келган гапларнинг кесими шунга мос шахс-сон қўшимчаларини қабул қилади: *Мен олганман. Сен агрономсан. Биз қишлоқданмиз* каби. Рус тилида кишилик олмошлари (личные местоимения: *я, ты, он, она, оно, мы, вы, они*) эга бўлиб келганда, ҳар бир кесим шахс-сон қўшимчаларини қабул қилавермайди: *Я студент. (Мен студентман.) Ты получил. (Сен олдинг.) Мы из колхоза (Биз колхозданмиз.)* каби.

Шахс-сон кўрсаткичи бўлмаган кесимлар билан эга вазифасида келган кишилик олмошлари гапнинг конкрет предикатив шахсини ифодаловчи ягона воситадир. Ўзбек тилида кесим кишилик олмошисиз ҳам бу вазифани бажаради: Масалан: *Я пришёл.— Келдим. Ты пришёл.— Келдинг. Он пришёл.— Келди. Мы студент.— Студентмиз* каби.

Рус тилида шахс-сон кўрсаткичлари фақат ҳозирги ёки келаси замон феъл шакллари билан ифодаланган кесимлардагина бўлади: *Я иду.— Боряпман. Ты идёшь.— Боряпсан. Он идёт.— Боряпти. Я получу.— Оламан. Ты получишь.— Оласан. Он получит.— Олади. Мы идём.— Боряпмиз. Мы получим.— Оламиз.— Вы идёте.— Боряпсиз. Вы получите.— Оласиз. Они идут.— Улар боряпти* каби.

Демак, эга кишилик олмошлари билан ифодаланганда рус тилида ҳам, ўзбек тилида бўлганидек, эга билан кесим ўзаро шахс ва сонда мувофиқлашади. Бу хил шахс-сон кўрсаткичли кесимлар эгага грамматик жиҳатдан тўлиқ тобе бўлмайди, уларда кесимнинг эгага грамматик жиҳатдан қатъий бўйсунуш ҳолати ҳам йўқ, чунки бу хил гапларнинг кесими эга бўлмаса ҳам бемалол мустақил ишлатилаверади: *Я иду* ва *иду* каби. Демак, предикатив шахс кўрсаткичли бу хил кесимлар ҳам, ўзбек тилидагидек, грамматик жиҳатдан анча мустақилдир.

*Я, ты* олмошлари билан род кўрсаткичли кесим, одатда,

маъно жиҳатидан ўзаро мослашади, яъни шу олмошларнинг конкрет нутқ вазиятида эркак ёки аёлни англатишига қараб кесим ҳам мужской ёки женский род формасида келади: *Я пришёл.— Я пришла. Ты пришёл.— Ты пришла* каби.

*Он, она, оно* олмошлари, маълум мужской, женский ва средний род отлари ўрнида ишлатилади, бинобарин, кесимлар ҳам шуларнинг родига мослашади: *Он пришёл. Она пришла. Оно пришло* каби.

*Сифат ва сифатдош билан ифодаланган эга.* Сифат ва сифатдошлар отлашганда гапда предикатив эга вазифасида келади. Масалан, *Больной уже выздоровел.— Бемор соғайиб кетди* каби. Отлашган сифат ва сифатдошлар бирликда қайси от ўрнида келган бўлса, ўша отнинг грамматик род формасида эга бўлиб келади, натижада гапнинг кесими ҳам у билан мослашади. *Больной мужчина ўрнида больной, больная женщина ўрнида больная* ишлатилади: *больной выздоровел* ва *больная выздоровела* каби.

Эслатма: *мастерская, животное, трудящиеся, учащиеся* каби сўзлар семантик тараққийёт натижасида сифат ва сифатдошликдан отга бутунлай ўтиб кетган.

*Сон билан ифодаланган эга.* Рус тилида сонлар билан ифодаланган предикатив эганинг қуйидаги грамматик хусусиятлари бор:

а) *один, одна, одно* кабилар учта родда бир-бирдан фарқ қилиб, гапда (асосан қўшма гапда) эга бўлиб келиши мумкин: *Один явился, другого пока ещё нет. (Биттаси келди, иккинчиси ҳозирча келгани йўқ.) Одни смеются, другие плачут (Кимдир кулади, кимдир йиғлайди.);*

б) бошқа санок сонлар эга функциясида қўлланганда уларнинг кесими средний род формасида ишлатилади: *вместо семи получилось восемь (еттининг ўрнига саккиз бўлди);*

в) *двое, оба, обе, трое, четверо, пятеро, семеро* каби жамловчи сонлар кўпинча одамларга нисбатан қўлланиб, гапда эга вазифасида келади, кесим эса бундай пайтда кўплик формасида ишлатилади: *Оба прибыли. (Иккови ҳам келди.) Семеро одного не ждут. (Етти киши бир кишини кутмайди.)* каби.

Жамловчи сонлар пярте билан *все* сўзи бирикиб эга составида келиши мумкин: *Все пятеро сдали экзамен (Бешови ҳам имтиҳонни топширди.)* каби.

*Инфинитив билан ифодаланган эга.* Фельнинг инфинитив формаси кўпинча шахсиз гапларда ишлатилади: Бундай ҳолатларда инфинитив иккинчи ўрнида, яъни равишдан кейин келади: *Нужно идти. (Бориш керак.) Необходимо получить (Олиш зарур.)* каби. Бироқ бунда компонентлар ўртасида пауза бўлса ва, хусусан, инфинитив биринчи ўринда келса, инфинитивнинг ўзи эга, иккинчи компонент (одатда равиш) кесим вазифасида

келади: Спорить с ним бесполезно (У билан тортишиш фойдасиз.) каби. Бу хил гапларда баъзан кесим составида предикатив боғлама вазифасида эга сўзи ишлатилади ва предикатив паузани белгилаш учун ёзувда эга ва кесим составлари ўртасига тире (чизиқча) қўйилади: *Большое это удовольствие — жить на земле. (М. Горький.) Поймать ерша или окуня — это такое блаженство! (А. П. Чехов.)* Кесим инфинитив эга билан средный род шаклида ишлатилади: *Курить воспрещено (Чекиш ман қилинган.)* каби.

Баъзан таркибида инфинитив бўлган предикатив характердаги бирикмалар ҳам гапда эга бўлиб келади. Масалан: *Сидеть дома одному очень скучно* каби.

Эганинг бошқа сўз туркумлари ва сўз бирикмалари билан ифодаланиши.

1. Гапда ундовлар ҳам эга вазифасида келади. Бундай предикатив эгаларнинг рус тили грамматикасига хос хусусияти шундаки, у билан кесим бирлик средный род формасида ишлатилади. Масалан: *Раздалось громкое «Ура!».* (Пушкин.)—*Қаттиқ «Ура!» садоси ягради.*

2. Рус тилида ҳам, ўзбек тилида бўлганидек, ажралмас сўз бирикмалари предикатив эга вазифасида кела олади. Бу хил сўз бирикмалари қуйидагича шаклланади:

а) саноқ сон билан (один сўзидан бошқа) отнинг родительный ёки именительный келишикдаги шакли. Ўзбек тилида улар саноқ сон + отнинг бирликдаги бош келишик шакли билан берилади: *Шли два приятеля вечерней порой. (Крылов.)—Кечки пайтда икки дўст борар эди. В нашей группе учится двадцать человек. — Группамизда йигирма киши ўқийди* каби;

б) много — кўп, мало — оз, сколько — неча, столько — шунча, несколько — бир неча, немного — бир оз, немало — оз эмас каби равиш ва олмошлар отнинг родительный келишик формаси билан бирикиб бирикмални эга вазифасида келади: *Прошло много лет.— Кўп йил ўтди. Собралось много народа.— Кўп одам йиғилди* каби. Аммо эга саноқ сон ҳамда одамларнинг ифодаловчи отлар билан бирикиб келганда кесим одатда кўплик шаклида қўлланади: *Многие товарищи не пришли.— Кўп ўртоқлар келишмади* каби;

в) биринчиси именительный келишикда, иккинчиси с предлогли творительный келишикда келган икки отнинг бирикмаси предикатив эга вазифасида келиб, унинг кесими кўплик сон формасида қўлланади. Ўзбек тилида эса кесим кўпинча бирликда ишлатилади: *На солнышке Полкан с Барбосом лежа грелась. (Крылов.)— Пўлкан билан Барбос офтобда исиниб ётарди. Отец с сыном пошли на охоту.— Отаси билан ўғли овга кетгиди* каби. Агар бу хил бирикма билан кесим бирлик формада ишлатилса бирикма эмас, отнинг ўзи бош келишикда эга вазифасида келган бўлади: *Отец с сыном пошёл на охоту.— Отаси ўғли билан овга кетди.* Бу гапда отец эга вазифасида;

г) один (одна, одно) саноқ сони ҳамда из предлогли отнинг



қаратқич келишидаги кўплик формаси ўзаро бирикиб, гапда эга вазифасида келади. Бундай бирикмада *из* предлогли от қайси родда бўлса, *один* сўзи ҳам шу родга мослашади: *Один из студентов сдал экзамен. (Студентлардан бири имтиҳон топширди.) Одно из собраний проводилось у нас (Мажлислардан бири бизда ўтказилди.)* каби.

Эганинг гапга тенг конструкциялар билан ифодаланиши. Гапга тенг конструкциялар эга бўлиб келганда қўштирноқ ичига олинади ва унинг кесими *средний* родда бўлади. Бундай конструкциялар ўзбек тилида ҳам қўштирноқда бериледи: *Его «Я тебя люблю» ей очень не понравилось.— Унинг «Мен сени севаман»и қизга ҳеч ёқмади. Все эти «Как бы что не вышло, осторожно!» его раздражало.— Уша «Бир нарса бўлиб қолмасин, эҳтиёт бўлинг!» деган гаплар унинг аччиғини келтирар эди. Это «не хочу» меня поразило.— Унинг «истамайман» дегани мени ҳайратда қолдирди* каби.

## 12-§. Кесим ва унинг ифодаланиши (Сказуемое)

Маълумки, гапнинг асосий грамматик белгиси бўлган предикативлик категорияси модаллик, замон ва шахс-сон категориялари билан ифодаланади. Модаллик, замон ва шахс категориялари эса, асосан, кесим структурасида ёки составида рўй беради. Шу сабабдан кесим гапда предикацияни ифодаловчи энг асосий бош бўлақдир.

Кесим бир составли гапга ҳам, икки составли гапга ҳам хос. Масалан, ўзбек тилида: *Студентлар имтиҳонларни топшириб бўлдилар* (икки составли гап). *Эртага экскурсияга борамиз* (бир составли гап); рус тилида: *Студенты сдали экзамены* (икки составли гап). *Завтра поедем на экскурсию* (бир составли гап) каби.

**Ўзбек ва рус тилларида кесимнинг умумий грамматик хусусиятлари.** Кесим предикацияловчи (яъни аниқлаш, таъкидлаш, инкор қилиш каби йўллар билан гап ҳосил қилувчи) категория сифатида қуйидаги маъноларни ифодалайди:

1. Предметнинг ҳаракатини билдиради: *Карим кетди. Юқорида ўтинг. Карим ушёл. Получите* каби.

2. Предметнинг белгиси, сифати, хусусиятини билдиради. Ўзбек тилида бундай кесим икки составли ва бир составли гапларда қўлланади: *Ҳаво яхши. Яхшимисиз?* каби. Рус тилида бундай кесим фақат эгаси бор гапда, яъни икки составли гапдагина бўла олади: *Погода хорошая. Здоровы ли вы?* каби. Бунинг сабаби: ўзбек тилида от, сифат, сон ёки бошқа сўз туркуми билан ифодаланган кесим предикативликнинг шахс-сон кўрсаткичинини қабул қила олади ёки предикатив сўзлар орқали ифодаланади, шунинг учун улар эгасиз гапда ҳам кесим вазифасини бажара олади. Рус тилида эса отлар предикативлик

кўрсаткичига эга бўла олмайди, шунинг учун предикатив отлар эга билан келгандагина кесим вазифасини бажара олади. Мисолларни солиштиринг: *Яхшимисиз?—Хороши ли вы? Студентман.— Я студент каби.*

3. Эга бўлмаган, конкрет шахси ҳам ифодаланмаган гапда кесим маълум бир шахсга алоқадор бўлмаган ҳаракат ёки белгини билдиради. Масалан, ўзбек тилида: *Меҳмонга борилди. Буни тузатиш мумкин каби*; рус тилида: *Нужно пойти. (Бориш керак.) Не курить! (Чекилмасин!) Моросит. (Емғир ёғяпти.) Светает. (Тонг отяпти.) Меня знобит (Этим уюшмоқда.) каби.* Бу мисоллардан кўринадики, рус тилида, биринчидан, ўзбек тилидагидек, кишилар ҳаракатининг маълум бир шахсга алоқадорлиги ифодаланмаган, иккинчидан, *моросит, светает каби* гапларда бажарувчи шахс мутлақо кўзда тутилмаган. Ўзбек тилида бу хил табиат ҳодисалари икки составли гаплар орқали ифодаланади. *Меня знобит* типидagi гапларда эса киши ирода-сидан ташқари унда рўй бераётган ҳолат ифодаланган. Бу гапда ҳам предикатив эга йўқ, предикатив шахс-сон ҳам ифодаланмаган. Ўзбек тилида бундай ҳолатлар ҳам эга ва кесимдан иборат икки составли гаплар билан берилди.

4. Эгасиз гапда кесим (аслида кесимга тенг бўлган гап) маълум бир предмет ёки ҳодисанинг ҳозир ёки доим мавжуд эканлигини, ўтган ёки келаси замонда бўлишини ифодалаши мумкин. Масалан, ўзбек тилида: *Қиш пайти эди. Дам олиш кунни экан. Эрта баҳор. Бодом гуллаган пайт. Емон бўлади каби.* Бу мисоллардан кўринадики, предмет ва ҳодиса номлари *эди, экан* тўлиқсиз феъллари ёрдамида ўтган замон маъносини ифодаловчи кесимга айланган. Шу хилда *бўлади* ёрдамчи феъл билан бундай сўзлар келаси замон маъносини ифодалаши ҳам мумкин; рус тилида бу хил ҳодисалар ўтган ва келаси замон маъносида ифодаланганда, икки составли, яъни эга ва кесимдан иборат гаплар билан берилди: *Была зимняя пора каби.* Ҳозирги замон маъносида қўлланганда, бир составли гаплар орқали берилди: *Зимняя пора. Зимнее время каби.* Бундай бир составли гапнинг от билан ифодаланган бош бўлаги рус тили грамматикасида эга деб ҳам аталади. Замон маънолари билдирилганда эгадан ташқари, *была, был, будет* сўзлари ҳам қўлланади: *Было зимнее время каби.*

Ўзбек ва рус тилларида кесим ўзига хос грамматик хусусиятларга ҳам эга.

**Ўзбек тилида кесим** содда ва составли бўлиб, турли предикатив (кесимлик) кўрсаткичлар билан шаклланади. Кесим вазифасида келган сўзларда шахс-сон қўшимчалари, модаллик ва замон кўрсаткичлари бўлади.

Ўзбек тилида кесимнинг шахс-сон кўрсаткичлари уч хилдир:

1. Биринчи хил шахс-сон қўшимчалари сифатдош, равишдош каби феъл формалари билан ифодаланган кесимларда бўлади. Масалан:

1. Сифатдош билан ифодаланган кесимда:

## Бирликда

- I шахс: *олган-ман, оладиган-ман, олмоқда-ман, олмоқчи-ман, олажак-ман, олар-ман*  
II шахс: *олган-сан, оладиган-сан, олмоқда-сан, олмоқчи-сан, олажак-сан, олар-сан*  
III шахс: *олган, оладиган, олмоқда, олмоқчи, олажак, олар*

## Кўпликда

- I шахс: *олган-миз, оладиган-миз, олмоқда-миз, олмоқчи-миз, олажак-миз, олар-миз*  
II шахс: *олган-сиз, оладиган-сиз, олмоқда-сиз, олмоқчи-сиз, олажак-сиз, олар-сиз*  
III шахс: *олган(лар), оладиган(лар), олмоқда(лар), олмоқчи(лар), олажак(лар), олар(лар)*

а) **-ган+ман, -ган+сан** каби аффиксли феъл кесим ўтган замонда қилинган ҳаракатни ёки ҳаракатнинг доимий хусусият бўлиб қолганини билдиради. Бу хил кесим рус тилида ўтган замон феъли билан берилса-да, унинг лексик ва грамматик маъноси тўлиқ тўғри ифодаланмайди. Мисолларни солиштиринг: *Мен олганман — Я получил.* (Асли *Я получивший.*) Бирок рус тилида сифатдошнинг тўлиқ, яъни *получивший* каби формаси орқали кесим ифодаланмайди;

б) **-диган+ман, -диган+сан** каби аффиксли феъл кесим бажарилиши олдин ҳал қилинган ҳаракатнинг келаси замонда бўлишини билдиради: *Биз шаҳарга борадиганмиз.— Мы решили (должны) поехать в город.* Бу хил кесим рус тилида составли феъл кесим орқали (яъни *решил, должен* каби ёрдамчи сўзлар+феълнинг инфинитив формаси орқали) берилади. Мисолларни қиёсланг: *Мен театрга борадиганман.— Я должен пойти в театр.* Базан бу хил кесим эга орқали ифодаланган предметнинг доимий хусусиятини ҳам билдиради: *Сиз трактор ҳайдаганмисиз?— Вы тот, который пашет трактором?* (Айнан таржима қилганда: *Вы есть пашущий трактором?*);

в) **-моқда+ман, -моқда+сан** каби аффиксли феъл кесим кўп такрорланадиган, доим қилинадиган ҳаракатни билдириб, рус тилида ҳозирги замон феъли билан ифодаланган кесимга тўғри келади. Мисолларни солиштиринг: *Эрмат ўқимоқда.— Эрмат учится (ёки обучается).* *Ҳар йили мўл ҳосил олмоқдамиз.— Ежегодно собираем обильный урожай;*

г) **-моқчи+ман** каби аффиксли феъл кесим келажакда бажарилиши мақсад қилинган ҳаракатни билдиради. Бу рус тилида етакчи феълнинг инфинитив формаси билан *хотеть, намереваться* каби ёрдамчи феълларнинг боғланишидан тузилган составли феъл кесимга тўғри келади: *Улар экскурсияга бормоқчи.— Они хотят поехать на экскурсию. Институтга кирмоқчиман.— Я намерен поступить в институт* каби;

д) **-ажак (-яжак) + ман, -ажак + сан** аффиксли феъл кесим келаси замонда аниқ бажариладиган ҳаракатни билдириб, рус тилида келаси замон феълнинг икки хил формасига (совершенный вид феълнинг содда келаси замон формасига ва несовершенный вид феълнинг қўшма келаси замон формасига) тўғри келади: *Биз СССРда коммунизм қуражакмиз.— Мы в СССР построим коммунизм каби;*

е) **-ар + ман, -ар + сан** (инкор формаси **-мас + ман, -мас + сан**) каби аффиксли феъл кесим икки маънода келади: келаси замонда қилинадиган ҳаракатнинг бажарилиши гумон эканлигини билдиради. Рус тилида бу маъно кесимга *возможно, вероятно* каби сўзларнинг бирикиб келиши билан ифодаланади: *У эртага келар.— Он, вероятно, придёт завтра. Бир кун учрашармиз.— Возможно, встретимся как-то* каби.

2. Равишдош билан ифодаланган кесимларда:

#### Бирликда

I шахс: *ола-ман, олиб-ман*

II шахс: *ола-сан, олиб-сан*

III шахс: *ола-ди, олиб-ди*

#### Кўпликда

I шахс: *ола-миз, олиб-сиз*

II шахс: *ола-сиз, олиб-сиз*

III шахс: *ола-ди(лар), олиб-ди(лар)*

а) **-а ёки -й (-а + ман, -й + ман)** аффиксли феъл кесим нутқ вазияти ва гапдаги пайт ҳолларнинг маъносига қараб ҳозирги ёки келаси замонда бажариладиган ҳаракатни билдиради. Бундай ҳаракат тушунчаси рус тилида, замон маъносига кўра, ҳозирги ёки келаси замондаги феъл кесим орқали ифодаланади: *ҳар кун оламан — беру (ёки получаю) ежедневно, эртага оламан — возьму (ёки получу) завтра* каби;

б) **-иб (-б) + ман, -иб (-б) + сан** каби аффиксли феъл кесим ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини билдириш билан бирга, бу ҳаракатни гапирувчининг ўзи кўрмаган, лекин бошқадан эшитганлиги маъносини ҳам англатади. Бу маъно рус тилида ўтган замон формасидаги феъл кесим билан *оказывается* сўзини бирга ишлатиш орқали берилади: *Аҳмад кеча келибди.— Ахмад, оказывается, приехал вчера. Мен ухлаб қолибман.— Я, оказывается, проспал* каби.

3. От кесимларда. Бундай кесимларда бирлик ва кўплик шахс қўшимчалари шахс маъноларини ақс эттириш билан бирга, ҳозирги замон маъносини ҳам ифодалайди. Масалан:

#### Бирликда

I шахс: *студентман, яхшиман, уйдаман, колхозданман*

II шахс: *студентсан, яхшисан, уйдасан, колхоздансан*

III шахс: *студент(дир), яхши(дир), уйда(дир), колхоздан(дир)*

## Кўпликда

- I шахс: *студентмиз, яхшимиз, уйдамыз, колхозданмиз*  
 II шахс: *студентсиз, яхшисиз, уйдасиз, колхоздансиз*  
 III шахс: *студент(дир), яхши(дир), уйда(дир), колхоздан(дир)*

Ўзбек тилида от кесимлар ҳам, феъл кесимлардаги каби эга билан ёки эгасиз ишлатилиши мумкин. Рус тилида эса отларга қўшиладиган предикатив шахс-сон қўшимчалари йўқ. Шу сабабли рус тилида от кесимли гаплар предикатив эгасиз тузилмайди, бошқача айтганда, рус тилида отнинг (интонация бўлмаганда) ўзи мустақил ҳолда, маълум бир предикатив восита (морфологик кўрсаткич) ёрдами билан кесимга айлана олмайди, фақат эга билан келиб кесим вазифасини бажариши мумкин. Масалан, *Мен студентман* (эга+кесим).— *Студентман* (фақат кесимнинг ўзи).— *Я студент* (эга+кесим).

*Студент* сўзи ёлғиз ҳолда кесим бўла олмайди. **-дир** аффикси кесимларга (**-ар, -мас, -а+ди, -б+ди** формаларидан бошқаларига) шахс-сон қўшимчаларидан олдин қўшилади: *олган+дир+ман, олмоқда+дир+миз, инженер+дир+сиз* каби. Аммо бу форма ҳозирги тилда жуда кам ишлатилади.

II. Иккинчи хил шахс-сон қўшимчалари феълнинг аниқ ўтган замон формаси ҳамда шарт майли билан ифодаланган кесимларда қўлланилади. Масалан:

## Бирликда

- I шахс: *ол-ди+м, ол-са+м*  
 II шахс: *ол-ди+нг, ол-са+нг*  
 III шахс: *ол-ди, ол-са*

## Кўпликда

- I шахс: *ол-ди+к, ол-са+к*  
 II шахс: *ол-ди+нгиз, ол-са+нгиз*  
 III шахс: *олди+(лар), олса+(лар)*

Аниқ ўтган замон феъли билан ифодаланган кесимга рус тилида ҳам ўтган замон феъли билан (кўпинча совершенный вид феъли билан) ифодаланган кесим тўғри келади. Маълумки, рус тилида ўтган замон феъли шахсда тусланмайди, аммо унда род ва сон кўрсаткичлари бўлади. Шу сабабдан кесими ўтган замон феъли билан ифодаланган гап одатда эгасиз ишлатилмайди. Чунончи, ўзбек тилида *ишладим, ўқидим* каби сўз формалари нутқда тўлиқсиз гап бўлиб келиши ва ҳаракатнинг биринчи шахс (мен) томонидан бажарилишини ифодалаши мумкин. Аммо рус тилида *работал, учился* сўзлари ўзинча ҳаракатнинг бошқарувчисини ифода эта олмайди, чунки уларда шахс кўрсаткичи йўқ.

Ўзбек тилида феълнинг шарт майли формаси (**-са** билан келган шакли), асосан, қўшма гап составидаги шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Баъзан содда гапнинг ке-

сими вазифасида ҳам кела олади. Бундай пайтда истак, илтимос, орзу каби маъноларни ифодалайди. Кесимнинг бу хил модал маъноси рус тилида феълнинг шарт ёки буйруқ майли формалари билан берилади: *Эртага бизникига келсангиз.— Пришли бы вы к нам завтра. Ёки: Приходите к нам завтра. Мен ҳам тракторчи бўлсам.— Если бы и я стал трактористом* каби.

III. Учинчи хил шахс-сон қўшимчалари феълнинг буйруқ ва истак майлларида қўлланади. Масалан:

#### Бирликда

- I шахс: *ол-ай(ин), ишла-й(ин)*
- II шахс: *ол (ол+гин), ишла (ишла+гин)*
- III шахс: *ол-син, ишла-син*

#### Кўпликда

- I шахс: *ол-ай+лик, ишла-й+лик*
- II шахс: *ол-инг (ол-ингиз), ишла-нг (ишла-нгиз)*
- III шахс: *ол-син(лар), ишла-син(лар)*

Бу хил кесимнинг биринчи шахс формаси гапирувчининг (бирлик сонда) ўз истагини ифодалайди. Рус тилида у келаси замон феълига *-ка* юкласини қўшиш орқали берилади: *борайин — пойду-ка* каби. Биринчи шахснинг кўплик формаси эса гапирувчи кимларга мурожаат қилса, ўзини ҳам шулар қаторига қўшиб, бирга ҳаракат қилишга ундаганини билдиради. Рус тилида келаси замон феълнинг кўплиги I шахс формаси билан, баъзан унга *-ка* қўшимчасини қўшиш билан ифодаланади: *Буларнинг таклифларини эшитайлик.— Выслушаем их предложения. Ёки: Выслушаем-ка их предложения. У ерга тезроқ борайлик! — Пойдём-ка туда скорей!* каби.

Бундай кесимларнинг II ва III шахс формалари буйруқ, илтимос маъноларини ифодалайди. Рус тилида улар феълнинг II шахс буйруқ майли билан ифодаланган формасига, III шахсда эса феълнинг содда келаси замон шакли *+пусть* сўзига тўғри келади: *Келинг!— Приходите! Уқиб чиқ!— Прочитай! Эрмат олсин.— Пусть получит (ёки возъмёт) Эрмат* каби.

Буйруқ майлининг II шахс формаси билан ифодаланган кесимнинг икки тилда ҳам грамматик хусусияти шундан иборатки, бу хил кесимли гап, одатда, эгасиз ишлатилади: *олиб кел — принеси* каби. Икки шахснинг ҳаракати ўзаро қарама-қарши қўйилганда ёки ҳаракат бажарувчисига алоҳида аҳамият берилганда, буйруқ феъли *сен — ты, сиз — вы* олмошлари билан бирга қўлланади. Бунда олмош эга, нутқ қаратилган шахснинг номи эса ундалма вазифасида бўлади: Масалан: *Сен тўхта, мен борай.— Ты стой, пойду-ка я. Петров, приборни сиз олиб келинг; қолганлар, мана бу ерда ўтиринг! — Петров, вы принесите прибор; остальные, сидите здесь!* каби.

Эслатма: *-нг (-инг)* аффиксли кесим ҳурмат маъносини ҳам ифодалайди: *Марҳамат қилинг, тўрға ўтинг.— Пожалуйста, проходите выше* каби.

Шундай қилиб, ўзбек тилида феълларнинг шахс-сон кўрсаткичлари қуйидаги уч турга бўлинади (жадвалга қаранг):

Шахс ва сон		Биринчи хил шахс-сон кўрсаткичлари	Иккинчи хил шахс-сон кўрсаткичлари	Учинчи хил шахс-сон кўрсаткичлари
I шахс	Бирлик Қўплик	-ман -миз	-м -к	-ай (-ин), -й (-ин) -айлик, -йлик
II шахс	Бирлик Қўплик	-сан -сиз	-нг -нги з	ноль (-гин, -гил) -ингиз (-нгиз), -инг (-нг)
III шахс	Бирлик Қўплик	-ди ёки ноль -ди (-лар) ёки ноль (-лар)	ноль ноль (-лар)	-син -син (-лар)

Ўзбек тилида предикацияни (кесимликни) ифодаловчи бошқа воситалар ҳам бор. Хусусан:

а) ҳаракатнинг бажарувчисини ифодалаш учун баъзи составли кесимлар структурасида эгалик қўшимчалари ҳам ишлатилади. Улар ҳаракат номига қўшилиб, *керак, зарур, шарт, мумкин* каби сўзлар билан қўлланади: *Мен ишлашим керак. Биз бу ишнинг олдини олишимиз зарур. Сиз кечикмай етиб боришингиз шарт. Колхоз планни бажариши мумкин* каби.

Эгаси қўлланмаган гапларда ҳам эгалик қўшимчалари предикатив шахсни ифодалайди: *Ишлашим керак. Бу ишнинг олдини олишимиз зарур. Кечикмай етиб боришингиз шарт* каби. Бундай конструкцияларга хос предикатив шахс рус тилида эга билан ифодаланади: *Я должен работать. Вы должны прибыть вовремя* каби.

Эслатма: Бу хил кесимлар шахс-сон (ёки эгалик) қўшимчасисиз ишлатилиб, шахсиз гапни ҳосил қилиши мумкин: *олиш керак — надо получить, бориш мумкин — можно пойти* каби.

б) эмоқ тўлиқсиз феълнинг шахсли формалари ўзи бириккан ҳар бир сўзни кесимга айлантиради: *келган эди, бор экан, йўқ экан, Зокир эмиш, қиш эди, яхши эмас* каби;

в) бўлмоқ, қилмоқ феъллари мустақил кесим бўлишдан ташқари, составли кесим таркибида боғлама сифатида ҳам замон ва майл маъноларини ифодалайди: *Зокир инженер бўлди. (Закир стал инженером.) Бу киши менинг тоғам бўлади (Это мой дядя.)* каби.

Кесим фразеологизмлар (кўчма маъноли турғун бирикмалар) билан ҳам ифодаланади: *Хатга қўл қўйдим. Я подписал бумагу (письмо.) Ишга бел боғладик (Мы принялись за работу.)* каби.

г) баъзан кесимга *-ку, -чи, -ми* каби юкламалар қўшилиб, модалликни ифодалайди: *бор-ку (есть же); Анови Қаримовми? (Вон тот Каримов?) Ўзинг-чи? (А ты сам?)* каби;

д) баъзан кесимликни ифодалашда предикатив интонация катта хизмат қилади. Масалан, *бу китоб* бирикмасидаги икки сўз ўртасида пауза бўлганда бирикмадаги сўзларнинг биринчиси эга, иккинчиси кесим бўлади: *Бу — китоб (Эта книга.)* каби;

е) баъзан сўз тартибининг ўзгариши бошқа вазифадаги сўзнинг кесим вазифасида келишини таъминлайди. Масалан, *очиқ эшик* (сўз бирикмаси).— *Эшик очиқ* (гап) каби. Рус тилида бу хил бирикма ва гапларда компонентлар тартиби ўзгартирилганда, аниқловчи билан кесимнинг шакли ҳам ўзгаради: *открытая дверь.— Дверь открыта* каби.

Рус тилида ҳам кесим турли сўз туркумлари билан ифодаланади.

Феъл кесим (глагольное сказуемое) деб рус тилида феълнинг шахсли (изъявительное, повелительное, сослагательное наклонения) формалари<sup>1</sup> ҳамда инфинитив билан ифодаланган кесимга айтилади.

От, сифат, сон, олмош, равиш ҳамда феълнинг сифатдош формалари билан ифодаланган кесим от кесим (именное сказуемое) ҳисобланади.

Рус тилида предикатив шахснинг эга ёки кесим орқали ифодаланишига қараб, кесимлар икки гурпуага ажралади. Бир гурпуа кесимлар борки, уларнинг составида (морфологик структурасида) шахс кўрсаткичлари бўлиб, предикатив шахс кесим орқали ифодаланади. Бундай кесимларнинг асосий ёки ёрдамчи қисми феълнинг ҳозирги ёки келаси замон формалари ва буйруқ майли формалари билан ифодаланади. Кесимларнинг иккинчи гурпуасига ўз структурасида шахс кўрсаткичи бўлмаган сўзлар киради. Масалан, от, сифат, сон, олмош ёрдамчи феълсиз кесим вазифасида келганда, ўзбек тилидагидек, шахс кўрсаткичини қабул қила олмайди. Феълнинг ўтган замон формаси ва шарт майли билан ифодаланган кесимларда ҳам шахс кўрсаткичи бўлмайди. Бу хил кесимли гапларда предикатив шахс эга орқали ифодаланади.

**Рус тилида шахс кўрсаткичли кесим формалари.** Шахс кўрсаткичлари феъл кесим ёки составида ёрдамчи феъл бўлган от кесимнинг баъзи формаларида бўлади. Кесимдаги шахс кўрсаткичи феълнинг видига (грамматик турига) қараб предикатив шахс билан бирга замон маъносини ҳам ифодалайди: шахс кўрсаткичи несовершенный вид феълда ҳозирги замонни, совершенный вид феълда эса келаси замонни ифодалайди. Масалан: *Я читаю* ва *Я прочитаю* каби. Биринчи гапда кесим ҳозирги замонни, иккинчи гапда эса келаси замонни ифодаланган, аммо уларнинг ҳар иккаласида шахс кўрсаткичи бир хил (-ю тугалмаси).

<sup>1</sup> Рус тилида феълнинг ўтган замон формаси ва шарт майли (условно-желательное наклонение) шахсли (личная) форма ҳисобланса-да, бу формаларда ҳақиқатда шахс кўрсаткичлари йўқдир, бу формаларнинг шахс маъноси улар билан ишлатилган кишилик олмошлари орқали ифодаланади.



Шахс кўрсаткичли кесимнинг формалари, ишлатилиши ва асосий маъно хусусиятлари қуйидагича:

1. Феълнинг аниқ майли (ҳозирги ёки келаси замонни билдирувчи формаси) билан ифодаланган кесимнинг: а) биринчи шахс бирлиги мазмунан гапирувчининг ҳаракати ёки ҳолатини англатади. Бундай гапларнинг кесимидаги шахс кўрсаткичлари тўрт гурӯҳга ажралади: *Иду. Читаю. Я учусь. Борюсь* каби. Булар олдида *я* олмоши эга бўлади ёки эга бўлмаса ҳам шахс кўрсаткичи биринчи шахс ҳаракатини ифодалайди; б) биринчи шахс кўплиги кўпинча шахс номидан гапирилганда ишлатилади. Бунда ҳам тўрт хил шахс кўрсаткичи бўлади: *Идём. Мы говорим. Мы боремся. Учимся* каби. Демак, бирликда *-у, -ю, -усь, -юсь*; кўпликда *-ем, -им, -емся, -имся* шахс кўрсаткичлари ишлатилади; в) иккинчи шахс бирлиги мазмунан тингловчининг ҳаракатини англатади, бундай гапларнинг кесими *-ешь, -ишь, -ешься, -ишься* қўшимчалари билан шаклланади. *Ты идёшь. Что читаешь? Стараешься? Ты учишься. Постешишь—насмешишь* каби; г) иккинчи шахс кўплиги *-ете, -ите, -етесь, -итесь* кўрсаткичлари билан шаклланиб, кўпликни билдиришдан ташқари, контекст ёки ситуация талаби билан бирликдаги ҳурмат маъносини ҳам ифодалайди: *Вы идёте. Вы говорите правду? Вы боритесь за мир. Встречаетесь здесь* каби.

Биринчи ва иккинчи шахс кўрсаткичли кесим олдида рус тилида ҳам, ўзбек тилида бўлганидек, кишилик олмошлари (*я, мы, ты, вы* олмошлари) эга вазифасида келиши ҳам, келмаслиги ҳам мумкин. Бу икки шахснинг ҳаракатини англатувчи кесимлар грамматик жиҳатдан эгага тобе эмас, деса бўлади, чунки бу хил кесимлар эгасиз ҳам мустақил ишлатилаверади. Академик В. В. Виноградов бу хил предикатив алоқани қуйидагича тасвирлайди: «I ва II шахс олмошлари билан феълнинг шахсли формаларидан тузилган бирикмаларда олмош билан ифодаланган эганинг шахсига феъл кесимнинг шахси тўғри келади. Рус тилида феълдаги шахс категорияси билан олмошдаги шахс категорияси ўртасида тўла аналогия (ўхшашлик) мавжуддир». У бунга қўшимча қилиб яна шундай дейди: «*Я думаю... Ты помнишь* каби бирикмалардаги кишилик олмошларининг шахсли феъл формаларига муносиблиги *красивая шуба, новое пальто* каби мослашув формаларидан катта фарқ қилади, бу хил муносабатларни бир хил мослашув деб аташ мумкин эмас... I ва II шахс феъл формаларининг кишилик олмошларига бўйсунishi (яъни унга форма жиҳатдан грамматик тобе бўлиб мослашиши — А. С.) тўғрисида гапириш мумкинлигининг ўзи шубҳалидир»<sup>1</sup>. Бу билан В. В. Виноградов рус тилида ҳам феълнинг I ва II шахс формалари ўзбек тилидагидек, анча мустақиллигини, бинобарин, уларнинг олмош билан ифодаланувчи эгасиз ҳам бемалол ишлатилавериши мумкинлигини,

<sup>1</sup> Грамматика русского языка, т. II, Синтаксис, Часть первая, изд. АН СССР, Москва, 1954, стр. 390.

шундай экан, шахсли феъл кесимнинг олмош билан ифодаланган эгага тўла бўйсунмаслигини таъкидлайди.

Учинчи шахс кўрсаткичли кесимнинг бирлигида **-ет, -ит, -ется, -ится** (*Он идёт. Петров говорит. Народ борется за мир. Брат торопится каби*), кўплигида эса **-ут, -ют, -ат, -ят, -утся, -ются, -атся, -ятыя** кўрсаткичлари бўлади (*Они идут. Колхозы выполняют план. Товарищи спешат. Все говорят. Студенты подписываются на газеты. Народы борются за мир. Слышатся голоса. Они встретятся на вокзале каби*). III шахс кўрсаткичли кесим олдида, одатда, кишилик олмошининг III шахс формаси (*он, она, оно, они*) ёки отлар билан ифодаланган эга келади, улар I ва II шахсли кесимдай бемалол эгасиз ишлатилавермайди. Бундан ташқари, уларнинг III шахс кўплик формаси, ўзбек тилидаги III шахс формаси даражасида мустақил эмас. Рус тилида бирликни англатувчи эга ёнида фақат бирлик, кўпликдаги эга ёнида эса фақат кўплик формадаги кесим ишлатилиши шарт. Мисолларни қиёсланг: *Он идёт.— Они идут.* (ўзбек тилида: *У келаётир.— Улар келаётир.*) *Студент сдаёт экзамен.— Студенты сдают экзамен. Он спешит.— Они спешат. Человек говорит.— Люди говорят. Беседа продолжается.— Беседы продолжаются каби.*

III шахс кўрсаткичли кесим қуйидаги ҳолатларда эгасиз гапларда ҳам қўлланади:

а) нутқ вазиятидан қайси шахс ҳақида гапирилаётгани маълум бўлганда. Масалан: *Александра Ивановна ко мне привязалась; никого, бывало, к себе в комнату, кроме меня, не пускает. Начнёт со мною разговаривать; спрашивает меня, где я учился, как живу... А то возмёт меня за руку и держит, глядит на меня, долго глядит, отвернётся, вздохнёт и скажет: «Какой вы добрый!»* (Тургенев.);

б) III шахс кўплик формаси шахси номаълум гапда (неопределённо-личное предложение) ишлатилади: *Цыплят по осени считают. Говорят, ты женился каби;*

в) феълнинг бирлик сон формаси шахсиз гап (безличное предложение) кесими вазифасида ишлатилади: *Светаёт. Смеркается. Нездоровится каби.* Бунда шахсиз феъллар ишлатилади.

II. Феълнинг буйруқ майли (повелительное наклонение) формаси билан ифодаланган кесимлар. Бу ҳия кесимлар, асосан, иккинчи шахс бирлик ва кўпликда ишлатилади. Бирликда улар **-и, -й, -ь, -ись, -йся, -ься** аффикслар билан шаклланади (*иди, читай, сядь, учись, умойся, оденься каби*), кўпликда эса шу кўрсаткичларга **-те** қўшилади ёки **-итесь, -йтесь, -етесь, -ьтесь** қўшимчалари ишлатилади (*идите, читайте, сядьте, учитесь, умойтесь, оденетесь каби*).

Буйруқ майлидаги феъл одатда иккинчи шахс формасида ишлатилади, аммо баъзи ҳолларда (биринчи шахс истаги билдирилганда) биринчи шахс формасида бирликда **-у-ка, -ю-ка, -усь-ка, -юсь-ка** кўрсаткичлари билан (*Пойду-ка каби*), кўп-

ликда эса **-емся, -емтесь, -имтесь** кўрсаткичлари билан (*идёмте. Споёмте* каби) ишлатилиши ҳам мумкин.

Буйруқ ва истак маъносида ишлатилган гаплар, одатда, эгасиз ишлатилади, лекин уларда предикатив шахс ифодаланган бўлади.

Баъзан учинчи шахсда буюриш ёки ундаш маъноси ифодаланганда *пусть, да* юкламалари билан келаси замон феъли кесим бўлиб келади: *Пусть он придёт. Да здравствует наш праздник* каби. Бу хил гаплар эгасиз ишлатилмайди.

Рус тилидаги предикатив шахс категориясини ифодаловчи кесимларнинг шахс кўрсаткичлари системасини қуйидаги схемада кўриш мумкин:

Шахс ва сон		Ҳозирги-келаси замон феъли		Буйруқ майли
		I тусланиш	II тусланиш	
I шахс	Бирлик	-у, -ю, -усь, -юсь, -ем, -емся	-у, -ю, -усь, -юсь, -им, -имся	-у-ка, -усь-ка -емте, -емтесь
	Кўплик	-есть, -есться	-ите, -итесь	-и, -ись, -и, -иься
II шахс	Бирлик	-есть, -есться	-ите, -итесь	-ь, -ься -ите, -итеть -йте, -йтесть
	Кўплик	-ет, -ется -ут, -ют, -утся,	-ит, -итя -ат, -атся, -ят, -ятя	-ьте, -ьтеть — —

Юқоридагилардан кўринадики, предикатив шахс феълларнинг ҳозирги келаси замон формаси ва буйруқ майли билан, шунингдек, юқорида кўрсатилган от кесим составидаги ёрдамчи феълларнинг шахс кўрсаткич формалари билан ифодаланади: *Я стану инженером* каби. Бошқа хил кесимлар структура-сида (масалан, от кесимда) предикатив шахс ифодаловчи кўрсаткичлар бўлмайди. Бунда предикатив шахс эга вазифасида келган сўз ифодалайди. Бундан келиб чиқадики, рус тилида предикатив шахс ўзбек тилидагидек ҳар бир кесим структура-сида ифодаланавермайди.

**Рус тилида шахс кўрсаткичсиз ишлатиладиган кесим формалари.** Шахс кўрсаткичсиз ишлатиладиган кесимлар ўзларининг грамматик хусусиятларига қараб икки гурпуага ажралади: 1) шахс кўрсаткичи бўлмаса-да, кесимлик вазифасини бажарувчи сўзлар; 2) фақат предикатив эга билан бириккандигина кесим вазифасида келадиган сўзлар.

Шахс кўрсаткичсиз предикацияни ифодалайдиган ва доим кесим вазифасида келадиган сўз формалари ҳам икки гурпуага ажралади: 1) эга билан род ва сонда мослашувчи формалар ва 2) формасини ҳеч ўзгартирмай, фақат шахсиз гапнинг кесими бўлиб келувчи сўзлар. Буларнинг биринчи гурпуасига феълнинг ўтган замон формаси, шарт майли, сифат ва сифат-

дошнинг қисқа формалари; иккинчи группасига эса предикатив-равишлар қиради.

1. Маълумки, рус тилида ўтган замон феълнинг шахс кўрсаткичи йўқ, у, асосан, икки составли гапнинг кесими бўлади ва саккиз хил кўрсаткич билан ишлатилади. Хусусан:

Мужской роддаги эга ёнида бундай кесим ноль кўрсаткичли бўлади (яъни род кўрсаткичи бўлмайди): *Он читал. Мальчик купался* каби.

Женский роддаги эга ёнида кесим **-а** ёки **-ась** кўрсаткичи билан келади: *Она читала. Девочка купалась* каби.

Средний роддаги эга ёнидаги кесимда эса **-о** ёки **-ось** кўрсаткичи бўлади: *Лето пришло. Собрание началось* каби.

Кўплик сондаги эга ёнида **-и** ёки **-ись** кўрсаткичли кесим ишлатилади: *Они читали. Ребята купались* каби.

**Ўтган замон феъли билан ифодаланган кесимнинг род ва сон кўрсаткичлари<sup>1</sup>**

Сон	Род	<b>-ся</b> қўшимчаси йўқ феъл кесимда		<b>-ся</b> қўшимчаси бўлган феъл кесимда	
Бирлик	Мужской род: <i>он</i>	<b>-л</b> (—) <sup>2</sup>	<i>читал</i>	<b>-лся</b>	<i>купался</i>
	Женский род: <i>она</i>	<b>-ла</b>	<i>помог</i> <i>читала</i>	<b>-(—) ся</b> <b>-лась</b>	<i>постригся</i> <i>купалась</i>
	Средний род: <i>оно</i>	<b>-ло</b>	<i>помогла</i> <i>прошло</i> <i>стемнело</i>	<b>-лось</b>	<i>постриглась</i> <i>началось</i> <i>пришлось</i>
Кўплик	Кўплик сон: <i>они</i>	<b>-ли</b>	<i>читали</i> <i>помогли</i>	<b>-лись</b>	<i>начались</i> <i>купались</i>

**Ўтган замон феъли билан ифодаланган кесимнинг эга билан род ва сонда мослашуви**

Сон	Эга	Род	Кўрсаткич	Кесим
Бирлик	<i>Колхоз</i> <i>Бригада</i> <i>Звено</i>	Мужск: <i>он</i>	(—)	<i>выполнил</i>
		Женск: <i>она</i>	<b>-а</b>	<i>выполнила</i>
		Среди: <i>оно</i>	<b>-о</b>	<i>выполнило</i>
Кўплик	<i>Колхозы</i> <i>Бригады</i> <i>Звенья</i>	Мужск: Женск: <i>они</i> Среди:	<b>-и</b>	<i>выполнили</i> <i>выполнили</i>

<sup>1</sup> Таблицада феълнинг ўтган замон род ва сон кўрсаткичлари **-л** суффикс билан **-л, -ла, -ло, -ли, -лся, -лась, -лось, -лись** формаларида берилди.

<sup>2</sup> Баъзи феълларнинг ўтган замон формаси **-л** қўшимчасисиз ясалади: *Он помог* каби. Шу сабабдан **-л** қўшимчаси ёнида қавс ичида чизиқча (—) берилди.

Бирлик	<i>Сев Весна Утро</i>	Мужск: он Женск: она Средн: оно	- (—) ся - ась - ось	<i>начался началась началось</i>
Кўлик	<i>Каникулы</i>	<i>они</i>	- ись	<i>начались</i>

Ўтган замон феъли кесим бўлиб келганда гапда эга қўлла-ниши шарт. Қиёсланг: *Я читал. Ты читал. Он читал.* Бу уч гапнинг ҳаммасида кесим бир хил (*читал* формасида) шаклланган, конкрет шахсларни эса эгалар (*я, ты, он* олмошлари) ифодалаган.

Баъзан оғзаки нутқда бу хил кесимлар эгасиз ҳам ишлатилади: *Пошёл! (Жўна!) Ушли. (Кетишди.) Пошли (Кетдик.)* каби. Бундай эгасиз гапларда конкрет шахс нутқ вазиятидан англашилади.

Ўтган замон феълининг средний род формаси шахсиз гапнинг (безличное предложение) кесими вазифасида ҳам ишлатилиши мумкин: *Дорогу занесло снегом. (Йўлни қор босибди.) Пришлось остановиться. (Тўхташга тўғри келди.) Стемнело (Қоронги тушди)* каби.

*Быть, бывать* феълларининг *было, бывало* (средний род) формалари кесим составида келиб, унга модал маъно оттенкасини қўшади: 1) *было* формаси кесимда ифодаланган ҳаракатнинг бажарилмай ёки бошланиб тугамай қолганини билдиради: *Николай пошёл было, но приостановился и крикнул. (Николай кетмоқчи бўлди-ю, бироқ тўхтаб, қичқирди.);* 2) *бывало* формаси кесимда ифодаланган ҳаракатнинг узоқ ўтган замонда кўп марта такрорланганини билдиради: *В то время играем, бывало, вместе... (Уша вақтларда бирга ўйнар эдик... Яъни «гоҳ, гоҳ ўйнар эдик, ўйнаб юрар эдик») каби.*

2. Шарт майлидаги феъл кесим род ва сонда эга билан мослашиши жиҳатидан, юзаки қараганда, ўтган замон феълидан фарқ қилмайди, унда *бы* юкламаси ишлатилади: *Съездил бы ты домой (Уйингга бориб келсанг бўларди.)* каби

Шарт майли қўшма гап составида эргаш гапнинг кесими бўлиб келади, баъзан содда гапнинг кесими вазифасида ҳам ишлатилади. У содда гапнинг кесими вазифасида келганда қуйидаги маъноларни ифодалайди:

а) гапирувчининг (I шахснинг) истагини: *Был бы я сейчас дома (Ҳозир уйимда бўлсам эди.)* каби;

б) маслаҳат ёки илтимосни: *Ты бы не читал, а спал. (Уқимасанг, ухласанг.) Устроился бы он на работу (У ишга жойлашса эди.)* каби.

Шарт майли феълнинг нутқда ишлатилиш хусусиятларидан яна бири шундаки, унинг *бы* (баъзан *б* шаклидаги) юкламаси гапнинг турли жойида келади, яъни кўчиб юради. У феълдан

узокда туриши ҳам мумкин: *Вы бы нам рассказали об этом. (Бу тўғрида бизларга гапириб берсангиз бўларди.)* каби.

Қисқа сифат ва сифатдош билан ифодаланган кесим. Сифат ва сифатдошнинг қисқа формаси (короткая форма прилагательного и причастия) фақат кесим вазифасини бажаради.

Сифат билан сифатдошнинг бундай формалари эгага род ва сонда мослашади: *План выполнен. Задача выполнена. Задание выполнено. Все планы выполнены. Воздух чист. Небо чисто. Вода чиста. Руки и ноги у мальчика чисты* каби.

Сифатдошнинг **-н, -ен, -т** суффикслари билан ясалган қисқа формалари кесим бўлганда ҳаракатнинг натижаси, ҳозирги ҳолати, хусусиятини билдиради. Улар эга билан тўрт хил тугалма орқали мослашади: ноль тугалма орқали мужской родда (*Завод построен. Магазин открыт* каби), **-а** тугалмаси орқали женский родда (*Электростанция построена. Столовая открыта* каби), **-о** тугалмаси орқали средний родда (*Дело сделано. Задание выполнено* каби), **-ы** тугалмаси орқали кўплик сонда (*Все магазины открыты. Поля засеяны. Планы и задания выполнены* каби). Бундан ташқари, **-о** тугалмали сифатдош билан ифодаланган кесимлар баъзан шахсиз (эгаси бўлмаган) гапларда ҳам ишлатилади: *Открыто. (Очиқ.) Закрыто. (Епиқ.) Сказано — сделано (Айтилди — қилинди.)* каби.

Ҳаракатнинг ўтган замонда бўлганини ифодалаш учун кесим олдида *быть* феълнинг ўтган замон формаси (*был, была, было, были*) ишлатилади. Бунда составли кесимнинг иккала қисми ҳам эга билан род ва сонда мослашади: *План был выполнен. (План бажарилган эди.) Магазин был открыт. (Магазин очиқ эди.) Ток был включен. (Ток берилган эди.) Задача была решена. (Масала ечилган эди.) Книга была прочитана. (Китоб ўқиб чиқилган эди.) Место было занято. (Жой банд эди.) Задание было выполнено. (Топириқ бажарилган эди.) Все отряды были построены. (Барча отрядлар саф тортган эди.) Места были заняты. (Жойлар банд эди.) Магазины были открыты (Магазинлар очиқ эди.)* каби.

Ҳаракатнинг бажарилиши келаси замонга ўтказилганда, кесим олдида келаси замон боғламаси ишлатилади: *Завод будет построен.— Завод қурилиб бўлади. Заводы будут построены.— Заводлар қурилиб бўлади. Задача будет решена.— Масала ечилади. Задачи будут решены.— Масалалар ҳал қилинади. Будешь лишен права.— Сен ҳуқуқдан маҳрум қилинасан. Вы будете лишены прав.— Сиз ҳуқуқдан маҳрум қилина- сиз* каби. Келаси замон боғламаси билан келган бундай составли кесим эга билан куйиндагича мослашади: *буду, будешь, будет, будем, будете, будут* боғламалари эга билан шахс ва сонда, сифатдош қисми эса уч родда ва кўплик сонда мослашади.

Бу хил кесимларнинг *быть* боғламаси билан ва боғламасиз ишлатилишини қиёслаш: *Дом построен. (Иморат қурилган.)— Дом был построен. (Иморат қурилган эди.)— Дом будет по-*

строен. (Иморат қурилади.) Демак, *быть* феълининг ўтган ва келаси замон формалари сифатдош ифодалаган ҳаракатнинг замонини аниқлайди.

Қисқа сифатдошнинг *-ем, -им, -ом* суффиксли формалари кўпинча *быть* боғламаси билан кесим бўлиб келади: *Он был горячо любим братом (Уни акаси жуда севар эди. Сўзма-сўз таржимаси: У акаси томонидан оташин севилар эди.)* каби.

Қисқа сифатдош олдида *может быть, должен быть* бирикмалари ишлатилганда ҳам составли кесим ҳосил бўлади. Бундай кесимнинг грамматик маънолари қуйидагича:

1) *может быть* билан келган кесим ҳаракатнинг бажарилишидаги имконият, мумкинлик маъноларини ифодалайди: *Задача может быть выполнена.— Задачи могут быть выполнены. (Масала ечилиши мумкин.— Масалалар ечилиши мумкин.) Он не может быть допущен к работе.— Они не могут быть допущены к работе (У ишга қўйилиши мумкин эмас.— Улар ишга қўйилиши мумкин эмас.);*

2) *должен быть* билан ишлатилган кесим ҳаракатнинг бажарилиши зарур эканлини билдиради: *План должен быть выполнен.— Планы должны быть выполнены. (План бажарилиши зарур.— Планлар бажарилиши зарур.) Задача должна быть решена.— Задачи должны быть решены. (Масала ҳал қилиниши зарур.— Масалалар ҳал қилиниши зарур.) Задание должно быть выполнено.— Задания должны быть выполнены (Топпириқ бажарилиши зарур.— Топпириқлар бажарилиши зарур.)* каби.

Сифатнинг қисқа формаси ҳам гапда боғлама билан ва боғламасиз кесим бўлиб кела олади.

Боғламасиз келганда предметнинг доимий белгисини (ҳозирги замондаги хусусиятини) билдиради: *Воздух чист. (Ҳаво мусаффо.) Его совесть чиста. (Унинг виждони пок.) Всё ясно. (Ҳаммаси равшан.) Руки коротки. (Қўлидан келмайди. Сўзма-сўз таржимаси: Қўли калта.)*

Боғлама билан ўтган ва келаси замон маънолари ифодалайди: а) *был, была, было, были* боғламалари ўтган замонни ифодалаш учун хизмат қилади: *Воздух был чист. (Ҳаво тоза эди.) Мать была здорова. (Онам соғ эди.) Дело было знакомо. (Иш таниш эди.) Мы тогда были сильны. (Биз у вақтда кучли эдик.); б) буду, будешь, будет, будем, будете, будут* боғламалари эса келаси замонни ифодалайди: *Я буду краток. (Мен қисқа гапирман.)*

Баъзи сифатларнинг қисқа формалари кесим вазифасида «қотиб» қолган. *Масалан жив, здоров, знаком, известен, рад, должен, готов* каби формалар: *Готов к Вашим услугам. (Хизматингизга тайёрман.) Вы рады моему приходу? (Келганимга хурсандмисиз?)* каби.

*Должен, рад, готов* каби бир неча қисқа сифатлар бошқа сўзлар билан составли кесим ҳосил қилишлари ҳам мумкин: *должен* формаси инфинитив билан бирикиб, составли кесим

ҳосил қилиб, тўрт формада (*должен, должна, должно, должны* формалари) эга билан мослашади: *Петров должен сказать. (Петров айтиши керак.) Фабрика должна выполнить план. (Фабрика планни бажариши керак.) Собрание должно обсудить этот вопрос. (Мажлис бу масалани муҳокама қилиши керак.) Все должны собраться здесь (Ҳамма бу ерда йиғилиши керак.)* каби.

*Рад, готов* формалари инфинитив билан составли кесим ҳосил қилиб, эга билан мослашади: *Рад вам помочь. (Сизга ёрдам беришга тайёрман.) Мы рады вас приветствовать. (Сизларни жон-дилдан табриклаймиз.) Петрова готова вам помочь. (Петрова сизга ёрдам беришга тайёр.)* каби.

Кесим вазифасида келган баъзи қисқа сифатлар эга билан бирикиб, ажралмас бирикма (фразеологик иборалар) ҳосил қилган: *Все живы-здоровы. (Ҳамма соғ-саломат.) Руки коротки. (Қўлидан келмайди ёки қўли калта.) С него взятки гладки. (Ундан ҳеч нарса унмайди.) Дорог каждый час. (Ҳар соат ғанимат.) Дело плохо. (Иш ёмон.) Вопрос ясен (Масала равшан.)* каби.

**Эга билан мослашмайдиган кесим формалари.** Рус тилида доим кесим бўлиб келадиган, лекин ҳеч ўзгармайдиган предикатив характердаги сўзлар бор. Буларга сифатнинг қиёсий даражаси ва предикатив равишлар киради.

Сифатнинг қиёсий даражаси билан ифодаланган кесим икки предметни қиёслаш учун хизмат қилади: *Вода тяжелее керосина.— Сув керосиндан оғирроқ. Керосин легче воды.— Керосин сувдан енгилроқ. Он сильнее меня. Они сильнее нас.— У мендан кучлироқ. Улар биздан кучлироқ* каби. Қиёсловчи кесим қиёсланувчи икки предмет номи ўртасида келади. Бош келишиқдаги биринчи от эга, кесимдан кейин родительный келишиқда келган от эса тўлдирувчи бўлади. Ўзбек тилида бу хил конструкцияларда сўз тартиби бошқачароқ бўлади: олдин эга, кейин чиқиш келишиқда келган қиёсланувчи предметнинг номи — тўлдирувчи, сўнгра кесим келади (юқоридаги мисолларга қаранг). Шунинг учун ҳам ўзбеклар бу хил русча гапларни ўзбекча конструкцияга мослаштириб тузадилар: *Вода от керосина тяжёлый* каби. Бу хил гапда баъзан *чем* боғловчиси ҳам қўлланади. Бу ҳолатда қиёсланувчи отларнинг иккинчиси ҳам бош келишиқда (именительный келишиқда) келади. Солиштиринг: *Вода тяжелее керосина.— Вода тяжелее, чем керосин. Керосин легче воды.— Керосин легче, чем вода. Он сильнее, чем я.— Он сильнее меня. Они сильнее нас.— Они сильнее, чем вы* каби.

Предикатив равишларнинг грамматик хусусияти шундан иборатки, булар, биринчидан, фақат кесим вазифасида келади, иккинчидан, кўпинча предикатив эгаси бўлмаган шахсиз гапнинг кесими бўлади. Мисоллар: *Темно. (Қоронғи.) Холодно. (Ҳаво совуқ.) Жарко. (Ҳаво иссиқ.) На душе весело. (Дилим шод.) Не стыдно ли тебе? (Сенга уят эмасми? Ёки: Уялмайсанми?)* каби.



Предикатив равишли кесими бўлган гаплар рус тили учун характерлидир. Ўзбек тилида фақат кесим вазифасида келадиган равишлар йўқ. Шу сабабли рус тилидаги предикатив равишли кесими бўлган гапларга ўзбек тилида от кесимли ва кўпинча икки составли гаплар эквивалент бўлади: Солиштиринг: *На улице холодно.— Ташқари совуқ. На душе весело.— Дилим шод каби.*

Предикатив равишларнинг ёлғиз ўзи ҳам гап бўла олади: *Холодно. Жарко. Весело.* Бу хил шахссиз гаплар ўзбек тилига хос эмас.

Предикатив равишларнинг яна бир грамматик хусусияти шуки, буларнинг охири *средний род* тугалмасига ўхшаб **о** билан тугаса-да, бу **о** род кўрсаткичи бўлмаганлиги учун улар ўзгармайди.

Рус тилидаги кесимлар яна қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Рус тилида инфинитив кесим эга билан мослашмайди. У эгали ва эгасиз (шахссиз) гапларнинг кесими вазифасида келади.

Эгали гаплардаги инфинитив кесим: а) таъкидлаш маъносини ифодалайди: *Моя цель — получить высшее образование.— Менинг мақсадим олий маълумот олишдир;* б) бошланиб кетган ёки давом этаётган ҳаракатни билдиради: *Я царица хохотать и плечами пожимать, и подмигивать глазами, и пришёл кивать перстами, и вертеться подбочась. (Пушкин.)*

Инфинитив шахссиз гапнинг кесими вазифасида келиб, қатъий буйруқни ифодалайди: *Не курить! — Чекилмасин! Встать! — Туринг! Выполнить план досрочно! — План муддатидан олдин бажарилсин!* каби.

Инфинитив билан предикатив боғлама составли кесим ҳосил қилади: *Нужно получить.— Олиш керак. Необходимо выполнить план.— Планни бажариш керак каби.* Инфинитив билан келган боғлама *средний родга* ўхшаб **о** тугалмаси билан ишлатилади.

2. Маълумки, от кесимлар от, сифат, сон, олмош ва равишлар билан ифодаланadi<sup>1</sup>. Фақат отнинг (предмет номининг) ўзи билан ифодаланган кесимлар ва уларнинг структураси:

Отлар гапта: 1) содда кесим вазифасида келади: *Я студент.— Мен студентман;* 2) замон ва майл ифодаловчи предикатив боғламалар билан бирикиб составли кесим таркибида келади: *Я был пастухом, стал инженером.— Мен қўпон эдим, инженер бўлдим. Он будет учителем.— У ўқитувчи бўлади. Она станет врачом.— У (аёл) врач бўлади;* 3) мустақил маъносини йўқотмаган феъл билан бирикиб, қўшма кесим ҳосил қилади: *Петров работает агрономом.— Петров агроном бўлиб ишлайди. Она вернулась в кишлак учительницей.— У (аёл) қишлоғига ўқитувчи*

<sup>1</sup> Грамматика русского языка. Т. II, Синтаксис, часть первая, Изд. АН СССР. М., 1954, стр. 418.

*бўлиб келди* каби. От кесим вазифасида келган отлар бош (именительный) ва воситали келишикларда бўлиши мумкин.

Бош келишикда келган от кесим ҳозирги замон маъносини ифодалаб, кўпинча ёлғиз (боғламасиз) қўлланади: *Он студент.— У студент. Она учительница.— У (аёл) ўқитувчи. Это журнал.— Бу — журнал.* Баъзан бош келишикдаги от кесим олдида ҳозирги замонни ифода этувчи *есть, это, вот, как, вроде, словно* каби сўзлар боғлама бўлиб келади: *Золото — это редкий цветной металл. (Олтин нодир рангли маъдандир.) Хлопок — это гордость народа. (Пахта халқнинг ифтихоридир.) Это есть наш последний и решительный бой. (Бу бизнинг сўнги ва ҳал қилувчи жангиздир.) Коммунизм есть советская власть плюс электрификация всей страны. (В. И. Ленин. Коммунизм Совет ҳоқимияти плус барча мамлакатни электрлаштириш демакдир.) Вода — вот краса природы. (Сув табиат гўзаллиги, ҳуснидир.) Она как ангел. (У (қиз) фариштадай.) Твои речи будто острый нож. (Сўзларинг наштадай ўткир.) Старый что малый. (Кекса одам ёш боладай бўлади.)* Юқоридаги мисоллардан кўрнанидики, предикатив боғламалар гапнинг мазмунига турли модал (таъкидлаш, ўхшатиш каби) маънолар қўшади.

Рус тилида бош келишикдаги отлар кесим бўлиб келганда гапда эга албатта қатнашади, чунки бош келишикдаги от кесим ўзбек тилидагидек морфологик предикатив кўрсаткичга эга эмас. Шунга қарамай баъзан ёлғиз отнинг ўзи рус тилида атов гап бўла олади: *Зима. Кругом снег (Қиш. Атроф қор.)* каби. Бу хил атов гапларнинг ягона бош бўлаги рус тилшунослигида кўпинча эга деб ҳисобланади. Лекин бу гап бўлагиди предикативлик (кесимлик) хусусияти ҳам бор, шунинг учун баъзи олимлар уни кесим деб атайди, баъзилар эса эга ҳам, кесим ҳам демай, атов гапнинг бош бўлаги деб атайди<sup>1</sup>.

Лекин рус тилида шундай атов гаплар ҳам борки, буларнинг бош бўлаги, шубҳасиз, кесим. Масалан: *1) Субъектив баҳо ифодаловчи гаплар: Подлец! (Муттаҳам!) Молодец! (Баракалла!) Глупости! (Аҳмоқлик!)* каби.

3. Воситали келишикларда келган от кесимларнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари бор. Уларнинг ичида энг кўп учрайдигани творительный келишикдаги от кесимдир. Бундай кесим саставида *быть, стать, являться, называться* каби феъллар предикатив боғлама бўлиб келади. Улар ҳозирги, ўтган ва келаси замон маъноларини ифодалашга ёрдам беради: *Он был учителем. (У ўқитувчи эди.) Она была врачом. (У (аёл) врач эди.) Он стал судьей. (У судья бўлди.) Она стала агрономом. (У (аёл) агроном бўлди.) Предложением называется слово или словосочетание... (Гап деб... сўз ёки сўз бирикмасига айтилади.)* каби.

<sup>1</sup> Қаранг: Потербня А. А. Из записок по русской грамматике, I, II, Харьков, 1888, стр. 79; Пешковский А. М. Русский синтаксис в научном освещении. Изд. 4-е, М., 1934, стр. 335; Булаховский Л. А. Курс литературного русского языка. Харьков, 1937, стр. 303; Шахматов А. А. Синтаксис русского языка, М., 1941, стр. 30—31; Грамматика русского языка. Т. II, Синтаксис, часть первая, М., 1954, стр. 72.

*Называться, являться, может быть* каби боғламали гапларнинг кесимлари кўпинча эгадан олдин келади. Рус тилидаги бундай гапларнинг кесими ўзбек тилидаги гапнинг эгасига, эгаси эса ўзбек тилидаги гапнинг кесимига тўғри келади. Қиёсланг: *Таким органом могла бы быть Экономическая комиссия Совета Национальностей Верховного Совета СССР.— Шундай орган СССР Олий Совети Миллатлар Советининг Иқтисодий комиссияси бўлиши мумкин.* Русчадаги кесим (таким органом могла бы быть) ўзбекчада эга (*Шундай орган*) билан берилган. Русчадаги эга (*экономическая комиссия*) ўзбекчада кесим (*иқтисодий комиссияси бўлиши мумкин*) бўлиб қолган.

Составни кесимнинг от қисми эга билан сонда, боғламаси эса сон ва родда мослашади: *Он был врачом. Она была врачом. Они были врачами. Ребёнок станет взрослым. Дети станут взрослыми. Коля стал трактористом. Нина стала дояркой.*

От кесим творительный келишикдан бошқа воситали келишикларда келиши ҳам мумкин: *Он высокого роста. (У баланд бўйли.) Отец на заводе (Отам заводда.)* каби.

Сифат ва сифатдошнинг тўла формалари, тартиб сонлар ва олмошлар отлар ўрнида келиб, гапда кесим вазифасини бажариши мумкин: *Погода прекрасная. (Ҳаво жуда ёқимли.) Погода была прекрасная. (Ҳаво жуда яхши эди.) Он пришёл усталый. (У чарчаб келди.) Она пришла усталая. (У (аёл) чарчаб келди.) Я оказался там первым. (Мен биринчи бўлибман.) Мама оказалась там первой (Онам у ерда биринчи бўлди.)* каби.

## ИККИНЧИ ДАРАЖАЛИ БЎЛАКЛАР (ВТОРОСТЕПЕННЫЕ ЧЛЕНЫ)

Иккинчи даражали бўлакларни икки гурпуга ажратиш мумкин:

1) отга эргашувчи иккинчи даражали бўлаklar (второстепенные члены, поясняющие имя существительное);

2) феълга эргашувчи иккинчи даражали бўлаklar (второстепенные члены, поясняющие глагол).

Маълумки, отга боғланиб, предметнинг сифати, белгисини билдирган гап бўлаклари аниқловчи (определение) деб, ҳаракат воситаси, объекти, ҳолатини билдирган гап бўлаклари тўлдирувчи (дополнение) ва ҳол (обстоятельство) деб аталади.

Тўлдирувчилар воситали келишикдаги предмет ва шахс номлари билан ифодаланиб, ҳаракат воситаси ёки объектини билдиради: *Акамга айтаман.— Скажу брату* каби.

Ҳоллар ҳаракатнинг пайти, ўрни, сабаби, мақсади кабиларни билдиради ва асосан равишлар ва воситали келишикларда келган ўрин, пайт номлари билан ифодаланади: *Эртага келади.— Приедет завтра* каби.

Иккинчи даражали бўлаklarнинг бу хусусиятлари ўзбек ва рус тилларининг иккаласи учун умумийдир.

### 13-§. Аниқловчи (Определение)

Ўзбек тилида аниқловчилар отга эргашув шаклига кўра асосан икки гурпуага — сифатловчилар ва қаратқичларга аж-  
ралади:

1. Сифатловчилар сифат, сон, сифатдош, равиш ҳамда сифат вазифасидаги от ва олмошлар билан ифодаланади: *Богда чиройли гуллар очилган. Укам бешинчи синфда ўқийди. Сен магазиндан қандай китоб олдинг? Ухлаётган боланинг ёнида қаттиқ гапирманг. Шунча дафтарни қаердан олдинг?* каби.

Сифатловчилар сифатланмиш отга битишув йўли билан эргашади. Бу хил сифатловчилар рус тилида кўпинча мослашган аниқловчиларга эквивалент бўлади: *Азамат қизил галстук олди.— Азамат получил красный галстук. Иккинчи курс студентлари имтиҳонларни топшириб бўлишди.— Студенты второго курса сдали экзамены. Утган кунларни эсладик.— Мы вспомнили минувшие дни. Бундай қаламлар қайси магазинда бор? — В каком магазине имеются такие карандаши? Магазинда тилла соат бор.— В магазине имеются золотые часы* каби.

Сифатловчилар **-лик, -ли, -сиз** қўшимчали ясама сифатлар билан ифодаланганда, унга рус тилида из ёки с предлогли родительный (баъзан творительный) келишикдаги от эквивалент бўлади: *москвалик меҳмонлар — гости из Москвы, соқолли киши — человек с бородой, муқовасиз китоб — книга без обложки* каби.

Ўзбек тилида сифатловчилар сўз бирикмаси билан ҳам ифодаланади: *Эрталабдан ёга бошлаган қор кечга яқин тинди (Снег, шедший с самого утра, прекратился только к вечеру.)* каби.

Мураккаб сифатловчилар вазифасида потенциал эга ва кесимдан иборат бўлган бирикмалар ҳам келиши мумкин. Масалан: *Аҳмад олган милтиқ (ружьё, которое взял Ахмед), соқоли узун одам (человек с длинной бородой)* каби. Бу хил сифатловчилар қуйидаги хусусиятларга эга:

а) таркибида сифатдош бўлган мураккаб сифатловчига рус тилида кўпинча эргаш гап эквивалент бўлади: *Озод ёзган хатни олдим.— Я получил письмо, которое написал Азад. Бобонг айтиб берган эртякни биласанми?— Ты знаешь сказку, которую рассказал твой дедушка?* каби;

б) таркибида сифат бўлган мураккаб сифатловчиларнинг компонентлари баъзан ўрин алмашиши мумкин. Қиёсланг: *эшиги чиройли бино — чиройли эшикли бино, соқоли узун киши — узун соқолли киши* каби. Булар рус тилида эргаш гап ёки бирикма билан берилади: *эшиги чиройли ҳовли — двор с красивыми дверями, соқоли узун киши — человек с длинной бородой ёки человек, у которого длинная борода* каби.

в) *бор, йўқ* сўзлари билан тузилган мураккаб сифатловчи ўрнида **-ли** ёки **-сиз** қўшимчали содда сифатловчи қўлланиши

ҳам мумкин. Қиёсланг: *фартуғи бор теримчилар — фартуқли теримчилар. (Сборщики, у которых есть фартуки ёки сборщики с фартуком.) Қайғуси йўқ киши бормикан? (Мақол.)— Қайғусиз киши бормикан? (Есть ли человек, у которого нет горя. Ёки: Есть ли человек без горя.)* каби;

г) мураккаб сифатловчининг яна бир хили сифатдошли оборотдир. Сифатдошли оборот қиёсланаётган иккала тилда ҳам бор. Мисоллар: *Ҳиндистондан келган меҳмонлар университетни бориб кўрдилар.— Гости, приехавшие из Индии, посетили университет* каби.

2. Қаратқич аниқловчининг аниқланмиши (қаралмиш компоненти) эгалик қўшимчасини қабул қилади: *шаҳар Совети, колхоз раиси, олимнинг китоби, Тошкентнинг кўчалари* каби.

Қаратқич аниқловчи белгили (-нинг қўшимчаси билан) ва белгисиз (-нинг қўшимчасисиз) қўлланади. Унда алоҳида синтактик алоқа мавжуд: бирикмадаги бош сўз (аниқланмиш) тобе сўз (қаратқич аниқловчи) билан шахс ва сонда мослашади. Масалан: *менинг қаламим, бизнинг қаламимиз, сенинг қаламинг, сизнинг қаламингиз, унинг қалами, уларнинг қалами* каби. Бунда мазмун жиҳатдан қаратқич қаралмишга тобе, формал-грамматик жиҳатдан эса қаралмиш ўз шаклини (шахс ва сон қўшимчасини) қаратқичнинг шахс ва сонига мослаштириб унга тобе бўлади.

Қаралмиш (эгалик қўшимчали сўз) қаратқич аниқловчисиз ишлатилиши ҳам мумкин: *Қаламимни бер.— Отдай мой карандаш. Китобингни топдингми?— Нашёл ли ты свою книгу? Ака-сига айт.— Скажи его брату* каби.

Қаратқич аниқловчига рус тилида аниқланмишдан кейин келган родительный келишикдаги от аниқловчи эквивалент бўлади. Қиёсланг: *акамнинг китоби — китоба брата, мактаб директори — директор школы, пионерлар саройи — дворец пионеров.* Баъзан унга нисбий сифат эквивалент бўлиб келади: *шаҳар совети — городской совет* каби.

Рус тилида аниқловчилар мослашган (согласованное определение) ва мослашмаган (несогласованное определение) бўлади.

1. Мослашган аниқловчилар сифат, тартиб сон<sup>1</sup>, сифатдош, олмош билан ифодаланади. Мослашган аниқловчининг аниқланмиш билан структурал муносабати қуйидагича:

Маълумки, рус тилида отлар учта грамматик группага, яъни мужской, женский ва средний род отларига ажралади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос келишикларда турланади. Аниқловчилар ўз грамматик формаларини (ўзгарувчи қўшимчаларини)

<sup>1</sup> Рус тилида саноқ сон билан отдан тузилган бирикма бош ва тушум келишиклариди ажралмас бирикма ҳосил қилиб, бир гап бўлаги ҳисобланади: *У него есть три брата (три брата — эга);* бош ва тушум келишикдан бошқа воситали келишикларда эса от билан келишикда мослашади ва унинг аниқловчиси бўлиб хизмат қилади: *Мы получили телеграммы от пяти институтов.— Биз беш институтдан телеграмма олдик* каби.

аниқланмишнинг юқорида қайд қилинган грамматик маънолари билан мослаб келади. Мисолларни қиёсланг:

а) аниқловчи аниқланмишнинг мужской роддаги мослашуви: *красный флаг* (қизил байроқ), *хороший день* (яхши кун), *большой корабль* (катта кема);

б) аниқловчи аниқланмишнинг женский роддаги мослашуви: *красная краска* (қизил бўёқ), *домашняя работа* (уй иши), *медвежья берлога* (айиқ уяси);

в) аниқловчи аниқланмишнинг средний роддаги мослашуви: *красное знамя* (қизил байроқ), *среднее образование* (ўрта маълумот), *охотничье ружьё* (ов милтиғи);

г) уларнинг кўпликдаги мослашуви: *красные флаги*, *красные знамена* (қизил байроқлар), *красные краски* (қизил бўёқлар), *хорошие дни* (яхши кунлар), *большие корабли* (катта кемалар), *домашние работы* (уй ишлари), *охотничьи ружья* (ов милтиқлари) каби.

Шунингдек, воситали келишикларда келган сифат ва сифатсимон сўзлар ҳам отлар билан мослашади: *у красного знамени* (қизил байроқ ёнида), *к красному флагу* (қизил байроқ олди-га), *красную краску* (қизил бўёқни) каби.

Мослашган аниқловчи ёлғиз сўз билан ифодаланганда аниқланмишдан олдин келади (юқоридаги мисолларга қаранг). Ёйиқ сифатловчи махсус логик ургу олиб ажратилган бўлак бўлиб келганда, одатда, аниқланмишдан кейин келади: *Наш город, молодой и красивый, всё хорошеет. (Бизнинг ёш ва гўзал шаҳримиз тобора кўркамлашиб бормоқда.)*

Сифатдош оборотидан иборат аниқловчи рус тилида аниқланмишдан кейин келади ва у билан мослашади. Масалан: *телеграмма, полученная нами* (биз олган телеграмма); *телеграмму, полученную нами* (биз олган телеграммани); *о телеграмме, полученной нами* (биз олган телеграмма ҳақида); *студент, сдавший экзамен* (имтиҳон топширган студент); *студентка, сдавшая экзамен* (имтиҳон топширган студент қиз); *студенты, сдавшие экзамен* (имтиҳон топширган студентлар); *для студента, сдавшего экзамен* (имтиҳон топширган студент учун); *для студентов, сдавших экзамен* (имтиҳон топширган студентлар учун).

2. Мослашмаган аниқловчи родительный келишикдаги ёки бошқа воситали келишикдаги отлар билан ифодаланиб, аниқланмишдан кейин келади: *книга брата* (акамнинг китоби), *книги брата* (акамнинг китоблари), *с книгами брата* (акамнинг китоблари билан), *о книгах брата* (акамнинг китоблари ҳақида).

Мослашмаган аниқловчиларнинг баъзи грамматик хусусиятлари уларни ўзбек тили билан қиёслаганда равшан кўринади. Чунончи:

а) предлогсиз родительный келишикдаги от билан ифодаланган аниқловчилар аниқланмишдан кейин келади ва икки предметнинг бир-бирига қарашлилигини, хусусиятини, сифати-

ни билдиради. Бу аниқловчиларга ўзбек тилида аниқланмиш от олдидан келадиган қаратқич эквивалент бўлади: *директор школы — мактаб директори. Его, ее, их формалари аниқловчи вазифасида аниқланмишдан олдин келади: его дом — унинг уйи;*

б) предлогли родительный келишикдаги от ҳам аниқловчи вазифасида кўп ишлатилади: из предлоги билан ишлатилиб, отнинг ўрни ёки материални билдиради: *парень из Ташкента (тошкентлик йигит), дом из кирпича (ғиштдан солинган иморат); для, от предлоги билан келиб, бир предметнинг иккинчи бир предметга қарашлигини билдиради: вагон для пассажиров (пассажирлар вагони), место для детей (болалар учун жой), лекарство от головной боли (бош оғриқ дори); без предлоги билан келиб, муайян белги-хусусиятнинг бирор предметда йўқлигини ифодалайди: квартира без балкона — балконсиз уй;*

в) бошқа предлоглар билан ишлатилган турли воситали келишикдаги отлар ҳам аниқловчи бўлиб кела олади ва предметнинг ҳар хил белгиларини ифодалайди: *дорога в Москву (Москвага борадиган йўл), человек с бородой (соқолли киши), человек в плаще (плашли одам), полковник в отставке (истеъфога чиққан полковник) каби.*

Мисоллардан кўриниб турибдики, рус тилида воситали келишиклардаги отлар билан ифодаланган аниқловчиларга ўзбек тилида кўпроқ сифат ёки сифатдош билан ифодаланган аниқловчилар эквивалент бўлади.

Рус тилида кишилик олмошларига эргашган аниқловчилар ҳам бўлади: *Он, бедный, очень устал. — У бечора жуда чарчади. Обрадованный я не находил себе места. — Мен қувончимдан ўзимни қаерга қўйишимни билмас эдим.* Мисолларнинг таржимасидан кўриниб турибдики, олмошга эргашган аниқловчилар ўзбек тили учун хос бўлмагани учун, улар ярим предикатив характердаги кесим ёрдами билан (*у бечора каби*) ёки ҳол билан берилади.

Ўзбек тилида аниқловчиларнинг изоҳловчи тури «кўпинча жинс ва тур билдирувчи сўзларнинг муносабатини билдиради»<sup>1</sup>. Масалан: *қиз бола, ўғил бола.* Бу бирикмалардаги биринчи компонентлар (*қиз, ўғил* сўзлари) изоҳловчидир. Рус тилида бу ибораларнинг изоҳловчи-изоҳланмиш бирикмасидан иборат эквиваленти йўқ, уларга *девочка, мальчик* отлари эквивалент бўлади. Бироқ *Эрмат балиқчи, Обид машиначи* типдаги изоҳловчили бирикмалар иккала тилда ҳам мавжуд: *Рыбак — старик, денщик — Иван.* Ўзбек тилида маълум касб номларининг ёки лақабларнинг изоҳловчи вазифасида изоҳланмишдан кейин келиш ҳоллари кўп учрайди; бундай бирикма бир бутунликни ифодаловчи интонация билан айтилади: *Бобожон бурун, Турди соқов.* Кейинги вақтларда рус тили таъсирида изоҳловчининг

<sup>1</sup> А. Ғ. Ғуломов. Содда гап. Тошкент, 1955. 79- бет.

изоҳланмишдан олдин келиш ҳолатлари ҳам пайдо бўлган: доктор *Иброҳимов*, *бригадир Латиф* каби.

Ўзбек тилида рус тили таъсирида махсус интонация билан айтиладиган ажратилган изоҳловчилар ҳам юзага келди. Улар изоҳланмишдан кейин келиб, баъзан у билан келишиқда ҳам мослашади. Мисолларни солиштиринг: *Сиз, комсомоллар, коммунизм қурувчиларининг илгор сафида борасизлар.— Вы, комсомольцы, идёте в первых рядах строителей коммунизма. Сизга, комсомолларга, партия мурожаат қилади.— К вам, комсомольцам, обращается партия.*

Рус тилида изоҳловчи изоҳланмиш билан келишиқда мослашиб келади: *Мы любим свою Родину-мать.— Биз ўз она-Ватанимизни севамиз.* Рус тилидаги кўпгина изоҳловчи сўзлар ўзбек тилидаги қаратқич ёки сифатловчи аниқловчига эквивалент бўлади: *гора — великан — улкан тоғ* каби.

Газета, китоб, журнал, шаҳар, қишлоқ, идора, корхона кабиларнинг атоқли номлари қиёсланаётган икки тилда ҳам изоҳловчи деб ҳисобланади. Фарқи шундаки, изоҳловчи ўзбек тилида изоҳланмишдан олдин, рус тилида эса изоҳланмишдан кейин келади. Мисоллар: *«Пахтакор» стадиони — стадион «Пахтакор», «Она» қиссаси — повесть «Мать», Киев шаҳри — город Киев, «Қизил тонг» фабрикаси — фабрика «Красная заря»* каби.

#### 14- §. Тўлдирувчи (Дополнение)

Маълумки, ҳар иккала тилда ҳам тўлдирувчилар воситасиз (прямое) ва воситали (косвенное) бўлади.

Воситасиз тўлдирувчилар ўзбек тилида тушум келишиқдаги отлар билан, рус тилида эса предлогсиз винительный келишиқдаги сўзлар билан ифодаланади.

Қиёсланаётган ҳар икки тилдаги тўлдирувчиларнинг ўзига хос грамматик хусусиятлари мавжуд. Хусусан, ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчилар белгили тушум келишиқда (-ни кўшимчаси билан) ва белгисиз тушум келишиқда (кўшимчасиз) келган сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Конкрет ёки маълум бир предмет номи -ни кўшимчали бўлади: *Аҳмадни кўрдингми?— Увидел ли ты Ахмеда? Университетни шу йил тамомлайман.— Университет окончу в этом году;* конкрет бўлмаган, миқдори номаълум ёки кўплик ичидан ажралмаган (таъкидланмаган) предмет номи белгисиз тушум келишиқда бўлади: *китоб ўқиганман.— Я читал книги. Қалам ва дафтар олиб келдилар.— Привезли карандаши и тетради.*

Маълумки, ўзбек тилида феълнинг орттирма даражаси олдида ҳам тўлдирувчи келади. Масалан: *устага тузаттирдим, Қаримга ёздирдим.* Бу хил тўлдирувчи ҳаракат субъектини билдиради. Қиёсланг: *устага тузаттирдим — мне сделал мастер, Қаримга ёздирдим — мне написал Қарим* каби. Бу мисоллар-



нинг русча таржимаси ўзбекчага қайта таржима қилинса, олдингидан бошқачароқ конструкция ва маъно вужудга келади: *Мне написал Карим.— Менга Карим ёзиб берди. Мне сделал мастер.— Менга уста тузатиб берди* каби. Қўринадики, тўлдирувчи феълнинг ортирма даражасидан иборат бўлган бирикмалар рус тили учун хос эмас.

Отлашган сифатдош тўлдирувчи бўлиб келганда, рус тилида унга эргаш гап эквивалент бўлиши мумкин: *Кўрганингни айтиб бер.— Расскази, что ты увидел. Утирганларга беринг.— Дайте сидящим. Еки: Дайте тем, кто сидит* каби.

Тўлдирувчилар субстантивлашган бирикмалар билан ҳам ифодаланиши мумкин: *имтиҳон топширган студентларга айтинг* бирикмаси ўрнига *имтиҳон топширганларга айтинг* бирикмаси ишлатилиши мумкин. Буларнинг иккинчисида тушиб қолган от (*студентларга*) ўрнида сифатдош субстантивлашиб, тўлдирувчи вазифасида келган: *имтиҳон топширганларга*.

Нутқда баъзан субстантивлашган гаплар (субъект ва предикат номларидан иборат бирикмалар) ҳам тўлдирувчи бўлади. Буларга рус тилида тўлдирувчи эргаш гаплар тўғри келади. Қиёсланг: *Эрмат ўқиганни мен ҳам ўқидим.— Я читал то же, что читал Эрмат. Совет ҳокимияти ери йўқларга ер берди.— Советская власть дала землю тем, у кого ее не было* каби.

Икки предмет белгисини қиёслаш учун ишлатилган чиқиш келишикдаги тўлдирувчига рус тилида предлогсиз родительный келишикдаги тўлдирувчи эквивалент бўлади. Қиёсланг: *Сув ёғдан оғир.— Вода тяжелее масла. Арслон йўлбарсдан кучли.— Лев сильнее тигра*. Қўринадики, от билан ифодаланган тўлдирувчи ўзбек тилида сифатдан олдин, рус тилида эса сифатдан кейин келади.

Тўлдирувчилар кўмакчили конструкциялар билан ҳам ифодаланади:

а) тўлдирувчи билан кўмакчили от билан ифодаланганда биргалик, восита маъноларини билдиради. Биргалик англашилганда рус тилида *с* предлогли творительный келишикдаги от эквивалент бўлади: *Уртоғим билан ишлайман.— Работаю с товарищем*; б) ҳаракат воситаси билдирилганда предлогсиз винительный келишикдаги от билан ифодаланган тўлдирувчи эквивалент бўлади: *Қалам билан ёзма, сиёҳ билан ёз.— Пиши не карандашом, а чернилами* каби.

Рус тилида тўлдирувчиларнинг асосий грамматик хусусиятлари қуйидагича:

рус тилида воситасиз тўлдирувчи предлогсиз винительный келишикдаги сўз билан ифодаланганда ўзбек тилида бўлганидек, ўтимли феъл (переходный глагол) билан келади: *читаю твою книгу — сенинг китобингни ўқияман*. Бу хил тўлдирувчилар:

а) феълдан англашилган ҳаракат предметнинг бир қисмига ўтганлигини ифодалаганда, родительный келишикда келади ва совершенный вид феълга эргашади: *выпей воды (сув ич; тўғри-*

роғи: *судан ич*), *пей воду* (*сувнинг ҳаммасини ич*), *купи хлеба и молока* (*нон ва сут сотиб ол*; *тўғрироғи: нондан ва судан сотиб ол*);

б) -на приставкали феълга эргашиб, родительный келишикда келади: *Он накупил книг.* (*У жуда кўп китоб олиб қўйди.*) *Девушка читалась разных романов и влюбилась в героев этих книг.* (*Қизча турли романларни ўқийвериб, уларнинг қаҳрамонларини севиб қолган.*) *Нарубил дров.* (*Жуда кўп ўгин ёрди.*) *Натаскал воды.* (*Жуда кўп сув ташиб қўйди*);

в) бояться (*қўрқмоқ*), достигать (*етмоқ*, *етишмоқ*), добиться (*эришмоқ*), стесняться (*уялмоқ*), лишиться (*ажралмоқ*, *маҳрум бўлмоқ*), ждать (*кутмоқ*), просить (*илтимос қилмоқ*) каби сўзлар билан бирга келганда ҳам родительный келишикда бўлади. Ўзбек тилида буларга чиқиш, жўналиш ва тушум келишикларида келган тўлдирувчилар эквивалент бўлади. Қиёсланг: *Мальчик боится темноты.*— *Бола қоронғидан қўрқади.* *Строители добились больших успехов.*— *Қурувчилар катта ютуқларга эришдилар.* *Жду ответа, как соловей лета.*— *Булбул ёзни кутгандай жавобингни бетоқатлик билан кутаман;*

г) ўтимли феъллардан ясалган отлар ёнида ҳам родительный келишикдаги сўз тўлдирувчи бўлади: *выполнение плана*— *планни бажариш ёки планнинг бажарилиши* ва *выполнить план*— *планни бажармоқ.* *Защита отечества*— *священный долг каждого советского гражданина.*— *Ватанни ҳимоя қилиш ҳар бир совет гражданининг муқаддас бурчидир.* (*Защита отечества*— *защищать отечество*). Бу параллел конструкцияларнинг иккисига ҳам ўзбек тилида, асосан, тушум келишикли конструкция тўғри келади;

д) кўп ҳолатларда ўтимли феълларнинг бўлишсиз (*не юк-ламали*) формаси ёнидаги воситасиз тўлдирувчилар ҳам родительный келишикда бўлади. Бўлишли ва бўлишсиз феъллар билан ёнма-ён келган тўлдирувчиларни қиёсланг: *Я купил карандаш.*— *Я не купил карандаша.* Ўзбек тилида иккала ҳолатда ҳам тўлдирувчи белгисиз тушум келишикда бўлади: *Мен қалам олдим.*— *Мен қалам олмадим;*

е) рус тилининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, унда *нет*, *не было*, *не будет* сўзлари билан бирга келган родительный келишикдаги от маъно жиҳатидан субъектни англатади, грамматик жиҳатдан эса тўлдирувчи бўлади. Қиёсланг: *У меня есть брат.*— *У тебя нет брата.* (*Менинг акам бор.*— *Сенинг аканг йўқ.*) *Я был на концерте.*— *На концерте меня не было.* (*Мен кеча концертда бўлдим.*— *Мен концертда йўқ эдим.*) *Я был дома.*— *Меня не было дома.* (*Мен уйда эдим.*— *Мен уйда йўқ эдим.*) *Ты будешь здесь.*— *Тебя не будет здесь.* (*Сен бу ерда (ҳозир) бўласан.*— *Сен бу ерда (ҳозир) бўлмайсан.*) *Он будет здесь.*— *Его не будет здесь.* (*У бу ерда бўлади.*— *У бу ерда бўлмайди.*)

Кўринадики, бош келишикдаги олмошга эргашган *быть* феъли кесим вазифасида эга билан шахс ва сонда (*я буду*, *ты*

*будешь* каби) мослашган. *Не будет* меня, *не будет* тебя каби бўлишсизлик маъносидаги конструкцияларда эса субъект номи родительный келишикда ишлатилиб тўлдирувчи вазифасида келган<sup>1</sup>.

Рус тилига хос бўлган бу хил тасдиқ ва инкор ифодаловчи конструкцияларнинг грамматик хусусиятларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:

## I

М. р. Я (ты, он) был — меня	} не было
Ж. р. Я (ты, она) была — тебя	
Ср. р. Оно было — его, её	
Мн. ч. Они были — их	

## II

Я буду — меня	} не будет
Ты будешь — тебя	
Он (она) будет — его, её	
Мы будем — нас	
Вы будете — вас	
Они будут — их	

Тўлдирувчилар бошқа келишикларда ҳам бўлади. Масалан, предлогсиз творительный келишикдаги тўлдирувчи восита муносабатини билдиради: *Пиши карандашом.* (Қалам билан ёз.) Баъзи феъллар творительный келишикдаги отни бошқаради. Масалан: *Мы гордимся нашей социалистической Родиной.* (Биз ўз социалистик Ватанимиз билан фахрланамиз.) Бу хил феълларнинг энг муҳимлари қуйидагилар: *заниматься* (машғул бўлмоқ ёки шуғулланмоқ), *интересоваться* (қизиқмоқ), *пользоваться* (фойдаланмоқ), *руководить* (раҳбарлик қилмоқ), *заведовать* (мудирлик қилмоқ), *управлять* (бошқармоқ), *командовать* (команда бермоқ, бошлиқ бўлмоқ) ва ҳоказо. Мисоллар: *Петров командовал ротой.* (Петров ротага командирлик қилган эди. Ёки: Петров рота командири эди.) *Студенты занимаются спортом, интересуются музыкой.* (Студентлар спорт билан шуғулланишмоқда, музыкага қизиқишмоқда.)

Рус тилида предлогли отлар ва инфинитив ҳам тўлдирувчи бўлиб келади: *Она заботится о детях.* (У (аёл) болаларга ғамхўрлик қилади.) *Они договорились встретиться.* (Улар учрашув ҳақида келишиб олдилар.)

<sup>1</sup> *Меня не будет, тебя не будет, их не будет* каби конструкциялар грамматик эгаси йўқ (шахси йўқ) гаплардир. Буларнинг шахсли вариантлари ҳам ишлатилади: *Я не буду там. Вы здесь завтра не будете* каби. Шахсли конструкцияга нисбатан шахсиз конструкция кўпроқ ишлатилади.

## 15-§. Ҳол (Обстоятельство)

Маълумки, ҳол қиёсланаётган иккала тилда ҳам равиш (наречие), равишдош (деепричастие) ва воситали келишиқлардаги отлар билан ифодаланиб, ҳаракатнинг қандай ҳолатда, қай тарзда, қандай шароитда, қаерда ва қачон бажарилганини билдиради: *Секинроқ гапиришинг.— Разговаривайте тише. Москвадан туристлар келди.— Из Москвы приехали туристы. Эртага Москвага жўнаб кетяпмиз.— Завтра едем в Москву.*

Ўзбек тилида ҳолнинг қуйидаги турлари бор: равиш ҳоли, пайт ҳоли, сабаб ҳоли, мақсад ҳоли, миқдор-даража ҳоли, ўрин ҳоли.

Рус тилидаги ҳолнинг маъно турлари: 1) обстоятельство образа действия (равиш ҳоли), 2) обстоятельство времени (пайт ҳоли), 3) обстоятельство места (ўрин ҳоли), 4) обстоятельство меры и степени (миқдор-даража ҳоли), 5) обстоятельство цели (мақсад ҳоли), 6) обстоятельство причины (сабаб ҳоли), 7) обстоятельство условия (шарт ҳоли)<sup>1</sup>.

Ўзбек тилида равиш ҳоллари равиш, равишдош ва сифат билан ёки кўмакчили конструкциялар ва равишдош оборотлари билан ифодаланади: *Ҳозирги замон самолётлари жуда тез учди. (Современные самолёты летают очень быстро.) Шошилмай гапиринг. (Говорите, не торопясь). Рус тилини яхши билиш учун систематик равишда машқлар қилиш керак. (Чтобы хорошо знать русский язык, надо систематически упражняться.) Сен бу тарзда иш қилмагин. (Ты не поступай так.)*

Маълумки, ўзбек тилида сифатлар ҳам феъл кесимга боғланиб, равиш ҳоли вазифасида келиши мумкин. Рус тилида эса феълга эргашган равиш ҳоллари маълум морфологик кўрсаткичлар билан шаклланиб, ўзгармайдиган равиш сўз туркумига айланади. Масалан: *Хороший мальчик хорошо учится.— Яхши бола яхши ўқийди. Хорошая девочка хорошо учится.— Яхши қиз яхши ўқийди. Хорошие дети хорошо учатся.— Яхши болалар яхши ўқийдилар* каби гапларда сифатловчи вазифасида келган сифатлар *хороший, хорошая, хорошие* тарзида ўзгариб от билан род, сон ва келишиқда мослашади, ҳол вазифасида келган равиш эса ҳар хил позицияда ҳам *хорошо* шаклида ўзгармай қолади, бинобарин, феъл билан битишув (примыкание) орқали боғланади.

Равишдош билан ёки равишдош обороти билан ифодаланган ҳол ўзбек тилида аниқланмиш феълдан олдин келса, рус тилида у феълдан олдин ҳам, кейин ҳам келиши мумкин: *Шошилиб келдим.— Я пришёл торопясь. Сени кўриб, жуда хурсанд бўлдик.— Увидев тебя, мы очень обрадовались. Ёки: Мы очень обрадовались, увидев тебя.* Бу тартиб, албатта, турли стилистик ҳолатларга, логик маъно фарқларини ифодалашга боғлиқдир.

<sup>1</sup> Грамматика русского языка. Т. II, часть первая, Изд. АН СССР, М., 1954, стр. 573.

Ўзбек тилида равиш ҳоли **-дай, -дек** қўшимчали формалар билан ифодаланиб, қиёслаш маъносини билдирганда, рус тилида у **как** сўзи билан келган махсус қиёслаш обороти (сравнительный оборот) билан ифодаланади: *Эрмат Собирдай ишлади.— Эрмат работал, как Сабир каби.*

Ўрин ҳоли **қа ерга?** (куда?) сўроғига жавоб бўлганида, ўзбек тилида жўналиш келишидаги отлар (ёки кўмакчилар) билан, рус тилида эса **в, на, под, за** предлоғли винительный падеждаги отлар билан ифодаланади. Қиёсланг: *Экскурсияга борамиз.— Едем на экскурсию. Ҳовлига киринг.— Войдите в дом.* (Айнан: *Войдите во двор*). *Дарахт орқасига яширинди.— Он спрятался за дерево каби.*

Ўзбек тилида ҳоллар ҳаракат номлари ва сифатдошларнинг қуйидаги формалари билан ифодаланади:

а) **-моқ-қа (-моқ+га)** ёки **-иш+га** қўшимчали ҳаракат номи билан ифодаланган ҳолга рус тилида инфинитив эквивалент бўлади: *Уқимоққа келдим.— Я приехал учиться;*

б) ҳаракат номлари ёки отлашган сифатдошлар *учун, билан, бурун, сўнг, қадар* каби кўмакчилар билан ёки **-га, -гача** каби қўшимчалар билан келиб ҳол вазифасини бажаради: *Уқиш учун келганман.— Я приехал учиться. Институтни тамом қилганингдан сўнг қаерда ишламоқчисан?— Где ты намерен работать после окончания института? Қиш ўртаси бўлишига қарамай ҳаво иссиқ.— Несмотря на то, что середина зимы, тепло;*

в) **-ган** аффиксли сифатдошлар отлашиб эгаллик ва келишик қўшимчаларини қабул қилиши ва пайт, сабаб ҳоли вазифасида келиши мумкин. Бундай ҳоллар содда (бир сўзли) ёки мураккаб (сўз бирикмасидан ёки потенциал гапдан иборат) шаклда бўлади: *Келганигда йўқ эдим.— Когда ты приходил меня не было.* (Айнан: *При твоём приходе я не был.*) *Емғир кўп ёққанидан йўлларда машина юра олмай қолар эди.— Было так, что от обильного дождя на дорогах не могли ходить машины.* Ёки: *От того, что шли обильные дожди, на дорогах не могли ходить машины.*

Қиёсланаётган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳаракат номлари ёки сифатдошлар билан ифодаланган иккинчи даражали бўлақлар кўпинча мураккаб гап бўлагини бўлиб келганлиги учун эргаш гапларга ўхшаб кетади. Шу сабабдан уларга рус тилида, асосан, эргаш гаплар (придаточные предложения) эквивалент бўлади. Уларнинг содда гап бўлагини ёки қўшма гап таркибига кирувчи эргаш гап бўлиши предикативлик хусусиятларининг ифодаланиш ёки ифодаланмаслигига боғлиқ.

## ҚУШМА ГАП (СЛОЖНОЕ ПРЕДЛОЖЕНИЕ)

Ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам қўшма гаплар бир қатор умумий ва хусусий белгиларга эга. Хусусан, ҳар иккала тилда

қўшма гаплар икки ва ундан ортиқ содда гапнинг боғловчилар, боғловчи вазифасидаги сўзлар ва интонация воситасида боғланишидан таркиб топади, ҳар иккала тилда қўшма гаплар уч типга ажратилади:

**Биринчи тип** — боғловчисиз қўшма гаплар (бессоюзные сложные предложения.) Бундай қўшма гаплар таркибидаги компонентлар ўзаро нисбий олмошлар ёки бошқа ёрдамчи сўзларсиз интонация ёрдамида бирикади.

**Иккинчи тип** — боғланган қўшма гаплар (сложносочинённые предложения с союзом). Булар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам бир-бирига тобе бўлмаган предикатив конструкцияли компонентларнинг бирикувидан таркиб топади. Бу тип гапларнинг синтактик тузилиши содда гапдаги уюшиқ бўлақларнинг муносабатига ўхшайди.

**Учинчи тип** — эргашган қўшма гаплар (сложноподчинённые предложения). Қўшма гапнинг бу типда синтактик компонентлар (содда гаплар) ўзаро тобеланиш муносабати асосида бирикади.

Ўзбек тилида эргашган қўшма гапнинг бир компоненти иккинчисига, асосан, синтетик усулда (яъни морфологик воситалар ёрдами билан) боғланади. Бу хил муносабатлар ўзбек тилининг грамматик қурилиши учун типик ҳодисадир, аммо унда аналитик қўшилишлар ҳам учрайди. Рус тилида эса тобеланиш муносабати кўпроқ (боғловчилар, нисбий сўзлар ёки муносабатдор сўзлар иштирокида) амалга ошади.

## 16- §. Боғловчисиз қўшма гап (Бессоюзные сложные предложения)

Боғловчисиз қўшма гаплар ўзбек тилида ҳам, рус тилида ҳам, асосан, орзаки нутқ учун характерлидир. Уларнинг компонентлари ўртасидаги маъно муносабатларини ифодалашда интонация, пауза ва тартиб асосий восита сифатида қатнашади. Бундай гапларнинг мазмуни контекстда ва нутқ вазияти шароитида конкретлашади.

Боғловчисиз қўшма гаплар кўпинча бир-бирига маъно жиҳатидан жипслашган икки компонентдан ташкил топади. Улар маълум бир интонацион бирлик ва тугалликка эга бўлади. Воқеаларнинг саналиши йўли билан тузилган боғловчисиз қўшма гапларда икки ва ундан ортиқ компонент уюшиқ бўлақларга ўхшаб бирикади. Боғловчисиз қўшма гап компонентлари ҳаракат ёки ҳолатни санашдан ташқари, кетма-кет рўй бериш, қарама-қарши қўйиш, қиёслаш, изоҳлаш каби маъно муносабатларини ҳам ифодалайди. Булар нутқ вазияти, контекст мазмунига боғлиқ бўлиб, алоҳида интонация ва пауза ёрдамида реаллашади. Бундай муносабатлар феълнинг замон, майл формалари ёрдамида амалга ошади. Компонентларнинг муносабатларига қараб боғловчисиз қўшма гаплар икки асосий турга — икки томонлама ва бир томонлама муносабатда бўлган гапларга ажратилади.

Биринчи тур боғловчисиз қўшма гапларда шарт, тўсиқсизлик, пайт, қиёслаш ва қарама-қарши маъно муносабатлари ифодаланади. Бу турга компонентлари бирикув, айирув, санаш муносабатларини ифодаловчи қўшма гапларни ҳам киритиш мумкин. Иккинчи турга изоҳлаш, мақсад, натижа, хулоса каби муносабатларни ифодаловчи компонентлардан ташкил топган боғловчисиз қўшма гаплар киради.

Қуйидаги мисолларда турли воқеа ва ҳолатларни санаш муносабати ифодаланган: *Ранги хамир тусига кирди, кўз атрофлари қизарди.* (А. Қаҳҳор.)— *Лицо его побледнело, а глаза покраснели. Қизим бор эди якка, исми — Қамар, Оз эрди ҳусн бобида унга пар.* (С. Абдулла.)— *Была у меня одна единственная дочь по имени Камар, мало было ей равных по красоте. Навбахор, очилди гуллар, сабза бўлди боғлар.* (Муқимий.)— *Весна, расцвели цветы, зазеленели сады. Сўрадинг доҳиймиз умр тарихин, Қисқа жавоб бериш мен учун одат: Унинг умр йўли — меҳнаткаш халқнинг Кураш тарихидан иборат.* (Ҳўғун.)— *Ты спросил о жизни вождя, кратко я отвечаю: Его жизненный путь — это борьба за трудовой народ.*

Воқеаларни санашда қўшма гапда иккидан ортиқ компонент қатнашиши мумкин: *Бугун эрк байрамимиз: Севинч тўла дилимиз, Дилда севинч тошаркан, сенга йўллаймиз салом!* (Зульфия.)— *Сегодня у нас праздник победы, Полно сердце радости, В душе бурлит радость, Шлём тебе привет!*

Мисоллардан кўринадики, ўзбек тилидаги боғловчисиз қўшма гапларнинг мазмуни рус тилида ҳам боғловчисиз қўшма гаплар орқали бериледи. Агар қўшма гапнинг иккинчи компоненти воқеаларни санаш билан бирга қарама-қарши муносабат маъносини ифодалаганда ҳам, рус тилида икки компонент ўртасидаги қарама-қаршилиқ боғловчисиз ишлатилади.

Боғловчисиз қўшма гап компонентлари қарама-қарши муносабат маъносини ифодалайди: *Исми бору, жисми йўқ.* (Матал.)— *Одни только слова и есть.* (Айнан: *Имя есть, а тела нет.*) Кўриниб турибдики, бу қўшма гап русчада содда гапга тўғри келади. Иккала тилдаги боғловчисиз қўшма гап компонентлари қиёслаш муносабатини ҳам ифодалайди: *Тўғри тил тош ёради, эгри тил бош ёради.* (Мақол.)— *Правдивый язык камень пробыёт, лживый язык — голову. Мен чўриман, сиз Мирзасиз, бойвачча.* (Гўрўғли.)— *Я рабыня, вы господин, сын бека.*

Боғловчисиз қўшма гап компонентлари иккала тилда ҳам семантик-синтактик алоқада бўлиб, иккинчиси биринчисини изоҳлайди, ундан келиб чиққан оқибат-натижани ифодалайди: *Мусофирлик қийин, бола-чақани соғинади киши.* (Ойбек.)— *Тяжело на чужбине, тоскуешь по семье.* Бу мисолда ўзбек тилидаги шахсли гапга (*мусофирлик қийин*) русча шахссиз гап эквивалент бўлиб келган. *Ҳалол меҳнат қилади, камаймайди маркаси.* (Фольклор.)— *Он честно трудится и трудовые марки у него не переводятся. Чол ғазабланди, кампир иккиси уриш-*

ди. (Фольклор.)— Старик рассердился и поссорился он со старухой. Кейинги икки мисолда русча эквивалентлар боғланган қўшма гаплар билан берилган.

Ўзбек тилида қарама-қарши муносабат кесимга -у, -ю юк-ламаларини қўшиш билан ҳам ифодаланиши мумкин. Рус тилидаги бундай гапларда компонентлар зидловчи а боғловчиси билангина эмас, бажки тире (чизиқча) билан ҳам ажратилади: Қилғиликни у қилди-ю, балога мен қолдим. (Оғзаки.)— Он набедокурул — я пострадал.

Баъзи боғловчисиз гаплардаги изоҳлаш муносабатининг ўзбек ва рус тилларида ифодаланишини қиёслаг: *Омадинг келган экан-да: бирпасда иккита қўзилик бўлибсан!* (П. Қодиров.)— *Повезло тебе: сразу заимел двух ягнят. Уларнинг бари жароҳатланган: Кими бошини ушлайди, кими белини кўтара олмайди.* (Ойбек.)— *Все они ранены: кто из них берётся за голову, кто не может подняться. Куш эдим — қанотимни қайирдилар, гул эдим — булбулимдан айирдилар.— Была я птицей — подбили мне крылья, была я розой — разлучили меня с моим соловьём. Тилла сандиқ очилди — ерга бодом сочилди.* (Фольклор.)— *Раскрылся золотой сундук — и посыпался миндаль на землю.* (Охирги мисолнинг русчасида компонентлар орасида и боғловчиси ишлатилган. Бу ҳол рус тили табиатига мосдир.) *Сени иш енгемасин, сен ишни енг!* (Мақол.)— *Пусть не работа тебя одолеет, а ты одолей работу.*

Кўринадики, боғловчисиз қўшма гаплардаги предикатив компонентларнинг ҳар қайсиси алоҳида бир гап бўла оладиган даражада бўлса-да, аммо улар маъно ва интонацион жиҳатдан бир бутун мураккаб конструкцияни ҳосил қилади.

Ўзбек тилидаги уюшиқ бўлакли содда гапларнинг баъзи турлари рус тилида боғловчисиз қўшма гаплар билан берилиши мумкин. Қиёслаг: *Сичқон сигмас инига, ғалвир боғлар думига.* (Мақол.)— *Мышке тесно в норе, а она ещё привязывает к своему хвосту решето каби.* Ўзбек тилида гапга экспрессив тус берилганда, боғловчисиз қўшма гап таркибидаги ҳар бир содда гап компонентларининг одатдаги тартиби ўзгариши ҳам мумкин: *Қани у ҳароми, қани у жувонмарг?!* (Ойбек.)— *Где этот убудок, где этот ... чтоб он подох?! каби.*

Боғловчисиз қўшма гапларнинг баъзи турларида компонентлар муносабати эргаш гап билан бош гап муносабатига ўхшаб кетади. Бу ҳол гап тузилишида ҳам акс этади: иккинчи компонент биринчи компонентнинг феъл кесимини изоҳлаб, объектни англатади: *Ростини айтинг, шу хатолар содир бўлганми?* (Уйғун.)— *Скажите правду, эти ошибки имели место?*

Боғловчисиз қўшма гапнинг бир компоненти кўчирма гап, иккинчиси эса автор гапи бўлиши мумкин: *Ёр кўзига иссиқ кўринай, балки ишқи ошар,— дегансан.* (С. Жўра.)— *Ты думала: «Покажусь-ка милому красивой, может полюбит он меня сильнее».*



## 17- §. Боғланган қўшма гап (Сложносочинённые предложения)

Ўзаро тенг боғловчилар ёрдамида таркиб топган гаплар қиёсланаётган иккала тилда ҳам мавжуд. Ўзбек тилида *ва, ҳамда, шунингдек, аммо, лекин, гоҳ* каби боғловчилар ишлатилган гапларда бириктирув, қиёслаш, айирув, сабаб ва натижа каби маъно муносабатлари ифодаланади. Рус тилида шу муносабатларни ифодалаш учун *и, да, а, но, то... то, ни...ни, а также, или* боғловчилари ишлатилади.

Бириктирув муносабати ўзбек тилидаги қўшма гапларда *учун, ва, ҳам, ҳамда* боғловчилари воситасида, рус тилида *эса и, да, а также* боғловчилари воситасида ифодаланади. Қиёсланг: *Тоживой қизил алвон ёпилган стол ёнига чиқди ва унинг овози залда гулдиради. (П. Турсун.)—Таджибай поднялся к покрытому красной материей столу, и в зале загремел его голос. Бу вақтда кўзларим ёш билан тўлган ва овозимда бир оз ўзгарши юз берган эди. (С. Айний.)—В это время мои глаза были полны слёз, а голос стал несколько необычным.* Иккинчи мисолдаги ўзбекча қўшма гап охиридаги *эди* иккала гапнинг кесимига алоқадордир.

Рус тилида боғланган қўшма гапда ишлатиладиган *и* боғловчисининг асосий бириктирувчилик вазифасидан ташқари, яна бир қатор маъно оттенкалари бор: яъни у бириктирув-хулоса муносабатини, қарама-қаршилик, тўсиқлик муносабатларини ҳам ифодалайди. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги *ва* боғловчисига нисбатан рус тилидаги *и* боғловчисининг маъно ва функционал доираси кенгрокдир. Қиёсланг: *Мне было одиннадцать лет, и я сидел в цирке на чемпионате французской борьбы.—Мен ўшанда ўн бир яшар эдим, циркда француз кураши бўйича ўтказилаётган чемпионатни томоша қилиб ўтирдим. Шёл мелкий снежок, и было довольно холодно. (К. Симонов.)—Майда қор ёғар, хийла совуқ ҳам эди. Лоб мой намок, и мне стало холодно.—Пешанам намланиб, жунжикиб кетдим. Пришла весна, и поля зазеленели.—Баҳор келиб, далалар яшнади.*

Қўшма гап таркибидаги ҳар бир компонент алоҳида мантиқий урғу олганда рус тилида *и*, ўзбек тилида *эса* ҳам юкламаси баъзан юклама, баъзан боғловчи вазифасида такрорланиб қўлланади. Қиёсланг: *И жизнь у него идёт по-прежнему, и нового ничего нет. (Антонов.)—Унинг ҳаёти ҳам илгаригидек, ҳеч янгилиги ҳам йўқ. И дождь шёл, и снег.—Ҳам ёмғир ёғди, ҳам қор... каби.*

Шундай ҳолатни такрорланувчи *ни...ни* боғловчилари қўлланганда ҳам кўрамир: *Ни сам никуда не ездил, ни у себя никого не принимал. (С. Шедрин.)—Ўзи ҳам ҳеч ерга бормас, уйида ҳам ҳеч кимни қабул қилмас эди.* Бунда шунини айтиш керакки, такрорланувчи *ни...ни* боғловчилари мазмунан инкорни ифодалагани учун ўзбек тилида унга эквивалент сифатида так-

дорланувчи ҳам боғловчисидан ташқари, феъл кесим таркибида -ма аффикси ёки на...на боғловчиси қўлланади.

Рус тилида боғланган қўшма гап таркибида *и* боғловчиси билан бирга (ундан кейинги позицияда) маънони лексик жиҳатдан конкретлаштирувчи сўзлар ишлатилиши ҳам мумкин. Бунда *и притом, и вдобавок, и ещё, и к тому же, и помимо того, и потом, и наконец* кабилар қўшимча бириктирув муносабатларини; *и поэтому, и потому, и оттого, и из-за этого, и тогда, и тем самым, и таким образом, и следовательно, и стало быть* кабилар натижа ва хулоса муносабатларини; *и несмотря на это, и всё же, и всё-таки, и тем не менее, и всё равно, и однако* кабилар кутилганга зид бўлган муносабатларини; *и вместе с тем, и в тоже время, и как раз, и именно* кабилар олдинги ифодаланган воқеага мувофиқлик ва номувофиқлик муносабатларини; *и только, и лишь* кабилар ажраткиш ва чегаралаш муносабатларини; *и вдруг* қўшилмаси эса кутилмаган воқеани таъминлаш муносабатларини ифодалайди. Мисолларни қиёслаш: *Он был большой мастер своего дела, и к тому же у него многие учились выращивать высокие урожаи.— У ўз ишининг моҳир устаси эди, шу билан бирга кўпчилик ундан юқори ҳосил олиш йўллари ҳам ўрганарди. Один непредвиденный факт — вот уже готова рухнуть моя прекрасная гипотеза. (В. Левшин.)— Бир кутилмаган факт рўй берди-ю, натижада менинг энг яхши гипотезам кунпаякун бўлиш олдида турибди. Он сам не знал, что его ожидают там неприятности, и всё-таки никто его не предупреждал.— У ерда кўнгилсизликлар бўлиши мумкинлигини унинг ўзи билмас эди, бироқ бошқалар ҳам уни огоҳлантиришмади. Я систематически посещал тренировки в группе здоровья, и только иногда чрезвычайные обстоятельства мешали мне бывать там.— Мен доим соғломлаштириш группасида тренировкага қатнар эдим, фақат баъзан фавқулудда ҳолатлар у ерга боришга ҳалақат берарди. Она шла по лесу, и вдруг ей навстречу медведь. (Сказка.)— У ўрмонда бораётганида олди-дан бирданга айиқ чиқиб қолди.*

Рус тилида қўшма гап компонентлари ўртасида қўлланган *а* боғловчиси, асосан, қиёслаш, изоҳлаш ва номуносаблик муносабатларини ифодалайди. Қиёслаш: *Мы в восемь часов пьём общий чай в столовой, а в двенадцать завтракаем. (Тургенев.)— Биз соат саккизда ошхонада ҳаммамиз бирга чой ичамиз, соат ўн иккида эса нонушта қиламиз. Публика кричала, аплодировала, а я готов был плакать от волнения. (Шаяпин.)— Томошабинлар бақирар, қарсак чалар эди, мен эса ҳаяжонланганимдан йиғлашга тайёр эдим.*

Мисоллардан кўринадики, рус тилидаги *а*-боғловчиси ўзбек тилида кўпинча иккинчи компонент ичида (унинг биринчи сўзидан кейин) ишлатиладиган эса боғловчи сўзига тўғри келади.

*а* боғловчиси ёнида воқеаларни конкретлаштирувчи сўзлар келиши мумкин. Хусусан, *а потому, а поэтому, а в результате, а значит, а следовательно, а стало быть* кабилар қўлланганда

биринчи компонентда ифодаланган воқеадан келиб чиқадиган натижа муносабати ифодаланади. Бундай воситалар ёрдамида боғланган қўшма гаплар ўзбек тилида кўпинча иккинчи компонент олдида келадиган *демак, шу сабабдан* каби сўзлар билан берилади: *Наше искусство служит революции, а следовательно оно должно не плестись в хвосте у современности, а обогатить ее. (Т. Каширина).— Бизнинг санъатимиз революцияга хизмат қилади, демак (шу сабабдан) у ҳозирги кундан кейинда қолмаслиги, уни бойитиши керак.*

*А однако, а между тем, а всё-таки, а тем не менее, а вместе с тем, а зато, а только* кабилар қарама-қаршилик, тўсиқлик, чегаралаш каби муносабатларни ифодалашга хизмат қилади. Бу хил гаплар ўзбек тилида *шунга қарамай, ҳолбуки, аммо* каби сўзлар ёрдамида берилади: *Спешить ему было как будто и некуда теперь, а всё-таки шёл он почему-то очень быстро. (Л. Пантелеев).— Назаримда, у ҳеч жойга шошилаётгани йўқ эди, шунга қарамай у негадир жуда зудлик билан кетиб борарди. Отец был по натуре художником, а между тем всю жизнь провёл он у зубоврачебного кресла. (И. Ильинский).— Отам табиатан рассом эди, аммо у бутун умрини тиш доктори креслоси олдида ўтказди.*

*А тем более, а ведь, а иначе, а в противном случае* кабилар ёрдамида боғланган гапларда аргумент, далил-исбот муносабатлари ифодаланади. Бу хил гапларнинг ўзбекча эквивалентлари бўлмаса, чунки, негаки боғловчилари ва ёрдамчи сўзлари иштирокида шаклланади: *Одевайся потеплее, а иначе можешь простудиться. (Разг.).— Иссиқроқ кийингин, бўлмаса шамоллаб қоласан каби.*

*А вернее, а точнее, а иначе, а иначе говоря* кабилар ёрдамида тузилган қўшма гапларнинг биринчи компонентида ифодаланган воқеанинг тафсилоти иккинчи компонентда изоҳланади. Бу хил гапларга ўзбек тилида *тўғрироғи, бошқача айтганда* кабилар билан қўлланган қўшма гаплар тўғри келади: *Давно уже нет дождя, а к тому же стоят жаркие дни.— Кўп вақтдан бери ёмғир йўқ, бунинг устига кунлар ҳам исиб кетган каби.*

*А также, а ещё, а в добавок, а к тому же, а кроме того, а между прочим, а не только, а потом* кабилар иккинчи компонентда ифодаланган фикрни биринчисидаги фикрга факультатив қўшимча тариқасида ифодалайди. Бундай гаплар ўзбек тилида *яна ҳам, бундан ташқари, жумладан, негаки, нафақат, сўнгра, бунинг устига* кабилар ёрдамида тузилган қўшма гапларга тўғри келади: *Льёт сильный дождь, а в добавок бушует ветер. (Журналдан).— Кучли ёмғир ёғмоқда, бунинг устига шамол ҳам авжиди. Он был сильно болен, а к тому же эти неприятные вести...— У жуда оғир ётарди, бунинг устига бу кўнглисиз хабар... каби.*

*А наоборот, а напротив, а ещё* каби воситалар ёрдамида тузилган қўшма гапларда таъкидланувчи қарама-қаршилик

муносабатлари ифодаланади. Бу хил гаплардаги боғловчи воситалар ўрнида ўзбек тилида аксинча, бунинг устига, тагин каби сўзлар қўлланади: *А вы вот ничего не знаете, а ещё мать! (А. Островский.)— Узингиз ҳеч нарсадан хабарингиз йўқ, тагин онасиз-а! Война не только не принесла победу немецко-фашистским захватчикам, а наоборот, они были разгромлены советскими вооружёнными силами.— Уруш немис-фашист босқинчиларига галаба келтирмади, аксинча улар совет қуроли кучлари томонидан тор-мор қилинди.*

Русча но боғловчиси ёрдамида воқеаларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш муносабати ифодаланади. Но боғловчисининг маъноси а боғловчисиникига нисбатан торроқдир. Бу боғловчи қарама-қаршилик билан зидлаш муносабатларини ифодалайди. Баъзан тўсиқсизлик маъносини ҳам англатади. Мисоллар: *Ты хорошо излагаешь свою мысль на письме, но читать твой очерк очень трудно.— Сен ўз фикрингни ёзувда яхши баён этасан, бироқ ёзувингни ўқиш жуда қийин. Утром прошёл дождь, но сейчас над нами блистало чистое небо. (Паустовский.)— Эрталаб ёмғир ёғди, ҳозир эса устимизда мусаффо осмон ярқираб турибди каби.*

Баъзан но боғловчиси маънони конкретлаштирувчи сўзлар билан бирга қўлланади: *но зато, но несмотря на это, но однако, но всё же, но всё-таки, но тем не менее, но лишь, но только, но вдруг, но в то же время, но тем самым, но вместе с тем* каби. Мисоллар: *И там есть горе, дитя моё, но зато есть и радости. (А. Островский.)— У ерда ҳам мусибат бор, чирогим, шундай бўлишига қарамай хурсандчилик ҳам бор. Планы выполняются, но всё же продукции ещё недостаточно.— Планлар бажарилмоқда, бироқ шундай бўлса-да маҳсулот етишмайди. Вы привыкли обращаться со мной как с маленькой, но ведь я уже выросла. (А. П. Чехов.)— Сиз мени доим ёш деб ҳисоблайсиз, мен эса аллақачон катта бўлганман каби.*

Мисоллардан кўринадики, ўзбекча гапларда шундай бўлса-да, фақат, шунга қарамай каби воситалар юқорида келтирилган русча боғловчи ва конкретлаштирувчи сўзларга эквивалент бўлиб келади.

Таркибида *да, да и, да и то* боғловчиларни бўлган қўшма гапларда қуйидаги муносабатлар ифодаланади:

*Да* боғловчиси кўпроқ сўзлашув нутқида хос бўлиб, баъзан бириктирувчи, баъзан эса зидловчи боғловчи вазифасида келади. Бириктирувчи боғловчи бўлиб келганда воқеаларнинг зудлик билан бирин-кетин юзага келиши ифодаланади: *Только иволги кричат, да кукушки поперебой отсчитывают кому-то непрожитые годы. (Шолохов.)— Фақат зарғалдоқлар қичқиришиб, каккулар бир-бирига гал бермай бировларнинг қолган умр йилларини санагандек кукулашади.*

Зидловчи боғловчи бўлиб келганда ҳам қарама-қарши воқеаларнинг тез алмашинуви англашилади: *Хотел было я поездить*

по Москве, да не пришлось.— Москвада бир оз сайр қилмоқчи эдим-у, тўғри келмай қолди каби.

Бу мисоллардан кўринадики, бириктирувчилик ва зидлик муносабатларининг ифодаланиши гап тузилиши ва контекстга ҳамда нутқ вазиятига боғлиқ. Воқеаларнинг тез алмашиниши ва кечишидаги зидликнинг ифодаси ўзбек тилида биринчи компонентнинг кесимига қўшилиб келадиган **-у(-ю)** боғловчиси билан берилади.

Бу боғловчига ҳам турли конкретлаштирувчи сўзлар қўшилиб келиши мумкин: *да и то, да ведь, да зато, да только*. Ўзбек тилида бундай пайтларда биринчи компонент кесимига қўшиладиган **-у(-ю)** боғловчисидан кейин *фақат, шунга қарамай* каби сўзлар ишлатилади: *Всё у нас хорошо, да вот дороги не устроены*. (Газ.)— *Бизда ҳаммаси яхши-ю, фақат йўллар обод эмас. Она очень любила Сергея, да притом родители не возражали ей*. (Журналдан.)— *У қиз Сергейни жуда севарди, ота-онаси ҳам унга тўсқинлик қилмасди* каби.

Икки боғловчи (**да+и**) бирикиб, битта восита сифатида хизмат қилиши ҳам мумкин: *Он чувствовал себя перед нею ребёнком, да и она всегда считала его за ребёнка*. (Достоевский.)— *У бу аёлнинг олдида ўзини гўдакдек ҳис қиларди, аёл ҳам уни доим бола деб ҳисобларди. Времени для изготовления декораций не было, да и денег в смете не числилось*. (С. Юткевич.)— *Декорация тайёрлашга вақт йўқ эди, бунинг устига сметада пул ҳам ажратилмаган эди*.

Кўринадики, ўзбек тилида русча *да и* боғловчиси ўрнида бунинг устига ... ҳам қўлланади.

Же боғловчиси зидловчи, қиёсловчи боғловчиларнинг потенциал ўринбосари бўлиб хизмат қилади: *Убеждения внушаются теорией, поведение же формируется примером*. (Герцен.)— *Эътиқод, маслак назария билан уқтирилади, ахлоқ, хулқ эса ибрат орқали шаклланади*.

Иккала тилда ҳам бу боғловчилар (русча *же* ва ўзбекча *эса*) иккинчи компонентнинг биринчи сўздан кейин ишлатилади.

Ҳаракатларнинг галма-гал бўлиши ифодаланганда ўзбек тилида *ё, ёки, гоҳ, рус тилида эса или, либо, ли, то-то, не то-не то, то ли-то ли, а то, а не то, иначе* боғловчилари қўлланади. Қиёсланг: *Икки-уч йилдан сўнг тўсатдан ўласиз ёки ўзим пешанангиздан отаман.— Года через два-три вы умрёте от кондрашки, или я всыплю вам пулю в лоб*. (Чехов.)

Рус тилида бу боғловчининг *иль* варианты ҳам бор бўлиб, у кўпинча шеърин нутқда ишлатилади: *Иль чума меня подцепит, иль мороз окостенит...* (А. С. Пушкин.)— *Мени ё ўлат илинтиради, ё совуқ қақшатади*.

*Либо* боғловчили қўшма гапларда ҳаракат-ҳолат муносабатлари, *или* билан боғланган қўшма гаплардагидан мазмун жиҳатдан бир оз фарқ қилади: *Положение в селе острое — либо меня убьют, либо я кое-кому подрежу крылья*. (А. Толстой.)— *Қиш-*

лоқда аҳвол жиддий: ё мени ўлдиришади ёки мен баъзи бировларнинг қанотини қайираман. Хранил ли он что-нибудь в глубинах своего существа, или там было пустое место — кому какое до этого дело? (С. Щедрин.)— У ўз вужудиди бирор нарса сақлаганмиди ёки унда ҳеч нарса йўқмиди — бунга кимнинг дахли бор!

Ўзбекча гоҳ ва русча то боғловчилари такрорланиб қўлланади. Бунда қўшма гап компонентлари воқеаларнинг биринкетин алмашилиб рўй бераётганини акс эттиради: *Гоҳ кучли шамол уради, гоҳ шовилланган ёмғир қуяди.*— *То сильный ветер подует, то польёт проливной дождь каби.*

Гапда ифодаланаётган воқеаларнинг рўй беришидаги эҳтимолликни ёки уларни танлашда қийинчилик туғилаётганини ифодалаш мақсад қилинганда, ўзбек тилидаги ёки боғловчисига рус тилида компонентлар олдида такрорланувчи *не то ... не то ёки то ли ... то ли* боғловчилари эквивалент бўлади: *Я ничего не узнавал. То ли я не жил на этой улице, то ли от неё осталось одно название.* (А. Кронин.)— *Мен ҳеч нимани таний олмадим: ё мен бу кўчада илгари яшамаганман ёки ҳозир унинг фақат номи сақланиб қолган, холос.*

Таркибида *а то, не то* боғловчилари бўлган қўшма гапларда айирув, санаш ва қарама-қарши маъно муносабатлари ифодаланганда, ўзбек тилида кўпинча бўлмаса, яхшииси, яна тагин каби боғловчи ёки модал сўзлар қўлланади: *Нет, это бы ещё хорошо, а то переломила ногу.* (Гоголь.)— *Йўқ, бундай бўлсак у яхши эди-я, аммо оёғимни синдириб қўйдик-ку.*

Гапда ишлатилган *би* юкласи шарт-тахмин муносабатларини ифодалайди. Ўзбек тилида бу хил гапларнинг кесимига *-ми* юкласи қўшилади: *Обед у меня должен быть порядочным, а то я вас не пригласил бы.* (Тургенев.)— *Зиёфатим кўнгилдагидек бўлиши керак, бўлмаса сизни таклиф этармидим.*

Таркибида *то есть, а именно, а то и* боғловчилари бўлган гапларда изоҳлаш муносабатларини ифодаланади. Ўзбек тилида бундай муносабатлар изоҳланганда гап таркибида *яъни, чунончи* каби сўзлар қўлланади: *Николай был одет по-дорожному, то есть штаны были всунуты в сапоги и старый сюртук туго-натуго подпоясан кушаком.* (Л. Толстой.)— *Николай йўловчилардек кийинганди — шими этикка тиқилган, эски сюртуги белбоғ билан сиқиб боғланган эди.*

Ўзбек тилидаги ҳамда, шунингдек, бундан ташқари, сўнгра, ваҳоланки, айниқса, ҳаттоки, хусусан, масалан, даставвал, шу жумладан каби сўзларга рус тилида *тоже, так же, ещё, вдобавок, к тому же, кроме того, потом, причём, кстати говоря, кстати сказать, между прочим, особенно, даже, в особенности, собственно, например, в частности, прежде всего, в первую очередь, в том числе, во всяком случае, тем более* кабилар эквивалент бўлади. Улар қўшма гапнинг иккинчи компоненти таркибида қўлланиб, факультатив изоҳловчи вазифасини бажаради. Баъзилари эса кириш сўз вазифасида ишлатилиб, субъектив модал-

ликни ҳам ифодалайди. Мисолларни қиёсланг: *Кожа акулы ценится... для полировки дерева; кроме того, ею обивают разные вещи.* (Гончаров.)—*Акуланинг териси ёғочни силлиқлашда ишлатилади, бундан ташқари, у билан турли буюмлар усти қопланади. Лицо её было бледно, слегка раскрытые губы тоже побледнели.* (Тургенев.)—*Унинг юзи оқарган, бир оз очиқ лаблари ҳам сўлиган эди.*

## 18-§. Эргашган қўшма гап (Сложноподчинённые предложения)

Қиёсланаётган иккала тилда ҳам қўшма гап таркибига кىрувчи эргаш гаплар икки асосий группага ажратилади: биринчи группага бош гапдаги бирорта сўзни изоҳловчи эргаш гаплар, иккинчи группага эса бош гапнинг ўзини (яхлит гапни) изоҳловчи эргаш гаплар киритилади.

Эргаш гап бош гапдаги от ёки феълни изоҳлаб келиши мумкин, шу жиҳатдан улар отли ёки феълли бирикмаларга ўхшаб кетади.

Шуни ҳам қайд қилиш керакки, рус тилидаги баъзи эргаш гапларга, масалан, аниқловчи эргаш гапларга ўзбек тилида содда гапнинг айрим бўлаклари ёки сифатдош обороти билан ифодаланган мураккаб аниқловчилар эквивалент бўлади.

**-ки боғловчили гаплар.** 1. Бу боғловчи биринчи ўриндаги бош гап кесимида бўлади. Эргаш гап иккинчи ўринда жойлашади ва бош гапдаги отни ёки феълни изоҳлайди. Бундай от ёки феъл олдида кўпинча *шундай, баъзи, айрим, бир хил* каби сўзлар ишлатилади.

Эргаш гап бош гапдаги эга, кесим ёки тўлдирувчи вазифасида келган отларни изоҳлаганда унинг синтактик функцияси аниқловчига ўхшайди. Бундай гапларда бош гапнинг кесими *борки, йўқки* формалари билан ифодаланади: *Одам борки, одамларнинг нақшидир; одам борки, ҳайвон ундан яхшидир.*—*Айнан: Есть человек, который является украшением среди людей, и есть человек — хуже зверя* (маъноси: «Человек человеку рознь»). *Ҳеч бир қишлоқ йўқки, унда мактаб бўлмаса.— Нет такого кишлака, где не было бы школы. Ҳозир шундай замон келдики, киши бахтини ҳам, мол-давлатини ҳам меҳнат билан топа олади.* (А. Мухтор.)—*Теперь пришло такое время, когда человек может достичь своего счастья и благополучия благодаря своему труду* каби.

Ўзбек тилидаги бу хил гапларнинг русча эквивалентида эргаш гап бош гапга *который, где, что, когда* сўзлари билан боғланади:

Эргаш гап томонидан изоҳланувчи бош гапнинг от кесими ёлғиз ҳолда ёки ёрдамчи предикатив сўзлар билан келади, унинг олдида аниқловчиси ҳам бўлиши мумкин. Бу гапларга рус тилида *что, который, чтобы* сўзлари билан тузилган қўшма гаплар эквивалент бўлиб келади: *Бир қиссаким, бунинг сўнгида*

севишганлар топишгусидир. (Ҳ. Олимжон.)— Это такая повесть, что в её конце влюбленные находят друг друга. Бу шундай ярамас отки, қамчи урсанг, орқага силтанади.— Это такая негодная лошадь,— если хлестнёшь, то она пятится назад. Юрак тандир эмаски, ўт ёқиб қиздирсанг. (Ойбек.)— Сердце не печь, что можно согреть с помощью огня. Улар шундай одамлар бўлсинки, ... ўтга ҳам, сувга ҳам ўзини уришга тайёрдек кўрсатсин. (Ойбек.)— Пусть они будут такими людьми, ... которые проявят готовность броситься и в огонь, и в воду. Ўрик бодринг эмаски, қишда парникда битса. («Муштум»дан.)— Абрикос — не өгурец, чтобы зимой созревать в парнике.

2. Бош гапнинг феъл билан ифодаланган бўлакларини изоҳлаган эргаш гапнинг функцияси тўлдирувчи ёки ҳолга ўхшайди. Мисоллар: *Кўрдимки, одам жуда кўп.* (Я увидел, что людей очень много.) *Билдимки, сиз келган экансиз.* (Я узнал, что прибыли вы.) *Мен хоҳлар эдимки, бу тарқоқ ҳаракат бир изга тушса.* (А. Мухтор.) (Мне хотелось бы, чтобы эти разрозненные действия слились в одно русло.) *У шундай эснадики, оғзи йирилиб кетай деди* (Он так зевнул, что чуть не разорвал себе рот) каби.

Ўзбек тилидаги бу хил қўшма гапларнинг структураси шундан иборатки, биринчидан, эргаш гап бош гапдан кейин келади (баъзи ҳолатлар бундан мустасно), иккинчидан, *-ки* боғловчиси кучли интонация билан айтилиб, ундан сўнг изоҳловчи конструкция келишига ишора қилинади; учинчидан, бош гапни ёки унинг бирор бўлагини изоҳлаш кераклиги бош гапдаги *шундай, шунингдек* сўзлари ёрдамида таъкидланади; тўртинчидан, феълнинг шарт, буйруқ ва аниқлик майллари билан ифодаланган эргаш гап кесими жумланing мантиқий тугалланганлигидан дарак беради.

**Сифатдошнинг -ганда** шакли иштирокида тузилган гаплар. Мураккаб конструкциянинг биринчи компоненти охирида **-ган** қўшимчали сифатдош турли келишларда турланиши ёки ёрдамчилар билан келиши мумкин: *ишлаганда, билмаганимда, кетгани учун* каби.

Сифатдош **-ганда** ва **-ганида** шаклида ишлатилиб, пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келади. Рус тилида бунинг эквиваленти сифатида *когда* сўзи қўлланади: *Бир куни дорилфунунга кетаётганида, бир паранжили хотин йўлини тўсди.* (А. Қаҳҳор.)— *Однажды, когда он шёл в университет, ему преградила путь женщина в парандже. Аваз яқин борганда, шофёр унинг елкасидаги қўзиларни кўриб:—«Е тавба!»— деб...* (П. Қодиров.)— *Когда Аваз подошёл, шофёр, увидев на его плече ягнят, удивился и воскликнул: «Боже мой!»... Нигит гапирганда, овози кучли туюлмаган эди...* (П. Қодиров.)— *Голос парня, когда он говорил, казался несильным... Этиб еганда, турум тоғи чидамас.* (Мақол.)— *Если жить не работая, и горы запасов не хватит.* (Айнан: *Когда ешь лежа, не хватит и горы запасов.*)

Мисоллардан кўринадики, ўзбек тилидаги бу хил гапларда



сифатдошнинг **-ганда, -ганида** шакллари олдида ҳаракат субъектининг номи ишлатилади (*йигит гапирганда, Аваз яқин борганда* каби).

Бундай пайтларда шахс икки марта: ҳам сўз орқали (кишилик олмоши ёрдамида), ҳам шахс қўшимчаси ёрдамида ифодаланади, аммо у контекст талаби билан фақат бир марта — шахс қўшимчаси ёрдамидагина ифодаланиши ҳам мумкин. Мисоллар: *Буни мен ишлаганимда... — буни ишлаганимда...* каби.

Сифатдошнинг шахс аффикси қўшилмаган шакли конкрет шахсни ифодалашда нейтрал маънода бўлади, баъзан шахсиз конструкцияда ишлатилади. Рус тилида шахс ифодаси кишилик олмоши билан ишлатилган феълнинг шахсда тусланиши ёрдамида амалга ошади.


**Кўмакчили сифатдош ишлатилган гаплар.** Сифатдош кўмакчи сўзлар билан ҳам ишлатилади: *Бу каналларга яқинлашган сайин, Сидикжоннинг юраги така-пука бўла бошлади. (А. Қаҳҳор.) — По мере приближения к этим каналам сердце Сидикджана волновалось всё сильнее. Онаси ўлгандан бери, Нури тез-тез келиб турар эди. (Ойбек.) — После смерти матери Нури приходила часто.*

Келтирилган иккала мисолда рус тилидаги эквивалентлар содда гап билан берилган. Лекин бу фикрни қўшма гап билан ифодалаш ҳам мумкин: *Как только Сидикджан приближался к этим каналам, его сердце начинало сильно волноваться. С тех пор, как умерла мать, Нури приходила часто* каби.

**Таркибида қоторий сўзи бор гаплар.** Бу сўз эргаш гапни бош гапга эргаштирувчи муносабатдор компонент бўлади, айни пайтда бош гапдаги бирорта отни аниқлайди.

**Қоторий сўзли эргаш гап бош гапдан сўнг ёки унинг ўртасида келиши мумкин.** Бу ҳолат аниқланмиш отнинг бош гапдаги ўрнига боғлиқ, чунки **қоторий сўзи** ўзи аниқлаб келган отдан кейин келади. Демак, аниқланмиш от бош гап охирида келса, эргаш гап бош гапдан кейинги позицияни эгаллайди, агар аниқланмиш от бош гап бошида ёки ўртасида келган бўлса, эргаш гап ундан кейин жойлашиб, бош гапнинг ўртасида келади. Мисоллар: *Десять дней, которые потрясли мир. (Д. Рид; Жаҳонни ларзага солган ўн кун.)* Бунда эргаш гап бевосита **дней сўзи** ортидан келган. *Проблемы, которые возникают в ходе нашего сотрудничества, мы решаем совместно. (Ҳамкорликимиз жараёнида вужудга келадиган проблемаларни биргаликда ҳал этамиз...)* Бунда **қоторий** билан бошланган гап *Проблемы мы решаем совместно* гапининг ичида келган.

Баъзи конструкцияларда **қоторий сўзи** ўрнида *ўша* аниқланмиш от ёки олмош ишлатилиши мумкин. Қуйидаги схемага қаранг:



Приехала сестра 
 / которая  
 / она  
 / сестра
  
 \ ездилa в Москву.

Вот предприятие 
 / которое  
 / оно  
 / это предприятие
  
 \ выполнило план.

Вот передовики 
 / которые  
 / они  
 / эти передовики
  
 \ перевыполняют план.

Который сўзи аниқланмиш отнинг грамматик родига қараб мужской род (*который*), женский род (*которая*), средний род (*которое*) шаклида, кўплик сон маъносига қараб кўплик (*которые*) шаклида ишлатилади. Бу ҳодиса рус тилининг ўзига хос бўлиб, ўзбек тилида учрамайди.

**Кесими феълнинг шарт майли формаси билан ифодаланган эргаш гаплар.** Кесими феълнинг шарт майли формаси билан ифодаланган эргаш гапли қўшма гаплар икки қисмдан иборат бўлади: биринчи қисмининг кесими **-са** қўшимчаси билан тугалланади. Бунда гап бошида баъзан *агар* сўзи ҳам ишлатилади. Гапнинг биринчи қисмидан иккинчи қисмидаги воқеанинг бажарилиш шарти, пайти, ўрни ва бошқалар англашилади. **Масалан:** *Сув мўл бўлса, ҳосил ҳам мўл бўлади.*— *Если воды будет достаточно, значит и урожай будет обильный.* *Мен келсам, ҳамма кетиб бўлган экан.*— *Когда я пришёл, здесь уже никого небыло.* *Қайга борсанг, сен азиз меҳмон.* *Аҳил яшар қон-қардош эллар.* (Ш. Саъдулла.)— *Куда бы ты ни прибыл,— ты желанный гость.* *Дружно живут родные края.* *Кимда-ким театрга бораман деса, билетга пул берсин.* (Оғз.)— *Кто хочет идти в театр, пусть даст деньги на билет каби.*

Кўринадик, биринчи мисолда **-са** аффиксли феъл шарт эргаш гапнинг, иккинчи мисолда пайт эргаш гапнинг, учинчи мисолда ўрин эргаш гапнинг, тўртинчи мисолда эса эга эргаш гапнинг кесими бўлиб келган.


Бундай қўшма гапларнинг биринчи қисмида (эргаш гапда) **-са** қўшимчаси шахс кўрсаткичи билан келиб, иккинчи қисмида (бош гапда) бошқа шахс характери ифодаланади.

Иккинчи шахс кўрсаткичи билан келган кесим, одатда, конкрет ёки умумлашган шахс маъносини ифодалайди. Конкрет шахсга мисоллар: *Агар билсанг, у пайингда юрибди.* («Муродхон».)— *Знай, что она преследует тебя.* (Айнан: *Если хочешь знать, она преследует тебя.*) *Ватанга хиёнат қилсанг, ўғлим, оқ сутимни кўкка соғаман.* (Газ.)— *Если изменишь Родине, сын мой, я тебя прокляну.*

Умумлашган шахсга мисоллар: *Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади.* (Мақол.)— *Если и утаишь боль, лихородка выдст.* (Маъно эквиваленти: *Шила в мешке не утаишь*).

Эргаш гап кесими **-са** қўшимчаси билан келиб учинчи шахсни ҳам ифодалайди, бунда бош гаптаги ҳаракатнинг шахси бошқа субъектни билдиради. Баъзан шу шахсларнинг ҳаракати қарама-қарши қўйилиши, қиёсланиши мумкин. Мисоллар: *Аёли чарх йигирса, эркаги бўз тўқийди.* (А. Мухтор.)— *Жена прядёт — муж ткёт. Ев қочса, ботир кўпаяди.* (Мақол.)— *Когда неприятель бежит, то умножаются ряды храбрецов. Чумчук пир этса, юраги шир этади.— Даже если воробей вспорхнет, а у него душа в пятку уходит. Ер бойликнинг онаси бўлса, отаси — меҳнат.* (Мақол.)— *Если земля — мать богатства, то труд — его отец каби.*

Кесими феълнинг шарт майли формаси билан ифодаланган эргаш гаплар шу феъл кесимнинг шахс ва сонда тусланишига қараб қуйидаги парадигмани ташкил қилади:



Эргаш гапнинг кесими феълнинг шарт майли формаси + ҳам (баъзан **-да**) юкламаси билан шаклланганда тўсиқсизлик муносабатини ҳам ифодалайди. Рус тилида бунга *хотя... и* сўзлари билан тузилган эргаш гап тўғри келади. Бундай эргаш гап ҳар иккала тилда бош гапдан олдин жойлашади, аммо рус тилида унинг иккинчи позицияда (бош гапдан кейин) келиш ҳолатлари ҳам учрайди. Мисолларни қиёслаш: *Каптар ўз уяси ни топа олмаса ҳам, у учидан тўхтамади.* (Навоий.)— *Хотя голубь не смог найти свое гнездо, он не переставал летать. Дарахт кичик бўлса ҳам, меваси кўп.* («Муштум») — *Хотя дерево и мало, зато много у него плодов.*

Эргаш гапнинг кесими шахс кўрсаткичига эга бўлиши ҳам мумкин. Бундай пайтда гапирувчи ёки тингловчи биринчи ва иккинчи шахс ҳаракатини ифодалайди: *Шунча ўйласам ҳам, эсимга келмаяпти.* (Оғз.)— *Сколько я ни думала, никак не вспомню каби.*

Баъзи ҳолларда ҳам ўрнида **-да** юкламаси ишлатилиши мумкин: *Ёмғир ёғса-да, кинога борамиз.* (Оғз.)— *Мы пойдём*

в кино, если даже будет дождь. Бошингга қилич келса-да (келса ҳам), тўғри гапир. (Мақол.)— Говори правду, даже если к голове твоей приставят меч.

Тўсиқсизлик муносабати эргаш гап кесимига қўшилган **-лигига + қарамай ёки -га + қарамасдан** шакллари билан ҳам ифодаланади: *Об-ҳавонинг ёмон келишига қарамай, пахтадан юқори ҳосил ундирилди.*— *Несмотря на плохую погоду, был выращен высокий урожай хлопка. Капрон и инеичкалигига қарамай, ундан тўқилган мато жуда ҳам пишиқ бўлади.*— *Несмотря на то, что капроновая нить очень тонка, материал, вытканый из неё, бывает достаточно прочным.*

Кўринаднки, биринчидан, ўзбек тилида **-са + ҳам, -са-да, -га + қарамасдан** шаклда тугалланган эргаш гапга русчада *хотя...и, несмотря на..., даже и...* типдаги мураккаб воситалар билан бошланган эргаш гаплар тўғри келади. Иккинчидан, ўзбек тилида эргаш гап бош гапдан олдин жойлашади, рус тилида эса уларнинг ўрни алмашиниб келиш ҳолатлари ҳам учрайди: *Хотя и день был пасмурный, дождя не было.*— *Дождя не было, хотя и день был пасмурный* каби.

**Таркибида қаер... шу ер** каби сўз ва бирикмалар ишлатилган гаплар. Ўзбек тилида бу хил гапларда, асосан, ҳаракат билан ўрин, жой муносабатлари ифодаланади. Бундай эргаш гаплар бош гапга феълнинг шарт ёки буйруқ майли формалари ёхуд экан тўлиқсиз феъли ёрдамида боғланади. Бунда *қаерда, қаерга, қаердан, қайда, қаёққа* каби муносабатдор сўзлар эргаш гап таркибида, *у ерда, шу ерда, ўша ерда, шу ерга, шу ердан, шу ёққа* каби муносабатдор сўзлар эса бош гап таркибида бўлади. Рус тилида буларга эквивалент бўлган қўшма гап таркибида *там ... где, где ... там, там ... откуда, куда ...туда, куда* каби муносабатдор сўзлар ишлатилади. Мисоллар: *Катта кема қаёққа юрса, кичик кема ҳам ўша ёққа юради.* (Мақол.)— *Куда плывёт большой корабль, туда же плывёт и маленький.* *Ватанизмнинг қаерига борманг, у ерда Ильич чироқлари нур сочиб туради.* (Ойдин.)— *В каком бы углу нашей Родины ты ни был, везде увидишь ярко горящие огни Ильича.* *Сенинг юрагинг гули қайда очилур бўлса, булбули шунда сайрар.* (Ҳамза.)— *Там где цветёт роза твоего сердца, там и поёт соловей.* *Қаерда бахт бўлса, шу ерда кулги бўлади; Қаерда кулги бўлса, шу ерда қўшиқ жаранглайди.* (М. Горький.)— *Где счастье, там и смех; Где смех, там и песня раздаётся.* *Гулсара қаерда ўйнаса, Холмуроднинг кўзи ҳам ўша ерда эди.* (П. Турсун.)— *Глаза Халмурада смотрели постоянно туда, где играла Гульсара* каби.

Рус тилида эргаш гап, одатда, бош гапдаги *то, туда, там* каби муносабатдор сўзларнинг мазмунини ёритади. Бунда пайт муносабати билан аниқловчилик муносабати ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ҳолатда эргаш гап бош гапдаги отнинг мазмунини ёритади: *Это было помещение, откуда спускались в шахту.* (Серафимович.)— *Бу — шахтага тушиладиган жой эди. На другой*

день Оленин без старика пошёл на то место, где он со стариком спугнул оленя. (Л. Толстой.)—Эртасига Оленин ёлғиз ўзи олдинги кун чол билан кийикни чўчитган ерга борди.

Бу хил конструкцияларнинг рус ва ўзбек тилларидаги схематик тузилиши:



Ўунки, шу сабабли, учун ёрдамчилари билан тузилган гаплар. Ўзбек тилида сабаб ёки мақсад маъносини ифодаловчи эргаш гаплар бош гапга *чунки, шу сабабдан, учун* каби боғловчилар ёки кўмакчили конструкциялар билан эргашади. Рус

тилида буларга *потому что, ибо, так как* каби боғловчилар билан тузилган эргаш гаплар эквивалент бўлади: *Қийинчиликлар бизни қўрқита олмайди, чунки биз кўп қийинчиликларни енгиб ўтганмиз. (Газ.)— Нас не пугают трудности, потому что мы преодолевали много трудностей. Кеча мен сизникига бора олмадим, чунки ишим чиқиб қолди.— Вчера я не смог прийти к вам, так как у меня было дело. Бундай муносабатларни гап таркибидаги компонентларнинг ўрнини алмаштирган ҳолда ҳам ифодалаш мумкин: Кеча мен сизникига бора олмадим, чунки ишим чиқиб қолди.— Ишим чиқиб қолганлиги учун, кеча мен сизникига бора олмадим.— Ишим чиқиб қолди, шунинг учун кеча мен сизникига бора олмадим* каби. Бундай пайтда эргаш гап билан бош гапни ўзаро боғловчи воситалар ёки уларнинг формалари ҳам ўзгаради: биринчи мисолда *чунки*, иккинчи мисолда ... *ганлиги учун*, учинчи мисолда *шунинг учун* каби.

Компонентларнинг ўрин алмашиниб қўлланиши рус тилида ҳам учрайди: *Хамид Алимджан писал свои стихи для народа, поэтому народ с любовью читает их.— Так как Хамид Алимджан писал свои стихи для народа, народ читает их с любовью.*

## 19- §. Кўчирма ва ўзлаштира гаплар (Прямая и косвенная речь)

Маълумки, сўзловчи (ёзувчи) ўз нутқида бошқа бирор шахснинг фикрини баён этиш мақсадида кўчирма (прямая речь) ёки ўзлаштира (косвенная речь) конструкциялардан фойдаланади. Бундай конструкциялар, асосан, эргаш гапли қўшма гаплар турига киради. Бу хил қўшма гапларнинг тузилиши, ундаги эргаш ва бош гапларнинг ўзаро муносабати, синтактик алоқаси турлича бўлади. Хусусан:

1. Кўчирма гап олдинги позицияда бўлиб, унда ифодаланган фикр ва экспрессияни изоҳлаш учун ишлатилган автор гапи инверсион тартибда тузилади (кесими эгадан олдин ишлатилади). Қиёсланг: *Хўп дедим-ку, минг марта гапираверасизми?— деди силтаб Нури. (Ойбек.)— Я ведь согласилась, что же беспрестанно твердите одно и то же?— отрезала Нури. Бун тўғри искабсан»,— кулди Хадичабегим. (Ойбек.)— Ты это верно пронохала,— засмеялась Хадичабегим. «Шошма, Нури»,— сабрсизланиб шивирлади онаси. (Ойбек.)— «Не торопись, Нури»,— не терпеливо шепнула мать. Ўзбек тилидаги бу тип конструкцияларда автор гапи, одатда, демоқ феълнинг *деб, деди* каби шакллари билан бошланади. Бу сўзларсиз тузилган гаплар ўзбек тили учун янги ҳодиса бўлиб, улар рус тили таъсирида ривожланмоқда.*

2. Кўчирма гап автор гапи ичида уни иккига ажратиб келади: *Халқда: «Аввал ўйла, кейин сўйла»,— деган гап бор.— В народе есть пословица, которая гласит: «Сначала подумай,*

потом говори». Рус тилидаги бу конструкцияда кўчирма гап автор гапидан кейин келган. Аммо рус тилида ҳам кўчирма гапнинг автор гапи орасида келиш ҳоллари учрайди: *Он сказал: «Я быстро вернусь» — и побежал не оглядываясь назад.*

3. Автор гапи конструкция бошида келиши ҳам мумкин: *У менга қараб туриб сўради: «Неча ёшдасан?» — Он посмотрел на меня и спросил: «Сколько тебе лет?»* Мисоллардан кўриниб турибдики, кўчирма гап конструкциянинг бошида, ўртасида ва охирида келиши мумкин, аммо қиёсланаётган гаплар доим бир-бирига мос бўлавермайди.

Ўзбек ва рус тилларида кўчирма ва ўзлаштирма гаплар синтактик қурилиши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Бу айниқса ҳаракат ёки ҳолат субъектларининг ишлатилишида аниқ кўринади. Масалан:

«Я работаю неплохо»	}	— сказал директор.
«Мы работаем отлично»		
«Ты учишься хорошо»		
«Вы учитесь неплохо»		
«Он (она) учится отлично»		
«Они работают хорошо»		

«Мен яхши ишлайман»	}	— деди директор.
«Биз жуда яхши ишлаймиз»		
«Сен яхши ўқийсан»		
«Сиз ёмон ўқимайсиз»		
«У жуда яхши ўқийди»		
«Улар яхши ишлайдилар»		

Буларнинг ўзлаштирма вариантлари қуйидагича:


1. Директор сказал, что он (директор) работает неплохо.— Директор ўзи яхши ишлаётганини айтди. Директор сказал, что они работают отлично.— Директор ўзлари (директор ва унинг группаси) жуда яхши ишлаётганини айтди. 2. Директор сказал, что я учусь хорошо.— Директор менинг яхши ўқиётганимни айтди. 3. Директор сказал, что вы учитесь неплохо.— Директор сизларнинг яхши ўқиётганлигингизни айтди. 4. Директор сказал, что он (Петров) учится отлично.— Директор унинг (Петровнинг) аъло ўқиётганлигини айтди. Директор сказал, что они (эти товарищи) работают хорошо.— Директор бу ўртоқларнинг яхши ишлаётганини айтди. Бу гаплардаги конкрет шахс маъноси нутқ вазиятида кўпроқ равшанлашади.

Автор гапидаги илтимос, буйруқ маъноларини рус тилида ўзлаштирма гап орқали ифодалаш керак бўлганда *чтобы* боғловчиси ишлатилади. Бунинг содда гап варианты ҳам мавжуд. Қиёсланг:




Рус тилида кўчирма ва ўзлаштира гапларда конкрет шахсларнинг ифодаланиши ўзбек тилидан фарқ қилишини қуйидаги таблицда кўриш мумкин:

### Кўчирма гапларнинг тузилиши



Шуни ҳам айтиш керакки, рус тилида кўчирма гапларнинг бу тарзда қўлланиши кам учрайди. Уларнинг ўзлаштира гап шакли эса кўпроқ оғзаки нутққа хосдир.



Бу жадвалда чап томондаги сўзловчини англлатувчи конкрет шахс ўнг томонда берилган ҳар бир шахснинг ҳаракатини қайд қила олади. Масалан: *Я говори́л, что я приду. Я говори́л, что ты приде́шь. Ёки: Ты говори́л, что я приду. Ты говори́л, что мы приде́м. Ты говори́л, что она приде́т* каби.

Ҳар бир сўзловчининг ўз ҳаракатини ифодалаш учун тузган ўзлаштира гаплари қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин: *Ўзлаштира гапда шахс ифодаси бошқача бўлади:*

- Я говори́л, что мне было хорошо.*
- Ты говори́л, что тебе было хорошо.*
- Он говори́л, что ему было хорошо.*
- Она говори́ла, что ей было хорошо.*
- Мы говори́ли, что нам было хорошо.*
- Вы говори́ли, что вам было хорошо.*
- Они говори́ли, что им было хорошо.*

Бу мисоллардан кўринадики, рус тилида ўзлаштира гапларнинг синтактик қурилиши, уларда айрим шахсларнинг ифодаланиши ўзбек тилидагидан анча фарқланади.



## АДАБИЁТЛАР

### 1. Қиёсий грамматика ва қиёсий типология бўйича адабиётлар:

Азизов А. Семантика настоящего времени глаголов русского и узбекского языков. Труды института языка и литературы им. А. С. Пушкина. Изд-во АН УзССР, Ташкент — 1950.

Азизов А. А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков. Морфология. Изд-во «Ўқитувчи», Ташкент — 1983.

Азизов А. А., Мирзаев М., Сафаев А., Бўрибеков А. Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1965.

Азизов А. А. Категория числа существительных в русском и узбекском языках. Журн. «Русский язык в узбекской школе», 1959, № 5.

Азизов А. А. Категория вида русского глагола и грамматические средства передачи её в узбекском языке. Журн. «Русский язык в узбекской школе», 1960, № 2.

Асфандияров И. У. К вопросу об общих методах исследования двух разносистемных контактирующих языков. Журн. «Вопросы языкознания», 1980, № 1.

Баскаков Н. А. Структура тюркских языков сравнительно со структурой русского языка. Учёные записки Каракалпакского Госпединститута, выпуск № 1, Нукус — 1957.

Будагов Р. А. Типы соответствий между значениями слов в родственных языках. Филологические науки, 1968, № 5.

Газизов Р. С. Сопоставительная грамматика татарского и русского языков. Татгосиздат, Казань — 1959.

Гак В. Г. Сравнительная типология французского и русского языков. Изд-во «Просвещение» (Ленинградское отделение), Ленинград — 1977.

Гак В. Г. Сопоставительная лексика (на материале французского и русского языков). Москва — 1977.

Жирмунский В. М. Развитие категории частей речи в тюркских языках по сравнению с индоевропейскими языками. Известия АН СССР, отд. языка и литературы, № 3—4, Москва — 1945.

Исенгалиева В. А. Употребление надежей в казахском и русском языках. Изд-во АН КазССР, Алма-Ата — 1961.

Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков, часть III, Синтаксис. Изд-во АН СССР, Москва — 1961.

Киссен И. А. Курс сопоставительной грамматики русского и узбекского языков. Изд-во «Ўқитувчи», Ташкент — 1977 (2-издание).

Крушельницкая К. Г. Очерки по сопоставительной грамматике немецкого и русского языков, Москва — 1961.

Макеев Э. А., Гаджиева Н. З. Сравнительное языкознание в истории Академии наук. Журн. «Вопросы языкознания», 1974, № 5.

Полыванов Е. Д. Русская грамматика в сопоставлении с узбекским языком. Ташкент — 1933.

Принципы типологического анализа языков различного строя. Москва — 1972.

Резюков Н. А. Сопоставительная грамматика русского и чувашского языков. Чувашгосиздат, Чебоксары — 1959.

Сопоставительное исследование русского и украинского языков. (Отв. ред. Г. П. Ижакевич). Изд-во «Наукова думка», Киев — 1975.

Сравнительная грамматика русского и азербайджанского языков. Под редакцией проф. М. А. Ширалиева и доц. С. А. Джафарова. Изд-во АГУ им. С. М. Кирова, Баку — 1954.

Умаров М. У. Виды русского глагола и способы их выражения в узбекском языке. Учпедгиз, Ташкент — 1958.

Ярцева В. Н. О сопоставительном методе изучения языков. Журн. «Филологические науки», 1960, № 1.

## 2. Узбек тилшунослиги бўйича адабиётлар:

Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланиди? ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1974.

Абдурахманов Г. А. Основы синтаксиса сложного предложения современного узбекского литературного языка. Изд-во АН ЎзССР, Ташкент — 1960.

Абдурахмонов Ф. А. Қўшма гап асослари. ЎзССР Фанлар академияси нашриёти, Тошкент — 1958.

Асқарова М., Қосимова К., Жамолхонов Ҳ. Узбек тили. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1976.

Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. Москва-Ленинград — 1960.

Махмудов А. Словесное ударение в узбекском языке. Изд-во АН ЎзССР, Ташкент — 1960.

Махмудов А. Гласные узбекского языка. Изд-во «Фан» ЎзССР, Ташкент — 1968.

Махмудов А. Сонорные узбекского языка. Изд-во «Фан» ЎзССР, Ташкент — 1980.

Махмудов А. Узбек адабий тилида сўзларнинг фонетик структураси. Журн. «Узбек тили ва адабиёти», 1984, № 2.

Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Узбек тили (4-нашир), «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1978.

Сайфуллаев А. Р. Семантико-грамматические особенности членов предложения в современном узбекском языке. Изд-во «Фан» ЎзССР, Ташкент — 1984.

Сафаев А. С. Семантико-синтаксическое членение предложения в узбекском языке. Изд-во «Фан» ЎзССР, Ташкент — 1977.

Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 2-нашир, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1975.

Усмонов С. Умумий тилшунослик. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1972.

Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили, 1-қисм. «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1980.

Узбек тили грамматикаси. I том, Морфология. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1975.

Узбек тили грамматикаси. II том, Синтаксис. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1976.

Фуломов А. Ф. Фейл. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1954.

Фуломов А. Ф., Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек адабий тили, Синтаксис, «Ўқитувчи» нашриёти, Тошкент — 1965.

Ҳожиев А. Узбек тилида кўмакчи феъллар. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1966.

Ҳожиев А. Тўлиқсиз феъл. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1970.

Ҳожиев А. Феъл. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1973.

Ҳозирги ўзбек адабий тили. I том. Фонетика. Лексикология. Морфология. ЎзССР «Фан» нашриёти, Тошкент — 1966.

### 3. Рус тилшунослиги бўйича адабиётлар:

Бабайцева В. В., Максимов Л. Ю. Современный русский язык, часть III, Синтаксис. Пунктуация. Изд-во «Просвещение», Москва — 1981.

Буланин Л. Л. Фонетика современного русского языка. Изд-во «Высшая школа», Москва — 1970.

Виноградов В. В. Русский язык. Изд-во «Наука», Москва — 1972.

Грамматика русского языка. Том I. Фонетика, Морфология. Изд-во АН СССР, Москва — 1960.

Грамматика русского языка. Том II (часть вторая), Синтаксис, Изд-во АН СССР, Москва — 1960.

Жуков В. П. Семантика фразеологических оборотов. Изд-во «Просвещение», Москва — 1978.

Матусевич М. И. Современный русский язык. Фонетика. Изд-во «Просвещение», Москва — 1976.

Милославский И. Г. Морфологические категории современного русского языка. Изд-во «Просвещение», Москва — 1981.

Новиков Л. А. Семантика русского слова. Изд-во «Высшая школа», Москва — 1982.

Русская грамматика. Том I, Изд-во «Наука», Москва — 1982.

Русская грамматика. Том II, Изд-во «Наука», Москва — 1982.

Современный русский язык. Морфология. Изд-во МГУ, Москва — 1952.

Современный русский язык. Часть I. 3-издание, Изд-во «Высшая школа», Москва — 1979.

Современный русский язык. Часть II. Изд-во «Высшая школа», Москва — 1979.

Шанский Н. М. Лексикология современного русского языка. Изд-во «Просвещение», Москва — 1972.

Шанский Н. М., Быстрова Е. М., Аликулов Т. 700 фразеологических оборотов русского языка. Изд-во «Русский язык», Москва — 1982.

Шанский Н. М., Иванов В. В. Современный русский язык, Часть I. Изд-во «Просвещение», Москва — 1981.

Шмелев Д. Н. Современный русский язык. Лексика. Изд-во «Просвещение», Москва — 1977.

### 4. Рус ва ўзбек тиллари алоқаси бўйича адабиётлар:

Асқарова М. Ўзбек тили синтактик қурилиши такомилда рус тилининг роли. «Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётида рус тилининг роли», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари тўплами, Тошкент — 1983 (3—11-бетлар).

Асқарова М., Джамалханов Х. Актуальные вопросы узбекского языкознания в свете ленинских идей. Сб. «Ленинизм и современность», Изд-во «Ўқитувчи», Ташкент — 1980.

Асфандияров И. У. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Журн. «Вопросы языкознания», 1982, № 2.

Бегматов Э. Ўзбек тили ўз қатлам лексикаси ривожда рус тилининг роли. «Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётида рус тилининг роли», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари тўплами, Тошкент — 1983 (44—49-бетлар).

Дониёрова Н. Ўзбек тилида уй-рўзгор асбоблари лексикасининг боёишида рус тилининг роли. Юқоридаги тўплам (50—53-бетлар).

Жамолхонов Х. «Ҳозирги ўзбек адабий тили»дан методик кўрсатмалар ва конспектив курс, I қисм, Тошкент — 1979 (13—20-бетлар).

Жамолхонов Х. Ўзбек ва рус тилларида лексик маъно тараққиёти.

«Ўзбек адабий тили тараққиёти масалалари», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари тўплами, Тошкент—1982 (8—14-бетлар).

Жамолхонёв Ҳ., Мўминова М. Ўзбек ва рус тилларидаги фразеологизмларга қиссий характеристика. «Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётида рус тилининг роли», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари тўплами, Тошкент—1983 (19—24-бетлар).

Муродова М. Шерият таркибидаги русча-интернационал сўзларнинг баъзи лингвистик хусусиятлари. Юқоридаги тўплам (53—58-бетлар).

Пўлатов М. Рус тилининг ўзбек тили тараққиётига таъсири ҳақида. ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент—1956.

Саидниёзова Х. Ўзбек тилига рус тилидан кирган миқдор билдирувчи сўзлар. «Ҳозирги ўзбек адабий тили тараққиётида рус тилининг роли», Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти илмий асарлари тўплами, Тошкент—1983 (41—44-бетлар).

Сапаев Қ. Ўзбек тили қурилиш терминологиясининг бойишида рус тилининг роли. Юқоридаги тўплам (35—41-бетлар).

Эшонқулов Ю. Ўзбек терминологиясининг тараққиётида рус тилининг роли. Юқоридаги тўплам (24—30-бетлар).

## МУНДАРИЖА

Сўз боши . . . . .	3
--------------------	---

### ФОНЕТИКА

1-§. Унлилар системаси (Вокализм) . . . . .	6
2-§. Унли фонемалар характеристикаси (Характеристика гласных фонем) . . . . .	7
3-§. Ундошлар системаси (Консонантизм) . . . . .	20
4-§. Ундош фонемалар характеристикаси (Характеристика согласных фонем) . . . . .	26
5-§. Фонетик ҳодисалар . . . . .	37
6-§. Бўғин (Слог) . . . . .	44
7-§. Ургу (Ударение) . . . . .	45

### ЛЕКСИКА

1-§. Ўзбек ва рус тиллари лексикасига қиёсий характеристика (Сопоставительная характеристика лексики узбекского и русского языков) . . . . .	47
2-§. Ўзбек ва рус тилларида лексик маъно тараққиёти (Развитие лексического значения в узбекском и русском языках) . . . . .	49
3-§. Ўзбек ва рус тилларида омонимия, синонимия, антонимия ҳодисалари (Омонимы, синонимы, антонимы в узбекском и русском языках) . . . . .	55
4-§. Ўзбек ва рус тиллари лексикасининг ижтимоий-диалектал состави (Социально-диалектная характеристика лексики узбекского и русского языков) . . . . .	60
5-§. Экспрессив-стилистик жиҳатдан ўзбек ва рус тиллари лексикаси (Экспрессивно-стилистическая лексика узбекского и русского языков) . . . . .	63
6-§. Актив ва пассив лексика (Активная и пассивная лексика) . . . . .	64
7-§. Фразеология . . . . .	66

### МОРФОЛОГИЯ

1-§. Сўз таркиби (Состав слова) . . . . .	72
2-§. Сўз туркумлари (Части речи) . . . . .	81
3-§. От (Имя существительное) . . . . .	82
4-§. Эғалик категорияси (Категория принадлежности) . . . . .	84
5-§. Род категорияси (Категория рода) . . . . .	85
6-§. Сон категорияси (Категория числа) . . . . .	87
7-§. Отларнинг турлавиши (Склонение имён существительных) . . . . .	89
8-§. Келишик формаларининг маънолари (Значение падежных форм)	92
Бош келишик (Именительный падеж) . . . . .	92
Қаратқич келишик (Родительный падеж) . . . . .	92
Жўналиш келишик (Дательный падеж) . . . . .	96
Тушум келишик (Винительный падеж) . . . . .	97
Ўрин-пайт келишик (Местный падеж) . . . . .	99
Чиқиш келишик (Исходный падеж) . . . . .	99

Творительный падеж . . . . .	101
Предложный падеж . . . . .	103
9-§. Отларнинг ясалиши (Образование имён существительных) . . . . .	104
10-§. Сифат (Имя прилагательное) . . . . .	109
11-§. Сон (Имя числительное) . . . . .	115
12-§. Олмош (Местоимение) . . . . .	121
13-§. Фейл (Глагол) . . . . .	131
14-§. Фейлларда тур категорияси (Вид глагола) . . . . .	133
15-§. Майл категорияси (Категория наклонения) . . . . .	136
Буйруқ майли (Повелительное наклонение) . . . . .	136
Шарт майли (Условное наклонение) . . . . .	138
Аниқлик майли (Изъявительное наклонение) . . . . .	139
16-§. Фейл нисбатлари (Залогии глагола) . . . . .	144
Аниқ нисбат (Действительный залог) . . . . .	145
Мажхуллиқ нисбати (Страдательный залог) . . . . .	146
Биргалик нисбати (Взаимный залог) . . . . .	147
Орттирма нисбат (Понудительный залог) . . . . .	147
17-§. Шахсиз феъллар (Безличные глаголы) . . . . .	148
18-§. Фейлларнинг ясалиши (Образование глаголов) . . . . .	149
19-§. Сифатдош (Причастие) . . . . .	151
20-§. Равишдош (Деепричастие) . . . . .	155
21-§. Равиш (Наречие) . . . . .	158
22-§. Кўмакчилар (Послелогии предлоги) . . . . .	162
23-§. Боғловчилар (Союзы) . . . . .	164
24-§. Юкламалар (Частицы) . . . . .	165
25-§. Тақлидий сўзлар (Мимема) . . . . .	167
26-§. Модал сўзлар (Модальные слова) . . . . .	167
27-§. Ундовлар (Междометия) . . . . .	168

#### СИНТАКСИС

1-§. Ўзбек ва рус тилларининг умумий синтактик хусусиятлари (Общие синтаксические особенности узбекского и русского языков) . . . . .	169
2-§. Ўзбек ва рус тилларининг ўзига хос синтактик хусусиятлари (Отличительные синтаксические особенности узбекского и русского языков) . . . . .	170
3-§. Сўз бирикмаси ва унинг типлари (Словосочетание и его типы) . . . . .	175
4-§. Теги боғланиши йўли билан тузилган сўз бирикмалари (Словосочетания, составленные способом сочинения) . . . . .	176
5-§. Эргашини йўли билан тузилган сўз бирикмалари (Словосочетания, составленные подчинительной связью) . . . . .	178
6-§. Сўз бирикмаларида келишкларнинг роли (Употребление падежей в словосочетаниях) . . . . .	184
7-§. Сўз бирикмаларида кўмакчиларнинг роли (Употребление послелогов в словосочетаниях) . . . . .	190
8-§. Фейлга феъл эргашувидан тузилган сўз бирикмалари (Словосочетания типа глагол+глагол) . . . . .	191
9-§. Ҳаракат номи, сифатдош билан феълдан тузилган сўз бирикмалари (Словосочетания типа имя действия+глагол, или причастие+глагол) . . . . .	192
10-§. Ўзбек тилида гапларининг сўз бирикмаси компонентига айланиши (Употребление предикативных конструкций как компонент словосочетаний) . . . . .	193

#### Содда гап

##### (Простое предложение)

11-§. Эга ва унинг ифодаланиши (Подлежащее) . . . . .	195
12-§. Кесим ва унинг ифодаланиши (Сказуемое) . . . . .	200
Иккинчи даражали бўлақлар (Второстепенные члены) . . . . .	218

13- §. Аниқловчи (Определение) . . . . .	218
14- §. Тўлдирувчи (Дополнение) . . . . .	223
15- §. Ҳол (Обстоятельство) . . . . .	226

**Қўшма гап**  
(Сложное предложение)

16- §. Боғловчисиз қўшма гап (Бессоюзные сложные предложения) . . . . .	229
17- §. Боғланган қўшма гап (Сложносочинённые предложения) . . . . .	231
18- §. Эргашган қўшма гап (Сложноподчинённые предложения) . . . . .	238
19- §. Кўчирма ва ўзлаштира гаплар (Прямая и косвенная речь) . . . . .	245

*На узбекском языке*

АТАКУЗИ АЗИЗОВ, АХМАД САФАЕВ,  
ХАСАНБАЙ ДЖАМАЛИХАНОВ

**СОПОСТАВИТЕЛЬНАЯ ГРАММАТИКА  
УЗБЕКСКОГО И РУССКОГО ЯЗЫКОВ**

*Ташкент «Уқитувчи» 1986*

Редактор *Х. Гуломова*  
Бадний редактор *П. А. Бродский*  
Техн. редактор *Т. Грешикова*  
Корректор *Э. Мирхолиқова*

ИБ № 2233

Теринга берилди 28.06.86. Босинга рухсат этилди 30.06.86. Формати 60×90/16. Тип, қоғози № 3. Литературная гарн. Кегли 10,8 шпонсиз. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 16,0. Шартли кр.-отт. 16,0. Нашр. л. 14,1. Тиражи 5000. Зак. 2049. Баҳоси 90 т.

«Уқитувчи» нашриёти. Ташкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—192—84.

Ўзбекистон ССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети Ташкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонасида терилиб, 1-босмахонасида босилди, Ташкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1986.

Набрано на Головном предприятии. Отпечатано в типографии № 1 ТППО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по делам издательства, полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.



**Азизов О. ва бошқ.**

Ўзбек ва рус тилларининг қиёсий грамматикаси (Фонетика, лексика, морфология ва синтаксис): Ун-т ва пед. ин-т филол. фак. студ. учун ўқув қўлл. / О. Азизов, А. Сафаев, Ҳ. Жамолхонов.— Т.: Ўқитувчи, 1986.— 256 б.

1.1, 2 Автордош.

Азизов А. и др. Сопоставительная грамматика узбекского и русского языков.

81.2Ўз.я73+81.2Ря73

№ 464—86  
Навоий номли ЎзССР  
Давлат кутубхонаси.  
Тираж 2500  
Қарт. тиражи 6000.

